

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ТАРИХ ВА ҲУҚУҚ ФАКУЛЬТЕТИ

«Ҳуқуқшунослик» кафедраси

Тузувчи: ю.ф.н. доц. М.Нажимов

«ИЖРО ИШИ ЮРИТИШ» фани маъруза матнлари

Нукус-2017

I МАВЗУ. ИЖРО ИШИ ЮРИТИШ ТУШУНЧАСИ, МОҲИЯТИ ВА ПРЕДМЕТИ

1. Ижро иши юритиш предмети тушунчаси ва унинг хусусиятлари
2. Ижро иши юритишнинг асосий принциплари
3. Ижро ҳуқуқи (ижро иши юритиш) ва ҳуқуқнинг бошқа соҳалари
4. Ижро иши юритишнинг ислоҳ қилиниши

1. Ижро иши юритиш предмети тушунчаси ва унинг хусусиятлари

Ҳозирги замон фанида айрим ҳуқуқшунослар ижро иши юритиш фуқаролик ёки хўжалик процессининг босқичи деган фикрдалар. Бошқа ҳуқуқшунослар эса ижро иши юритиш маъмурий процесс тизимининг алоҳида қисми деган фикрни асослашга ҳаракат қилмоқдалар. Аммо кейинги вақтда кўпчилик олимлар ижро иши юритиш ҳуқуқнинг мустақил соҳаси деган фикрга келмоқда.

Бизнинг фикримизча ижро иши юритиш фуқаролик, хўжалик ёки маъмурий процесснинг босқичи бўлиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11 - моддасига кўра давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг 3 - моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилади. Бу шуни билдирадики судларнинг функциясини амалга ошириш бошқа органларга юкланишига ёки бу функцияни бошқа органлар ёки мансабдор шахслар томонидан ўзлаштиришига йўл қўйилмайди. Қонунга кўра суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти органлари суд ижрочилари зиммасига юклатилган. Барча ижро ҳаракатларини суд эмас, балки айнан суд ижрочиси амалга оширади. Шуни ҳам назарда тутиш керакки, Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунига кўра суд ижрочиси ваколатларида нафақат суд ҳужжатларини мажбурий ижро этиш, балки қонунда белгиланган ваколатларини амалга ошираётганларида жисмоний ёки юридик шахслар зиммасига пул маблағлари ва бошқа мол-мулкни ўзга шахсларга бериш ёхуд улар фойдасига муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёки бундай ҳаракатларни амалга оширишдан ўзини тийиш мажбуриятини юклаш ҳуқуқи берилган бошқа органларнинг (мансабдор шахсларнинг) ҳужжатларини ҳам мажбурий ижро этиш назарда тутилган.

Суд ижрочиси ижро ҳокимияти вакили бўлиб, ижро ҳаракатларини барча ижро ҳужжатлари учун ягона тартибни ўрнатувчи суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллаб амалга оширади.

Ижро иши юритишнинг ҳуқуқ тизимидаги ўрнини белгилаш советлар даврида ҳам муаммо ҳисобланган. Ўша даврдаёқ айрим илғор фикрли процессуалист-олимлар (масалан, профессор Юков М.К.) ижро иши юритишга ҳуқуқнинг алоҳида соҳаси – ижро ҳуқуқи сифатида қараш лозимлиги ҳақидаги фикрларни айтганлар. Ўша даврларда ижро иши юритиш (суд қарорларни ижро этиш) ананавий тарзда фуқаролик процессининг босқичи ҳисобланган. Суд қарорларини мажбурий ижро этишни тартибга солувчи нормалар Ўзбекистон Республикасининг 1963 йилда қабул қилинган Фуқаролик процессуал кодексига ўз аксини топган. Суд ижрочилари судлар ҳузурида бўлиб, улар томонидан амалга ошириладиган барча ижро ҳаракатлари судья томонидан назорат қилинган ва суд ижрочилари ўзлари томонидан қабул қилинадиган ҳужжатларни судья билан келишиб олишган. Ўша даврда олимлар ўртасида ижро иши юритишнинг ҳуқуқий табиати ҳақида келиб чиққан баҳсларга суд ҳокимияти ижро ҳокимиятининг функциясини бажариши, яъни суд таркибида фаолият кўрсатувчи мансабдор шахс – суд ижрочиси, нафақат суд қарорларини балки ички ишлар органлар қарорларини, ҳамда нотариуслар томонидан берилган ижро хатларини ҳам ижро этиши сабаб бўлган эди.

Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниши билан ижро иши юритишнинг мустақиллиги янада

аниқ кўриниб қолди. Ижро иши юритишнинг мустақиллиги турли ижро ҳужжатларини ижро этишда вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатлар ва фуқаролик процессидаги ҳуқуқий муносабатлар бир биридан фарқланиши ҳамда хилма-хиллиги билан боғлиқдир. Суд ва ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида вужудга келадиган процессуал муносабатларни, суд ижрочиси ва ижро иши юритиш субъектлари (ундирувчи ва қарздор) ўртасида вужудга келадиган ижро муносабатлари билан тенглаштириб бўлмайди.

Фуқаролик процесси ва ижро иши юритиш тарафлари бир биридан фарқ қиладиган турли процессуал мақомга эгадирлар. Фуқаролик процессида даъвогар ва жавобгар бир қатор диспозитив ҳуқуқлар ва процессуал мажбуриятларга эга. Булар ичида энг муҳими даъвогар томонидан билдирилган даъво талабларини исботлаш унинг мажбурияти эканлиги ва тегишлича жавобгар даъвога қарши билдирган эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шартлигидир. Ижро иши юритишда эса исботлаш мажбуриятлари мавжуд эмас, ундирувчи ва қарздор бутунлай бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.

Суд ва суд ижрочисинининг процессуал ҳаракатлари табиати мутлақо фарқ қилади. Агарда суд ишни кўриб чиқиб, тарафлар ўртасида вужудга келган низони мазмунан ҳал қилиб, тегишли қарор чиқарадиган бўлса, суд ижрочиси эса ундирувчи қарздорнинг молк-мулки, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларга қаратишдан иборат мажбурий ижро этиш чораларини қўллайди.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари судларнинг ваколатларини ва суд ижрочиларининг ваколатларини аниқ фарқлайди ҳамда суд одил судловни амалга ошириши, суд ижрочилари эса суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш тўғрисидаги қоидаларини мустаҳкамлайди. Суднинг одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал, Хўжалик процессуал, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни билан тартибга солинади. Суд ижрочиси фаолияти эса Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Суд суд ҳоқомиятини амалга оширади, суд ижрочиси эса - ижро ҳокимиятининг вакилидир.

Суд ижрочиси одил судловни амалга оширишга ваколатли бўлмаганлиги сингари, суд ҳам ижро ҳужжатларини мажбурий ижро эта олмайди. Демак, ижро иши юритиш на фуқаролик процессининг, на хўжалик ёки жиноят процессининг босқичи бўлолмайди. Д.Х.Валеевнинг фикрича, ижро иши юритиш соҳасининг ислоҳ этилиши ва тегишли қонун ҳужжатларининг янгиланиши ижро иши юритишни маъмурий ҳуқуқ қамраб олади деган янги концепция пайдо бўлишига олиб келди¹. Мазкур концепция тарафдорлари ижро иши юритиш маъмурий ҳуқуқнинг ёки маъмурий процессуал ҳуқуқнинг бир қисми бўлиб, ижро иши юритишда вужудга келадиган муносабатлар эса тегишинча маъмурий ёки маъмурий-процессуал муносабатлардир деган асос келтирадилар².

Ижро иши юритиш маъмурий процесснинг бир қисми сифатида ҳам қаралиши мумкин эмас, чунки маъмурий процесс ва маъмурий ҳуқуқ ижро иши юритишда вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солмайди. Маъмурий ҳуқуқнинг предмети бўлиб, ижро ҳокимиятини ташкил этиш ва унинг фаолияти жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар мажмуаси ҳисобланади³. Маъмурий ҳуқуқ ижро иши юритишдан анча фарқ қиладиган мақсад ва вазибаларга эга.

Ижро иши юритиш – бу ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-Ижроия кодекси билан тартибга солинган жиноят-ижроия ҳуқуқи сингари ҳуқуқнинг мустақил соҳасидир, шунинг учун ҳам у ҳақидаги нормалар алоҳида қонунда жамланган.

¹ Валеев Д.Х. Исполнительное производство: Учебник для вузов. – СПб.: Питер, 2008. – Б. 30.

² Қаранг.: Сарычев А.Н. Исполнительное производство как вид административного производства: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 1998; Головин В.В. Административно-правовое регулирование реализации арестованного имущества (по материалам Службы судебных приставов): Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Омск, 2000; Бузникова Н.Е. Исполнительное производство по делам об административных правонарушениях: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2001; Попова Ю.А. Защита публично-правовых интересов граждан в судах общей юрисдикции. – Краснодар, 2001; Стрелкова И.И. Подведомственность арбитражному суду дел по экономическим спорам и иных дел: Автореф. дис. ... канд. наук. – Екатеринбург, 2002. – Б. 13; Кононов И.П. Современное состояние и вопросы кодификации административно-процессуального законодательства // Журнал российского права. – 2001. - № 7. – Б. 284 ва бошқа ишлар.

³ Қаранг.: Бахрах Д.Н. Административное право: Учебник для вузов. – М.: Издательство БЕК, 1997. – Б. 1.

Шундай қилиб, ҳулоса қилиш мумкинки ижро иши юритиш ҳуқуқнинг мустақил соҳасидир. Шу билан бирга ижро иши юритиш ҳуқуқнинг кўпгина соҳалари билан, айниқса фуқаролик процессуал ҳуқуқи ва хўжалик процессуал ҳуқуқи билан боғлиқдир.

Ижро иши юритиш — аввало, ҳуқуқнинг процессуал соҳасидир, унда вужудга келадиган барча муносабатлар бир хил, процессуал хусусиятга эгадир. Ижро иши юритишнинг моҳияти қонунда назарда тутилган тартибда қарздорга нисбатан ундирувчининг қонуний талабларини қондиришга қаратилган мажбурлов чоралари (мажбурий ижро) қўллашдан иборатдир. Ижро иши юритиш билан боғлиқ масалалар жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини давлат томонидан ҳимоя қилиниш самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Ижро иши юритиш фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни амалга оширишнинг яқунловчи босқичидир.

Ижро ҳуқуқнинг ҳуқуқий тартибга солиш предметини суд ижрочисининг ижро иши юритишдаги мажбурий ижро фаолияти туфайли вужудга келадиган процессуал муносабатлар ташкил этади. **Мажбурий ижро** фавқулодда чора бўлиб, у қарздорларга нисбатан анча қўшимча моддий санкциялар қўллаш билан боғлиқдир. Шунини таъкидлаш керакки ҳамма ҳолатларда ҳам ижро ҳужжатларини мажбурий ижро этиш зарурияти вужудга келавермайди. Кўпчилик ижро ҳужжатлари қарздорлар томонидан ихтиёрий равишда ижро этилади. Жамиятда ҳуқуқий маданият қанчалик юксак бўлса ва фуқароларнинг ҳуқуқий онги қанчалик юқори бўлса, ижро ҳужжатларини ихтиёрий ижро этиш даражаси ҳам шунчалик юқори бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “ҳуқуқий маданият даражаси фақатгина қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас. У - қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсунуш маданияти демакдир”⁴.

Ҳуқуқий тартибга солиш услуги тушунчаси у ёки бу ҳуқуқ соҳаси предметини ташкил этувчи ҳуқуқий муносабатлар қандай принципларга асосланиши тўғрисидаги саволга жавоб беради. Бошқача сўзлар билан айтганда, ҳуқуқнинг умумий назариясида ҳуқуқий тартибга солиш услуги – бу ижтимоий муносабатларнинг мазкур гуруҳига ҳуқуқий таъсир кўрсатишнинг юридик усуллари ва воситаларининг жамидир. Ҳуқуқий тартибга солиш услубининг қўйидаги элементларини ажратиб кўрсатиш кўпчилик томонидан қабул қилинган: а) ҳуқуқ субъектларининг умумий юридик ҳолати, б) ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва тугатилиши асослари; в) ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мазмунини шакллантириш усуллари; г) юридик таъсир этиш чоралари, услублари, асослари ва уларни қўллаш тартиб-тамоийллари⁵.

Ижро иши юритиш муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш услуги императивлик ва диспозитивлик принципларидан келиб чиқади.

Ҳуқуқий тартибга солиш услубини императивлиги бир тарафдан суд ижрочиси, иккинчи тарафдан бошқа субъектлар, шу жумладан ижро иши юритишда иштирок этувчи шахслар ўртасида ижро иши юритишда вужудга келадиган процессуал муносабатларда намоён бўлади. Ижро иши юритишда вужудга келадиган процессуал муносабатларда ҳамма вақт иккита субъект қатнашади. Ижро иши юритишда вужудга келадиган барча муносабатлар ҳокимият ва бўйсинуш муносабатларидир. Императивлик суд ижрочиси билан ижро иши юритишда иштирок этувчи шахслар ўртасидаги муносабатда ўзини намоён қилади. Шундай қилиб, императив метод ҳуқуқий муносабатларда ижро иши юритишнинг бошқа субъектларидан ташқари албатта суд ижрочисининг иштирок этишини тақозо этади.

Услубнинг диспозитивлиги ҳаракатларни содир этиш (ҳаракатларни содир этмаслик) ижро иши юритишда иштирок этувчи шахсларнинг эркига боғлиқлигини назарда тутаяди. Ижро иши юритишда вужудга келадиган муносабатларни тартибга солиш услубининг диспозитивлиги шу билан белгиланадики, ижро иши юритишда қатнашувчи тарафлар ҳамда бошқа шахсларнинг субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлари ижро иши юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан бир қаторда тарафларнинг юридик жиҳатдан тенглиги услубини қўлловчи фуқаролик, оила ҳуқуқи ва моддий ҳуқуқнинг бошқа соҳалари билан ҳам тартибга солинади⁶.

4 Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиядаги маъруза, 1995 йил 23 февраль // Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б.22.

5 Валеев Д.Х. Исполнительное производство: Учебник для вузов. – СПб.: Питер, 2008. – Б. 44.

6 Масалан, диспозитивлик ижро иши юритишни кўзгатишда, ундирувчининг ундирувдан воз кечишида, ундирувчи ва қарздор ўртасида келишув битими тузишда, ундирувчининг ижро ҳужжатида кўрсатилган, қарздордан олиб қўйилган муайян ашёларни олишдан воз кечишида намоён бўлади.

2. Ижро иши юритишнинг асосий принциплари

Ижро иши юритиш жисмоний ёки юридик шахслар зиммасига маълум мажбуриятларни юклаш ҳуқуқига эга бўлган органлар ва мансабдор шахсларнинг ҳужжатларини мажбурий ижро этишга хизмат қилади. Умум қабул қилинган фикрга кўра мажбурий ижро жараёни маълум принципларга асосланган ҳолда амалга оширилиши керак. Принциплар дейилганда ижро иши юритишда вужудга келадиган процессуал муносабатларнинг моҳияти ва мазмунини белгиловчи қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган асосий қоидалар мажмуи тушунилади⁷. Шунга эътиборни қаратиш керакки, мамлакатимиз қонун ҳужжатларида ижро иши юритиш принциплари ўз аксини топмаган. Назаримизда бу қонундаги ўзига хос бўшлиқдир. Ижро иши юритиш принципларининг қонунда акс эттирилиши бир қатор амалий аҳамиятларга эга бўлган бўлур эди. Жумладан, ижро иши юритиш принциплари ижро ҳужжатларини ўз вақтида, тўғри ва самарали ижро этилишини, ижро иши юритиш иштирокчилари ҳуқуқларини ҳимоя этилишини кафолатлайди, ва ижро ҳуқуқи предметиға кирувчи ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда давлатнинг ролини ифодалайди.

Ижро иши юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари таҳлили ижро иши юритишнинг бир қатор принциплари ҳақида сўз юритишга имкон беради.

Ижро иши юритишнинг принципи — ижро иши юритиш жараёнида вужудга келадиган процессуал муносабатларнинг мазмун ва моҳиятини белгиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган асосий қоидалар мажмуаси.

Ижро иши юритишнинг принципларини умумҳуқуқий ва махсус принципларга бўлиш мумкин.

Ижро иши юритишнинг *умумҳуқуқий принциплари* қаторига қонунийлик, тенглик ва адолатлиликни киритиш мумкин. Ижро иши юритишнинг *махсус принциплари*: диспозитивлик; ўз вақтида ижро ҳаракатларини амалга ошириш ва мажбурий ижро чораларини қўллаш; ижро иши юритиладиган тил; қарздорнинг шахсий дахлсизлиги; қарздор ва унинг оила аъзоларини турмуш кечириши учун энг зарур воситаларнинг дахлсизлиги; ундирилган пул суммаларини ундирувчилар ўртасида тақсимлашнинг мутаносиблиги принципи.

Ижро иши юритишда *қонунийлик принципи* ижро ҳаракатларини амалга оширишда инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари, шунингдек, юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига риоя этилиши ва ҳимоя қилинишида ўз аксини топади. Қонунийлик ўзида жамият ҳаётидаги шундай ҳолатни акс эттирадики бунда жамиятда, қарама-қаршиликларга эга бўлмаган, сифатли қонун ҳужжатлари амалда бўлади, бу жамиятда унинг барча аъзолари томонидан қонунлар ҳурмат қилинади, уларга аниқ ва оғишмай амал қилинади, қонун ҳужжатлари талаблари бузилган ҳолда эса давлат томонидан мажбурлов чоралари қўлланилиши муқаррарлиги таъминланади.

Қонунийлик ҳуқуқни амалга ошириш билан бевосита боғлиқдир, чунки қонунийликнинг ўзига хос мазмун моҳияти тегишли соҳани ҳуқуқий тартибга солинишнинг предмети ва усули билан бевосита боғлиқдир.

Ижро иши юритишда қонунийлик принципининг моҳияти қўйидагиларда ифодаланади:

- ижро иши юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига катъий мувофиқ бўлиши, муқамал тизимга эга бўлиши, имкони борича ижро иши юритишнинг барча масалаларини қамраб олиши ва қарама қаршиликлардан холи бўлиши шарт;

- коллизиялар вужудга келганда улар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси устуворлиги принциpidан келиб чиққан ҳолда ҳал қилиниши керак;

- суд ижрочиси ўз фаолиятида қонунларга асосланиши, яъни ижро иши юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқнинг бошқа соҳалари нормаларини тўғри қўллаши лозим;

- ижро иши юритиш иштирокчилари қонунга бўйсунуши шарт ва ўз ҳаракатларини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширишлари лозим ҳамда қонун бузилишларга йўл қўйилган ҳолда уларга нисбатан “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонун санкцияларида назарда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилишини англаб етишлари лозим;

- ижро иши юритишда йўл қўйилган ҳуқуқ бузарликлар учун жавобгарлик қўлланилиши муқаррар ;

⁷ Валеев Д.Х. Исполнительное производство: Учебник для вузов. – СПб.: Питер, 2008. – Б. 65.

- суд ижрочилари қарорларининг қонунга мувофиқлиги Суд департаментининг ваколатли мансабдор шахслари, суд ва прокурорлар томонидан назорат қилинади;

- ижро иши юритишда қонун ҳужжатларини ўхшашлик бўйича қўллашликка ижро иши юритишда вужудга келган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норма бўлмаган ҳолдагина йўл қўйилади ва бунда суд ижрочисининг ижро ҳуқуқи принципларидан келиб чиқишда назарда тутилади.

Ижро иши юритишда *тенглик принципи* шуни англатадики, давлат Ўзбекистон Республикасининг барча фуқароларига бир хил ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлайди ва улар жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар.

Ижро иши юритишда *адолатлилик принципи* суд ижрочисининг ижро асосларида аниқланган ҳақиқатга мувофиқ ҳаракат қилиши ҳамда ижро иши юритиш тарафларига нисбатан ҳолисона ва адолатли муносабатда бўлишини тақозо этади.

Ижро иши юритишда *диспозитивлик принципининг* намоён бўлиши ижро иши юритиш жараёнида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатларда хусусий ва оммавий манфаатлар мувозанатини таъминлаш муаммоси билан бевосита боғлиқдир. Ижро иши юритиш жараёнида диспозитивлик принципи мазмунини “имконият” категорияси орқали очиш мумкин. Бу шуни англатадики, ижро иши юритиш жараёнида тарафлар ўзларининг процессуал ҳуқуқларини эркин тасарруф этишлари мумкин. Диспозитивлик ижро иши юритишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳаракатларини ўз ихтиёрларига кўра амалга ошириш (ёки амалга оширмаслик) имкониятини назарда тутди.

Ўз вақтида ижро ҳаракатларини амалга ошириш ва мажбурий ижро чораларини қўллаш принципи ижро иши юритишнинг асосий принципларидан биридир. Бу принцип шуни англатадики, ижро ҳужжатида кўрсатилган талаблар суд ижрочиси томонидан ўз вақтида, яъни қонунда назарда тутилган муддатларда, бажарилиши керак. Қарздор томонидан ижро ҳужжати талабларини ихтиёрий бажарилмаслиги мажбурий ижро чоралари қўлланилишига олиб келади. Қонунда назарда тутилган мажбурий ижро чоралари суд ижрочиси томонидан ўз вақтида қўлланилиши шарт, акс ҳолда ижро ҳужжати талабларини бажариш имконияти қўлдан бой берилиши, бу эса ўз навбатида ундирувчининг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилишига олиб келиши мумкин.

Ижро иши юритиладиган *тил принципи* суд ишлари юритишдаги худди шунақанги принцип амал қилишининг мантиқий давомидир. Ижро ҳаракатлари амалга оширилаётганида ижро иши юритилаётган тилни билмайдиган шахсларга таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи таъминланади.

Ижро иши юритишда *қарздорнинг шахсий дахлсизлиги принципи* мавжуд. Қарздорнинг шахсий дахлсизлиги мажбурий ижро ҳаракатларини амалга оширишда бу ҳаракатларнинг объекти қарздорларнинг шахси эмас, балки унинг мол-мулки эканлигини англатади. Қарздорнинг шахсий дахлсизлиги шахснинг шахсий дахлсизлиги тўғрисидаги конституциявий норма билан кафолатланади.

Қарздор ва унинг оила аъзоларининг турмуш кечириши учун энг зарур воситаларининг дахлсизлиги принципи ижро ҳужжатлари ижро этилаётганда жисмоний шахсларга нисбатан ундирув қарздорнинг оиласи нормал турмуш кечириши учун зарур бўлган уй - жой, квартира, уй анжомлари ҳамда жиҳозлари, кийимлар ва бошқа буюмларга қаратилиши мумкин эмаслигини англатади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Ижро қаратилиши мумкин бўлмаган, қарздор ва унинг оила аъзолари нормал турмуш кечириши учун зарур бўлган уй анжомлари ҳамда жиҳозлари, кийимлар ва бошқа буюмларга рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Бу принцип ижро ҳаракатлари амалга оширилганидан сўнг ҳам қарздор ва унинг оила аъзоларининг нормал турмуш кечириш имкониятини кафолатлашга хизмат қилади.

Ундирилган пул суммаларини ундирувчилар ўртасида тақсимлашнинг мутаносиблиги принципи умумҳуқуқий принцип бўлмиш адолатлилик принципининг ижро иши юритишда ўз аксини топишининг бир кўринишидир. Ижро иши юритиш жараёнида ундирилган пул суммалари ундирувчилар ўртасида адолатли тақсимланиши лозим.

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг 79 - моддасида ундирувчиларнинг талабларини қаноатлантириш навбати белгиланган. Ундирилган сумма бир навбатдаги барча талабларни тўла қаноатлантириш учун етарли бўлмаса, улар ҳар бир ундирувчига тегишли суммага мутаносиб равишда қаноатлантирилади. Қонунга кўра, биринчи

навбатда: бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича талаблар; меҳнатга оид муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар; алиментлар ундириш бўйича талаблар; муаллифлик шартномалари бўйича ҳақларни тўлаш бўйича талаблар; ҳаётга ёки соғлиққа етказилган зарарни қоплаш бўйича талаблар; адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик ёрдам ҳақини тўлаш бўйича талаблар қаноатлантирилади.

Юқоридагилардан шундай хулосага келиш мумкинки Қонун биринчи навбатда давлат ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож катламлари манфаатларини ҳимоя қилишни назарда тутди. Ҳар бир кейинги навбатдаги талаблар ўзидан олдинги навбатдаги талаблар тўлиқ қондирилгандан кейин қаноатлантирилади.

Юқорида кўриб чиқилган принципларни атрофлича илмий тадқиқ этиш ва келажакда уларни қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаш ижро иши юритиш моҳиятини ҳамда фуқаролар ва ташкилотлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг процессуал кафолатлари тизимини яхшироқ англаб етишга, охир оқибатда эса ижро иши юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

3. Ижро ҳуқуқи (ижро иши юритиш) ва ҳуқуқнинг бошқа соҳалари

Ижро иши юритиш ҳуқуқнинг мустақил соҳаси сифатида ўзининг алоҳида ҳуқуқий тартибга солиш предметига эга бўлиб, бу суд ижрочисининг ижро иши юритиш жараёнида мажбурий ижро фаолиятини амалга оширишда вужудга келадиган процессуал муносабатлардир. Ижро иши юритишнинг ҳуқуқий тартибга солиш махсус услуби процессуал шакл орқали амалга оширилади. Шу билан бирга ижро ҳуқуқини ҳуқуқнинг бошқа соҳалари билан уларнинг бир хил принципларга асосланиши, бир хил услублардан фойдаланиши ҳамда ижтимоий муносабатларини тартибга солишга хизмат қилиш бирлаштиради. Ижро ҳуқуқи ҳуқуқнинг айрим соҳалари билан нафақат ўз табиатига кўра, балки аниқ вазифалари, қўлланиш соҳаси билан ҳам боғлиқдир. Ҳуқуқнинг бундай соҳаларига фуқаролик ҳуқуқи, фуқаролик - процессуал ҳуқуқи, хўжалик процессуал ҳуқуқи, жиноят-процессуал ҳуқуқи, прокурор назорати ва бошқалар киради.

Фуқаролик-процессуал ҳуқуқи ва хўжалик процессуал ҳуқуқи ижро ҳуқуқига энг яқин ҳуқуқ соҳалари ҳисобланади. Ижро ҳуқуқнинг кўрсатиб ўтилган ҳуқуқ соҳалари билан алоқадорлиги шунда намойон бўладиги фуқаролик ва хўжалик процессуал ҳуқуқи суд қарорларини ижрога қаратиш ва ҳакамлик суди қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш масалаларини тартибга солади. Ижро ҳуқуқи судларнинг фуқаролик ишлари бўйича ва хўжалик низолари бўйича чиқарган ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари асосида берилган ижро ҳужжатларининг мажбурий ижросини таъминлайди. Ўз навбатида суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнида вужудга келадиган низолар Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодексларида белгиланган қоидалар асосида суд тартибида ҳал қилинади.

Ижро иши юритишнинг фуқаролик ҳуқуқи билан алоқадорлиги шундаки, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги моддий ҳуқуқ нормалари, бузилган ҳуқуқларни тиклаш ижро ҳуқуқи томонидан судларнинг манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда тиклаш тўғрисидаги қарорларини мажбурий ижро этиш орқали таъминланади.

Кейинги пайтда ижро ҳуқуқи билан жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқи ўртасида ҳам маълум боғланишлар вужудга келди. Ўзбекистон Республикасининг N ЎРҚ-151 сонли “Жарима тариқасидаги жиноий жазони ижро этиш тартибини такомиллаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 10 апрель 2008 йилдаги Қонуни⁸ билан жазо тариқасида жарима тайинлаш тўғрисидаги ҳукм асосида берилган ижро ҳужжатини (ижро варақасини) мажбурий ижро этиш мажбурияти суд ижрочиларига юклатилган. Маълумки, жазо тайинлаш масалалари жиноят ҳуқуқ томонидан тартибга солинади, суд ҳукмларини ижрога қаратиш ва ҳукмларни ижро этиш жараёнида вужудга келадиган масалаларни ҳал қилиш жиноят-процессуал қонуни билан тартибга солинади.

Ижро иши юритишнинг маъмурий ҳуқуқ билан ўзаро алоқалари ҳақида ҳам эслатиб ўтиш

8 "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2008 йил, 14-15-сон, 94-модда.

зарур. Суд ижрочиси, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларини кўриш ҳуқуқига эга бўлган органлар (мансабдор шахслар) томонидан чиқарилган қарорларнинг мажбурий ижросини амалга оширади ҳамда ижро ҳокимияти вакили сифатида маъмурий-ҳуқуқий ваколатларга эга. Суд ижрочиси кўрсатилган ижро ҳужжатларини ижро этиш жараёнида маъмурий органларнинг (мансабдор шахсларнинг) ижро этилаётган ҳужжатлари юзасидан тушунтириш беришларини сўраб, тегишли органлар ёки мансабдор шахсларга мурожаат этишга ҳақлидир. Бу тушунтиришлар маъмурий қонунчилик қоидалари асосида берилади. Маъмурий органларнинг (мансабдор шахсларнинг) ҳужжатлари мажбурий ижро этилмаса, улар ўзининг амалий аҳамиятини йўқотади ва бефойда ҳужжатга айланиб қолади.

Ижро иши юритишнинг прокурор назорати билан ўзаро алоқадорлиги ўзбошимчалик билан турар жойини эгаллаб олган ёки авария ҳолатида деб топилган уйларида яшаётган шахсларни маъмурий тартибда кўчириш тўғрисидаги прокурорларнинг қарорларини мажбурий ижро этиш билангина боғлиқ эмас. Бу ўзаро алоқадорлик энг аввало ижро иши юритиш процессида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига риоя этилиши устидан прокурор назоратини амалга оширишда намоён бўлади. Суд ижрочилари томонидан қонун бузилишларига йўл қўйилган ҳолатлар аниқланганда прокурор суд ижрочисининг ҳаракатлари, процессуал ҳужжатлари устидан қонунда белгиланган тартибда протест киритишга ҳақли. Прокурор протестни “Прокуратура тўғрисида”ги, “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунлар, шунингдек, тегишинча Фуқаролик процессуал, Хўжалик процессуал ёки Жиноят-процессуал кодекслари нормаларига асосланган ҳолда киритади.

Шундай қилиб ижро ҳуқуқининг ҳуқуқнинг бошқа соҳалари билан хилма хил алоқаларга эга эканлиги ҳуқуқнинг таркибий қисмлари ўзаро алоқада бўлишини тақозо этувчи тизимли ҳусусиятга эга эканлигидан келиб чиқади.

4. Ижро иши юритишнинг ислоҳ қилиниши

Жамият ва давлат ҳаётининг бошқа соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар каби ижро иши юритишни ислоҳ этиш ҳам ижтимоий муносабатлар ривожига даражаси ҳисобга олинган ҳолда босқичма босқич амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган кўшма мажлисида қилган маърузасида “Республикамиз босиб ўтган мустақил тараққиёт йўли ва олдимизда турган вазифаларнинг маъно-моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўз юритганда, бу йўлни алоҳида икки даврга ажратиш тўғри бўлади. Ҳеч шубҳасиз, бу даврнинг ҳар бири мамлакатимиз тарихида ўзига хос ва ўзига мос муҳим ўрин эгаллайди...”

Ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислоҳот ва ўзгаришларини ўз ичига олган **дастлабки босқич – 1991- 2000 йиллар...**

2001 йилдан 2007 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олган **иккинчи босқич** фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври...»⁹ деган эди.

Ижро иши юритишни ислоҳ этиш борасида амалга оширилган ишларни куйидагилар билан изоҳлаш мумкин.

Бу ислоҳотларнинг **биринчи босқичи –1993 - 2000 йилларни** қамраб олади. Ҳозирда ҳаракатда бўлган ижро иши юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қабул қилингунга қадар ижро иши юритиш 1963 йилда қабул қилинган Фуқаролик процессуал кодекси ҳамда СССР Адлия Вазирлигининг 1985 йил 15 ноябрдаги 22-сонли Буйруғи билан тасдиқланган “Ижро иши юритиш тўғрисида”ги Қўлланма ва Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирининг 1993 йил 28 декабрдаги 57-П - сонли Буйруғи билан тасдиқланган “Ижронини юритиш Қўлланмаси” билан тартибга солинар эди.

1993 йилда тасдиқланган “Ижронини юритиш Қўлланмаси” ижро иши юритиш институтини ислоҳ этиш борасидаги дастлабки уриниш бўлди.

9 Каримов И.А. Ўзбекистон: 16 йил мустақил тараққиёт йўли. Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган кўшма мажлисида қилган маърузаси. – Ҳалқ сўзи. – 31 август.– 2007.

Шуни эътиборда тутиш керакки, ўша даврда ҳаракатда бўлган Фуқаролик процессуал кодекси (1963 йил 23 март) нормаларига, шунингдек, бу нормаларни ривожлантириш мақсадида қабул қилинган қонун ости ҳужжатларига мувофиқ суд ижрочилари туман (шаҳар) судлари штатига кирар ва ўзлари қайси суд ҳузурида бўлган бўлса шу суднинг юрисдикциясида бўлган ҳудудда ижро ҳаракатларини амалга оширар эдилар.

Суд ижрочиларининг суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижро этиш билан боғлиқ фаолияти судьянинг назорати остида эди. Судья ижрони тўғри ва ўз вақтида амалга оширилиши учун маъсул эди. Суд ижроси судьянинг назорати остида бўлиб, унинг ижро ҳужжатини ижро этиш борасидаги қўччилик ҳаракатлари ва қабул қиладиган қарорлари судья томонидан тасдиқланиши таълаб этиларди. Масалан, ундирилган пул суммаларини ундирувчилар ўртасида тақсимлаш ҳисоб-китоби, қарздорнинг ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки ёки даромадлари йўқлиги ҳақидаги далолатнома судья томонидан тасдиқланган. Мажбурий ижро билан боғлиқ айрим муҳим масалалар фақат судья томонидан ҳал қилинган. Бу масалалар ижро иши юритишни қўзғатиш, ижро иши юритишни қўзғатишни рад этиш, ижро ҳаракатларини кейинга қолдириш ҳақидаги, ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ва тугатиш ҳақидаги, ҳал қилув қарори ижросини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб ижро этиш, уни ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш ҳақидаги, ижро ҳужжатини ижро этмасдан ундирувчига қайтариш ҳақидаги, қарздорга қидирув эълон қилиш ҳақидаги, қарздорга жарима солиш ҳақидаги, ундан ижро ҳаракатларни ундириш ҳақидаги, ижро иши юритишни тамомлаш ҳақидаги ва бошқа масалалардир.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирининг Буйруғи билан тасдиқланган “Ижрони юритиш Қўлланмаси” биринчи навбатда, суд қарорларини мажбурий ижро этиш тартибини такомиллаштиришга йўналтирилган бўлиб, ижро иши юритиш самардорлигини ошириш мақсадини кўзлаган эди. Аммо, қўйилган масала тўлиқ ҳал этилмади ва ҳал қилиниши мумкин ҳам эмас эди, чунки Қўлланма 1963 йилдаги Фуқаролик процессуал кодекси V Қисмининг асосий қоидаларини ўзида акс эттирган.

Кўрсатилган даврда ижро иши юритиш институтини ислоҳ қилиш мақсадида бошқа чоралар ҳам кўрилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 22 мартдаги Қарори билан “Мусодара қилинган, эгасиз мол-мулкни, ворислик ҳуқуқи бўйича давлат ихтиёрига ўтган мол-мулкни ва ҳазиналарни ҳисобга олиш, баҳолаш ва сотиш тартиби ҳақида”ги Низом¹⁰ тасдиқланди. Мазкур Низом бошқа масалалар қаторида судларнинг мол-мулкни мусодора қилиш ҳақидаги ҳукмлари, ажримлари ва қарорларини ижро этиш масалаларини ҳам тартибга солади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов суд қарорларини ижро этиш тизимини қайта ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келди. Жумладан, Президент 1996 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1-чақириқ V сессиясида сўзга чиқиб, бошқа масалалар қатори суд қарорларини ижро этиш тизимини қайта ташкил этиш масаласига ҳам тўхталиб, шундай деган эди “...суд қарорларини ижро этиш тизимини қайта ташкил этиш чоратadbирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур. Шуни эътироф этиш керакки, бугунги кунда бу тизим самарасиз бўлиб, айрим суд қарорлари узоқ вақтгача ижро этилмаяпти. Ҳар бир суд қарори сўзсиз бажарилишини таъминлашга имкон берадиган пухта механизм барпо этилгани йўқ. Қолаверса, хўжалик судлари тизимида бундай тузилма умуман йўқ. Суд қарорлари ижросини тартибга солиб турувчи қонун қабул қилиш талаб этилмоқда...”¹¹. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 25 июльдаги “Ўзбекистон Республикаси Хўжалик судларининг тузилишини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ- 1501 сонли Фармони билан хўжалик судлари штат жадвалига суд ижрочиларини киритиш масаласи ҳал қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йилнинг 5 февралдаги “Хўжалик суди қарорларини ижро этишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-1704- сонли Фармони билан белгилаб қўйилдики:

- Ўзбекистон Республикаси хўжалик судларининг ҳал қилув қарорлари банклар, солиқ органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қарздорнинг ҳисобварақасида банд бўлмаган пул маблағлари мавжуд бўлган ҳолда ўз вақтида ижро этилиши шарт;

10 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлар тўплами, 1993 йил, 3-сон, 11-модда.

11 Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессияда сўзланган нутқ, 1996 йил 29 август // Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. – Т.: Ўзбекистон, 1997.- Б.128.

- қарздорнинг ҳисобварақасида пул маблағлари йўқлиги банк томонидан ҳужжат билан тасдиқланган ҳолда ундирувчи, шу жумладан солиқ органи томонидан хўжалик судига ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисида ариза беришга асос бўлади.

Президент Фармонида кўра хўжалик судлари суд ижрочиларига юқори турувчи солиқ органлари ва банклар вакиллари билан биргаликда суд қарорларини мансабдор шахслар томонидан ўз вақтида ижро этишни текшириш, қарздорларнинг ҳисобварақалари билан танишиш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қарздорларнинг мол-мулкани руйхатга олиш ва хатлаш ҳуқуқи берилди.

Биринчи бор суд қарорларини ижро этишда суд ижрочиларининг ички ишлар органи ходимлари билан ҳамкорлик қилишининг ҳуқуқий асоси яратилди. Юқорида кўрсатилган Фармон Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига хўжалик судлари суд ижрочилари ижро ҳаракатларини амалга ошираётганларида уларга зарур ёрдамларни кўрсатиш мажбурияти юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида номи келтирилган Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигига Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди билан биргаликда суд қарорлари ижроси тўғрисида ва суд ижросиси мақоми тўғрисидаги қонунлар лойиҳасини тайёрлаш топширилди.

Иккинчи босқич 2001 - 2007 йилларни камраб олади. Ижро иши юритиш институтини ислоҳ этишнинг иккинчи босқичи маҳсус ваколатли орган - Суд департаменти ташкил этиш билан бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 мартдаги “Судлар фаолияти таъминотини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 120-сонли Қарори¹² билан Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги ҳузурида маҳсус ваколатли орган - Судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ташкил этилди. Департаментга бошқа вазифалар қатори қабул қилинган суд қарорларини, шунингдек, бошқа органлар ҳужжатларини сўзсиз ижро этилишини таъминлашга йўналитирилган тизимли ишларни амалга ошириш, суд ижрочиларини танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолият кўрсатишини ташкил этиш мажбуриятлари юкланди.

Юқорида кўрсатилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига кўра “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг лойиҳаси тайёрланиб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритилди. Қонун лойиҳаси 2 чақириқ Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси V сессиясида 2001 йил 11-12 майда муҳокама қилиниши жараёнида Президент И.А.Каримов қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш юзасидан бир қатор таклифлар киритди¹³. Қонун лойиҳаси давлатимиз бошлиғи киритган таклифлар эътиборга олинган ҳолда, қайта ишланиб маромига етказилди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2001 йил 29 августда қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни ижро ҳужжатларини мажбурий ижро этиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи биринчи маҳсус қонундир. Мазкур Қонун қабул қилиниши билан ижро иши юритишнинг қуйидаги асосий масалалари ҳал этилди:

1) Ижро иши юритиш институтини ислоҳ этишнинг асосий ғояларидан бири амалга оширилди. Бу ғоя шундан иборатки суд ҳужжатларини ва айниқса ижро ҳокимиятининг маъмурий ва бошқа назорат қилувчи органларнинг ҳужжатларини мажбурий ижро қилиш фуқаролик ёки хўжалик суд ишларининг бир қисми бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам у Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодекслари нормалари билан тартибга солиниши мумкин эмас. Ижро иши юритиш ҳуқуқнинг мустақил соҳаси бўлганлиги туфайли ҳам у ҳақидаги нормалар алоҳида қонунда мужассамланди.

2) Ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципига мувофиқ суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш суд ҳокимиятининг эмас, балки ижро ҳокимиятининг вазифасидир. Шунинг учун ҳам мажбурий ижро органи суд ва суд ишларини юритишдан ажратилиб, ижро ҳокимияти органи Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигига

12 // Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуматининг қарорлари тўплами, 2001 й., 3-сон, 18-модда (Мазкур Қарор ЎЗР ВМ 22.09.2001 й. 383-сон Қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган).

13 Қаранг: Президент Ислам Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бешинчи сессияси давомида билдирган фикр-мулоҳазалари, 2001 йил 11-12 май. // Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз. Т. 9. - Т.: Ўзбекистон, 2001. - Б. 325-330.

берилди. Шу билан бирга суд ишларини юритиш ва ижро иши юритиш бажарадиган вазифаларни муштараклиги туфайли бир-бири билан узвий боғланган. Бу вазифалар жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан тадбиркорлик ва ўзга иқтисодий фаолиятини амалга оширишда бузилган ёки низоланишаётган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдир.

3) Ижро иши юритишда барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баровар муҳофаза этилиши қонун билан таъминланди. Ижро иши юритишда давлат мулки мулкнинг бошқа шаклларига нисбатан бирон бир устунликка эга эмас.

4) Суд ижрочиларининг таркибини яхшилаш ва уларнинг малакавий даражасини кўтаришнинг меъёрий асослари яратилди. Суд ижрочиси, қоида тариқасида, олий юридик ёки ўрта махсус (юридик) маълумотга эга бўлиши лозимлиги қонунда белгилаб қўйилди.

5) Суд ижрочисининг ҳокимият вакили эканлиги биринчи бор қонун ҳужжатида эътироф этилди. Ҳақиқатдан ҳам суд ижрочиси ва ижро иши юритиш субъектлари (ундирувчи ва қарздор) ўртасида вужудга келадиган муносабатлар ўз моҳиятига кўра ижро ҳокимияти ваколатларини амалга ошириш билан боғлиқдир. Суд ижрочисининг ижро ҳужжатларини ижро этиш билан боғлиқ талаблари нафақат ижро иши юритиш тарафлари учун, балки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

6) Ноинсоф қарздорлар томонидан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини бажармаганлиги учун, шунингдек, фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг суд ижрочиси қонуний талабларини бажармаганлиги ва Ўзбекистон Республикаси ижро иши юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун жавобгарлик кучайтирилди.

7) Ижро ҳужжатиини ихтиёрий равишда ижро этиш учун белгиланган муддатда узрсиз сабабларга кўра ижро этмаганлик ёки қарздор зиммасига муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёхуд бундай ҳаракатларни амалга оширишдан ўзини тийиш мажбуриятини юкловчи ижро ҳужжатиини узрсиз сабабларга кўра суд ижрочиси белгилаган муддатда ижро этмаганлик учун, жисмоний шахслар ва мансабдор шахсларга жарима солиш ҳуқуқи суд ижрочисининг ўзига берилди.

8) Қонун пул маблағларини ундириш ҳақидаги ижро ҳужжатиини ижро этмаганлик учун банк ва бошқа кредит ташкилотларига жарима солишни назарда тутди. Бундай ҳолларда жарима суд ижрочисининг тақдимномасига асосан суд томонидан солинади.

9) Суд ижрочиси ҳаракатлари устидан самарали назорат (ички назорат, суд ва прокурор назорати) ўрнатилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши суд ижрочиларини суд тизимидан чиқариб ижро ҳокимияти тизимига бериш имкониятини яратди. Бу ҳокимиятлар бўлиниш принципига тўлиқ мувофиқдир. Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши қонунчиликда мавжуд бўлган бўшлиқларни тўлдириш билан бирга, ижро иши юритиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, суд ижрочиларининг фаолиятини тартибга солиш, уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва мақомини қонунда мустаҳкамлаб қўйишга йўналтирилгандир. Бу ўз навбатида ижро иши юритишда суд ижрочиларининг жавобгарлигини оширишга, фуқароларнинг ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтиришга хизмат қилади. “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг асосий вазифаларидан бири суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ўз вақтида, тўлиқ ва ҳеч қанақанги қаршиликларсиз ижро этилишини таъминлашдир.

Ижро иши юритиш институтини ислоҳ этиш Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилингандан кейин ҳам изчиллик билан давом эттирилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси судлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 383-сонли Қарори¹⁴ билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти сифатида қайта ташкил этилди.

Департаментга ва унинг ҳудудий органларига қуйидаги вазифалар юкланди:

14 "Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами", 2001 й., N 9, 55-модда.

- суд қарорлари ва бошқа органлар қарорларини сўзсиз ижро этилиши ишларини ташкил этиш;

- суд ижрочилари кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш ишларини ҳамда уларнинг самарали фаолият кўрсатишини ташкил этиш.

Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни¹⁵ асосий қоидаларини амалга ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 2 июндаги «Жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларида ислохотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш бўйича Дастурларни амалга ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-2612-сонли Фармони¹⁶ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси судлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 383-сонли Қарори асосида “Ижро ишини юритиш ва суд ижрочилари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида Низом” ишлаб чиқилди ва Адлия вазирининг 2001 йил 29 декабрдаги 209-мх-сонли буйруғи билан тасдиқланди. Мазкур Низом ижро иши юритиш ва суд ижрочиларининг суд ҳужжатлари, шунингдек, бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш билан боғлиқ фаолиятини ташкил этишни тартибга солади.

Маълумки, “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 7 моддасига мувофиқ мажбурий тартибда ижро этилиши лозим бўлган ижро ҳужжатлари сирасига нотариусларнинг ижро хатлари ҳам киритилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 18 январдаги N 26 – сонли Қарори билан “Нотариусларнинг ижро хатларига асосан қарзни ундириш сўзсиз амалга ошириладиган ҳужжатлар рўйхати”¹⁷ тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2003 йил 12 июнда “Муддатида тўланмаган солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловларни қарздор корхона ва ташкилотлар мол-мулки ҳисобидан ундириб олиш тўғрисидаги хўжалик судлари қарорларини ижро этиш тўғрисида”ги Йўриқнома рўйхатга олинди. Бу йўриқнома солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловлар бўйича қарзларни ундиришни қарздор корхона ва ташкилотнинг мол-мулкига қаратиш ҳамда муддатида тўланмаган солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловларни қарздор корхона ва ташкилотлар мол-мулки ҳисобидан ундириш тўғрисидаги хўжалик судлари қарорларини ижро этиш, шунингдек қарздор корхона ва ташкилотлар мол-мулки ҳисобидан ундирилган маблағларни тақсимлаш масалаларини тартибга солади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 мартдаги 140-сонли Қарори билан “Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида”ги Низом¹⁸ тасдиқланди. Мазкур Низом, бошқа масалалар қаторида:

- жиноий ишлар бўйича суд қарорлари асосида - мол-мулкнинг жиноят буюмлари ва қуроллари, шунингдек, ашёвий далилларга оид қисмига;

- маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича суд қарорлари асосида - мол-мулкнинг ҳуқуқбузарлик буюмлари ва қуроллари, шунингдек, ашёвий далилларга оид қисмига;

- фуқаролик ишлари бўйича суд қарорлари асосида - белгиланган тартибда эгасиз деб эътироф этилган мол-мулкка;

- фуқаролик ишлари бўйича суд қарорлари асосида - мол-мулкнинг давлатга етказилган зарарни қоплашга йўналтириладиган қисмига оид ижро ҳужжатларини суд ижрочилари томонидан ижро этилишини тартибга солади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2006 йил 31 августда ПҚ-458 сонли “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарор¹⁹ қабул қилиниши ижро иши юритиш институтини ислоҳ этишнинг мазкур босқичида муҳим воқеа бўлди. Бу ҳужжатнинг алоҳида аҳамияти шундаки, унда ижро иши юритиш институтини ислоҳ этишнинг асосий яқунларига баҳо бериш билан бир пайтнинг ўзида суд қарорларининг сўзсиз ижро этилишини таъминлаш тизимини

15 Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й., № 21, 145-модда.

16 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2000 йил., 5-6-сонлар, 173-модда.

17 "Ўзбекистон Республикаси қонунлар тўплами" 2002 й. 2-сон; "Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами", 2002 й., N 1, 4-модда.

18 "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2004 йил, 12-сон, 144-модда.

19 Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил. 36 сон, 360-модда.

янада такомиллаштириш, Суд департаментининг унга юклатилган вазифаларни амалга ошириши юзасидан фаолияти самарадорлигини кўтаришга йўналтирилган бир қатор вазифалар белгиланди.

Президент Қарорида куйидагилар алоҳида кўрсатилиб ўтилган: “Суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш ва суд ҳимоясининг самарадорлигини оширишга қаратилган мамлакат суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг асосий вазифалари бўлиб, суд қарорларини ижро этишнинг самарали тизимини яратиш, судларни ҳар томонлама моддий-техника жиҳатидан таъминлаш ва молиялаштириш ҳисобланади.

Мазкур вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти (кейинги ўринларда - Суд департаменти) алоҳида ўрин эгаллайди”²⁰.

Президент Қарорида ижро иши юритишни ва ижро иши юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш борасида бир қатор вазифалар белгиланди. Шунингдек, Суд департаменти ва унинг тузилмалари фаолиятини бевосита тартибга солувчи бир қатор низомлар²¹ тасдиқланди. Тасдиқланган низомларга кўра мутахассисларни танлаб олишда ҳолислик ва очиқ-ойдинликни таъминлаган ҳолда суд ижрочиси лавозимига тайинлаш учун кадрларни танлов асосида саралаб олиш тартибининг қонуний асослари яратилди. Суд департаменти тузилмасида Ички хавфсизлик инспекцияси ташкил этилди. Бу инспекциянинг фаолияти Суд департаменти ходимлари томонидан ҳуқуққа ҳилоф ҳаракатлар содир этилишини олдини олиш ва уларнинг фаолиятида қонунийликни таъминлашга йўналтирилгандир. “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида автотранспорт воситалари ва кўчмас мулкни сотиш тартиби тўғрисида”ги Низом²² тасдиқланди. Бу Низом ижро ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнида автотранспорт воситалари ва кўчмас мулкни сотиш борасида амалда мавжуд бўлган муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади.

Шуни алоҳида назарда тутиш керакки, Президент И.А.Каримовнинг юқорида кўрсатилган Қарорида ижро иши юритишнинг такомиллаштиришга йўналтирилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ҳамда ижро иши юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар тайёрлаш ҳақида тегишли идораларга топшириқлар берилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, давлат бошлиғининг топшириғига кўра, 2006/2007 ўқув йилидан бошлаб юридик йўналишдаги олий таълим муассасалари ўқув дастурларига ижро иши юритиш бўйича фан киритилди, шунингдек, мутахассисларни даврий равишда (ҳар беш йилда) Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида мажбурий ижро масалалари бўйича қайта тайёрлашни назарда тутган ҳолда замонавий талаблар ва стандартлар асосида суд ижрочиларини тайёрлаш махсус ўқув дастурлари ишлаб чиқилди ва татбиқ этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида Суд департаменти фаолияти билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам ҳал этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорида қўйилган вазифаларни бажариш мақсадида “Баҳоловчиларни танлаш бўйича танлов ўтказиш ва ижро ҳаракатларини амалга оширишда суд ижрочилари томонидан хатланган мол-мулкни баҳолаш тартиби тўғрисида”ги Низом²³, “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаш ва мол-мулкни сотиш тартиби тўғрисида”ги Низом²⁴ ва бошқа бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида фуқаролик ҳуқуқларини суд тартибида ҳимоя қилишнинг ишончли кафолатлари назарда тутилган. Фуқаролик ҳуқуқлари процессуал

20 "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2006 йил, 36-сон, 360-модда.

21 Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти тўғрисидаги Низом (ЎЗР Президентининг 31.08.2006 й. ПК-458-сон Қарорига 1-илова) //"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2006 йил, 36-сон, 360-модда.

22 "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2006 йил, 36-сон, 360-модда.

23 "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2006 йил, 48-50-сон, 492-модда.

24 "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2006 йил, 51-52-сон, 524-модда.

қонунлар ёки шартномада белгилаб қўйилганидек, ишлар қайси судга тааллуқли бўлишига қараб, умумий юрисдикция судлари, хўжалик суди ёки ҳакамлик суди томонидан ҳимоя қилинади.

Умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судларининг қарорлари ихтиёрий равишда ижро этилмаган тақдирда улар мажбурий тартибда ижро қилинади. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилнинг 16 октябрда қабул қилинган “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Қонунига кўра, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низолар, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи хўжалик низолари, тарафлар ўртасида бундай низоларни ҳакамлик судининг ҳал қилувиغا топшириш тўғрисида ҳакамлик битими мавжуд бўлган тақдирда ҳакамлик судлари томонидан ҳал қилиниши мумкин. Ҳакамлик судларининг қарорлари ихтиёрий равишда ижро этилади. Аммо ҳаётда шундай ҳолатлар ҳам учраши мумкинки қарздор ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мазкур ҳал қилув қарорида белгиланган муддатда ихтиёрий ижро этишдан бош тортиши мумкин. Бундай ҳолатларда ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ваколатли суд берган ижро варақаси асосида амалга оширилади.

Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини мажбурий ижрога қаратиш тартиби “Ҳакамлик судлари тўғрисида” Қонунининг 8 боби нормаларида белгиланган. Ҳакамлик суди ижро варақаси бериш ваколатига эга бўлмаганлиги туфайли, ижро варақаси фақат ваколатли суд, яъни тегишли фуқаролик ишлари бўйича суд ёки хўжалик суди томонидан берилиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 1 августда қабул қилинган “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” Қонунига²⁵ кўра ҳакамлик судлари қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ва Хўжалик процессуал кодексларида белгилаб қўйилди.

Ижро иши юритиш институтини ислоҳ этиш, Суд департаментининг ижро ҳужжатларини ижро этиш бўйича фаолиятини янада яхшилаш ва ижро иши юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масалалари доимий равишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг диққат эътиборида бўлиб келмоқда. Бу ҳақида қуйидагилар ҳам далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2007 йил 1 ноябрда ПҚ-722 сонли “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд Департаментининг суд қарорларини ижро этиш, моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарор²⁶ қабул қилди. Бу қарорда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августда қабул қилган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори²⁷ ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар якунига тўхталиш билан биргаликда суд қарорларини сўзсиз ижро этишни таъминловчи таъсирчан ташкилий-ҳуқуқий механизмларни яратиш, суд ижрочилари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, шунингдек, Суд департаментининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ бир қатор вазифалар қўйилди. Шунга эътибор қаратиш керакки бошқа вазифалар қатори манфаатдор идораларга мажбурий ижро этиш соҳасида ҳуқуқни қўллаш амалиётини танқидий таҳлил қилиш ва мажбурий ижро этиш механизмининг янада такомиллаштириш, шунингдек, суд қарорларини ижро этишдан бўйин товлаш ва тўсқинлик қилганлик учун жавобгарликни кучайтириш бўйича қонун ҳужжати лойиҳасини тайёрлаб, белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритиш вазифаси топширилди.

Президент қарорига кўра 2007 йил 1 декабрдан бошлаб суд ижрочилари томонидан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг мажбурий ижроси бўйича ҳаракатларнинг бажарилиши учун ижро йиғими жорий этилди.

Ижро йиғими қарздордан ихтиёрий ижро этиш муддати тугаганидан кейин қуйидаги миқдорларда ундирилиши белгилаб қўйилди:

- мулкий характердаги ижро ҳужжатлари бўйича - жисмоний шахсдан ундириладиган сумманинг 1 фоизи миқдорида, юридик шахсдан 2 фоизи миқдорида;

²⁵ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007 йил, 31-32-сон, 315-модда.

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил. 45 сон, 541-модда.

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил. 36 сон, 360-модда.

- номулкий характердаги ижро ҳужжатлари бўйича - жисмоний шахсдан энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдорида, юридик шахсдан 10 баравари миқдорида.

Бу чора, биринчи навбатда, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжаларини ўз вақтида ва сўзсиз ижро этилишини таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Қарорида Суд департаментининг фаолиятини янада такомиллаштиришга йўналтирилган бошқа чоралар ҳам назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида кўрсатилган Қарорини бажариш юзасидан “Ижро йўғимини ундириш тўғрисидаги суд ижрочилари қарорларини ҳисобини юритиш ва уларнинг ундирилишини назорат қилиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома²⁸ ишлаб чиқилди ва белгиланган тартибда тасдиқланиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2007 йил 24 ноябрда 1741-сон билан рўйхатга олинди.

Ижро иши юритиш соҳасини янада ислоҳ этиш мақсадида 2008 йил 19 ноябрда Қонунчилик палатаси “Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини қабул қилди. Мазкур қонун 2008 йил 4 декабрда Сенат томонидан маъқулланиб, 14 январ 2009 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланди.

Кўрсатилган қонунда қуйидаги асосий қоидалар мустаҳкамлаб қўйилди:

I. Суд ижрочиларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва рўйхатдан ўтказувчи органлар, молия-кредит ташкилотлари билан ҳамкорлигини кучайтириши.

Суд ижрочиларининг:

- ички ишлар органлари билан – қарздор жисмоний шахсни, олиб қўйилиши лозим бўлган болани, шунингдек автотранспорт воситаларини қидиришни амалга оширишда, ижро ҳаракатлари амалга ошириладиган жойда жамоат тартибини сақлашда, суд ижрочисининг қарорига кўра суд ижроси ҳузурига келишдан бўйин товлаётган шахсларни мажбурий келтиришда;

- Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри Давлат кўмитасининг органлари билан – қарздорга тегишли бўлган кўчмас мулкни қидиришда, уларга бўлган ҳуқуқларини рўйхатдан ўтказишда, шунингдек кўчмас мулкни олиб қўйиш (олиб бериш) ва кўчмас мулкка тақиқ қўйишда;

- Марказий банк билан – қарздорнинг банк ҳисоб варақаларини Банк депозиторларининг миллий ахборот базаси орқали аниқлашда;

- тижорат банклари билан – қарздорнинг банк ҳисоб варақаларидаги пул маблағларини аниқлашда, уларни хатлашда ва уларни тақсимлашда, валюта кимматликларини сотишда (сотиб олишда);

- солиқ ва ғазначилик органлари билан – давлат даромадига, шунингдек давлат бюджетидан ва бюджет ташкилотларидан ундирувларни амалга ошириш ҳақидаги ижро ҳужжатлари бўйича ҳамкорлиги механизми қонунда мустаҳкамлаб қўйилди.

II. Мажбурий ижро механизми такомиллаштирилди.

1. Ундирувни дебиторлик қарзига ва қарздорга тегишли бўлган мулккий ҳуқуқларга (интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлоқ ҳуқуқ, кўчмас мулкни узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқи) қаратиш каби мажбурий ижронинг янги самарали турлари жорий қилинди.

2. Ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган мол-мулк рўйхати аниқлаштирилди. Бу рўйхатга ягона уй (квартира), турмуш кечириш учун зарур бўлган бошқа буюмлар киритилиши назарда тутилди.

Шу билан бир вақтда ундирув суд томонидан қарздорнинг ягона уйига ёки квартирасига, агарда уйни (квартирани) қисмларга бўлиш мумкин, қарздор тасарруфида қолган қисми эса қарздор ва унинг оила аъзолари нормал турмуш кечириши учун етарли деб топган тақдирда, қаратилиши мумкин эканлиги белгилаб қўйилди.

3. Хатланган мол-мулкни мустақил лицензияга эга бўлган баҳоловчилар томонидан баҳолаш ва танлов асосида жалб этилган савдо ташкилотлари ва биржалар томонидан реализация қилишнинг бозор механизми ўрнатилди. Баҳолаш натижалари бўйича низолашиш имконияти назарда тутилди ва арзонлаштириш тартиби белгиланди.

28 "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007 йил, 48-49-сон, 488-модда.

Хусусан мулк реализация қилинмаган тақдирда уни бир марта 10 % арзонлаштириш, у шундан сўнг ҳам реализация қилинмаган тақдирда эса ундирувчига мулкни қарз ҳисобига ўзида қолдириш тақлиф этилиши белгилаб қўйилди.

III. Суд қарорларини ижро этиш соҳасида жавобгарлик кучайтирилди, ҳуқуқбузарликни олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга барҳам беришнинг самарали тизими яратилди.

1. Фуқаролик процессуал кодекси, Хужалик процессуал кодекси ва “Суд қарорларини ва бошқа органлар қарорларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунда назарда тутилган, ижро ҳужжатини ўзри сабабларсиз ихтиёрий ижро этмаганлик учун жарима солиш ҳақидаги бир бирини такрорловчи санкциялар бартараф этилиб, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексидики ижро иши юритиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун ягона жавобгарлик белгиланди.

Шу билан бирга жарима солиш, уни тўлаш муддатлари, маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги суд ижрочисининг қарорлари устидан шикоят бериш ва бошқа процессуал нормалар назарда тутилди.

Шунингдек, қарздорнинг даромадлари ва мулкӣ аҳволи ҳақида нотўғри маълумотлар берганлик, ижро ҳужжатларини ижро этиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш тартибини бузганлик учун жавобгарлик белгиланди.

Суд департаменти органларига қарздорнинг ижро ҳужжатларини ихтиёрий ижро этмаганлиги ҳамда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик ҳақидаги, яъни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 198-1 ва 198-2 - моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги ҳақидаги материалларни кўриб чиқиш ҳуқуқи берилди.

2. Суд ҳужжатини ижро этмаганлик ва уни ижро этилишига тўсқинлик қилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланди. Бу жиноятнинг субъектларига мансабдор шахслар билан бир қаторда жисмоний шахслар ҳам киритилди.

Жиноят кодексидики банк ёки бошқа кредит ташкилоти ходими томонидан банд солинган пул маблағлари (омонатлари) билан банк операцияларини амалга оширганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилди.

3. Мажбурий ижро соҳасидики жиноятларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш самарадорлигини ошириш мақсадида Суд департаменти ва унинг ҳудудий бошқармаларининг суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижросини амалга ошириш ваколатига эга бўлган мансабдор шахсларига суриштирув ўтказиш ваколати берилди. Суд департаменти органларининг кўрсатилган мансабдор шахслари суд қарорларини ижро этиш жараёнида содир этиладиган (вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни, ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлашга, суд қарорларини бажармасликка, шунингдек банд солинган мол-мулкни қонунга ҳилоф равишда тасарруф этишга доир ишлар бўйича) жиноятлар бўйичагина суриштирув олиб боришга ҳақли.

Кўрсатилган хатти-ҳаракатлар мураккаб тартибли жиноятларга тегишли бўлмасдан, улар бўйича махсус тезкор-қидирув тадбирлари ёки мураккаб тергов ҳаракатлари ўтказиш талаб этилмайди.

Суд департаментининг кўрсатилган мансабдор шахсларига суриштирув ўтказиш ҳуқуқининг берилиши юқорида санаб ўтилган ҳуқуқбузарликларини олдини олиш ва ижро иши юритиш соҳасидики қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун жазонинг муқаррарлигини таъминлайди.

4. Суд ҳужжатларини ижро этишдан бўйин товлашликнинг олдини олиш мақсадида қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқишини вақтинча чеклаш институти жорий этилди.

Бундай чеклов чораси халқаро амалиётда самарали қўлланилиб келинмоқда.

IV. Суд департаменти фаолиятининг ташиқлий ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди, суд ижрочилари мақоми оширилди.

Ички назорат тизимини янада мукамаллаштириш мақсадида Суд департаменти директорига ва ҳудудий бошқармалар бошлиқларига тегишли ҳудуднинг бош суд ижрочиси мақоми берилди.

Уларга суд ижрочиларига у ёки бу ижро ҳаракатларини амалга ошириш бўйича кўрсатмалар бериш, суд ижрочиларининг ноқонуний қарорларини бекор қилиш, шунингдек суд

ижрочисининг холислиги тўғрисида шубҳа борлиги ҳақида маълумотлар бўлганда уларни ижро ҳаракатларни амалга оширишдан четлаштириш ҳуқуқи берилди.

Янги қабул қилинган Қонунда яна бошқа бир катор нормалар мавжуд бўлиб, улар ижро иши юритиш самарадорлигини оширишга ва Суд департаменти фаолиятини янада такомиллаштиришга йўналтирилган.

Шундай қилиб, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида вужудга келадиган мунособатларни тартибга солувчи мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Бу билан жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини тиклаш кафолатлари таъминланди.

II МАВЗУ. ИЖРО ИШИ ЮРИТИШНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ

1. Ижро иши юритиш манбалари
 2. Ижро этиш органлари
 3. Ижро ҳужжатлари.
- Ижро ҳужжатларининг мазмуни
4. Чет эл судлари ва арбитражлари қарорларини ижро этиш

1. Ижро иши юритиш манбалари

Ижро иши юритишнинг манбалари, ёки бошқача айтганда, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари – умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судлари суд ҳужжатлари, шунингдек қонунда белгиланган ваколатларини амалга ошираётганларида жисмоний ёки юридик шахслар зиммасига пул маблағлари ва бошқа мол-мулкни ўзга шахсларга бериш ёхуд улар фойдасига муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёки бундай ҳаракатларни амалга оширишдан ўзини тийиш мажбуриятини юклаш ҳуқуқи берилган бошқа органларнинг (мансабдор шахсларнинг) ҳужжатларини мажбурий ижро этиш шартлари ва тартибини белгилувчи ҳуқуқий нормаларини ўзида мужасамлаштирган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардир.

Ижро иши юритиш манбаларига қуйидагилар киради:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
- Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси;
- Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси;
- Ўзбекистон Республикасининг “Ҳакамлик судлар тўғрисида”ги Қонуни;
- суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш шартлари ва қоидаларини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;
- Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари (агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади).

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Конституция мамлакатнинг асосий қонуни бўлиб, олий юридик кучга эга ва у ўзида мамлакатдаги ҳуқуқ тизими ва қонунчиликнинг ҳозирги замондаги аҳволини ифода этади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидаларига мувофиқ фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида ҳимоя қилиш ҳуқуқ ва эркинликларни амалга оширишнинг жуда муҳим воситаси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 43, 44, 53, 54, 111, 114 моддалари тегишинча фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга йўналтирилган. Бу ҳуқуқларни қўриқлашни, шу жумладан мажбурий ижро органлари ҳам амалга оширади. Ижро иши юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари биринчи навбатда конституциявий нормаларига асосланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини

ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни. Ижро иши юритиш тартиби “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонун нормалари билан белгиланади. Қонунда ўрнатилган ижро иши юритиш тартиби ижро иши юритишда иштирок этувчи барча шахслар учун ягона ва мажбурийдир. “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонундаги нормалар ижро иши юритиш мазмуни ва босқичлари эътиборга олинган ҳолда жойлаштирилган. Қонундаги барча нормалар 12 бобга бўлинган. Қонуннинг боблари кетма-кетлиги ва мазмуни қуйидагичадир:

1-боб. Умумий қоидалар

2-боб. Ижро иши юритишда иштирок этувчи шахслар

3-боб. Ижро ҳаракатларини амалга оширишнинг умумий шартлари

4-боб. Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш асоси ва чоралари

5-боб. Ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш

6-боб. Ундирувни қарздор юридик шахснинг мол-мулкига қаратишнинг хусусиятлари.

Қарздор юридик шахснинг мол-мулкини хатлаш ва реализация қилиш

7-боб. Қарздорнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларга нисбатан ундирув

8-боб. Мулкий хусусиятга эга бўлмаган низолар бўйича ижро ҳужжатларини ижро этиш

9-боб. Ижро иши юритишдаги ҳаражатлар

10-боб. Ундирилган пул суммаларини тақсимлаш ва ундирувчи талабларини қаноатлантиришнинг навбати

11-боб. Ижро ҳужжатини ижро этмаганлик учун жавобгарлик

12-боб. Суд ижрочисининг мақоми

Ижро иши юритишнинг қонунда белгиланган тартиби мажбурий ижро ҳаракатларини амалга оширишда қонунийликни таъминлаш, фуқаролар ҳамда юридик шахслар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси ижро иши юритишнинг манбаси сифатида. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси 1998 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси “Фуқаролик процессуал кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида”ги Қарорига Ўзбекистон Республикасининг ўз кучини тўлиқ ёки қисман йўқотган қонун ҳужжатларининг рўйхати илова қилинган. Кўрсатилган қарор ва рўйхатга мувофиқ 1963 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси V Бўлими, шунингдек, Кодекснинг 1 ва 3 иловалари, ҳамда 2 илованинг йўқолган ижро иши юритишни тиклаш тўғрисидаги қисми қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси билан мувофиқлаштирилгунга қадар амалда бўлиши белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексининг (1963 йил) V Бўлими ижро иши юритиш масалаларини тартибга солар эди. Бу бўлим “Суд қарорларининг ижроси” деб номлансада, унинг нормалари нафақат суд ҳужжатларини, балки бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш масалаларини ҳам тартибга солар эди. Кодекснинг 1-сонли Иловасида фуқароларнинг ижро ҳужжатлари бўйича ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган мол-мулки рўйхати берилган. 1963 йилда қабул қилинган Фуқаролик процессуал кодексининг нормалари Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни амалга киритилгунга қадар, яъни 2002 йил 1 январга қадар ҳаракатда бўлди.

Амалдаги Фуқаролик процессуал кодексининг IV Бўлими нормалари фуқаролик ишлари бўйича суд қарорларини, шунингдек суд ҳукмларининг мулкий ундиришга оид қисмини ижроси билан боғлиқ умумий масалаларни тартибга солади .

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг ижро иши юритишга оид асосий қоидалари:

Ижро варақаси ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан сўнг суд томонидан ундирувчига берилади, дарҳол ижро этиш ҳоллари бундан мустаснодир, бунда ижро варақаси ҳал қилув қарори чиқарилганидан кейин дарҳол берилади (ФПКнинг 371- моддаси).

Ҳар бир ҳал қилув қарори бўйича битта ижро варақаси берилади. Бирок, агар ижро турли жойларда ёки бир неча ундирувчининг фойдасига ёки бир неча қарздорга қарши амалга ошириладиган бўлса, суд ундирувчиларнинг илтимосига биноан ижро жойини ёки ҳал қилув қарори ижросининг ҳар бир ижро варақасига тегишли қисмини аниқ кўрсатган ҳолда бир неча ижро варақаси беради.

Бир неча жавобгардан пул суммаларини ундириш тўғрисидаги ҳукм ёки ҳал қилув қарори асосида жавобгарларнинг сони бўйича бир неча ижро варақаси берилади. Бунда, агар шерик жавобгарлардан ундириш назарда тутилаётган бўлса, ҳар бир ижро варақасида ундирувнинг умумий суммаси кўрсатилиши ва шерик жавобгар эканлиги кўрсатилган ҳолда жавобгарларнинг ҳаммаси санаб ўтилиши лозим.

Ижро варақаси ундирувчига берилади ёки унинг илтимосига кўра ижро қилиш учун бевосита суд томонидан юборилади (ФПКнинг 372 -моддаси).

Ижро варақасининг асл нусхаси йўқотилган тақдирда, ҳал қилув қарорини чиқарган суд ижро варақасининг дубликатини бериши мумкин (ФПКнинг 374 -моддаси).

Ижро қилиниши лозим бўлган ҳал қилув қарори аниқ бўлмаса, суд ижрочиси ишни ҳал қилган суддан (судьядан) ҳал қилув қарорини тушунтириб беришни илтимос қилишга ҳақли. Ҳал қилув қарори ФПКнинг 215-моддасида белгиланган қоидалар бўйича тушунтирилади (ФПКнинг 376- моддаси).

Ижрога топшириш муддати агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ижро варақасининг ижрога берилиши, шунингдек, ҳал қилув қарори қисман ижро қилиниши билан узилади (ФПКнинг 378 моддаси).

Ижро варақасини ижрога топширишнинг ўтказиб юборилган муддати, агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, суд узрли деб топган сабабларга кўра тикланиши мумкин (ФПКнинг 379 -моддаси).

Суд ундурувчи, қарздор ёки суд ижрочисининг аризасига биноан ҳал қилув қарорининг ижросини ФПКнинг 216-моддасида белгиланган тартибда кечиктиришга ёки унинг бўлиб-бўлиб бажарилишига йўл қўйишга, уни ижро этиш усули ва тартибини ўзгартиришга ҳақли (ФПКнинг 380 -моддаси).

Ҳакамлик суди қарорини бекор қилиш ва ҳакамлик суди қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш масалалари Фуқаролик процессуал кодекси 5 кичик бўлим нормалари билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси ижро иши юритишнинг манбаси сифатида. Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг VII бўлими ижро иши юритиш масалаларига бағишланган.

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг ижро иши юритишга оид асосий қоидалари:

Суд ҳужжатини мажбурий ижро этиш шу ҳужжатни қабул қилган хўжалик суди томонидан бериладиган ижро варақаси асосида амалга оширилади.

Ижро варақаси ундирувчига суд ҳужжати қонуний кучга киргандан кейин берилади. Солиқлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловларни ундиришга қаратилган ижро варақаси давлат солиқ хизмати органига, бюджетга ўзга маблағларни ундиришга қаратилган ижро варақаси эса, қарздор турадиган жойдаги суд ижрочисига юборилади.

Пул маблағларини ундириш учун ижро варақаси ундирувчи томонидан банкка ёки бошқа кредит муассасасига, бошқа ҳолларда эса суд ижрочисига юборилади (ХПКнинг 210-моддаси).

Агар суд ҳужжатини ижро этиш турли жойларда ёхуд бир нечта ундирувчи фойдасига бажарилиши лозим бўлса, суд ундирувчиларнинг илтимосига кўра ижро этиш жойи ёхуд суд ҳужжатининг ушбу ижро варақаси бўйича ижро этилиши лозим бўлган қисмини кўрсатган ҳолда бир нечта ижро варақаси беради.

Бир нечта жавобгардан пул суммаларини ундириш тўғрисидаги суд ҳужжати асосида жавобгарларнинг сони бўйича бир нечта ижро варақаси берилади. Бунда, агар шерик жавобгарлардан ундириш назарда тутилаётган бўлса, ҳар бир ижро варақасида ундирувнинг умумий суммаси кўрсатилиши ва шерик жавобгар эканлиги кўрсатилган ҳолда жавобгарларнинг ҳаммаси санаб ўтилиши лозим (ХПКнинг 211-моддаси).

Ижро варақаси суд ҳужжати қонуний кучга кирган кундан ёхуд ижрони кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб ижро этишда белгиланган муддат тугаган кундан ёхуд ижро варақасини ижрога тақдим этиш учун ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида ажрим чиқарилган кундан бошлаб олти ойдан кечиктирмасдан тақдим этилиши мумкин (ХПКнинг 213 -моддаси).

Ижро варақасини ижро этишга тақдим этиш муддати ижро варақасини ижро этишга тақдим этиш, суд ҳужжатини қисман ижро этиш билан узилади (ХПКнинг 214 -моддаси).

Ижро варақасини ижрога тақдим этиш муддати хўжалик суди томонидан узрли деб топилган сабаблар билан ўтказиб юборилганда, ўтказиб юборилган муддат тикланиши мумкин (ХПКнинг 215 -моддаси).

Ижро варақаси йўқолган тақдирда суд ҳужжатини қабул қилган хўжалик суди ундирувчининг аризаси бўйича унинг дубликатини бериши мумкин. Ариза ижро варақасини ижрога тақдим этиш учун белгиланган муддат ўтгунча берилиши мумкин. Ариза хўжалик судининг мажлисида, ундирувчи ва қарздор топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали хабардор қилинган ҳолда кўрилади. Бироқ, уларнинг келмаганлиги аризани кўришга тўсқинлик қилмайди (ХПКнинг 216 -моддаси).

Хўжалик суди ундирувчи, қарздор ёки суд ижрочисининг аризасига кўра суд ҳужжатининг ижросини кечиктириш ёки уни бўлиб - бўлиб ижро этишга, ижро этиш усулини ва тартибини ўзгартиришга ҳақли (ХПКнинг 217 -моддаси).

Агар ижро этилган суд ҳужжати ўзгартирилиб ёки бекор қилиниб, даъвони тўла ёки қисман рад этиш тўғрисида янги суд ҳужжати қабул қилинса ёхуд иш юритиш тугатилса, ёхуд даъво кўрмасдан қолдирилса, бекор қилинган ёки тегишли қисми ўзгартирилган суд ҳужжати бўйича даъвогар фойдасига ундирилган ҳамма нарса жавобгарга қайтарилади (ХПКнинг 219 -моддаси).

Суд ҳужжатининг қайтарма ижроси тўғрисидаги масала янги суд ҳужжатини қабул қилган хўжалик суди томонидан ҳал қилинади (ХПКнинг 220 -моддаси).

Ҳакамлик суди қарорини бекор қилиш ва ҳакамлик суди қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш масалалари Хўжалик процессуал кодексининг 20-1 ва 20-2 боблари нормалари билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ижро иши юритишнинг манбаси сифатида. Фуқаролик кодекси фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятларини вужудга келиши, фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқий асосларини белгилайди. Фуқаролик ҳуқуқлари қуйидаги йўллар билан ҳимоя қилинади:

- ҳуқуқни тан олиш;
- ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш;
- битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш;
- бурчни аслича (натура) бажаришга мажбур қилиш;
- зарарни тўлаш;
- неустойка ундириш;
- маънавий зиённи қоплаш ва бошқалар

Фуқаролик ҳуқуқлари қонунда назарда тутилган бошқача усуллар билан ҳам ҳимоя қилиниши мумкин. Моддий ҳуқуқ нормалари қоида тариқасида процессуал ҳуқуқ орқали ҳаракатда бўлади. Фуқаролик кодексида назарда тутилган моддий ҳуқуқ Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодекси нормаларини қўллаш орқали ҳимоя қилинади. Кўрсатилган қонунларни қўллаб чиқарилган суд ҳужжатлари ижро асоси бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳакамлик судлар тўғрисида”ги Қонуни ижро иши юритишнинг манбаси сифатида. “Ҳакамлик судлар тўғрисида”ги Қонун Ўзбекистон Республикасида ҳакамлик судларнинг ташкил этилиши ва фаолияти соҳасидаги мунособатларни тартибга солади. Ҳакамлик судлари фуқаролик ҳуқуқий мунособатларидан келиб чиқувчи низоларни, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи хўжалик низоларини ҳал этади. Ҳакамлик судларининг қарорлари, қоида тариқасида, ихтиёрий ижро этилади. Агарда ҳакамлик судининг қарори ихтиёрий ижро этилмаса, у мажбурий ижро этилади. Ҳакамлик судлари қарорларини мажбурий ижрога қаратиш тартиби “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Қонуннинг 8 боби ҳамда Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодекслари нормалари билан тартибга солинади.

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш шартлари ва қоидаларини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қуйидагилар кириди:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари;
- Ўзбекистон Республикаси ҳуқумати томонидан қабул қилинадиган норматив ҳужжатлар;
- вазирликлар ва бошқа идоралар томонидан қабул қилиниб, белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан рўйхатдан ўтказилган норматив ҳужжатлар. Бу норматив ҳужжатлар ижро иши юритиш масаласида қабул қилинган турли йўриқномалар, низомлар, қўлланмалар ва бошқалардир.

2. Ижро этиш органлари

Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни 3 -моддасига мувофиқ суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти органларининг суд ижрочилари зиммасига юклатилади. Суд ижрочиларининг ваколатлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Суд департаменти суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш бўйича махсус ваколатли орган ҳисобланади. Суд департаменти ўз фаолиятини бевосита ва ҳудудий тузилмалари орқали амалга оширади. Суд департаменти ўз фаолиятини судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат идоралари ҳамда ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширади.

Қуйидагилар Суд департаментининг асосий вазифалари ҳисобланади:

- суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг сўзсиз ижро этилишини таъминлаш;
- судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш ҳамда уни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

- суд ижрочилари кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш ҳамда уларнинг малакасини ошириш;

- суд ижрочиларининг самарали фаолият кўрсатишини ташкил этиш.

Суд департаменти унга юклатилган вазифаларига мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

- суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг мажбурий ижро этилишини таъминлайди. Мажбурий ижро этиш қонун билан бошқа давлат бошқаруви органларига юклатилган ҳужжатлар бундан мустасно;

- ваколатли органларнинг мол-мулкни, шу жумладан ҳуқуқбузарлик буюмлари ва қуроллари ҳамда ашёвий далилларни давлат даромадига ўтказиш ёки йўқ қилиб ташлашни назарда тутувчи қарорларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ижро қилади;

- хатланган ва олиб қўйилган мол-мулкларнинг баҳоланиши, сақланиши ва сотилишини ташкил қилади;

- суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлимларида ижро иши, ҳужжат айлануви ва статистика ишларининг юритилишини ташкил этади, суд ижрочилари ишини ташкил этишнинг самарали усулларини ишлаб чиқади ва татбиқ этади;

- суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш соҳасидаги қонун ҳужжатларининг қўлланилиши амалиётини таҳлил қилади ва умумлаштиради ҳамда уни такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига таклифлар киритади;

- Суд департаменти ва унинг органлари фаолияти натижалари тўғрисида статистик ва таҳлилий маълумотларни шакллантиради ва юритади, ижро ишлари ва ундирилган маблағлар бўйича маълумотлар банкни белгиланган тартибда юритади;

- ҳудудий бўлинмалар фаолиятини бошқаради ва назорат қилади;

- марказий аппарат, ҳудудий бошқармалар кадрларини, суд ижрочиларини танлаш ва жой-жойига қўйишни амалга оширади, уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилади;

- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири томонидан белгиланган тартибда кадрлар устидан ички назоратни олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти тўғрисидаги Низомда белгилаб қўйилганига кўра суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг мажбурий ижросини амалга ошириш жараёнида Суд департаментининг мансабдор шахслари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- зарур ахборот, тушунтириш ва маълумотномалар олиш;

- корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган қарздорларга нисбатан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижро этилишини ва молиявий ҳужжатларнинг юритилишини ижро иши юритувига мувофиқлиги юзасидан текшириш;

- ижро ишини юритишда иштирок этаётган жисмоний ва юридик шахсларга муайян ижро ҳаракатларини амалга ошириш масалалари юзасидан топшириқлар бериш;

- қарздорлар эгаллаб турган ёки уларга қарашли бўлган бинолар ва омборларга кириш, мазкур бинолар ва омборларни кўздан кечириш, зарурат бўлганда уларни очиш, шунингдек, суд ажрими асосида бундай ҳаракатларни бошқа шахслар эгаллаб турган ёки уларга қарашли бўлган бинолар ва омборларда амалга ошириш;

- қонунга мувофиқ мол-мулкни хатлаш, хатланган мол-мулкни олиб қўйиш, сақлашга топшириш ва реализация қилиш;

- қарздорнинг банклардаги ва бошқа кредит ташкилотларидаги ҳисобварақларида, омонатларида турган ёки сақлаш учун қўйилган пул маблағлари ҳамда бошқа қимматликларини қонун ҳужжатларига мувофиқ хатлаш;

- олиб қўйилган мол-мулкни вақтинча сақлаш учун давлат мулкидаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлардан, мулкдорнинг розилиги билан эса, хусусий мулкдаги жойлардан фойдаланиш, бундай мол-мулкни сақлаш мажбуриятини тегишли шахслар зиммасига юклаш, ундирувчининг ёки қарздорнинг транспорт воситасидан мол-мулкни ташиш учун сарф-ҳаражатларни қарздорнинг ҳисобига киритган ҳолда фойдаланиш;

- ижро ҳаракатлари амалга оширилаётганда асос бўлган ижро ҳужжатидаги талабларда ноаниқлик бўлган тақдирда, ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа органдан уни ижро этиш тартибини тушунтириб беришни сўраш;

- қарздорга, унинг мол-мулкига ёки болага нисбатан қидирув эълон қилиш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳаракатларни амалга ошириш.

Суд департаментининг марказий аппарати таркибига умумий юрисдикция судлари қарорларини ижро этиш бўлими, хўжалик судлари қарорларини ижро этиш бўлими ҳамда солиқ, божхона ва бошқа органлар қарорларини ижро этиш бўлимларидан ташкил топган Суд қарорларини ижро этиш бошқармаси қиради. Бу бошқарманинг фаолияти “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Суд қарорларини ижро этиш бошқармаси тўғрисида”ги Низом²⁹ (Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти директорининг 2006 йил 29 ноябрдаги 93-х-сон буйруғи билан тасдиқланган) билан тартибга солинади.

Суд департаментининг ҳудудий бошқармалари суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш бўйича ишларини ташкил этади. Суд департаменти ҳудудий бошқармаларининг фаолияти “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг ҳудудий бошқармалари тўғрисида”ги Низом³⁰. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2006 йил 30 ноябрдаги 223-ум-сон буйруғи билан тасдиқланган) билан тартибга солинади.

Суд ижрочиларининг туман (шаҳар) бўлимларига катта суд ижрочилари раҳбарлик қилади. Туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлимларининг фаолияти “Суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлимлари тўғрисидаги низом”³¹ (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2006 йил 30 ноябрдаги 223-ум-сон буйруғи билан тасдиқланган) билан тартибга солинади. Ижро иши юритишни ва суд ижрочиларининг фаолиятини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири белгилаган тартибда амалга оширилади.

Суд департаментининг директори лавозимига кўра Ўзбекистон Республикасининг Бош суд ижрочиси, ҳудудий бошқармаларнинг бошлиқлари тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг бош суд ижрочисидир. Суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш бошқармаси бошлиғи ва ҳудудий бошқармаларнинг суд қарорларини ижро этиш бўлимлари бошлиқлари лавозимига кўра тегишинча бош суд ижрочиларининг ўринбосарларидир.

Суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш бошқармаси ва ҳудудий бошқармаларнинг суд қарорларини ижро этиш бўлимлари ходимлари суд ижрочилари мақомига эга бўлади.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда, пул маблағларини ундириш тўғрисидаги суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг талабларини ижро этиш солиқ органлари, банклар ҳамда бошқа кредит ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Бундан ташқари, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг талаблари қонунда назарда тутилган ҳолларда ўзга жисмоний ёки юридик шахслар томонидан ҳам ижро этилиши мумкин. Аммо, юқорида кўрсатилган органлар ҳамда шахслар мажбурий ижро этиш органлари ҳисобланмайди.

29 Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишга оид қонун ҳужжатлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2007. – Б. 188-200.

30 Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишга оид қонун ҳужжатлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2007. – Б. 152-164.

31 Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишга оид қонун ҳужжатлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2007. – Б. 165 – 172.

3. Ижро ҳужжатлари.

Ижро ҳужжатларининг мазмуни

Ижро этиш асослари – Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунида белгиланган тартибда ижро қилинадиган суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари. Ижро асосларига қуйидагилар киради:

- 1) фуқаролик ишлари ва хўжалик низолари бўйича судларнинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари;
- 2) жиноят ишлари бўйича судларнинг ҳукмлари, ажримлари ва қарорларининг мулкый ундиришга оид қисми, шунингдек, жарима тариқасидаги жазони назарда тутувчи ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари;
- 3) маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд қарорларининг мулкый ундиришга оид қисми;
- 4) алиментлар тўлаш тўғрисидаги нотариал тарзда тасдиқланган келишувлар;
- 5) нотариусларнинг ижро хатлари;
- 6) меҳнат низолари комиссияларининг қарорлари;
- 7) маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга органлар (мансабдор шахслар) чиқарган қарорлар;
- 8) ҳакамлик судининг қарорлари;
- 9) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ёки халқаро шартномасида назарда тутилган ҳолларда чет эл судлари ва арбитражларининг қарорлари;
- 10) ўзбошимчалик билан турар жойни эгаллаб олган ёки авария ҳолатида деб топилган уйларда яшаётган шахсларни маъмурий тартибда кўчириш тўғрисидаги прокурорларнинг қарорлари;
- 11) суд ижрочиларининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунда назарда тутилган ҳолларда чиқарилган қарорлари;
- 12) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа органларнинг ҳужжатлари.

Ушбу рўйхат тугалламаган бўлиб, қонунда назарда тутилган ҳолларда ижро асосларига бошқа органларнинг ҳужжатлари ҳам киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2007 йил 5 февралдаги № 1091-1 – сонли буйруғи билан Ижро ишларини юритиш ва суд ижрочилари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Унга кўра ижро асосларига жиноят ишлари бўйича судлар қарорларининг жиноят предметлари ва қуроллари, шунингдек далилий ашёларга тегишли қисми, судларнинг маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги ишлар бўйича қарорларининг ҳуқуқбузарлик предметлари ва қуроллари, шунингдек далилий ашёга тегишли қисмлари киритилган. Мазкур ҳолатда тегишли ваколатли органлар томонидан олинган ва уларда сақланаётган жиноят, ҳуқуқбузарлик предметлари ва қуроллари, шунингдек далилий ашёлар назарда тутилган.

Ижро ҳужжатлари — ижро иши юритишни бошлаш учун тақдим этилиши зарур бўлган, ўзида ижро асоси мазмунини акс эттирган ҳужжат. Икки хил ижро ҳужжатлари мавжуд. Биринчиси, мустақил ҳужжат бўлиб ижро асоси бўлган ҳужжат мазмунини ўзида акс эттиради ва мустақил ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлади. Иккинчи хил ижро ҳужжатлари ижро асосларини ўзида акс эттирувчи ҳужжатнинг ўзи бўлиб, у бир вақтнинг ўзида ижро ҳужжати ҳисобланади.

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ қуйидагилар мустақил ижро ҳужжатлари бўлиб, ҳисобланади:

- 1) судлар ўзлари қабул қиладиган суд ҳужжатлари асосида берадиган ижро варақалари;
- 2) ҳакамлик судининг қарорларини мажбурий ижро этиш юзасидан судлар берадиган ижро варақалари;
- 3) чет эл судлари ва арбитражлари қарорлари асосида Ўзбекистон Республикаси судлари берадиган ижро варақалари.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда ижро асоси бир пайтнинг ўзида, ижро ҳужжати ҳам ҳисобланади. Улар бўйича мустақил ижро ҳужжати ёзиш талаб этилмайди. Уларга қуйидагилар киради:

- 1) суд буйруқлари;
- 2) алиментлар тўлаш тўғрисидаги нотариал тарзда тасдиқланган келишувлар;
- 3) нотариусларнинг ижро хатлари;

4) меҳнат низолари комиссиялари ўз қарорлари асосида берадиган гувоҳномалар;
5) маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга органлар (мансабдор шахслар) чиқарган қарорлар;

6) ўзбошимчалик билан турар жойни эгаллаб олган ёки авария ҳолатида деб топилган уйларда яшаётган шахсларни маъмурий тартибда кўчириш тўғрисидаги прокурорларнинг қарорлари;

7) суд ижрочиларининг қарорлари;

8) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа органларнинг ҳужжатлари.

Ижро ҳужжатида асл нусхаси йўқолган тақдирда, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг дубликати ундирув учун асос бўлади.

Қонун ижро ҳужжатларининг мазмунига бир қатор талаблар кўяди. Ижро ҳужжатида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

1) ижро ҳужжатида берган суд ёки бошқа органнинг номи;

2) ижро ҳужжатида қайси иш бўйича берилганлиги ва унинг тартиб рақами;

3) ижро этилиши шарт бўлган суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжати қабул қилинган сана;

4) ундирувчи ва қарздорнинг номи, уларнинг манзиллари; жисмоний шахслар учун - қарздорнинг туғилган санаси ва жойи, иш жойи;

5) суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжатида қарор қисми;

6) суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжати кучга кирган сана;

7) ижро ҳужжати берилган сана ва уни ижрога топшириш муддати.

Суд ҳужжати асосида берилган ижро ҳужжати судья томонидан имзоланади ва суднинг гербли муҳри билан тасдиқланади.

Бошқа органнинг ҳужжати асосида берилган ижро ҳужжати мазкур ҳужжатни қабул қилган органнинг ваколатли мансабдор шахси томонидан имзоланади ва тегишли органнинг муҳри билан тасдиқланади.

Ижро ҳужжатларига қўйиладиган талаблар процессуал қонун ҳужжатларининг тегишли қоидаларига асосланган бўлиб, ижро ҳаракатларининг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш заруриятидан келиб чиқади. Ижро ҳужжатларида қарздорларнинг яшаш жойи, фамилияси, исми-шарифи, туғилган санаси ва жойи, уларнинг иш жойи аниқ қурсатилмаслиги амалиётда суд ижрочиларининг қарздорни топиш бўйича ишини жуда мураккаблаштиради. Бу ўз навбатида қонуннинг ижро ҳужжатларини ижро этиш муддатлари ҳақидаги талабларининг бузилишига олиб келади.

Қонунда ижро ҳужжатида албатта баён этилиши лозим бўлган асосий ҳолатларнинг барчаси келтирилмаган. Улар ўртасида суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжатида қарор қисми асосий ўринни эгаллайди.

Суд қарорининг қарор қисми суднинг иш юзасидан қисқа ва узил-кесил хулосасини акс эттириши ҳамда даъво талабларини тўлиқ ёки қисман қондириш, даъвони тўлиқ ёки қисман рад қилиш каби масалаларга жавоб бериши керак. Суднинг ҳал қилув қарори одил судлов ҳужжати бўлиб, у ишни мазмунан ҳал этади ва унинг қарор қисми баён қисмида аниқланган фактик ҳолатлардан келиб чиқувчи тугалланган хулосаларни ўзида акс эттириши лозим.

Суд ҳал қилув қарорининг қарор қисмида тарафларнинг фамилияси, исми, шарифи, юридик шахснинг номи, у уставда қандай қайд қилинган бўлса шундай, тўлиқ келтирилиши лозим. Арз қилинган талабларга жавобнинг мазмуни эса бу талабларнинг моҳиятига боғлиқдир.

Қарорнинг қарор қисми тарафларда унинг мазмуни юзасидан шубҳа уйғонмаслиги учун императив шаклда қисқа ва аниқ баён этилиши керак. Бу талаблар шу билан боғлиқки суд қарорининг қарор қисми ижро варақасига тўлиқ кўчирилади.

Суд ҳаражатларининг қимдан ва қанча миқдорда ундирилиши масаласини қарорнинг қарор қисмида баён этиш жуда муҳим. Бир неча жавобгарларга нисбатан даъво қўзғатилганда суд ҳаражатлари жавобгарларнинг ҳар биридан қанчадан ундирилиши аниқ кўрсатилиши керак.

Турли суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари асосида берилган ижро ҳужжатларининг мазмуни айрим ўзига хос хусусиятларга эга.

Агар ижро варақаси ҳўжалик суди ҳал қилув қарори асосида берилган бўлса, Ҳўжалик процессуал кодексининг 212 - моддасига мувофиқ ижро варақасида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

1) ижро варақасини берган ҳўжалик судининг номи;

2) ижро варақаси берилган иш ва унинг тартиб рақами;

3) ижро этилиши лозим бўлган суд ҳужжати қабул қилинган сана;

- 4) ундирувчининг ва қарздорнинг номи, уларнинг манзиллари;
- 5) суд ҳужжатининг хулоса қисми;
- 6) суд ҳужжати қонуний кучга кирган сана;
- 7) ижро варақаси берилган сана ва унинг амал қилиш муддати.

Агар ҳўжалик суди томонидан ижро варақаси берилгунча суд ҳужжатини ижро этишни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб ижро этишга рухсат берилган бўлса, унда ижро варақасининг муддати қачондан ўта бошлаши кўрсатилади.

Ижро варақасини судья имзолайди ва у ҳўжалик судининг гербли муҳри билан тасдиқланади.

Суд буйруғи мазмунига қўйиладиган талаблар Фуқаролик процессуал кодексининг 238-8 - моддасида баён этилган. Бу модда нормалари талабига қўра суд буйруғида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- 1) иш юритиш тартиб рақами ва буйруқ чиқарилган сана;
- 2) суднинг номи, буйруқ чиқарган судьянинг фамилияси ҳамда исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари;
- 3) ундирувчининг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми), яшаш жойи ёки жойлашган ери;
- 4) қарздорнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми), яшаш жойи ёки жойлашган ери;
- 5) талабни қондириш учун асос бўлган қонун;
- 6) ундирилиши лозим бўлган пул суммасининг миқдори ёки талаб қилиб олиниши лозим бўлган кўчар мол-мулкнинг қиймати ҳам кўрсатилган ҳолдаги белгиси;
- 7) агар қонунда ёки шартномада неустойка ундириш назарда тутилган бўлса, неустойка миқдори;
- 8) қарздордан ундирилиши лозим бўлган давлат божининг суммаси;
- 9) арз қилинган талабга қарши қарздор томонидан эътироз билдириш муддати ва тартиби.

Вояга етмаган болалар учун алиментлар ундириш тўғрисидаги суд буйруғида келтирилган рўйхатнинг 1-5 ва 8-бандларида назарда тутилган маълумотлардан ташқари қуйидагилар кўрсатилади: қарздорнинг туғилган санаси ва жойи, таъминоти учун алимент ундирилиши лозим бўлган ҳар бир боланинг исми ва туғилган санаси, қарздордан ҳар ойда ундириладиган тўловлар миқдори ва уларни ундириш муддати.

Суд буйруғи иккита нусхада тайёрланиб, судья томонидан имзоланади. Суд буйруғининг бир нусхаси иш материалларида қолдирилади, иккинчиси эса суднинг муҳри билан тасдиқланиб ундирувчига топширилади.

Алимент тўлаш тўғрисидаги келишувнинг мазмуни Оила кодексининг 130-134 моддаларида баён этилган.

Алимент тўлаш тўғрисидаги келишув (алимент миқдори, шартлари ва тўлаш тартиби) алимент тўлаши шарт бўлган шахс билан алимент олувчи ўртасида тузилади. Агар алимент олувчи муомалага лаёқатсиз бўлса, келишув унинг қонуний вакили билан тузилади.

Алимент тўлаш тўғрисидаги келишув ёзма шаклда тузилиб, нотариал тартибда тасдиқланиши лозим.

Нотариал тартибда тасдиқланган алимент тўлаш тўғрисидаги келишув ижро варақаси кучига эга бўлади.

Нотариал тартибда тасдиқланган алимент тўлаш тўғрисидаги келишув ва суд буйруғининг мазмуни Фуқаролик процессуал, Ҳўжалик процессуал ва Оила кодекслари нормалари билан белгиланади. Бу ҳужжатлар уларни қабул қилган ёки тасдиқлаган шахслар томонидан имзонланади ва муҳр билан тасдиқланади.

4. Чет эл судлари ва арбитражлари қарорларини ижро этиш

Халқаро ҳуқуқда барча ёки қўпчилик давлатлар томонидан тан олинган бир қатор принциплар ва нормалар мавжудки, улар халқаро ҳуқуқнинг умумий нормалари, умумий, универсал принциплари ва халқаро ҳуқуқнинг нормалари деб аталади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари Ўзбекистон Республикаси номидан (давлатлараро шартномалар), Ўзбекистон Республикаси ҳукумати номидан (ҳукуматлараро

шартномалар), вазирликлар ва идоралар номидан (идоралараро хусусиятга эга бўлган шартномалар) тузилади.

Халқаро шартнома - бу икки ёки бир неча давлатлар ва (ёки) халқаро ташкилотлар ўртасида тузилган битим (конвенция, пакт, декларация, шартнома ва ҳ.к.) бўлиб, иштирокчиларнинг сиёсий, иқтисодий ва бошқа муносабатларида ўзаро мажбуриятларини белгилаш, ўзгартириш ва тугатишни назарда тутаяди.

Чет эл судлари ва арбитражлари томонидан чиқарилган қарорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ижро этишнинг хусусияти шундан иборатки, бу жараён нафақат миллий қонунчилик нормалари билан, балки Ўзбекистон Республикаси иштирокчи бўлган халқаро шартномалар қоидалари билан ҳам тартибга солинади. Чет эл судлари ва арбитражлари томонидан чиқарилган қарорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўғри ва аниқ ижро этиш учун нафақат Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари нормаларининг талаблари, балки иштирокчи мамлакатларнинг бир бирига фуқаролик, оила ва жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни назарда тутувчи кўп тарафлама, худди шунингдек, икки тарафлама халқаро шартномалар талаблари ҳам ҳисобга олинади.

Чет эл судларининг қарорлари дейилганда, фуқаролик ишлари бўйича қарорлар, жиноят ишлари бўйича ҳукмларнинг жиноят оқибатида етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги қисми, шунингдек агарда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида назарда тутилган бўлса, чет давлат бошқа органларнинг ҳужжатлари тушунилади.

Чет эл судлари ва арбитражлари қарорларини ижро этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг тегишли халқаро шартномалари, Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Чет эл судининг қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси суди томонидан берилган ижро варақаси, агарда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарор кучга киргандан сўнгра уч йил давомида ижрога топширилиши мумкин.

Ижро ҳужжатларини ижро этишда шуни назарда тутиш керакки, чет давлатга қарашли бўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган мол-мулкни хатлаш ва унга нисбатан даъвони таъминлаш бўйича бошқа чораларни қўллашга, хўжалик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш тартибида ундирувни шу мол-мулкка қаратишга, агар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ёки халқаро шартномаларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, тегишли давлатнинг ваколатли органлари розилиги билангина йўл қўйилади.

Чет эл судининг қарорини ижро этишдан аввал, у тан олиниши керак. Чет эл судининг қарорини тан олиш ва ижро этиш тартиби миллий қонунчилик ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси 1993 йил 22 январда Минск шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамжамияти аъзоси бўлган давлатлар томонидан имзоланган “Ҳуқуқий ёрдам ва фуқаролик, оила ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги Конвенция иштирокчисидир. Кўрсатилган Конвенция Ўзбекистон Республикаси томонидан 1994 йил 6 майда ратификация қилинган ва Ўзбекистон Республикаси учун 1994 йил 19 майдан бошлаб кучга кирган. Конвенция мазкур Конвенция иштирокчиси бўлган давлатларнинг фуқаролари ва уларнинг ҳудудида яшаётган Конвенция иштирокчиси бўлган бошқа давлатларнинг фуқароларига, худди ўзларининг фуқароларига берилгани сингари, шахсий ва мулкый ҳуқуқларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш кафолатини бериш, шунингдек фуқаролик, оила ва жиноят ишлари бўйича адлия муассасаларининг ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш борасидаги ҳамкорлигини кучайтириш мақсадларини кўзлайди.

Конвенцияга мувофиқ Шартлашаётган Тарафларнинг ҳар бири бошқа Шартлашаётган Тарафнинг ҳудудида чиқарилган қуйидаги қарорларни тан олади ва ижро этади:

- фуқаролик ва оила ишлари бўйича адлия муассасаларининг (судлар) қарорларини, шу жумладан кўрсатилган ишлар бўйича суд томонидан тасдиқланган келишув битими ва пул мажбуриятларига нисбатан нотариал актлар (бундан буён матнда - қарорлар деб юритилади);

- жиноят ишлари бўйича зарарни ундириш ҳақида суд қарорлари.

Чет эл судининг ёки арбитражнинг қарорини мажбурий ижро этишга руҳсат беришлик ҳақидаги илтимоснома Ўзбекистон Республикаси ваколатли судига берилади. Илтимосномага қуйидагилар илова қилиниши керак:

а) қарор ёки унинг тегишли тартибда тасдиқланган нусхаси, қарорнинг қонуний кучга кирганлиги ва ижро этилиши кераклиги ҳақида ёки қарор қонуний кучга киргунга қадар ижро этилиши кераклиги тўғрисида расмий ҳужжат;

б) қарор кимнинг зарарига чиқарилган бўлса, агар у ишни кўриш процессида иштирок этмаган бўлса, у тегишли тартибда ва ўз вақтида судга чақирилганлигини тасдиқловчи ҳужжат, у процессуал лаёқатга эга бўлмаган ҳолда унинг манфаатлари вакил томонидан ҳимоя қилиниши таъминланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

в) агар қарор қисман ижро этилган бўлса, уни тасдиқловчи ҳужжат;

г) судга тегишлилик тарафлар ўртасида келишув билан белгиланган бўлса, тарафлар ўртасидаги келишувни тасдиқловчи ҳужжат.

Қарорни мажбурий ижро этишга рухсат бериш ҳақида илтимоснома ва унга илова қилинаётган ҳужжатлар ўзбек тилига ёки рус тилига таржима қилиниб, тегишли тартибда тасдиқланган нусхалар билан бирга юборилиши керак.

Кўрсатилган Конвенциянинг 54 - моддасида қарорларни тан олиш ва мажбурий ижро этиш тартиби белгиланган:

1. Қарорларни тан олиш ва мажбурий ижро этишга рухсат бериш ҳақидаги илтимоснома, қарор Шартлашаётган Тарафларнинг қайси бирининг ҳудудида мажбурий ижро этилиши керак бўлса, шу тарафнинг судлари томонидан кўриб чиқилади.

2. Қарорни тан олиш ва мажбурий ижро этиш ҳақидаги илтимосномани кўриб чиқаётган суд Конвенцияда назарда тутилган шартлар бажарилганлигини текшириш билан чегараланади. Агарда Конвенция шартларига риоя этилган бўлса, суд мажбурий ижро этиш тўғрисида қарор чиқаради.

3. Мажбурий ижро этиш тартиби ҳудудида мажбурий ижро амалга оширилиши керак бўлган Шартлашувчи Тарафнинг қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Конвенциянинг 55 - моддасида назарда тутилган асосларга кўра қарорни тан олишни ва ижро этишини рад этиш мумкин.

Қуйидаги ҳолатларда қарорни тан олиш ва мажбурий ижро этишга рухсат бериш рад қилиниши мумкин, агарда:

а) ҳудудида қарор чиқарилган Шартлашувчи Тарафнинг қонунчилигига кўра, қарор қонуний кучга кирмаган ва ижро этилмаслиги керак бўлса, бундан қарор қонуний кучга киргунча ижро этилиши керак бўлган ҳоллар мустасно;

б) жавобгар унга ёки унинг вакилига ўз вақтида ва тегишли тарзда судга чақирув қоғози топширилмаганлиги туфайли, суд процессида иштирок этмаган бўлса;

в) қарор тан олиниши ва ижро этилиши лозим бўлган Шартлашувчи Тарафнинг ҳудудида айна бир тарафлар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки учинчи давлат судининг тан олинган қарори бўлса, ёхуд шу Шартлашувчи Тарафнинг муассасаси томонидан илгари шу иш бўйича иш юритиш кўзгатишган бўлса;

г) Конвенция қоидаларига кўра, унда назарда тутилмаган ҳолларда эса ҳудудида қарор тан олиниши ва ижро этилиши лозим бўлган Шартлашувчи Тарафнинг қонун ҳужжатларига кўра иш унинг муассасалари мутлоқ ваколатига кирса;

д) келишилган судловга тегишли ишлар юзасидан тарафлар ўртасида битим мавжуд бўлганлигини тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлмаса;

е) мажбурий ижро этиш муддати, ҳудудида мажбурий ижро этиш амалга ошириладиган давлатнинг қонун ҳужжатларига кўра, ўтиб кетган бўлса.

Ўзбекистон ҳудудида чет эл судлари ва арбитражлари қарорларини ижро этиш юқорида кўрсатилган Конвенциядан ташқари Ўзбекистон Республикасининг бошқа кўп томонлама ва икки томонлама халқаро шартномалари билан ҳам тартибга солинади.

III МАВЗУ. ИЖРО ИШИ ЮРИТИШДА ИШТИРОК ЭТУВЧИ ШАХСЛАР

1. Ижро иши юритишнинг субъектлари.

Ижро иши юритишда иштирок этувчи шахслар тушунчаси

2. Ижро иши юритишда тарафлар

3. Ижро иши юритишда ҳуқуқий

ворислик ва иштирокчилик

4. Ижро иши юритишда вакиллик
5. Ижро иши юритишда таржимоннинг иштироки
6. Ижро иши юритишда холисларнинг иштироки
7. Ижро иши юритишда мутахассисларнинг иштироки
8. Суд ижрочиларининг давлат органлари, кредит ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги
9. Ижро иши юритишда рад қилиш
10. Ижро иши юритишда хабарномалар ва чақирувлар

1. Ижро иши юритишнинг субъектлари.

Ижро иши юритишда иштирок этувчи шахслар тушунчаси

Ҳар қанақанги иш юритишда бўлгани каби, ижро иши юритишда ҳам бир қанча шахслар иштирок этади. Ижро ишида иштирок этувчи шахслар тушунчасини уларнинг субъектив таркибидан келиб чиққан ҳолда турли хил нуқтаи назарда кўриб чиқиш мумкин. Яъни давлат ва ҳуқуқ назарияси, фуқаролик процессуал ҳуқуқи, хўжалик процессуал ҳуқуқи ҳамда ҳуқуқнинг бошқа соҳаларининг умумий қоидаларидан келиб чиқиб талқин этиш мумкин.

Ҳуқуқ субъекти сифатида қонунга кўра ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш, ҳуқуқий мунособатлар иштирокчиси бўлишга қобил ва бундай имкониятга эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар тушунилади.

Ижро иши юритишда иштирок этувчи шахслар доираси Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунида белгиланган.

Ижро иши юритишда вужудга келадиган мунособатлар субъектининг хусусияти уларнинг хулқ-атворининг объектив ва субъектив томонларини ўрганишга асосланади. Ижро иши юритишда иштирок этаётган шахслар функцияси моҳиятини уларнинг хулқ-атворининг объектив ва субъектив томонлари мажмуаси ташкил этади.

Ижро иши юритиш субъектларининг ҳаракатлари ёки ҳаракатларини амалга ошириш имконияти улар хулқ-атворининг **объектив томонини** ташкил этади.

Ижро иши юритишда иштирок этувчи шахсларнинг бу иштирокчиликдан эришишни хоҳлаган натижалар ёки мақсадлар улар хулқ-атворининг **субъектив томонини** ташкил этади.

Ижро иши юритиш субъектларини, уларнинг ижро иши юритишда иштирок этишдан мақсад ва вазифалари ҳамда мажбурий ижро этиш органлари билан ҳамкорлигидан келиб чиқиб таснифлаш мумкин:

- суд ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этишни амалга оширувчи шахслар – суд ижрочилари ва уларга тенглаштирилган шахслар (Суд департаментининг директори лавозимига кўра Ўзбекистон Республикасининг Бош суд ижрочиси, ҳудудий бошқармаларнинг бошлиқлари тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг бош суд ижрочисидир. Суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш бошқармаси бошлиғи ва ҳудудий бошқармаларнинг суд қарорларини ижро этиш бўлимлари бошлиқлари лавозимига кўра тегишинча бош суд ижрочиларининг ўринбосарларидир. Суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш бошқармаси ва ҳудудий бошқармаларнинг суд қарорларини ижро этиш бўлимлари ходимлари суд ижрочилари мақомига эга бўлади);

- ижро иши юритишда тараф тариқасида иштирок этувчи шахслар;
- қонун талабларига кўра ижро ҳужжатларини ижро этишга кўмаклашувчи шахслар;
- қарздорнинг мол-мулкни қонуний асосда ушаб турган шахслар;
- мулкий ҳуқуқларига ижро иши юритиш таъсир қиладиган шахслар.

Ижро иши юритишда иштирок этувчи шахслар тушунчасининг квалификацияловчи белгилари сифатида иккита элементни ажратиш мумкин: 1) юридик манфаат; 2) ўз манфаатлари ёки бошқа шахслар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ўз номидан ёхуд бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида уларнинг номидан ҳаракат қилиш лаёқотига эга бўлиш.

Шуни кўрсатиш керакки, ижро иши юритишда иштирок этувчи шахслар тушунчасининг бу икки квалификацияловчи белгиси бир-бири билан узвий боғлиқдир. Чунки ижро иши юритишда иштирок этувчи баъзи шахслар (томонлар), юридик (моддий ва процессуал) манфаатга эга бўлиб, ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади. Бошқалари эса (вакиллар, прокурор, давлат

ва жамоат органлари вакиллари) юридик (процессуал) манфаатга эга бўлиб қонуннинг тўғридан тўғри кўрсатмасига кўра бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади. Тарафларнинг *моддий – ҳуқуқий манфаати* шунинг англатадики, улар ижро иши юрителишида ижобий моддий натижага эришишга ҳаракат қиладилар. Тарафларнинг *процессуал манфаати* ижро иши юрителиши тўғрисидаги қонун нормаларига асосланган ҳолда ижро ҳужжатини қонунга мувофиқ мажбурий ижро этилишига эришишдир.

Ижро иши юрителишида иштирок этувчи шахсларга қуйидагича тушунча бериш мумкин. **Ижро иши юрителишида иштирок этувчи шахслар**, — бу маълум юридик (моддий ва (ёки) процессуал-ҳуқуқий) манфаатга эга бўлган ва ижро иши юрителишида ўз номидан ёхуд бошқа шахслар номидан ўзининг манфаатлари, бошқа шахслар манфаатлари, давлат ва жамоат манфаатларини ҳимоя қилиш учун иштирок этадиган ижро иши юрителишининг барча иштирокчиларидир.

Шуни назарда тутиш керакки, юридик адабиётларда ижро иши юрителишида қатнашишнинг мақсад ҳамда вазифалари ва мажбурий ижро органлари билан ҳамқорликни амалга оширишига қараб ижро иши юрителиш субъектларининг қуйидаги классификацияси келтирилган:

- ҳокимият функцияларига эга бўлган шахслар, яъни ижро органлари – суд ва суд ижрочиси;
- ижро ҳаракатларини амалга оширишда иштирок этувчи шахслар;
- қонун талабларига кўра суд ижрочисига қўмаклашувчи шахслар;
- қарздорнинг мулкни қонуний асосларда эгаллаб турган шахслар;
- мулкий ҳуқуқларига суд ижрочиси томонидан дахл қилинадиган ёки мулкий ҳуқуқлари бузилиши мумкин бўлган шахслар³².

Бошқа бир муаллифлар эса ижро иши юрителиш муносабатлари субъектларини қуйидаги икки гуруҳга бўлишликни таклиф этишади:

- 1) ижро иши юрителишининг асосий иштирокчилари;
- 2) ижрога қўмаклашувчи шахслар³³.

Решетникова И.В. эса ижро иши юрителиш субъектларини уч гуруҳга бўлишликни таклиф этади³⁴: 1) ижронинг амалга оширувчи ҳокимият органлари (суд ижрочиси, суд (судья), ижро иши юрителишида иштирок этувчи, ижро иши юрителишининг бошқа иштирокчилари)³⁵; 2) ўзига нисбатан ижро ҳаракатлари амалга ошириладиган шахслар; 3) ижро иши юрителишга қўмаклашувчи шахслар.

Ижро иши юрителишининг барча иштирокчиларини уларнинг фаолияти йўналтирилган мақсадлар ва уларнинг ижро иши юрителишидаги ролдан келиб чиқиб тўртга бўлиш таклиф этиладиган классификация ҳам маълум. Унга кўра ижро иши юрителиш иштирокчилари қуйидагилар:

- 1) мажбурий ижро органлари;
- 2) суд (судья);
- 3) тарафлар;
- 4) ижро иши юрителишининг бошқа иштирокчилари³⁶.

Бизнинг назаримизда ижро иши юрителиш субъектларининг оддийроқ ва тўғрироқ классификациясини Валеев Д.Х. таклиф этган. Унинг таклифига кўра ижро иши юрителиш субъектлари қуйидагича классификацияланади:

- 1) ижронинг амалга оширувчи ҳокимият органлари (суд ижрочиси);

³² Заворотько П.П. Процессуальные гарантии исполнения судебного решения. – М., 1974. – Б. 188.

³³ Морозова И.Б., Треушников А.М. Исполнительное производство. – М.: Городец, Формула права, 1999. – Б. 62.

³⁴ Защита прав инвесторов / Под ред. В.В.Яркова. – М.: Финансовый дом «Деловой экспертс», 1998. – Б. 88.

³⁵ Д.Валеевнинг фикрига кўра мазкур таклиф билан келишиб бўлмайди, чунки суд ижро иши юрителиш субъекти бўлиши мумкин эмас. Суд ижрочисининг ҳаракатлари устидан шикоят келтиришда ва ижро иши юрителиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа процессуал ҳаракатларнинг суд томонидан амалга оширилишида вужудга келадиган муносабатлар фуқаролик процессуал муносабатларидир. Бундан ташқари, “ўзига нисбатан ижро ҳаракатлари амалга ошириладиган шахслар” тушунчаси мукамал эмас, чунки бу гуруҳга фақатгина ижро иши юрителиш тарафларини киритиш мумкин, Решетникова И.В. бу гуруҳга киритаётган тарафларнинг вакиллари ўзларига нисбатан ижро ҳаракатлари амалга ошириладиган шахслар эмас. Бу ҳақида батафсил қаранг: Валеев Д.Х. Исполнительное производство: Учебник для вузов. – СПб.: Питер, 2008. – Б.78.

³⁶ Гражданский процесс / Под ред. М.К.Треушникова. – М., 2001. – Б. 495.

2) ижро иши юритишда иштирок этувчи шахслар (тарафлар ва тарафларнинг вакиллари, шунингдек прокурор ва давлат бошқарув органлари);

3) ижро иши юритишга кўмаклашувчи шахслар (ижро иши юритишдан юридик ёки бошқа бирон бир манфаатдорлиги бўлмаган ва ўзларининг ўзига хос мажбуриятларини бажариш учун жалб этиладиган шахслар – таржимонлар, холислар, мулкни сақловчилар ва бошқа шахслар)³⁷.

Ижро иши юритишда иштирок этувчи шахслар тоифасига кирувчи айрим субъектларнинг функцияларини белгилашда, улар ижро иши юритишда қандай мақсадларда иштирок этаётганлигини эътиборга олиш лозим. **Ижро иши юритишда иштирок этувчи шахсларнинг функциялари** қуйидагилардан иборатдир.

1) ундирув функцияси. Бу функцияни чегараланган доирадаги субъектлар амалга ошириб, улар қаторига суд ижрочиси, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса бошқа органлар киради. Ундирувни қонунда назарда тутилган ҳолларда солиқ органлари, банклар ҳамда бошқа кредит ташкилотлари, бошқа жисмоний ва юридик шахслар амалга ошириши мумкин. Шунинг назарда тутиш керакки, кейинги санаб ўтилган субъектлар ижро иши юритишда иштирок этувчи шахслар бўлиб ҳисобланмайди;

2) химоя функцияси. Бу функция мураккаб таркибли эканлиги билан изоҳланади, чунки химоя функцияси ижро иши юритишда иштирок этувчи барча шахслар томонидан амалга оширилади;

3) ижро иши юритишда қонунийлик устидан назорат функцияси. Бу функция прокурор томонидан амалга оширилади;

4) ижро иши юритишдаги тарафларга кўмаклашиш функцияси;

5) ижро иши юритишга кўмаклашиш функцияси.

2. Ижро иши юритишда тарафлар

Ижро иши юритишда тарафлар — бу моддий мажбуриятдан келиб чиқадиган муносабатлар субъектларидир. Ижро иши юритишда тарафлар бўлиб: ундирувчи ва қарздор ҳисобланади. Тарафлар ижро иши юритишда иштирок этувчи асосий шахслардир. Ундирувчи ва қарздорсиз ижро иши юритиш мавжуд бўлиши мумкин эмас.

Ҳар бир тараф ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга. Ижро иши юритишда бир пайтнинг ўзиде бир неча ундирувчи ёки қарздор иштирок этиши мумкин. Уларнинг ҳар бири бошқа тарафга нисбатан ижро иши юритишда мустақил иштирок этади ёки ижро ҳаракатларида иштирок этишни шериклардан бирига топшириши мумкин.

Ундирувчи — бу суд ҳужжатлари ёки бошқа органлар ҳужжатларини ижросини талаб этиш ҳуқуқига эга бўлган шахс, яъни фойдасига ёки манфаатларини кўзлаб ижро ҳужжати берилган жисмоний ёки юридик шахс. Ундирувчи ўз ихтиёрига кўра ижро ҳужжатини олиши ва мустақил равишда ижрога топшириш ҳуқуқига эга ёхуд унинг илтимосига кўра суд ёки бошқа орган ижро ҳужжатини ижрога қаратиш учун тегишли ижро органига жўнатиши мумкин. Мутлоқ кўпчилик ҳолатларда собиқ даввогар унинг талаб қилиш ҳуқуқи ёки қонуний манфаати суд қарори ёхуд бошқа ваколатли орган қарори билан тасдиқланган ҳолда ундирувчига айланади. Аммо собиқ жавобгар ундирувчига айланиш ҳоллари ҳам учраши мумкин. Масалан, суднинг қарори билан даввонинг қаноатлантирилиши рад этилиши ва суд ҳаражатлари даввогардан жавобгар фойдасига ундирилиши мумкин. Бундай ҳолатда собиқ жавобгар ундирувчига айланади.

Қарздор - бу ижро ҳужжатида назарда тутилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни ундирувчига бериш ёхуд муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёки уларни амалга оширишдан ўзини тийиш мажбурияти зиммасига юклатилган жисмоний ёки юридик шахс.

Ижро иши юритишда қарздор зиммасига мажбурият юклатилган шахс бўлиб, унинг иштирокидаги ҳуқуқий муносабатларга, фуқаронинг кадр-кимматини ҳурмат қилиш ҳамда қарздор фуқаро ва унинг оила аъзоларининг нормал турмуш кечириши учун зарур бўлган мол-мулкнинг энг кам миқдорининг дахлсизлиги принципларига риоя қилинган ҳолда, тартибга солишнинг императив усуллари қўлланилади.

Қарздор ундирувчидан фарқли ижродан воз кечиш ҳуқуқига эга эмас. Ижро ҳужжатини ижро этмаган ҳолда қарздор иш ҳолатларига қараб қонунда белгиланган тартибда маъмурий ёки жинорий жавобгарликка тортилиши мумкин.

³⁷ Валеев Д.Х. Исполнительное производство: Учебник для вузов. – СПб.: Питер, 2008. – Б.79.

Шахс ундирувчи ёки қарздор процессуал мақомига ижро асоси бўлмиш ҳужжат (қарор) чиқарилиши биланоқ эмас, балки ижро иши юритиш кўзғатилганидан сўнг эга бўлади.

Ижро ҳужжати суд ижрочисига келиб тушганда ва ижро иши юритишни кўзғатиш масаласини ҳал этишда суд ижрочиси унга ижро ҳужжатини мажбурий ижро этиш масаласида мурожаат этган шахснинг ҳуқуқий мақомини текшириши шарт. Агарда ундирувчи юридик шахс бўлса, ижро ҳужжатидаги юридик шахснинг номи суд ижрочисига мурожаат этган юридик шахснинг номига тўғри келиши ҳамда унинг манфаатларини ифодаловчи ва унинг номидан иш кўрувчи шахснинг ваколатлари текширилади. Юридик шахс (ташкилот) ижро иши юритишда қонун ҳужжатларида ёки таъсис ҳужжатларида ўзларига берилган ваколатлар доирасида ҳаракат қиладиган органлар ёки мансабдор шахслари орқали ёки мазкур органлар ва мансабдор шахсларнинг вакиллари орқали иштирок этадилар. Юридик шахснинг номидан иштирок этувчи шахсларнинг ваколатлари юридик шахснинг тасис ҳужжатлари ёки юридик шахснинг ваколатли органи ёхуд мансабдор шахси берган ишончнома билан тасдиқланади. Ишончнома тегишли мансабдор шахснинг (раҳбар) имзоси ва юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак. Агарда ундирувчи жисмоний шахс бўладиган бўлса, суд ижрочиси унга ижро ҳужжатини мажбурий ижро этиш масаласида мурожаат қилган жисмоний шахснинг ҳуқуқий мақомини текширади.

Ижро иши юритишда иштирок этиш учун айрим чеклашлар мавжуд. Қонунда белгиланишига кўра, ижро иши юритиш кўзғатилган вақтга вояга етган, ижро иши юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларда назарда тутилган процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини мустақил амалга оширишга қобил бўлган шахслар ижро иши юритишда иштирок этиши мумкин. Ижро иши юритишда, шунингдек, Фуқаролик кодекснинг 28 моддасига мувофиқ тўлиқ муомалага лаёқатли (эмансипация) деб эълон қилинган жисмоний шахслар ҳам иштирок этиши мумкин. Вояга етмаганни тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиш унинг ота-оналари, фарзандликка олувчилари, васийлари ёки ҳомийлари розилиги билан васийлик ва ҳомийлик органининг қарори билан, бундай розилик бўлмаган тақдирда суд тартибида амалга оширилади. Ижро иши юритишда вояга етмаганларнинг иштироки Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг 10 - моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

Ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролар ижро иши юритишда ўз ҳуқуқларини мустақил ёки вакиллар орқали амалга оширишлари ва мажбуриятларини бажаришлари мумкин.

Умумий қоидага кўра, ижро иши юритишда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини уларнинг қонуний вакиллари – ота-оналари, фарзандликка олувчилари, васийлари ва ҳомийлари амалга оширадилар.

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 10 - моддаси 2 қисмига мувофиқ фуқаролик, оилавий, меҳнат, маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан ҳамда олинган иш ҳақини ёки бошқа даромадни тасарруф этиш билан боғлиқ битимлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича суд ҳужжатлари ва бошқа органларнинг ҳужжатлари асосида берилган ижро ҳужжатлари ижро этилаётганда вояга етмаганлар қонунда назарда тутилган ҳолларда ижро иши юритишда мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга оширишлари ва мажбуриятларни бажаришлари мумкин.

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг 10 - моддаси 3 қисмига мувофиқ ўн олти ёшга тўлган, вояга етмаган шахс тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилинган тақдирда (эмансипация), у ижро иши юритишда мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошириши ва мажбуриятларни бажариши мумкин.

Фуқаролик кодекснинг 22 - моддасига мувофиқ вояга етгунга қадар қонуний асосда никоҳдан ўтган фуқаро никоҳдан ўтган вақтдан эътиборан тўла ҳажмда муомала лаёқатига эга бўлади. Никоҳ тузиш натижасида эга бўлинган муомала лаёқати ўн саккиз ёшга тўлмасдан туриб никоҳ бекор қилинган тақдирда ҳам тўла сақланиб қолади. Бундай шахслар ижро иши юритишда ҳам мустақил иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Ундирувчи ёки қарздорнинг ҳуқуқ лаёқати тугатилганда ёхуд улар муомала лаёқатини йўқотганда ижро иши юритиш тўхтатилиши шарт. Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг 34 - моддасига кўра ижро иши юритиш агар суд томонидан аниқланган ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қўйса, қарздор вафот этганда, у вафот этган деб эълон қилинганда ёки бедарак йўқолган деб топилганда; қарздорнинг ночорлиги (банкротлиги) тўғрисидаги иш бўйича хўжалик суди томонидан иш юритиш кўзғатилганда; қарздор муомала лаёқатини йўқотганда тўхтатилиб турилиши

мажбурийдир.

Юқорида кўрсатилганидек ижро иши юритишдаги тарафлар уларнинг ҳуқуқий ҳолатига мувофиқ **ҳуқуқ ва мажбуриятларга** эгадир. Ижро иши юритишдаги тарафлар:

- ижро иши юритиш материаллари билан танишиш;
- ижро иши юритиш материалларларидан кўчирмалар ва нусхалар олиш;
- қўшимча материаллар тақдим этиш;
- илтимосномалар бериш, жумладан ижро ҳаракатларини кейинга қолдириш ҳақида илтимоснома бериш;
- ижро ҳаракатларини амалга оширишда иштирок этиш;
- ижро ҳаракатлари жараёнида оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш;
- ижро иши юритилиши давомида пайдо бўладиган масалалар юзасидан ўз вазлари ва фикр-мулоҳазаларини билдириш;
- ижро иши юритишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимосномалари, вазлари ва фикр-мулоҳазаларига қарши эътироз билдириш;
- рад қилиш;
- ижро ҳужжатларининг ижросини кечиктириш, ёки бўлиб-бўлиб ижро этиш, уларни ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги ариза билан ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа органга мурожаат қилиш;
- суд ижрочисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга эгадирлар. Масалан, ундирувчи ижро ҳужжатларини мажбурий ижро этиш учун тақдим қилиш, ундирувдан воз кечиш ва келишув битими тузиш, қарздорни ва унинг мол-мулкани қидириш бўйича харажатларни бўнак билан таъминлаш, кейинчалик эса бу харажатларни қопланишини талаб этиш ҳуқуқига эга. Ундирувчи қарздорнинг реализация қилинмай қолган мол-мулкани ўзида қолдириш ҳуқуқига эга.

Юқорида келтирилган процессуал ҳуқуқлар рўйхати ижро иши юритишда тарафларнинг процессуал фаолияти хилма-хил эканлигидан далолат беради. Тарафлар қонунда назарда тутилган процессуал ҳаракатларни эркин амалга ошириш ҳуқуқига эга. Аммо улар қонунга хилоф ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини бузадиган ҳаракатларни содир қилишга ҳақли эмаслар.

Россия Федерациясининг “Ижро иши юритиш ҳақида”ги Қонунига шарҳлар муаллифлари тарафларнинг субъектив процессуал ҳуқуқни уларнинг мазмундан келиб чиққан ҳолда уч гуруҳга бўлишликни таклиф этганлар:

1) амалга оширилиши ижро иши юритишнинг ҳаракатланишига таъсир қиладиган ҳуқуқлар (масалан, суд пристави-ижрочиси қарорлари ёки ҳаракатлари устидан шикоят келтиришга бўлган ҳуқуқ, келишув битими тузишга бўлган ҳуқуқ);

2) ижро иши юритишда фаол иштирок этишга бўлган ҳуқуқ (масалан, ижро ҳаракатларини амалга оширишда иштирок этиш ҳуқуқи, ижро ҳаракатларини амалга ошириш жараёнида оғзаки ва ёзма тушунтиришлар беришга бўлган ҳуқуқ);

3) тарафларнинг кенг маънода ҳимоя қилинишини таъминловчи ҳуқуқ (масалан, таржимон, экспертни рад этиш ҳуқуқи).

Ижро иши юритишдаги тарафларнинг мажбуриятлари. Ижро иши юритишда тарафларнинг фуқаролик процессуал мажбурияти – бу тарафларнинг ижро иши юритишда талаб қилинадиган ва процессуал қонун (“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонун) билан таъминланадиган, мажбурий ижро органининг субъектив ҳуқуқига мувофиқ келадиган мақбул хатти-ҳаракатидир.

Кўпчилик ҳолатларда ижро иши юритишда тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари диспозитив эмас, балки императив хусусиятга эга бўлади. Ундирувчи аксарият ҳолатларда ваколатли тараф бўлиб, қарздор эса ижро ҳужжатини ижро этиш мажбурияти юклатилган асосий субъект ҳисобланади.

Ижро иши юритишдаги тарафларнинг асосий мажбуриятлари *умумий* ва *маҳсус мажбуриятларга* бўлинади. тарафларнинг умумий мажбуриятлари ижро ҳаракатларини амалга ошираётганда суд ҳужжатларини ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларини бажаришдир. Қарздорга ижро ҳужжатлари талабларини ўз вақтида ва тўлиқ ижро этиш, ундирувчига эса ижро ҳаракатларини амалга оширишда суд ижрочисига ёрдам кўрсатиш мажбурияти юкланган. Бу мажбуриятлар маҳсус мажбуриятлар сирасига киради.

Ижро иши юритишда ундирувчининг ва, шунингдек, қарздорнинг мажбуриятлари ижро иши юритиш қўзгатилганидан бошланади ва у тугаллангунга қадар бир шахсдан бошқа шахсга ўтиши мумкин (ҳуқуқий ворислик).

3. Ижро иши юритишда хуқуқий ворислик ва иштирокчилик

Ижро иши юритишда хуқуқий ворислик. Хуқуқий ворислик — бу ижро иши юритиш жараёнида хуқуқ ва мажбуриятларнинг бир тарафдан илгари ижро иши юритишда иштирок этмаган бошқа шахсга ўтишидир. Хуқуқий ворислик тарафларидан бири ижро ҳужжатини ижро этиш жараёнидан чиқиб кетган тақдирда уни хуқуқий ворис билан алмаштиришдан иборатдир.

Хуқуқий ворислик институти қуйидаги ўзига ҳос белгиларга эга:

1. Хуқуқий ворислик ижро иши юритишнинг барча даврида яъни ижро иши юритиш кўзга тилганидан бошлаб, тамомлангунига қадар амалга оширилиши мумкин.

2. Амалга оширилган барча ҳаракатлар чиқиб кетган тараф учун қай даражада мажбурий ҳисобланган бўлса, унинг ўрнига ижро иши юритишга кирган хуқуқий ворис учун ҳам шу даражада мажбурийдир.

3. Моддий хуқуқда бўлгани сингари ижро иши юритишда хуқуқий ворислик асослари бўлиб, ундирувчи ёки қарздорнинг вафот этиши, юридик шахснинг қайта ташкил этилиши, бошқа шахс фойдасига талаблардан воз кечилиши, қарзнинг бошқа шахсга ўтказилиши ва шу кабилар ҳисобланади.

4. Шуни назарда тутиш керакки, агарда хуқуқий ворислик моддий хуқуқ нормасида кўзда тутилмаган бўлса, унга ижро иши юритишда ҳам йўл қўйилмайди. Масалан, меҳнат хуқуқида ишга тиклаш ишлари бўйича хуқуқий ворислик назарда тутилмаган. Шу туфайли бу турдаги ишлар бўйича ижро иши юритишда ҳам хуқуқий ворисликка йўл қўйилмайди.

5. Ижро иши юритишдан тарафларнинг бири чиқиб кетган тақдирда суд ижрочиси ўз қарори билан ана шу тарафни унинг хуқуқий вориси билан қонунда белгиланган тартибда алмаштиради ва ижро иши юритишни давом эттиради, бундан “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 34 - моддасида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Ижро иши юритишда иштирокчилик. Ижро иши юритишда иштирокчиликка ҳам йўл қўйилади. Ижро иши юритишда *иштирокчилик* бир ижро ишида бир неча ундирувчи ёки қарздор иштирок этишини англатади. Улардан бирининг хуқуқ ва мажбуриятлари бошқасининг хуқуқ ва мажбуриятларини исътесно этмайди. Бу шуни англатадики иштирокчилар бир-биридан мустақил бўлиб, қонунда назарда тутилган ҳар қанақанги ҳаракатларни уларнинг ҳар бири мустақил амалга оширилиши мумкин.

Ижро иши юритишда бир неча ундирувчи ёки қарздор иштирок этаётган ҳолда уларнинг ҳар бири бошқа тарафга нисбатан ижро иши юритишда мустақил иштирок этади ёки ижро ҳаракатларида иштирок этишни шерикларидан бирига топширишга ҳақли. Бундай ҳолатларда бошқа шеригининг ўрнига ижро ишида қатнашаётган ундирувчи ёки қарздор вакил мақомига эга бўлади ва унинг ваколатлари Қонуннинг 14 - моддаси талабларига мувофиқ расмийлаштирилган бўлиши керак.

4. Ижро иши юритишда вакиллик

Ижро иши юритишда вакиллик — бир шахснинг (вакилнинг) бошқа шахс (ваколат берувчининг) хуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида, шунингдек, суд ижрочиси томонидан ижро ҳужжатларини ижро этишда ваколат берувчига унинг хуқуқларини амалга оширишда ёрдам бериш учун унинг номидан ва унинг манфаатларини кўзлаб ўзига берилган ваколатнома асосида амалга ошириладиган фаолият. Шуни назарда тутиш керакки, агарда ижро ҳужжати бўйича қарздор зиммасига фақат унинг ўзи шахсан ижро этиши мумкин бўлган мажбуриятлар юклатилган бўлса, шунингдек ижро ҳужжатининг хусусияти ундирувчининг шахсан иштирокини талаб қилган ҳолларда уларни ижро этишда қарздор ёки ундирувчи ўз вакили орқали ҳаракат қилишга ҳақли эмас.

Ижро иши юритишда вакиллик турлари.

1. *Қонуний* вакиллик қонунда тўғридан тўғри назарда тутилган маълум фактик ҳолатларга асосланади. Ижро иши юритишда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган жисмоний шахсларнинг хуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини уларнинг қонуний вакиллари - ота-оналари, фарзандликка олувчилари, васийлари ёки хомийлари ҳимоя қиладилар. Улар ўз ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этадилар.

Қонуний вакиллар амалга ошириш хуқуқи вакил қилинаётганларга тегишли бўлган барча

ҳаракатларни қонунда назарда тутилган чекланишлар билан вакил қилинаётганларнинг номидан бажарадилар.

Белгиланган тартибда бедарак йўқолган деб топилган жисмоний шахс иштирок этиши лозим бўлган ижро иши юритиш бўйича, бедарак йўқолганнинг мол-мулки ишончли бошқарувига берилган ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тайинланган шахслар бедарак йўқолган шахснинг вакили сифатида қатнашадилар.

Вафот этган ёки белгиланган тартибда вафот этган деб эълон қилинган шахснинг меросхўри иштирок этиши лозим бўлган ижро иши юритиш бўйича, агар меросни ҳали ҳеч ким қабул қилиб олмаган бўлса, васий ёки мерос мол-мулкни муҳофаза қилиш ва бошқариш учун тайинланган сақловчи меросхўрнинг вакили сифатида қатнашади.

Қонуний вакиллар ижро иши юритишда иштирок этишни ўзлари вакил сифатида танлаган бошқа шахсга топшириш ҳуқуқига эгадирлар.

2. *Шартнома бўйича (ихтиёрий)* вакиллик тарафлар ўртасидаги шартномага асосан вужудга келади. Фуқаролик процессуал кодекснинг 52 - моддасига мувофиқ қуйидагилар шартнома бўйича (ихтиёрий) вакил бўла оладилар:

- 1) адвокатлар;
- 2) тарафлар, учинчи шахслар томонидан танланган шахслар;
- 3) биргаликда иштирок этувчилардан бири бошқа иштирок этувчиларнинг топшириғи бўйича.

Юридик шахсларнинг вакили сифатида ижро иши юритишда уларнинг вакилларининг ваколатлари меҳнат шартномасига асосланган бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда вакил сифатида юридик шахсларнинг юристлари ёки бошқа ходими қатнашиши мумкин.

Қуйидаги шахслар ижро иши юритишда вакил бўлишлари мумкин эмас:

- 1) вояга етмаган шахслар;
- 2) васийликда ёхуд ҳомийликда турган шахслар;
- 3) судьялар, прокурорлар, терговчилар, суриштирувчилар, суд ижрочилари ва суд аппарати ходимлари.

Бу қоида учинчи гуруҳда кўрсатилган шахсларга нисбатан мазкур шахслар ижро иши юритишда тегишли суднинг, прокуратура, тергов ва суриштирув органининг ваколатли вакили ёки қонуний вакил сифатида иштирок этадиган ҳолларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Қонунда судьялар, прокурорлар, терговчилар, суриштирувчилар, суд ижрочилари ва суд аппарати ходимларига нисбатан ўрнатилган бу чеклаш ижро иши юритишда кўрсатилган шахсларнинг суд ижрочиларининг фаолиятига қандайдир тарзда аралашинининг олдини олиш ҳамда суд ижрочисининг ҳолислигига қандайдир шубҳа уйғонишинини бартараф этиш мақсадида ўрнатилган.

Ижро иши юритишда вакилликнинг умумий қоидалари. Вакил ва ишонч билдирувчи ўртасидаги муносабатлар моддий ҳуқуқ, яъни Фуқаролик кодекси нормалари билан тартибга солинади.

Вакилларга қўйиладиган бош талаб — уларнинг ваколатлари қонунга мувофиқ берилган ва расмийлаштирилган ишончнома билан тасдиқланган бўлиши шартлигидир. Ижро иши юритишда жисмоний ва юридик шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган диспозитив ва императив нормаларни ҳисобга олган ҳолда вакилнинг хизматидан фойдаланиши мумкин. Диспозитив нормага кўра ундирувчи ёки қарздор: 1) ижро иши юритишда вакилнинг хизматидан фойдаланмасдан шахсан иштирок этиш; 2) ижро иши юритишда вакил билан биргаликда иштирок этиш; 3) ижро иши юритишда шахсан иштирок этмасдан вакил орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга. Ўз навбатида императив норма, агар ижро ҳужжати бўйича қарздор зиммасига фақат у шахсан ижро этиши мумкин бўлган мажбуриятлар юклатилган бўлса, уларни ижро этишда қарздор ўз вакили орқали ҳаракат қилишга ҳақли эмаслигини талаб этади.

Ижро иши юритишда иштирок этувчи вакилнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатларини расмийлаштириш, вакил кимнинг номидан жисмоний шахс ёки юридик шахснинг номидан иштирок этаётганлигига боғлиқ.

Вакилнинг ваколатлар доираси икки фактик ҳолат: 1) ишонч билдирувчининг ваколатлари доирасидан; 2) ишонч билдирувчи вакилга қанақанги ваколатлар берганлиги билан боғлиқ.

Тарафларнинг вакиллари ишнинг якунидан процессуал жиҳатидан манфаатдордирлар. Процессуал манфаатдорлик одатда бевосита қонунда (қонунийлик вакиллик), шартномада (шартномавий вакиллик) ёки бошқа юридик асослар билан белгиланади.

Ижро иши юритишда вакил қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ишонч билдирувчининг шахсан иштирок этишини талаб қилмайдиган барча ҳаракатларини амалга оширишга;

- вакил қилаётган шахс бераётган ишончномада вакилнинг қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш ваколатлари махсус кўрсатиб ўтилган бўлиши керак: 1) ижро ҳужжатини ижрога топшириш ва уни чақириб олиш; 2) ундирувдан воз кечиш; 3) ваколатларни бошқа шахсга ўтказиш (ишониб топшириш); 4) суд ижрочисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят бериш ва уни рад қилиш; 5) ундирилган мол-мулкни (шу жумладан пулни) олиш; 6) келишув битими тузиш.

Ижро иши юритишда вакилнинг ваколат турлари. Ижро иши юритишда вакилнинг ваколатлари умумий ва махсус ваколатларга бўлинади. *Умумий ваколатлар* – бу ижро иши юритишда қатнашаётган вакилнинг вакил қилувчи номидан ишончномада махсус кўрсатилган ёки кўрсатилмаганлигидан қатъий назар амалга оширишга ҳақли бўлган ҳаракатлардир. *Махсус ваколатлар* – бу аниқ ваколатлар бўлиб, вакил уларни ишончномада махсус кўрсатилган ҳоллардагина амалга оширишга ҳақли.

Фуқаролик кодекснинг 134 моддасига мувофиқ бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан иккинчи шахсга (ишончли вакилга) учинчи шахслар олдида вакиллик қилиш учун берилган ёзма ваколат ишончнома ҳисобланади. Ишончли вакил ўзига ишончнома билан берилган ваколатлар доирасида иш олиб боради.

Ишончнома вакил томонидан суд ижрочисига тақдим этилади ёки бевосита вакил қилаётган шахс (ишонч билдирувчи) томонидан юборилади. Ишончноманинг муддати 3 йилдан ошмаслиги керак. Агар ишончномада муддат кўрсатилмаган бўлса, у берилган кундан бошлаб бир йил давомида кучда бўлади. Берилган санаси кўрсатилмаган ишончнома ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир. Ижро иши юритишда юридик шахснинг вакили ваколатлари унга қонунга мувофиқ берилган ва расмийлаштирилган ишончнома билан тасдиқланади.

Юридик шахс номидан берилган ишончнома унинг раҳбарининг имзоси ва юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланади.

Ижро иши юритишда жисмоний шахснинг вакилига берилган ишончнома Фуқаролик кодексининг қоидаларига кўра нотариал ёки унга тенглаштирилган тартибда тасдиқланади.

Ижро иши юритишда қатнашаётган адвокатнинг ваколатлари юридик маслаҳатхона, фирма ёки адвокатлик бюроси томонидан берилган ордер билан тасдиқланади. Ордер кўрсатилган ташкилотлар раҳбарларининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланади. Қонуний вакилларнинг (отаналар, фарзандликка олувчилар, васийлар ёки ҳомийлар) ваколатлари суд ижрочиси томонидан уларнинг тегишли ҳужжатлари (паспорт, фарзандликка олиш тўғрисидаги гувоҳнома, васийлик белгилаш тўғрисидаги қарор ёки гувоҳнома ва бошқалар) асосида аниқланади.

5. Ижро иши юритишда таржимоннинг иштироки

Ижро иши юритишда иштирок этувчи шахслар доирасига ижро ишининг якунидан манфаатдор бўлмаган, лекин ижро ҳужжатини сифатли, тўлиқ ва ўз вақтида ижро этиш учун иштироки талаб этиладиган шахслар ҳам қиради. Бундай шахслар таржимонлар, ҳолислар ва мутахассислардир.

Қонун ижро иши юритишда таржимон иштирок этиши мумкинлигини назарда тутаяди. **Таржимон** — бу ижро ҳаракатлари амалга ошириляётганда ижро иши юритиляётган тилни билмайдиган шахсларга таржимани таъминлаш учун ижро иши юритишга жалб этиладиган шахсдир.

Таржимонга қўйиладиган асосий талаблардан бири шуки, таржима учун зарур бўлган тилларни биладиган ҳар қандай вояга етган, муамолага лаёқатли жисмоний шахс таржимон бўлиши мумкин. Таржимон сифатида ижро иши юритиш иштирокчилари билан қариндошчилиги бўлган ёки уларга бўйсинадиган шахслар, ижро иши юритишда тараф бўлган юридик шахсларнинг ходимлари, шунингдек ижро иши юритишнинг якунидан бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлган шахслар жалб этилиши мумкин эмас.

Таржимоннинг ижро иши юритишда қатнашишига процессуал асос бўлиб суд ижрочисининг таржимон тайинлаш тўғрисидаги қарори ҳисобланади. Суд ижрочиси таржимоннинг шахсини текширади ва таржимонни тайинлаш тўғрисидаги қарорда таржимоннинг фамилияси, исми-шарифи, фуқаролиги, яшаш жойи, ижро иши юритишдаги тарафлар билан ўзаро муносабати ҳақидаги маълумотларни кўрсатади.

Ижро ҳаракатларини бошлаш олдидан суд ижрочиси таржимонни била туриб нотўғри таржима қилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда жавобгар бўлиши ҳақида огоҳлантиради.

Ижро ҳаракатларини амалга оширишда таржимон суд ижрочисининг барча топшириқлари ва баёнотларини ҳамда ижро иши юритишда иштирок этаётган бошқа шахсларнинг билдирган фикр - мулоҳазаларини таржима қилади. Ижро ҳаракатини амалга ошириш жараёнида тузилган тегишли ҳужжат манфаатдор шахснинг талабига кўра ёзма равишда таржима қилинади.

Таржимон рад этилиши мумкин. Таржимонни рад этиш тўғрисидаги масала суд ижрочиси томонидан ҳал этилади. Суд ижрочиси таржимонни рад этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиб, асослантирилган қарор чиқаради. Бу қарор катта суд ижрочиси томонидан тасдиқланиши лозим.

Қонунга кўра, таржимон ўз меҳнати учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга бўлиб, бу ҳақ ижро ҳаракатларини амалга ошириш харажатларига киритилади.

6. Ижро иши юритишда холисларнинг иштироки

Ижро иши юритишда холис — бу ижро ҳаракатларини амалга оширишда иштирок этиш учун таклиф қилинган, ижро ҳаракатларини амалга оширишда белгиланган қонуний тартиб-тамойилларига риоя этилганлигини ва тегишли ҳужжатда қайд этилган ҳаракатларнинг содир этилганлик фактини тасдиқлайдиган шахсдир.

Ижро иши юритишда холисларнинг иштироки мажбурий ёки факультатив бўлиши мумкин. Қонуннинг 18 - моддаси 1 қисмида ижро иши юритишда қайси ҳолларда холисларнинг иштироки *мажбурийлиги* назарда тутилган. Қарздорнинг хоналари ва омборларини очиш, мол-мулкни кўздан кечириш, хатлаш, олиб қўйиш ва бериш билан боғлиқ ижро ҳаракатларини амалга оширишда холислар иштирок этиши шарт. Ижро иши юритишда холисларнинг иштироки *факультативлиги* шунинг англатадики юқорида кўрсатилганлардан бошқа ҳолларда, холислар суд ижрочисининг ихтиёрига кўра чақирилади.

Холислар сифатида ижро ҳаракатларини амалга оширишдан манфаатдор бўлмаган ва ўзаро ёки ижро иши юритиш иштирокчилари билан қариндош бўлмаган, бир-бирига бўйсунмайдиган ва бир-бирини назорат қилмайдиган вояга етган ҳар қандай муомалага лаёқатли жисмоний шахслар таклиф этилиши мумкин. Холислар икки кишидан кам бўлмаслиги керак.

Суд ижрочиси ижро ҳаракатларини амалга оширишда холисларни жалб этган тақдирда, у холисларнинг шахсини (фамилияси, исми-шарифи, фуқаролиги, яшаш жойи, қарздор ва ундирувчи билан ўзаро муносабати ва бошқалар) текширади ва бу маълумотларни ижро ҳаракатларини амалга ошириш жараёнида ўзида акс эттирувчи тегишли ҳужжатга киритади.

Холислар иштирок этадиган ижро ҳаракатлари бошланишидан олдин суд ижрочиси уларга ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради.

Холис ўзининг қандай ижро ҳаракатларини амалга ошириш учун таклиф қилинганлигини, улар қандай ижро ҳужжатларига асосан амалга оширилаётганлигини билишга, амалга оширилган ижро ҳаракатлари бўйича фикр-мулоҳазалар билдиришга ҳақли. Холисларнинг мулоҳазалари тегишли ижро ҳаракатлари далолатномасига киритилиши лозим. Холисларнинг истагига биноан бундай мулоҳазалар унинг ўз қўли билан ёзилиши мумкин. Холис тегишли ижро ҳаракати далолатномасида ўзи иштирок этган ижро ҳаракатлари амалга оширилганлигини, уларнинг мазмуни ва натижаларини ўз имзоси билан тасдиқлайди.

Холислар ўз мажбуриятларини бажаришлари муносабати билан ўзлари қилган харажатлари қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Мазкур харажатлар ижро ҳаракатларини амалга ошириш харажатларига киритилади.

7. Ижро иши юритишда мутахассисларнинг иштироки

Ижро иши юритишда мутахассиснинг иштироки ҳуқуқий тартиб тамойилларни амалга оширишда махсус билимлардан фойдаланишнинг шакли бўлиб, кўпгина ҳолатларда уларнинг иштирокига зарурият пайдо бўлади. Қонунга кўра, ижро ҳаракатларини амалга ошираётганда юзага келадиган, махсус билимларни талаб қиладиган масалаларни тушунтириб бериш учун суд ижрочиси ўз ташаббусига ёки тарафларнинг илтимосига биноан ўзининг қарори билан мутахассис, зарурият бўлганда эса бир неча мутахассисларни тайинлаши мумкин.

Ижро иши юритишда иштирок этувчи мутахассисларга қонун бир қатор талабларни қўйди. Мутахассис зарур билимларга эга бўлиши керак. Бу унинг маълумоти, иш тажрибаси, эгаллаб турган лавозими ҳамда малакасини тасдиқловчи ҳужжатлар билан тасдиқланиши мумкин. Мутахассис ишнинг якунидан манфаатдор бўлмаслиги, агарда бундай ҳолатлар бўлган тақдирда ўзини ўзи рад этиши керак. Мутахассис суд ижрочисининг чақируви бўйича келиши, қўйилган масалалар юзасидан ҳолисона ҳулоса бериши, ўзи бажараётган ҳаракатларни тушунтириб бериши шарт.

Мутахассис суд ижрочисининг назорати остида юридик аҳамиятга эга бўлган маълум ҳаракатларни бажаради. Чунончи, мутахассис суд ижрочисига баъзи саволларни ҳал этишга ёрдам қилади (масалан, қарздор мулкани баҳолаш) ва тўғри қарор қабул қилишга ёрдамлашади. Мутахассиснинг ҳулосаси ёзма равишда берилиши ва унинг имзоси билан тасдиқланиши лозим.

Мутахассис иштирок этаётган ижро ҳаракатларини бошлашдан аввал суд ижрочиси мутахассиснинг шахсини текшириши ва унинг зарур билимларга эга эканлигини ҳамда ундирувчи ва қарздор билан муносабатларини аниқлаши лозим. Суд ижрочиси мутахассисга унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради ва ҳулоса беришни рад этганлик ёки бош торганлик ёхуд била туриб ёлғон ҳулоса берганлик учун жавобгарлик ҳақида огоҳлантиради. Бу тегишли ижро ҳаракатини амалга ошириш тўғрисидаги далолатномада қайд этилиб, мутахассиснинг имзоси билан тасдиқланади.

Мутахассис рад этилган тақдирда бу масала суд ижрочисининг асослантирилган қарори билан ҳал этилади. Қарор катта суд ижрочиси томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунига кўра, мутахассис ижро ҳаракатларини амалга ошириш билан боғлиқ бажарган иши учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга. Бу ҳақ ижро ҳаракатларини амалга ошириш харажатларига киритилади.

8. Суд ижрочиларининг давлат органлари, кредит ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги

Суд ижрочилари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни давлат органлари, кредит ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади. Мазкур органлар ҳамда ташкилотлар суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг мажбурий ижросини таъминлашда суд ижрочиларига кўмаклашиши шарт.

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 21 - моддасида суд ижрочиларининг ички ишлар органлари, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитасининг органлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, банклар ва бошқа кредит ташкилотлари, давлат солиқ хизмати органлари, ғазначилик органлари, Давлат чегарасини кўриқлаш органлари билан ҳамкорлигини асосий йўналишлари белгиланган.

Куйида суд ижрочиларининг санаб ўтилган давлат органлари, кредит ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлигининг асосий хусусиятларини қисқача кўриб чиқамиз.

1. Қонунга кўра суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижросини таъминлаш мақсадида **ички ишлар органлари:**

- суд ижрочисининг қарори асосида қарздор жисмоний шахсни, олиб қўйилиши лозим бўлган болани, шунингдек автомобилотранспорт воситаларини қидиришни амалга оширади;

- суд ижрочиси ҳузурига келишдан бўйин товлаётган шахсларнинг белгиланган тартибда мажбурий келтирилишини таъминлайди;

- ижро ҳаракатларини амалга оширишда, шу жумладан суд ижрочиси томонидан ижро ҳаракатларининг амалга оширилишида бирон-бир тўсиқ бўлганда, жамоат тартиби сақланишини таъминлайди;

- қонунда белгиланган мажбурий ижро этиш чораларини амалга ошириш учун, шу жумладан ундирувчи автомобилотранспорт воситасига қаратиш учун ушбу автомобилотранспорт воситасининг мажбурий тўхтатилишини суд ижрочисининг топшириғи асосида таъминлайди;

- автомобилотранспорт воситаси эгаси тўғрисидаги, тегишли қарздорлар номига рўйхатга олинган автомобилотранспорт воситалари ҳақидаги ахборотни, шунингдек автомобилотранспорт воситаларига бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги бошқа маълумотни суд ижрочисининг ёзма сўрови асосида уч кунлик муддатда

тақдим этади, суд ижрочиларининг автотототранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш ёки қайта рўйхатдан ўтказишга оид белгилаган тақиқларини ижро этади;

- қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ижро ҳаракатларини амалга ошириш давомида рўйхатга олинган автотототранспорт воситаларини кўздан кечиришда иштирок этади;

- суднинг ёки суд ижрочисининг қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисидаги қарори ижросини таъминлайди.

Суд ижрочиларининг ички ишлар органлари ходимлари билан ўзаро ҳамкорлиги масалалари “Ижро ҳаракатлари амалга ошириладиган жойларда жамоат тартибини сақлашни таъминлаш бўйича Йўриқнома”³⁸ (Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг 2007 йил 12 январдаги 2, 1-сон Қарори билан тасдиқланган) ва “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этишда суд ижрочиларининг судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, рўйхатдан ўтказувчи органлар, молия-кредит ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби тўғрисида”ги Низом (ЎЗР АВ 05.02.2007 й. 21-мх-сон Буйруғи билан тасдиқланиб, ЎЗР АВ 05.02.2007 й. 1656-сон билан рўйхатга олинган)³⁹ билан тартибга солинади.

Шуни назарда тутиш керакки, ички ишлар органлар ходимлари ижро иши юритишда иштирок этувчи шахслар қаторига кирмайди ва шунинг учун ҳам бирон бир процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга эмас. Ички ишлар органлар ходимлари қонун талабларига кўра, суд ижрочисига кўмаклашувчи шахслар бўлиб, ижро ҳаракатлари амалга ошириладиганида жамоат тартиби сақланишини таъминлайдилар.

Суд ижрочиларининг ички ишлар органлар ходимлари билан ўзаро ҳамкорлиги куйидагичадир:

Ижро ҳаракатлари амалга ошириладиганда жамоат тартиби сақланишини таъминлаш талаб этилса, суд ижрочиси бу ҳақда суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлими катта суд ижрочисига (кейинги ўринларда матнда - катта суд ижрочиси) маълум қилади.

Катта суд ижрочиси шу куннинг ўзида тегишли туман (шаҳар) ички ишлар бўлими бошлиғи номига ёзма талабнома билан мурожаат қилади. Бунда ёзма талабнома қоида тариқасида ижро ҳаракатларини амалга оширишдан бир кун олдин юборилиши лозим.

Катта суд ижрочисининг ёзма талабномасида ижро ҳаракатларини амалга ошириш учун асос, ижро ҳаракатлари амалга ошириладиган жой ва сана, ижро ҳаракатларини амалга ошириш муддатлари ва бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Туман (шаҳар) ички ишлар бўлими бошлиғи катта суд ижрочиси томонидан юборилган ёзма талабнома олигач, ижро ҳаракатларини амалга оширишда иштирок этадиган ички ишлар органлари ходимларини белгилайди. Бунда ижро ҳаракатларини амалга оширишда иштирок этадиган ички ишлар органи ходимларининг сони икки кишидан кам бўлмаслиги лозим.

Ижро ҳаракатлари жараёнида икки кишидан кўп бўлган миқдорда ички ишлар органлари ходимлари талаб этилса, ижро ҳаракатларида иштирок этадиган ички ишлар органлари ходимларининг миқдори катта суд ижрочиси томонидан туман (шаҳар) ички ишлар бўлими бошлиғи билан келишилган ҳолда белгиланади.

Ижро ҳаракатларини амалга оширишда иштирок этадиган ички ишлар органлари ходимлари туман (шаҳар) ички ишлар бўлими бошлиғига юборилган ёзма талабномада кўрсатилган жойга ўз вақтида етиб келишлари лозим.

Ижро ҳаракатлари амалга ошириладиган жойга етиб келган ички ишлар органлари ходимлари жамоат тартиби сақланишини таъминлаш ҳамда юзага келадиган тўсиқларни бартараф этиш чораларини кўрадилар.

Ички ишлар органлари ходими ижро иши юритуви тарафларининг, улар вакилларининг ёки ижро иши юритишда иштирок этаётган бошқа шахсларнинг қариндоши бўлса ёхуд ижро иши юритиш натижасидан манфаатдор бўлса ёки унинг беғаразлигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса, суд ижрочиси томонидан ижро иши юритишда иштирок этишига йўл қўйилмайди ва у рад қилинади.

Ички ишлар органлари ходими рад қилинган тақдирда, суд ижрочиси бу ҳақда ижро ҳаракатлари бўйича тузиладиган далолатномага тегишли қайд киритиб, мазкур ходимни ижро ҳаракатини амалга оширишда иштирок этишдан четлаштиради ва ижро ҳаракатини амалга оширишда иштирок этишдан четлатилмаган ички ишлар органи ходимлари билан ижро ҳаракатларини давом эттиради.

³⁸ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007 йил, 3-сон, 29-модда

³⁹ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007 йил, 4-6-сон, 56-модда

10. Ижро иши юритишда хабарномалар ва чақирувлар

Ижро иши юритишда иштирок этувчи шахсларнинг амалга ошириладиган ижро ҳаракатлари ҳақида ўз вақтида хабардор бўлиши уларнинг ҳуқуқларига риоя қилиниши кафолатидир. Шу муносабати билан “Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда ижро иши юритишда хабарномалар ва чақирувлардан фойдаланишни тартибга солувчи норма назарда тутилган.

Фуқаролик процессуал кодекси ва Хўжалик процессуал кодексида ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилиш суднинг мажбурияти ҳисобланади, бу мажбуриятнинг бузилиши эса кўпчилик ҳолларда суд қарорининг бекор қилинишига олиб келади. Ижро иши юритишда эса хабарномалар ва чақирувлар иш юритишнинг техник қоидалари сифатида қаралади. Шунинг учун ҳам “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунда амалга ошириладиган ижро ҳаракатлари ва мажбурий ижро чоралари ҳақида ижро иши юритишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилмаганлик учун ҳуқуқий оқибатлар назарда тутилмаган.

Қонунда хабардор қилишнинг икки тури назарда тутилган: хабарномалар ва чақирувлар. Аммо шуни кўрсатиб ўтиш керакки Қонуннинг 22-1 - моддаси “Ижро иши юритишда хабарномалар ва чақирувлар” деб аталсада, кўрсатилган норма “хабарномалар” ва “чақирувлар” тушунчаларини бир биридан фарқламайди.

Шуни назарда тутиш керакки, фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанида суд мажлисида ёки алоҳида процессуал ҳаракатни амалга оширишда ҳозир бўлиш ёки ҳозир бўлмастик масаласини ўзлари ҳал қиладиган процесс иштирокчилари хабардор қилинади деб ҳисобланади. Бундай иштирокчиларга тарафлар, учинчи шахслар, прокурор ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар киради. “Чақирув” атамаси чақирувга асосан судда ҳозир бўлиш мажбурияти бўлган, одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахсларга (гувоҳлар, мутахассислар, экспертлар, таржимонлар) нисбатан қўлланилади. Бизнинг назаримизда ижро иши юритишда ҳам ана шу ўхшашликдан фойдаланса бўлади.

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 22-1 – моддасига мувофиқ ижро иши юритишда иштирок этувчи шахслар суд ижрочиси томонидан чиқарилган қарорлар ҳақида, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса ижро ҳаракатлари тўғрисида ва мажбурий ижро этиш чоралари ҳақида хабардор қилинади, шунингдек суд ижрочисининг ҳузурига ёхуд ижро ҳаракатларини амалга ошириш жойига чақирув қоғози, бошқа хабарнома, телефонограмма, телеграмма ёки бошқа алоқа воситалари (бундан буён матнда чақирув қоғози, бошқа хабарнома деб юритилади) орқали чақиртирилади.

Ижро ҳужжати дарҳол ижро этилиши лозим бўлган ҳолларда суд ижрочиси ижро иши юритишда иштирок этувчи шахсларни олдиндан хабардор қилмасдан ижро ҳаракатларини амалга оширишга ва мажбурий ижро этиш чораларини қўллашга ҳақли.

Агар ижро иши юритишда иштирок этувчи шахс ёки унинг вакили бошқа манзилни кўрсатмаган бўлса, ижро иши юритишда иштирок этувчи шахсга чақирув қоғози, бошқа хабарнома ижро ҳужжатида кўрсатилган манзилга юборилади. Чақирув қоғози, бошқа хабарнома ижро иши юритишда иштирок этаётган шахснинг иш, ўқиш жойига юборилиши мумкин.

Жисмоний шахсга йўлланган чақирув қоғози, бошқа хабарнома, қоида тариқасида, Суд департаментининг бўлинмасига қайтарилиши лозим бўлган топширганлик тўғрисидаги билдиришномага ушбу шахснинг имзоси қўйдирилган ҳолда унга шахсан топширилади. Юридик шахсга юборилган чақирув қоғози, бошқа хабарнома юридик шахснинг ходимига топширилади, у топширганликни тасдиқловчи билдиришномага чақирув қоғозини, бошқа хабарномани олганлиги ҳақида фамилияси, исми ва отасининг исми ҳамда лавозимини кўрсатган ҳолда имзо қўяди.

Агар чақирув қоғозини, бошқа хабарномани етказиб берувчи шахс чақириладиган жисмоний шахсни топа олмаса, чақирув қоғози, бошқа хабарнома у билан бирга яшовчи вояга етган оила аъзоларидан бирига топширилади, улар йўқлигида эса фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ёки иш берувчига (ўқув муассасаси маъмуриятига) топширилади. Чақирув қоғозини, бошқа хабарномани қабул қилиб олган шахс уни имконият бўлиши билан дарҳол чақирилувчига топшириши шарт.

Адресат вақтинча бирор жойга кетган бўлса, чақирув қоғозини, бошқа хабарномани етказиб берувчи шахс унинг иккинчи нусхасига чақирилувчи қаерга кетганлиги ва қачон келиши кутилаётганлиги тўғрисида белги қўяди. Бу маълумотлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш

органи томонидан ёки иш берувчининг (ўқув муассасаси маъмуриятининг) имзоси билан тасдиқланиши ва гувоҳлантирилиши лозим.

Адресат чақирув қоғозини, бошқа хабарномани қабул қилишдан бош тортганда, уларни етказиб берувчи шахс суд ижрочисига қайтариладиган чақирув қоғозига, бошқа хабарномага белги қўяди.

Ижро иши юритишда иштирок этувчи шахслар қуйидаги ҳолларда хабардор қилинган ҳисобланади, агар:

- чақирув қоғози, бошқа хабарнома адресатга ушбу модда талабларига мувофиқ етказиб берилган (юборилган) бўлса;

- адресат чақирув қоғозини, бошқа хабарномани олишдан бош тортса;

- почта хабарномасини олган бўлишига қарамадан адресат ўз номига юборилган чақирув қоғозини, бошқа хабарномани олиш учун келмаса.

Мажбурий ижро этиш чоралари тўғрисида хабардор қилинган шахсларнинг ҳозир бўлмаслиги мазкур чораларнинг бажарилишига тўсқинлик қилмайди.

Агар ижро ҳужжати бўйича қарздор зиммасига фақат шахсан ўзи бажариши мумкин бўлган мажбуриятлар юклатилган бўлса, суд ижрочисининг чақируви бўйича келишдан бўйин товлаётган қарздор суд ижрочисининг қарори асосида мажбурий келтирилиши мумкин.

Чақирув қоғозлари, бошқа хабарномалар шакллариининг намуналари, шунингдек уларнинг мазмунига қўйиладиган талаблар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

IV МАВЗУ. ИЖРО ҲАРАКАТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ УМУМИЙ ШАРТЛАРИ. СУД ҲУЖЖАТЛАРИ ВА БОШҚА ОРГАНЛАР ҲУЖЖАТЛАРИНИ МАЖБУРИЙ ИЖРО ЭТИШ АСОСИ ВА ЧОРАЛАРИ

1. Ижро иши юритишни қўзғатиш
2. Ижро ҳаракатларини амалга ошириш жойи ва вақти
3. Йиғма ижро иши юритиш
4. Ижро иши юритишда муддат
5. Ижро ҳаракатларини кейинга қолдириш,
ижро иши юритишни тўхтатиб туриш,
тугатиш ва тамомлаш
6. Ижро ҳужжатларини қайтариш
7. Қарздорни, унинг мол-мулкни ёки болани қидириш
8. Қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш
9. Йўқолган ижро иши юритилишини тиклаш
10. Ижро иши юритишда мажбурий ижро этиш чоралари

1. Ижро иши юритишни қўзғатиш

Суд ижрочиси ижро ҳаракатларини амалга оширишга ижро иши юритишни қўзғатганидан кейингина киришади.

Ижро иши юритишни қўзғатиш ижро иши юритишнинг мустақил босқичи бўлиб, унинг вазифаси суд органлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда мажбурият чораларини қўллашнинг қонунийлигини таъминлашдир. Ижро иши юритишни қўзғатиш босқичи қуйидаги ҳаракатларни қамраб олади: ундирувчига ёки унинг вакиллига ижро ҳужжатини топшириш, уни суд ижрочисига ижро учун тақдим этиш ва ижро иши юритишни қўзғатиш ёки ижро иши юритишни қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор чиқариш. Ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш суд ижрочисининг ваколатига киради. Суд ижрочиси ижро ҳужжатини, ижрога топшириш муддати ўтмаган ва мазкур ҳужжат қонун томонидан унга қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлса, ижро учун қабул қилиб олиши ва ижро иши юритишни қўзғатиши шарт. Агар қонун ҳужжатларида ижро ҳужжатларининг айрим турларига мажбурий иловалар назарда тутилган бўлса, улар суд ижрочисига ижро ҳужжати билан бирга тақдим этилиши керак.

Шундай қилиб, ижро иши юритишни қўзғатиш учун қуйидагилар зарур:

1. ижро ҳужжатини ундирувчи томонидан суд ижрочисига тақдим этилиши;
2. ижро ҳужжатини суд ижрочиси томонидан қабул қилиниши ва ижро иши юритишни кўзғатиш тўғрисида қарор чиқариш.

Ижро иши юритишни кўзғатиш суд ижрочисига ижро ҳужжатини тақдим этиш ва суд ижрочиси томонидан ижро иши юритишни кўзғатиш тўғрисида қарор чиқаришдан иборатдир. Ижро ҳужжатини ижрога топшириш ундирувчининг эркига боғлиқ бўлиб, ижро ҳужжатини мажбурий ижрога тақдим этиш ёки тақдим этмаслик масаласини ундирувчининг ўзи ҳал қилиш ҳуқуқига эга. Аммо айрим ҳолларда ижро ҳужжати суд ижрочисига келиб тушиши ундирувчининг эркига боғлиқ бўлмай, суд ёки ижро ҳужжатини берган бошқа орган уни мажбурий ижро этиш учун тўғридан тўғри суд ижрочилари бўлимига юбориши мумкин.

Суд ижрочиси ижро ҳужжатини суд ёки бошқа органдан ёхуд ундирувчидан (агар ижро ҳужжатини ижрога топшириш муддати ўтмаган ва мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддасида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлса) ижро учун қабул қилиб олиши ва ижро иши юритишни кўзғатиши шарт.

Ундирувчи томонидан ижро ҳужжатларини ижрога топшириш муддатларига риоя қилинишини ижро иши юритишни кўзғатиш масаласини ҳал этишда суд ижрочиси томонидан текшириб чиқилиши лозим бўлган энг биринчи шартдир.

Агарда ижро ҳужжатини ижрога топшириш муддати ўтмаган ва мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддасида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлса, суд ижрочиси ижро ҳужжатини олган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай ижро иши юритишни кўзғатиш тўғрисида қарор чиқаради.

Суд ижрочиси ижро ишини юритишни кўзғатиш тўғрисидаги қарорда ижро ҳужжатидаги талабларни ихтиёрий равишда бажариш учун ижро иши юритиш кўзғатилган кундан эътиборан кўпи билан беш кун муддат белгилайди ва қарздорга белгиланган муддат тугагандан кейин ижро ҳужжатидаги талаблар, ундан ижро йиғими, қарздорга суд ижрочиси томонидан солинадиган жарималар, шунингдек ижро харажатлари ундирилган ҳолда мажбурий ижро этилиши тўғрисида маълум қилади.

Ижро ишини кўзғатиш тўғрисидаги қарорда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- 1) қарор чиқарилган сана ва жойи;
- 2) қарор чиқарган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, шарифи;
- 3) қарор қайси ижро ишини юритиш юзасидан чиқарилганлиги;
- 4) қарор орқали ҳал қилинадиган масала;
- 5) суд ижрочиси қарор қабул қилишда амал қилган қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига

хавола қилинган асослар;

6) кўрилаётган масала бўйича хулоса;

7) қарор юзасидан шикоят бериш ёки протест келтириш тартиби ва муддати.

Жазо тариқасида жарима тайинлаш тўғрисидаги ҳукмга асосан берилган ижро варақасига асосланиб ижро иши кўзғатилганда ихтиёрий ижро этиш учун муддат ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб бир ой белгиланади.

Ижро иши юритишни кўзғатиш тўғрисидаги қарор нусхаси у чиқарилган куннинг эртасидан кечиктирмай ундирувчига, қарздорга, шунингдек, ҳужжати ижро этилиши лозим бўлган суд ёки бошқа органга юборилади.

Суд ижрочиси ундирувчининг аризасига биноан ёки ўз ташаббуси билан мулкий ундирув бўйича ижро иши юритишни кўзғатиш тўғрисида қарор чиқариш билан бир вақтда қарздорнинг мол-мулкани рўйхатга олиб, уларни хатлашга ҳақли бўлиб, бу ҳақда мазкур қарорда кўрсатиб ўтади.

Ижро иши юритишни кўзғатиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят бериш ёки протест келтириш мумкин.

Ижро ҳужжатини ижро этиш жараёнида ижро ҳужжатидаги талабларнинг аниқ эмаслиги ёки қарама қаршилиқларга эга эканлиги аниқланиши мумкин.

Бундай ҳолатларга мисол сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: ижронинг услуби ва тартиби аниқ кўрсатилмаган; ундирувчига олиб берилиши лозим бўлган предметларнинг ўзига хос белгилари курсатилмаган; суд бир неча шахснинг мулкка эгаллик ҳуқуқини тан олиб, лекин мулк эгаларининг ҳар бирининг мулкдаги ҳиссаси миқдорини кўрсатмаган ва бошқалар.

Ижрога топширилган ижро ҳужжатидаги талаблар ноаниқ бўлган тақдирда суд ижрочиси

ижро ҳужжатини бериш учун асос бўлган суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжатини, шунингдек, қонунга кўра ижро ҳужжати ҳисобланадиган ҳужжатни тушунтириб беришни сўраб ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа органга ариза билан мурожаат қилишга ҳақли.

Ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа орган суд ижрочисининг мурожаати келиб тушган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида уни кўриб чиқади ва ижро ҳужжатини бериш учун асос бўлган ўзи қабул қилган суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжатининг, шунингдек қонунга кўра ижро ҳужжати ҳисобланадиган ҳужжатнинг мазмунини ўзгартирмаган ҳолда унга тушунтириш беради. Суд ижро ҳужжатига тушунтириш бериш тўғрисида ажрим чиқаради, ижро ҳужжатини берган бошқа орган эса қарор чиқаради.

Ижро иши юритиш бир суд ижрочисидан бошқа суд ижрочисига олиб берилганда, ижро ишини қабул қилган суд ижрочиси уни олгач уч кундан кечиктирмасдан ишни ўз иш юритишига қабул қилиш ҳақида қарор чиқаради. Қарорнинг нусхаси у чиқарилган куннинг эртасидан кечиктирмай ундирувчига, қарздорга ва ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа органга юборилади.

Туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлимида бир қарздорга нисбатан икки ёки ундан ортиқ ижро иши кўзғатилган бўлса, улар бир ижро ишига бирлаштирилиши лозим. Катта суд ижрочисининг топшириғига кўра ижро ишларини ўз иш юритишига қабул қилган суд ижрочиси уларни бирлаштириш ҳақида қарор чиқаради.

Агар ижро ҳужжати ижрога топшириш муддати ўтказилиб юборилган бўлса ёки Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг 5-8 моддаларида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлмаса, суд ижрочиси ижро ҳужжатини олган кундан эътиборан уч кунлик муддат ичида ижро иши юритишни кўзғатмасдан қайтариб юборади.

Ижро ҳужжатини қайтариб юбориш тўғрисида қарор чиқарилади, унинг нусхаси қарор чиқарилган куннинг эртасидан кечиктирмай ундирувчига, ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа органга юборилади.

Ижро ҳужжатини қайтариб юбориш тўғрисидаги қарорда суд ижрочиси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг 5-8 моддаларида назарда тутилган қайси талаблар бузилганлигини кўрсатади.

Ижро ҳужжатининг йўл қўйилган нуқсонларни бартараф қилиш учун қайтариб юборилиши бундай нуқсонлар бартараф қилинганидан кейин ижро ҳужжатини суд ижрочисига иккинчи марта умумий тартибда юбориш учун тўсқинлик қилмайди.

Ижро ҳужжатини қайтариб юбориш тўғрисидаги қарор устидан судга шикоят бериш ёки протест келтириш мумкин.

2. Ижро ҳаракатларини амалга ошириш жойи ва вақти

Ижро ҳаракатларини амалга ошириш жойи. Ижро ҳаракатларини амалга ошириш жойи дейилганда ижро ҳаракатлари амалга ошириладиган ва мажбурий ижро чоралари қўлланиладиган ҳудуд тушунилади. Ижро иши юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида суд ижрочиси ижро ҳаракатларини қарздор жисмоний шахс ёки юридик шахс эканлигига қараб тегишли жойларда амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Ижро иши юритиш қарздор – жисмоний шахсга нисбатан кўзғатилганда ижро ҳаракатлари суд ижрочиси томонидан қарздорнинг яшаш жойи ёки иш жойида ёхуд унинг мол-мулки турган жойида амалга оширилади.

Ижро ҳаракатларини қарздор яшайдиган жойда амалга ошириш учун суд ижрочиси қарздор - фуқаронинг доимий турар жойи ҳақида маълумотларга эга бўлиши лозим.

Ижро ҳаракатлари қарздорнинг иш жойида ҳам амалга оширилиши мумкин. Бундай ижро ҳаракатлари ундирувчи қарздорнинг иш ҳақида (даромадларига) қаратишдан, қарздорга мўйяян ҳаракатларни амалга ошириш ёки уларни амалга оширишдан ўзини тийиш мажбуриятини юқловчи, ижро ҳужжатини ижро этишдан иборат бўлиши мумкин.

Ижро иши юритиш қарздор — юридик шахсга нисбатан кўзғатилганда ижро ҳаракатларини суд ижрочиси унинг органи жойлашган ёки мол-мулки турган жойида амалга оширади. Фуқаролик кодексининг 46 - моддасига асосан юридик шахснинг жойлашган жойи, агар қонунга мувофиқ юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, у давлат рўйхатидан ўтказилган жой билан белгиланади.

Агар ижро ҳужжати ижро этиш жараёнида қарздорнинг яшаш жойи, иш жойи ёки турган жойи ўзгарган бўлса ёки илгариги турган жойида ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки йўқ эканлиги ёхуд ундирувчининг талабларини қаноатлантириш учун етарли эмаслиги маълум бўлиб қолса, суд ижрочиси бу ҳақда дарҳол далолатнома тузади ҳамда далолатнома тузган куннинг эртасидан кечиктирмай ижро ҳужжати далолатноманинг нусхаси билан бирга қарздорнинг маълум бўлган янги яшаш жойидаги, иш жойидаги, турган жойидаги ёки қарздорнинг мол-мулки турган янги жойидаги суд ижрочисига юборади, айтилган вақтда бу ҳақда ундирувчини, ижро ҳужжати берган суд ёки бошқа органни хабардор қилади. Ижро ҳужжати олган суд ижрочиси ижро ҳужжати биринчи суд ижрочисига, яъни ижро ҳужжати йўллаган суд ижрочисига келиб тушган санадан бошлаб икки ой муддатда ижросини таъминлаши керак. Ижро ҳужжати кўрсатилган муддатда ижро этиш имкони бўлмаган тақдирда, суд ижрочиси ижро ҳужжати ижро этиш муддатини кечиктириш тўғрисида белгиланган тартибда чоралар кўради.

Агар ижро ҳужжати ижро этиш жараёнида зарурат туғилса, суд ижрочиси ижро ҳаракатларини ўз вазифаларини бажара олиши мумкин бўлган ҳудуддан ташқарида ҳам амалга ошириши мумкин. Бу ҳолда суд ижрочиси далолатнома тузиб, кўрсатилган ҳудудга боради. У етиб борган пайтдан бошлаб бир сутка ичида ижро ҳаракатларини амалга ошириш жойидаги катта суд ижрочисига ижро ҳаракатларини шу ҳудудда амалга ошириши зарурлиги тўғрисида маълум қилади, катта суд ижрочиси бу ерга келган суд ижрочисига кўмаклашади.

Суд ижрочилари ўртасида ижро ҳаракатларини амалга ошириш жойи ҳақида низо чиққанда, агар ижро ҳаракатлари турли вилоятлар ҳудудида амалга ошириладиган бўлса, низо Суд департаменти томонидан, ижро ҳаракатлари бир вилоят (шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри) ҳудудида амалга ошириладиган бўлса низо Суд департаментининг тегишли ҳудудий бошқармаси томонидан ҳал қилинади.

Ижро ҳаракатларини амалга ошириш вақти. Ижро ҳаракатлари иш кунларида соат 8.00 дан 22.00 гача амалга оширилади. Қонун чиқарувчи мажбурий ижро ҳаракатларини амалга оширишнинг бундай чегараланган вақтини белгилашда бир томондан - ундирувчининг, иккинчи томондан эса – қарздорнинг манфаатларини ҳисобга олган. Эрталаб соат 8.00 да, одатда, қарздор уйда бўлади ва унга нисбатан ижро ҳаракатларини амалга ошириш мумкин. Ижро ҳаракатларини кечаси амалга оширилиши тақиқланганлиги эса, қарздор ва унинг оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган.

Ижро ҳаракатларини амалга оширишнинг аниқ вақтини суд ижрочиси белгилайди. Ижро иши юритишда қатнашувчи тарафлар ижро ҳаракатларини амалга оширишнинг ўзлари учун қулай вақтини таклиф этишга ҳақлидирлар. Ижро ҳаракатларини сутканинг бошқа вақтида, шунингдек, дам олиш ва байрам кунларида амалга оширишга белгиланган тартибда фақат кечиктириб бўлмайдиган ёки қарздорнинг айбига кўра уларни бошқа вақтда амалга ошириш мумкин бўлмаган ҳолларда йўл қўйилади.

3. Йиғма ижро иши юритиш

“Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан киритилган янгилекларидан бири йиғма ижро иши юритишдир.

“Суд қарорлари ва бошқа органлар қарорларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 25-1 – моддасига кўра, битта қарздорга нисбатан кўзғатилган мулкий тусга эга бўлган бир нечта ижро ҳужжати, шунингдек солидар жавобгар бўлган бир нечта қарздорга нисбатан бир ундирувчи фойдасига ундирув бўйича кўзғатилган ижро иши юритишлар йиғма ижро иши юритишга бирлаштирилади.

Қарздорлар шерик бўлиб мажбурият олганида кредитор ҳамма қарздорлардан мажбуриятни солидар бажаришни ҳам, уларнинг ҳар биридан алоҳида-алоҳида бажаришни ҳам, шу билан бирга қарзни тўла ёки унинг бир қисmini бажаришни ҳам талаб қилишга ҳақли.

Солидар қарздорларнинг биридан тўлиқ қаноатланмаган кредитор ололмаган нарсасини бошқа солидар қарздорлардан талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Солидар қарздорлар мажбурият тўла бажарилгунича бурчли бўлиб қолаверадилар.

Суд департаментининг бир нечта ҳудудий бошқармаси бўлинмаларига келиб тушган бир қарздорга ёки солидар жавобгар бўлган бир нечта қарздорга нисбатан ундирув бўйича ижро ҳужжатлари юзасидан йиғма ижро иши юритиш Суд департаменти директори ёхуд унинг ўринбосари белгиладиган бўлинма томонидан кўзғатилади ва юритилади.

Суд департаменти битта ҳудудий бошқармасининг бир нечта бўлинмасига келиб тушган бир қарздорга ёки солидар жавобгар бўлган бир нечта қарздорга нисбатан ундирув бўйича ижро ҳужжатлари юзасидан йиғма ижро иши юритиш Суд департаменти ҳудудий бошқармаси бошлиғи ёхуд унинг ўринбосари белгилайдиган ҳудудий бўлинма томонидан қўзғатилади ва юритилади.

Йиғма ижро иши юритиш қўзғатилганидан кейин келиб тушган ва йиғма ижро иши юритилаётган қарздорга нисбатан мулкӣ тусдаги талаблар қўрсатилган ижро ҳужжатлари йиғма ижро ишини юритаётган суд ижрочисига топширилади. Бу ҳақда ундирувчи, қарздор, суд ёки ижро ҳужжати бериб берган бошқа орган хабардор қилинади.

Йиғма ижро иши юритишда суд ижрочиси ўз вазифаларини бажара олиши мумкин бўлган ҳудуддан ташқарида ҳам ижро ҳаракатларини амалга ошириш ва мажбурий ижро чораларини қўллаш имконига эга бўлади.

Суд ижрочиси ижро ҳаракатларини ўз вазифаларини бажара олиши мумкин бўлган ҳудуддан ташқарида амалга оширишда “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 25 - моддаси нормаларига асосланади.

4. Ижро иши юритишда муддат

Ижро иши юритишда қонунийлик принципига риоя этиш ҳамда фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқларини самарали амалга оширишнинг муҳим шартларидан бири процессуал муддатлар ҳисобланади⁴⁰.

Муддат — вақтнинг бир бўлағи бўлиб, у уч элементни камраб олади. Бу муддатнинг бошланиши, ўта бошлаши ва тугашидан иборат элементлардир.

Ижро иши юритишда муддатлар дейилганда, суд ижрочиси ва ижро иши юритишнинг бошқа иштирокчиларининг ижро иши юритилиши муносабати билан зарур бўлган процессуал ҳаракатларни амалга ошириш керак бўлган вақт оралиғи тушунилади. Қонунда белгиланган муддатлардан илғари ҳам, бу муддатлар утганидан кейин ҳам ижро ҳаракатларини амалга ошириш мумкин эмас, муддатлар тикланиши бундан мустасно.

Ижро ҳужжати белгиланган муддатда ижрога топширилмаса, ундирувчи уни мажбурий ижро тартиб – тамойилларидан фойдаланган ҳолда ижро этилишига эришиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Ижрога топшириш муддати ўтказиб юборилган ижро ҳужжати суд ижрочиси иш юритиш учун қабул қилмасдан, бу ҳақда тегишли қарор чиқаради.

Ижро варақаси ёки суд буйруғини ижрога топшириш муддатини ўтказиб юборган ундирувчи тегишли ҳужжатни қабул қилган судга ёки бу ҳужжат ижро этиладиган жойдаги судга ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилишга ҳақлидир. Бошқа ижро ҳужжатлари бўйича ўтказиб юборилган муддатлар тикланмайди.

Қонунда ҳар бир ижро ҳужжати тури учун ижрога тақдим этишнинг турли муддатлари белгиланган. Қонунда белгиланган муддатларга риоя қилиш ижро иши юритишни қўзғатишнинг мажбурий шартларидан биридир.

Умумий қоидага кўра, суд ижрочиси томонидан ижро ҳаракатлари, ижро ҳужжати унга келиб тушган кундан бошлаб икки ойлик муддат ичида амалга оширилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг 27 - моддаси 1 қисми талабларига кўра ижро ҳужжатлари қуйидаги муддатларда ижрога топширилиши мумкин:

- 1) умумий юрисдикция судларининг суд ҳужжатлари асосида бериладиган ижро варақалари - уч йил мобайнида, хўжалик судларининг суд ҳужжатлари эса - олти ой мобайнида;
- 2) ҳакамлик судининг қарорларини мажбурий ижро этиш тўғрисидаги суд ҳужжатлари асосида бериладиган ижро варақалари - олти ой мобайнида;
- 3) нотариусларнинг ижро хатлари - уч йил мобайнида;
- 4) меҳнат низолари комиссияларининг гувоҳномалари - уч ой мобайнида;
- 5) ишларни маъмурий тартибда кўриш ваколатига эга органларнинг (мансабдор шахсларнинг) қарорлари - уч ой мобайнида.

Бошқа ижро ҳужжатларини ижрога топшириш муддатлари тегишли ижро ҳужжатларини бериш шартлари ва тартибини белгиловчи қонун ҳужжатларида қўрсатилади.

Ижро ҳужжати ижрога топшириш муддатлари қуйидагича ҳисобланади:

⁴⁰ Валеев Д.Х. Исполнительное производство: Учебник для вузов. – СПб.: Питер, 2008. – Б. 42.

1) Қонуннинг 27 - моддаси 1 қисмининг 1 бандида қайд этилган ижро ҳужжатлари (суд буйруғи бундан мустасно) ижрога топширилганда - суд ҳужжати қонуний кучга кирган ёки унинг ижросини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб ижро этиш учун белгиланган муддат тугаган кундан бошлаб ёхуд ижро ҳужжатини ижрога топширишнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан бошлаб, суд ҳужжати дарҳол ижро этилиши лозим бўлган ҳолларда эса - ҳужжат чиқарилган куннинг эртасидан бошлаб;

2) суд буйруқлари ижрога топширилганда - улар берилган кундан бошлаб ўн кунлик муддат ўтганидан кейин;

3) ишларни маъмурий тартибда кўриш ваколатига эга органларнинг (мансабдор шахсларнинг) қарорларини ижро этиш билан боғлиқ ижро ҳужжатлари ижрога топширилганда - қарор чиқарилган кундан бошлаб.

Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг 27 - моддаси биринчи қисмида қайд этилган бошқа барча ижро ҳужжатлари бўйича уларни ижрога топшириш муддатлари, агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, улар берилган куннинг эртасидан бошлаб ҳисобланади.

Даврий тўловларни ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатларини ижрога топшириш муддатлари қонун ҳужжатларида махсус кўрсатиб ўтилган. Даврий тўловларни ундириш тўғрисидаги (алиментлар ундириш, соғлиққа шикаст етказилгани оқибатидаги зарарни қоплаш тўғрисидаги ва шу каби ишларга доир) суд ҳужжатлари бўйича ижро ҳужжатлари тўловларни ундиришнинг белгиланган бутун даврида ўз кучини сақлаб қолади. Бундай тартиб алиментлар тўлаш тўғрисидаги нотариал тарзда тасдиқланган келишувларга нисбатан ҳам амал қилади. Бундай ҳолларда ижро ҳужжатларини ижрога топшириш муддатлари ҳар бир тўлов учун алоҳида ҳисобланади.

Ижро ҳаракатлари ва ижро ҳужжатининг талаблари ижро ҳужжатининг ихтиёрий ижро этилиши учун белгиланган муддат тугаган кундан эътиборан кўпи билан икки ой муддат ичида суд ижрочиси томонидан амалга оширилиши ва ижро этилиши керак.

Кўрсатилган муддатга:

- ижро ҳужжати ижросини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб ижро қилиш вақти;
- ижро ҳаракатларини кейинга қолдириш вақти;
- ижро иши юритишни тўхтатиб туриш вақти;
- мутахассис тайинлаш ҳақидаги қарор мутахассисга юборилган кундан то унинг хулосаси ёки иш натижалари тўғрисидаги бошқа ҳужжат суд ижрочисига келиб тушгунигача бўлган вақт;
- мол-мулк реализация қилишга топширилган кундан то бу мол-мулкни реализация қилишдан тушган пул маблағлари Суд департаменти органининг депозит ҳисобварағига келиб тушгунигача бўлган вақт кирмайди.

Ижро ҳаракатларини амалга ошириш муддатининг ўтиши ижро иши юритишни тугатиш ёки тамомлаш учун асос бўлмайди.

Ижро ҳужжатларининг қуйидаги талаблари дарҳол ижро этилиши керак:

- алиментлар ҳамда уч ойдан ошмаган иш ҳақини ундириш тўғрисидаги талаблар;
- қонунга хилоф равишда меҳнат шартномаси бекор қилинган ёки қонунга хилоф равишда бошқа ишга ўтказилган ходимни ишга тиклаш тўғрисидаги, меҳнат шартномасини бекор қилиш асосининг таърифини ўзгартириш тўғрисидаги талаблар;
- ижро ҳужжатида баён этилган талаблар дарҳол ижро этилиши ҳужжатда кўрсатилган ёки дарҳол ижро этилиши қонунда назарда тутилган ҳоллардаги бошқа ишларга доир талаблар.

Ижро ҳужжатини ижрога топшириш муддатининг узилиши. Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг 28 моддасида ижро ҳужжатини ижрога топшириш муддатининг узилиши асослари кўрсатилган.

Ижро ҳужжатини ижрога топшириш муддати:

- 1) ижро ҳужжати ижрога топширилганда;
- 2) ижро ҳужжати қарздор томонидан қисман ижро этилганда узилади.

Ижро ҳужжатини ижрога топшириш муддати узилгандан сўнг муддатнинг ўтиш даври янгидан бошланади. Бу қоида, биринчи навбатда, ижро иши юритишда тарафларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ва ижро иши юритишнинг ижро ҳужжатларини ўз вақтида ва тўғри ижро қилишдан иборат вазифасини амалга оширишга хизмат қилади.

Муддат узилгунга қадар ўтган вақт янги муддат ҳисобига киритилмайди.

Ижро ҳужжати уни тўлиқ ёки қисман ижро этишнинг имконияти йўқлиги сабабли ундирувчига қайтарилган тақдирда, уни ижрога топшириш муддати узилгандан кейин ижро

хужжати ундирувчига қайтарилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Ижро ҳужжатини ижрога топшириш муддатини ўтказиб юбориш оқибатлари. Ижро ҳужжатларини мақбул муддатларда ижро этилишини таъминлаш ва давом этувчи ҳуқуқий муносабатларга аниқлик киритиш мақсадида ижро иши юритишда процессуал муддатлар институти назарда тутилган. Бу институт ижро иши юритишнинг бошқа институтлари билан биргаликда унинг асосий ҳуқуқ ва функцияларини амалга оширилишини таъминлашга йўналтирилган.

Ижрога топшириш муддати ўтказиб юборилган ижро ҳужжатини суд ижрочиси иш юритиш учун қабул қилмасдан, бу ҳақда тегишли қарор чиқаради.

Ижро ҳужжатини ижрога топшириш муддати ўтказиб юборилганда, бу муддат икки ҳолат бир пайтнинг ўзида мавжуд бўлгандагина тикланиши мумкин:

1) ижро ҳужжати суд ҳужжатларига асосан берилган бўлса (ижро варақаси ёки суд буйруғи);

2) муддат узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган бўлса.

Ижро варақаси ёки суд буйруғини ижрога топшириш муддатини ўтказиб юборган ундирувчи тегишли ҳужжатни қабул қилган судга ёки бу ҳужжат ижро этиладиган жойдаги судга ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилишга ҳақлидир. Бошқа ижро ҳужжатлари бўйича ўтказиб юборилган муддатлар тикланмайди.

Ижрога топшириш муддати ўтказиб юборилиб ижрога тақдим этилган ижро ҳужжатлари суд ижрочиси томонидан уч кун ичида ундирувчига қайтарилади. Суд ижрочиси ижро ҳужжатини ундирувчига қайтариш ҳақида қарор чиқаради, қарор нусхаси ижро ҳужжати билан бирга ундирувчига юборилади ва бу ҳақда ижро ҳужжатини берган органга хабар қилинади.

5. Ижро ҳаракатларини кейинга қолдириш, ижро иши юритишни тўхтатиб туриш, тугатиш ва тамомлаш

Суд ижрочиси ундирувчининг аризасига биноан ижро ҳаракатлари амалга оширилишини кейинга қолдиришга ҳақли. Ижро ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қиладиган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, суд ижрочиси ижро ҳаракатларини қарздорнинг аризасига биноан ёки ўз ташаббуси билан кўпи билан ўн кун муддатга кейинга қолдириши мумкин.

Аризада ижро ҳаракатларини кейинга қолдиришнинг сўралаётган муддати кўрсатилиши керак.

Узрли сабаблар бўлганда, одатда бу сабаблар ижро ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қилганда, ижро ҳаракатлари кейинга қолдирилиши мумкин. Қонунда қандай ҳолатлар ижро ҳаракатларини кейинга қолдиришга асос бўлиши кўрсатилмаган. Шунинг учун ҳам ижро ҳаракатларини кейинга қолдириш масаласини суд ижрочиси мавжуд ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда ҳал қилади. Ижро ҳаракатларини кейинга қолдиришга асос бўладиган ҳолатларга қарздор ёки ундирувчининг касаллиги, ижро иши юритиш иштирокчиларининг ижро ҳаракатларини амалга ошириш вақти ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинмаганлиги ва айнан бир ижро ҳаракатини амалга оширилишига тусқинлик қилувчи бошқа ҳолатларни киритиш мумкин.

Муайян ижро ҳаракатини амалга оширилишини кейинга қолдиришнинг энг кўп муддати 10 кун.

Ижро ҳаракатлари бир неча бор кейинга қолдирилиши мумкин. Аммо ижро ҳаракатларни кейинга қолдиришнинг умумий муддати икки ойдан ошмаслиги керак. Бу муддатнинг икки ойдан ошиши ижро ҳужжатларини ижро этиш муддатларининг бузилишига олиб келиши мумкин. Суд ижрочиси ижро ҳаракатлари кейинга қолдирилган тақдирда қарор чиқаради ва бу ҳақда ижро иши юритиш тарафлари, ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа органга маълум қилади.

Суд ижрочисининг ижро ҳаракатларини кейинга қолдириш тўғрисидаги қарори устидан шикоят қилиш ёки протест билдириш мумкин.

Ижро ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қиладиган объектив ҳолатлар бўлган тақдирда, суд ижрочиси ўз ташаббуси билан ёхуд тарафлардан бирининг аризасига кўра, шунингдек, тарафларнинг ҳар бири мустақил тарзда ижрони кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб ижро этиш ҳамда ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги ариза билан ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа органга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижросини кечиктириши ёки бўлиб – бўлиб ижро этиши, уларни ижро этиши усули ва тартибини ўзгартириши масаласини ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа орган ҳал қилади.

Қонунда ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа орган амалга оширадиган процессуал ҳаракатлар руйхати мустаҳкамлаб куйилган. Булар куйидагилардан иборат:

- биринчиси, ижро ҳужжатининг ижросини кечиктириш;
- иккинчиси, ижро ҳужжатидаги талабларни бўлиб - бўлиб ижро этишга руҳсат бериш;
- учинчиси, ижро ҳужжатини ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш.

Қонунда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларнинг ижросини кечиктириш ёки бўлиб бўлиб ижро этиш, уларни ижро этиш усули ва тартибини ўзгартиришга сабаб бўладиган асослар рўйхати берилмаган. Бу масалаларни ҳал этиш мезони сифатида ижро ҳаракатларини амалга оширишга тускинлик қиладиган объектив ҳолатлар мавжудлиги белгиланган. Бу ҳолатларнинг мавжудлиги ҳар бир мурожаат бўйича ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа орган томонидан ишнинг барча ҳолатлари ҳисобга олинган ҳолда ҳал қилинади.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил этиш ижро ҳаракатларини амалга оширишга тускинлик қилган ҳолатлар ҳақида айрим мисоллар келтиришга имкон беради. Масалан, қарздорларни вояга етмаган болалари билан кўчириш тўғрисидаги ижро ҳужжати бўйича ижрони бир ойга кечиктиришга боланинг касаллиги сабаб бўлган; ўзбошимчалик билан қурилган иморатни бузиб ташлаш тўғрисидаги ижро ҳужжати ижросини бир ойга кечиктиришга эса бу иморатни қонунга мувофиқ расмийлаштириш жараёни бошланганлиги сабаб бўлган.

Фуқаролик процессуал кодексининг 216 - моддасига кўра ундирувчи, қарздор ёки суд ижрочисининг суд ҳужжатининг ижросини кечиктириш ёки уни бўлиб - бўлиб ижро этиш, ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги аризаси у берилган кундан эътиборан 10 кунлик муддат ичида кўриб чиқилади. Бу муддат Хўжалик процессуал кодексининг 217 – моддасида нима учундир 20 этиб белгиланган.

Ижро ҳужжатининг ижросини кечиктириш бу ижро муддати бошланишининг ижро иши юриштининг умумий қоидаларида назарда тутилган муддатдан кўра кечроқ муддатга кўчирилишидир. Шунинг учун ҳам ижро ҳужжатини ижро этиш кечиктирилган тақдирда, ижро этишни кечиктирган суд ёки бошқа орган томонидан белгиланган муддат ичида ижро ҳаракатлари амалга оширилишига йўл қўйилмайди. Қарздорнинг ҳисобварақларига қўйилган хатлов ижро ҳужжатининг ижросини кечиктириш тўғрисидаги қарорда назарда тутилган тақдирда кечиктириш муддатига олиб ташланади.

Ижро ҳужжати бўлиб - бўлиб ижро этилган тақдирда, ижро ҳужжати уни бўлиб - бўлиб ижро этиш тўғрисидаги қарорда белгиланган қисм ва муддатлар бўйича ижро этилади.

Умумий қоидага кўра ижро ҳужжатининг ижросини кечиктириш масаласида судга ариза билан ижро ҳаракатлар амалга оширилмасдан туриб мурожаат қилинади. Масала ижобий ҳал қилинганда ижро ҳужжатини ижро этиш бошқа вақтга кўчирилади.

Ижро ҳужжати ижроси кечиктирилганда ижро ҳужжатини ижро этиш имкониятлари йўқолишининг олдини олиш учун зарур барча чоралар кўрилиши керак.

Ижро ҳужжати ижросини кечиктиришда ва бўлиб-бўлиб ижро этишда уни ижро этиш муддатлари ўзгаради. Шу билан бирга бу икки тушунчани бир биридан фарқлаш зарур. Суд ҳужжати ёки бошқа органлар ҳужжатлари ижросини кечиктириш – бу ижро этиш муддатини қонун, суд ёки бошқа орган томонидан белгиланган санадан суд ёки қарор қабул қилган бошқа орган томонидан белгиланган бошқа санага кўчиришдир. Суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжатини бўлиб-бўлиб ижро этишда эса қарздорга юклатилган мажбуриятни – ижро ҳужжатини қонун ёки қарор қабул қилган орган белгиланган аниқ бир муддатда тўлиқ ижро этиш эмас, балки бўлиб-бўлиб ижро этиш ҳуқуқи берилади. Бунда ижро ҳужжатининг ҳар бир қисмини ижро этишнинг, аниқ сана ёки даврий вақт билан белгиланадиган, аниқ муддати кўрсатилади.

Ижро этиш усули ёки тартибини ўзгаришида бир ижро турининг бошқаси билан алмаштирилиши тушунилади. Масалан, қарздордан мол-мулкни ундириш пул маблағларини ундириш билан алмаштирилиши мумкин.

Суд ҳужжатлари ёки бошқа органлар ҳужжатларининг ижросини кечиктириш ёхуд бўлиб-бўлиб ижро этиш, уларни ижро этиш усули ва тартибини ўзгартиришга бу тарафларнинг мулкий аҳволи, қарздорнинг касаллиги ёки бошқа эътиборга лойиқ ҳолатлар билан боғлиқ бўлган ҳоллардагина йўл қўйилади. Суд ёки бошқа орган бу масалани ҳал қилишда биринчи навбатда ундирувчининг манфаатларидан келиб чиқиши лозим.

Ижро ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар ўз хусусиятига кўра шундай бўлиши мумкинки, улар юзага келган пайтда бу ҳолатлар қачон тугагини аниқ айтиш имкони бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда ижро ҳужжатини ижро этишнинг янги муддатини аниқ белгилаш имкони йўқлиги туфайли ижро ҳаракатларини амалга оширишни кейинга қолдириб бўлмайди ва ижро иши юритишни тўхтатиб туриш зарурияти вужудга келади. Ижро иши юритишни тўхтатиб туриш – бу ижро ҳаракатларини амалга оширишни вақтинча тўхтатиб туришдир. Ижро ҳаракатларини вақтинча тўхтатиб қўйиш зарурияти одатда ижро иши юритишга тўсқинлик қилувчи ва қачон бартараф этилиши ҳамда ижро иши юритишни тиклаш муддатини аниқ белгилаш имконини бермайдиган объектив (суд, суд ижрочиси ва тарафларга боғлиқ бўлмаган) ҳолатлар туфайли вужудга келади.

Ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ижро ҳаракатларини кейинга қолдиришда қуйидагилар билан фарқланади:

1) ижро иши юритиш номаълум муддатга тўхтатиб қўйилади. Ижро ҳаракатлари кейинга қолдиришда эса, суд ижрочиси ҳамма ҳолларда ижро ҳаракатларини амалга оширишнинг янги вақтини аниқ белгилаши шарт;

2) ижро иши юритишни тўхтатиб туриш зарурияти суднинг, суд ижрочиси ва тарафларнинг эркига боғлиқ бўлмаган ҳолатлардан келиб чиқади. Ижро ҳаракатларни кейинга қолдириш эса, қоида тариқасида субъектив сабабларга боғлиқ;

3) ижро ҳаракатларини кейинга қолдиришда суд ижрочиси ижро ҳаракатларини амалга оширишнинг янги муддатини белгилайди. Тўхтатилган ижро иши юритишни тиклаш эса, ижро иши юритиш ким томонидан тўхтатилганига қараб тегишинча суднинг махсус ажрими ёки суд ижрочисининг қарори билан амалга оширилади.

Шуни қайд этиш керакки “Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунда биринчи бор суд ижрочиларига ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ҳуқуқи берилди. Ижро иши юритишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор қонунда белгиланган ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда суд ёки суд ижрочиси томонидан қабул қилиниши мумкин.

Ижро иши юритишни тўхтатиб туришга Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг 34 ва 35 -моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлгандагина йўл қўйилади. Бу асослар рўйхати тугалланган бўлиб, кенгайтирилган тарзда шарҳланиши мумкин эмас.

Ижро иши юритишни тўхтатиб туриш унинг асосларига қараб, икки турга бўлиниши мумкин: *мажбурий* ёки *факультатив*.

Ижро иши юритишни тўхтатиб туришнинг мажбурийлиги шундай ҳолатлар билан боғлиқки, уларнинг мавжудлиги ҳамма вақт ижро ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қилади. Бу ҳолатлар суд ижрочисига ундирувчи ва қарздорнинг ҳуқуқларини лозим даражада ҳимоя қилиш имконини бермайди, шунинг учун ҳам ижро иши юритиш бу ҳолатлар бартараф қилингунига қадар тўхтатилиши шарт.

Ижро иши юритишни тўхтатишнинг факультатив асослари эса ишнинг аниқ ҳолатларидан келиб чиқиб, турли ҳил ижро ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қилмаслиги ҳам мумкин. Демак, бундай ҳолатлар мавжуд бўлганда суд ижрочиси ҳамма вақт ҳам ижро иши юритиш тарафларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имконидан маҳрум бўлмайди.

Ижро иши юритиш қуйидаги ҳолларда **суд** томонидан тўхтатиб турилиши шарт:

1) агар суд томонидан аниқланган ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қўйса, қарздор вафот этганда, у вафот этган деб эълон қилинганда ёки бедарак йўқолган деб топилганда;

2) қарздор муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

3) агар қонун ҳужжатларида низолашишга йўл қўйилган бўлса, қарздор ижро ҳужжати юзасидан суд тартибида низолашганда;

4) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга органларнинг қарорлари (мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари) устидан судга шикоят берилганда;

5) ижро ҳужжати бўйича ундирув қаратилган мол-мулкни рўйхатдан чиқариш (хатлашдан озод қилиш) тўғрисида судга даъво аризаси берилганда;

6) “Суд қарорлари ва бошқа органлар қарорларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 34 - модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган бошқа асослар вужудга келганда.

Ижро иши юритиш қуйидаги ҳолларда **суд ижрочиси** томонидан тўхтатиб турилиши шарт:

1) қарздор муддатли ҳарбий хизматда бўлганда ёки муддатли ҳарбий хизматда бўлган ундирувчи илтимос қилганда;

2) қарздорнинг ночорлиги (банкротлиги) тўғрисидаги иш бўйича хўжалик суди томонидан иш юритиш қўзғатилганда, шу жумладан кузатувни жорий этиш тўғрисида, суд санациясини ёки ташқи бошқарувни жорий этиш ва (ёки) уларнинг муддатини узайтириш тўғрисида хўжалик суди томонидан ажрим қабул қилинганда, «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ижро этилиши тўхтатиб турилиши мумкин бўлмаган ижро ҳужжатлари бундан мустасно;

3) ижро ҳужжатини бериш учун асос бўлган суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжатини ижро этишни тўхтатиб туриш ҳуқуқи қонунда қайси мансабдор шахсга берилган бўлса, ўша мансабдор шахс томонидан қарор чиқарилганда (Қонуннинг 34 - моддаси).

Ижро иши юритиш қуйидаги ҳолларда **суд** томонидан тўхтатиб турилиши мумкин:

1) қарздор ёки ундирувчи ижро ҳужжатини берган тегишли судга ёки бошқа органга ижро ҳужжатини кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб ижро этиш, ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилганда;

2) қарздор узоқ муддатли хизмат сафарида бўлганда;

3) қарздор стационар даволаш муассасасида даволанаётганда;

4) суд ижрочисининг ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят берилганда;

5) рўйхатга олинган мол-мулкни баҳолаш натижалари юзасидан низолашилганда;

6) ундирувчи илтимос қилганда.

Ижро иши юритиш қуйидаги ҳолларда **суд ижрочиси** томонидан тўхтатиб турилиши мумкин:

1) суд ижрочиси ижро этилиши лозим бўлган суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжатини тушунтириш тўғрисидаги, ижро ҳужжатини кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб ижро этиш ҳақидаги, ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги аризалар билан ижро ҳужжатини берган тегишли судга ёки бошқа органга мурожаат қилганда;

2) қарздор жисмоний шахс, унинг мол-мулки ёки олиб қўйилиши лозим бўлган бола қидирилаётганда;

3) суд ижрочиси томонидан жарима тариқасидаги жиноий жазони бошқа жазо турига алмаштириш тўғрисида судга тақдимнома киритилганда.

Ўзбекистон Республикасининг Бош суд ижрочиси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош суд ижрочилари уларга бўйсунувчи суд ижрочиларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан шикоят келиб тушганда, зарур бўлган ҳолларда, ижро иши юритишни тўхтатиб туришга ҳақли (Қонуннинг 35- моддаси).

Ижро иши юритишнинг тўхтатиб туриш асослари хилма-хил бўлганлиги туфайли ижро ҳаракатларини амалга оширилишига тўсқинлик қилувчи ҳолатларнинг бартараф қилиниш вақтини аниқ белгилаб қўйиш қийин. Тўхтатилган ижро иши юритишни тиклаш, унинг тўхтатилишига сабаб бўлган асосларнинг бартараф этилиши билан боғлиқдир.

Масалан, ижро иши юритиш қарздор вафот этганлиги сабабли тўхтатилган бўлса, у вафот этган қарздорнинг ҳуқуқий ворислари аниқлангунга қадар тўхтатиб турилади. Вафот этган қарздорнинг ҳуқуқий ворислари аниқланганидан кейингина ижро ишини тўхтатиб туриш асоси бартараф этилган ҳисобланади ва ижро ҳужжатини ким ижро этиши аниқ бўлади. Агарда ижро иши юритиш ижро ҳужжатлари юзасидан суд тартибида низолашилаётганлиги ёки суд ижрочисининг ҳаракатлари устидан ёхуд унинг иштирокини рад этиш қаноатлантирилмаганлиги юзасидан шикоят берилганлиги туфайли тўхтатилган бўлса, ижро иши юритиш кўрсатилган масалалар мазмунан ҳал қилинганидан кейин тикланади.

Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг 36 - моддасига кўра ижро иши юритиш қуйидаги муддатларга тўхтатиб турилади:

1) қарздор вафот этганда, у вафот этган деб эълон қилинганда ёки бедарак йўқолган, муомалага лаёқатсиз деб топилганда — қарздорнинг ҳуқуқий ворислари аниқлангунга, бедарак йўқолганнинг мол-мулки суд томонидан ҳомийлик ва васийлик органлари белгилаган ишончли бошқарувчига топширилгунга ёки муомалага лаёқатсиз қарздорга ҳомий тайинлангунга қадар;

2) қарздорнинг ночорлиги (банкротлиги) тўғрисидаги иш бўйича хўжалик суди томонидан иш юритиш қўзғатилганда, кузатувни жорий этиш тўғрисида суд санацияси ёки ташқи бошқарув таомилини жорий этиш ва (ёки) муддатини узайтириш тўғрисида хўжалик суди

томонидан ажрим қабул қилинганда — қарздорнинг ночорлиги (банкротлиги) тўғрисидаги иш бўйича қарор қабул қилингунига қадар;

3) ундирувчи ёки қарздор муддатли ҳарбий хизматни ўтаётганда, қарздор касал бўлиб қолганда, хизмат сафаридан бўлганда ёки қарздор жисмоний шахс, унинг мол-мулки ёки олиб қўйилиши лозим бўлган бола қидирилаётганда, — муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилгунига ёки стационар даволаш муассасасидан чиққунига, хизмат сафаридан қайтгунига ёки қарздор жисмоний шахс, унинг мол-мулки ёки олиб қўйилиши лозим бўлган бола қидириб топилгунига қадар;

4) ижро ҳаракатлари, ижро ҳужжати ёки уни беришга асос бўлган ҳужжат юзасидан, шунингдек рўйхатга олинган мол-мулкни баҳолаш натижалари юзасидан низолашилаётганда — масала мазмунан узил-кесил кўриб чиқилгунига қадар;

5) суд ижрочисининг ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят берилганда — шикоят кўриб чиқилгунига қадар.

Ижро иши юритиш бошқа ҳолларда ҳам ижро иши юритишни тўхтатиб туришга асос бўлган ҳолатлар тугагунига қадар тўхтатиб турилиши мумкин.

Ижро иши юритишни тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар баргараф қилинганидан кейин ижро иши юритиш уни тўхтатиб турган суд ёки суд ижрочиси томонидан ундирувчининг аризасига ёки суд ижрочисининг ташаббусига кўра тикланади.

Ижро иши юритишни тўхтатиб туришнинг мазкур моддада белгиланган муддатлари суд томонидан қисқартирилиши мумкин (Қонуннинг 36 - моддаси).

Ижро иши юритишни тугатиш – бу мазкур ижро иши юритиш бўйича барча ижро ҳаракатларини тугатиш демакдир. Бунда ижро ҳаракатлари қайта тикланмайди.

Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг 37 - моддасига кўра ижро иши юритиш қуйидаги ҳолларда суд томонидан тугатилади:

1) ундирувчи ёки қарздор вафот этганда, у вафот этган деб эълон қилинганда, бедарак йўқолган деб топилганда, агар суд ҳужжати ёхуд бошқа органнинг ҳужжатида қўйилган талаблар ёки мажбуриятлар ҳуқуқий ворисга ёки бедарак йўқолганнинг мол-мулкни ишончли бошқариб турган шахсга ўтиши мумкин бўлмаса;

2) муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёхуд бундай ҳаракатларни амалга оширишдан ўзини тийиш мажбуриятини юқловчи ижро ҳужжатини ижро этиш имконияти йўқолганда.

Ижро иши юритиш қуйидаги ҳолларда суд ижрочиси томонидан тугатилади:

1) ундирувчи ундирувдан воз кечганда, агар воз кечиш суд томонидан қабул қилинган бўлса;

2) ундирувчи ва қарздор ўртасида суд томонидан тасдиқланган келишув битими тузилганда;

3) жарима тариқасидаги жиноий жазони бошқа жазо турига алмаштириш ёхуд жарима тариқасидаги жиноий жазодан амнистия актига асосан озод қилиш тўғрисида суд томонидан ажрим чиқарилганда;

4) ижро ҳужжатини беришга асос бўлган суд ҳужжати ёки бошқа органнинг ҳужжати бекор қилинганда ёхуд қонунга кўра ижро ҳужжати бўлган ҳужжат бекор қилинганда ёки ҳақиқий эмас деб топилганда (Қонуннинг 37 - моддаси).

Ушбу рўйхатда келтирилган ижро иши юритиш тугатиш асослари узил-кесил бўлиб, уни кенгайтирилган тарзда шархлашга йўл қўйилмайди.

Хўжалик суди берган ижро ҳужжати асосида қўзғатилган ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ва тугатиш ўша хўжалик суди ёки суд ижрочиси турган жойдаги хўжалик суди томонидан амалга оширилади.

Хўжалик суди томонидан берилган ижро ҳужжати асосида қўзғатилган ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ва тугатиш ўша хўжалик суди ёки суд ижрочиси турган жойдаги хўжалик суди томонидан амалга оширилади. Ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ва тугатиш қуйидаги ҳолларда ҳам хўжалик суди томонидан амалга оширилади:

- ижро хатлари ижро этилганда, агар ундирувчи ва қарздор юридик шахслар ёки юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган фуқаролар бўлса;

- суд ижрочисининг ижро йиғимини ва ижро ҳаражатларини ундириш тўғрисидаги қарорлари ижро этилганда, агар қарздор юридик шахс ёки юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган фуқаро бўлса.

“Суд қарорлари ва бошқа органлар қарорларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 38 - модданинг биринчи қисмида назарда тутилмаган ижро ҳужжатлари бўйича ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ва тугатиш суд ижрочиси турган жойдаги умумий юрисдикция суди томонидан амалга оширилади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал, Хўжалик процессуал ёки Жиноят-процессуал кодексларида бошқа тартиб белгиланмаган бўлса, ижро иши юритишдаги тарафларнинг ёки суд ижрочисининг ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ҳақидаги ёки тугатиш тўғрисидаги аризаси у келиб тушган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда суд томонидан кўриб чиқилади.

Ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ва тугатиш, “Суд қарорлари ва бошқа органлар қарорларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонун 34-моддасининг иккинчи қисми, 35-моддасининг иккинчи қисми ва 37-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда, ижро ҳужжати қайси суд ижрочисининг иш юритишида бўлса, ўша суд ижрочиси томонидан амалга оширилади.

Ижро иши юритишдаги тарафларнинг ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисидаги аризаси у келиб тушган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда суд ижрочиси томонидан кўриб чиқилади. Аризани кўриб чиқиш натижаларига кўра суд ижрочиси ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ёки тугатиш ҳақида ёхуд ижро иши юритишни тўхтатиб туришни ёки тугатишни рад қилиш тўғрисида қарор чиқаради.

Ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ёки тугатиш ҳақидаги суд ҳужжати ёхуд бошқа органнинг ҳужжати суд ижрочиси томонидан олинган пайтдан эътиборан дарҳол ижро этилиши керак. Суд ижрочиси ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисида бу ҳақда унга маълум бўлган вақтдан эътиборан уч кунлик муддатда ижро иши юритишдаги тарафларга, судга (агар масала ижро ҳужжатини берган суд томонидан эмас, бошқа суд томонидан ҳал қилинган бўлса) ёки ижро ҳужжатини берган ўзга органга маълум қилади.

Тўхтатилган ижро иши юритиш бўйича у тиклангунига қадар мажбурий ижро чоралари қўлланилишига йўл қўйилмайди.

Суд ёки бошқа органнинг ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ёхуд тугатиш тўғрисидаги ҳужжати устидан ўн кунлик муддатда шикоят қилиниши ёки протест билдирилиши мумкин.

Суд ижрочиси суднинг ижро иши юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрими асосида, шунингдек суд ижрочисининг ижро иши юритишни тугатиш тўғрисидаги қарорида ижро этиш бўйича ўзи тайинлаган барча мажбурий ижро чораларини, шу жумладан мол-мулкни хатлашни, шунингдек қарздор учун белгиланган чекловларни бекор қилади. Айни вақтда суд ижрочиси қарздорнинг ҳисобварақларига қўйилган инкассо топшириқномаларини чақириб олади, шунингдек чекловларни ижро этаётган органларни ушбу чекловлар бекор қилинганлиги тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилади.

Ижро иши юритиш тугатилганидан сўнг суд ижрочиси қарздорга суд ижрочиси томонидан солинган жарималарни ва ижро харажатларини ундириш тўғрисида илгари чиқарилган ҳамда ижро этилмаган қарорлар ижросини давом эттиради.

Ижро иши юритиш тугатилган тақдирда, ижро йиғими ижро ҳужжатининг фақат мажбурий тартибда ижро этилган қисми бўйича ундирилади. Бунда ижро иши юритиш “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғриси”ги Қонуннинг 37-моддаси иккинчи қисмининг 4-бандида кўрсатилган асослар бўйича тугатилган тақдирда ижро йиғими суд ижрочиси томонидан амалга оширилган мажбурий ижро этиш чораларидан қатъи назар, тўлик ҳажмда қайтарилди.

Ижро иши юритиш тугатилган ижро ҳужжати ижро иши юритиш материалларида қолади ва такроран ижрога қаратилиши мумкин эмас.

Ижро иши юритишни тамомлаш — бу ижро иши юритишни суд ижрочиси томонидан қонунда назарда тутилган турли асосларга кўра тамомланишидир. Қонунга кўра ижро иши юритиш қуйидаги ҳолларда тамомланади:

- ижро ҳужжати амалда ижро этилганда;
- йиғма ижро иши юритишга бирлаштирилган ижро ҳужжатларидаги ундирув тўғрисидаги талаблар бир ёки бир нечта солидар жавобгар қарздор ҳисобидан амалда ижро этилганда;
- ижро ҳужжати уни берган суднинг ёки бошқа органнинг талабига биноан ижро этилмасдан қайтарилганда;
- ижро ҳужжати “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 40-моддасида кўрсатилган асослар бўйича қайтарилганда;

- ижро ҳужжати ижро этиш учун “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонун 25-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ бошқа суд ижрочисига юборилганда;

- ижро ҳужжати ижро этиш учун тугатиш комиссиясига (тугатувчига, тугатиш бошқарувчисига) юборилганда.

Ижро иши юритиш тамомланганда суд ижрочиси бу ҳақда қарор чиқаради. Ижро иши юритишни тамомлаш тўғрисидаги қарорда қарздор жисмоний шахсни, унинг мол-мулкани, олиб қўйилиши лозим бўлган болани қидириш, шунингдек қарздор учун белгиланган чекловлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасидан чиқишга оид чеклашлар ва қарздорнинг ўз мол-мулқига бўлган ҳуқуқларига доир чекловлар бекор қилинади.

Ижро иши юритиш “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 25-моддаси асосида бошқа суд ижрочисига юборилиши муносабати билан тамомланаётганда қарздор жисмоний шахсни, унинг мол-мулкани, олиб қўйилиши лозим бўлган болани қидириш, шунингдек қарздор учун белгиланган чекловлар бекор қилинмайди. Мазкур ваколатлар ижро иши юритиш юборилган суд ижрочисига ўтади.

Суд ижрочиси қарорининг кўчирма нусхалари у чиқарилган куннинг эртасидан кечиктирмай ундирувчига ва қарздорга, шунингдек ижро ҳужжатини берган судга ёки бошқа органга юборилади. Айни вақтда суд ижрочиси қарздорнинг ҳисобварақларига қўйилган инкассо топшириқномаларини чақириб олади, шунингдек чекловларни ижро этаётган органларни ушбу чекловларнинг бекор қилинганлиги тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилади.

Ижро иши юритиш тамомланганидан сўнг суд ижрочиси қарздордан ижро йиғимини, суд ижрочиси томонидан қарздорга солинган жарималарни ҳамда ижро харажатларини ундириш тўғрисида илгари чиқарилган ва ижро этилмаган қарорларнинг ижросини давом эттиради. Бунда қарздорга нисбатан ижро иши юритиш жараёнида белгиланган чекловлар мазкур қарорлар ижроси учун зарур бўлган миқдорда сақлаб қолинади. Ижро иши юритиш тамомланган тақдирда, ижро йиғими фақат ижро ҳужжатининг мажбурий тартибда ижро этилган қисми бўйича ундирилади, номулкий хусусиятдаги ижро ҳужжатлари бундан мустасно.

Ижро иши юритиш, ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган асосларга кўра тамомланганда ижро ҳужжатининг асл нусхаси, бошқа ҳолларда эса ижро ҳужжатининг кўчирма нусхаси ижро иши юритиш материалларида қолади (Қонуннинг 41- моддаси).

6. Ижро ҳужжатларини қайтариш

Ижро иши юритишда ижро ҳужжатларини ижро иши юритиш кўзгатилаганидан кейин қайтариш институти ҳам муҳим ўрин тутаяди. Ижро ҳужжатларини қайтариш институти ижро иши юритишни тугатиш институтидан бир қатор белгилари билан фарқланади:

- қандай мақсадга йўналтирилганлиги билан;
- бу харажатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар билан;
- уни амалга ошириш асослари билан;
- уни амалга ошириш натижасида вужудга келадиган ҳуқуқий оқибатлар билан.

Ижро ҳужжатларида кўрсатилган ундирув амалга оширилмаган ёки қисман амалга оширилган бўлса, бундай ижро ҳужжатларини ундирувчига қайтариш асослари Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг 40 - моддаси 1 қисмида тўлиқ кўрсатилган. Қуйидаги ҳолларда ижро ҳужжати ундирувчига қайтарилади:

1) ундирувчининг аризасига биноан. Ижро ҳужжатини ундирувчининг аризасига кўра унга қайтариш ижро иши юритишда амал қиладиган диспозитив принципига мувофиқ келади;

2) агар қарздорнинг манзилени ёки унинг мол-мулки турган жойни аниқлаш ёхуд банклар ёки бошқа кредит ташкилотларидаги ҳисобварақлар ва омонатларда қарздорга қарашли пул маблағлари ҳамда бошқа қимматликлар турганлиги ёки сақланаётганлиги тўғрисидаги маълумотларни олиш мумкин бўлмаса (“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ қарздорни ёки унинг мол-мулкани қидириш назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно);

3) агар қарздорнинг ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки ёки даромадлари бўлмаса ва унинг мол-мулки ёки даромадларини қидириш юзасидан суд ижрочиси томонидан қонунда йўл қўйиладиган доирада кўрилган барча чоралар натижасиз бўлса.

Қарздорнинг ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулкни ёки даромадлари йўқлиги ҳақида суд ижрочиси далолатнома тузади ва бу далолатнома катта суд ижрочиси томонидан тасдиқланади. Ижро ҳужжатини қайтаришга суд ижрочиси томонидан қарздорнинг мол-мулки ёки даромадларини қидириш юзасидан қонунда йўл қўйиладиган барча чоралар кўрилиб, улар натижасиз бўлган тақдирдагина йўл қўйилади;

4) агар ундирувчи ижро ҳужжати ижро этилаётганда қарздорнинг сотилмаган мол-мулкни ўзига олишдан воз кечса ёхуд қарздорлик ҳисобидан ушбу мол-мулкни ўзига олиш тўғрисидаги суд ижрочисининг таклифи бўйича ўз қарорини белгиланган муддатда тақдим этмаган бўлса.

Қарздорнинг хатланган мол-мулкни реализация қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг 56 - моддасида белгиланган. Агарда қарздорнинг хатланган мол-мулки икки ой ичида реализация қилинмаса, ундирувчига мол-мулкни баҳоланган суммада ўзида қолдириш ҳуқуқи берилади. Ундирувчи мол-мулкни олишдан воз кечкан тақдирда у қарздорга қайтарилади, ижро иши юритиш эса тугатилади;

5) агар ундирувчи ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан ижро ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилаётган бўлса, шу жумладан ижро ҳужжатида кўрсатилган, қарздордан олиб қўйилган муайян ашёларни олишдан воз кечса.

Қонунда ундирувчининг айнан қандай ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ижро ҳужжатини ижро этишга тўсқинлик қилади деб ҳисобланиши кўрсатилмаган. Бундай рўйхатни келтириш имкони ҳам йўқ. Фикрмизча бундай ҳаракатларга (ҳаракатсизликларга) жумладан, ундирувчининг унга топширилиши лозим бўлган ашёларни қабул қилиб олишлик учун узрсиз сабаблар билан келмаслигини, ижро ҳужжатини қарздор томонидан ижро этилиши учун зарур бўлган ҳаракатларнинг ундирувчи томонидан амалга оширилмаслиги ва бошқаларни киритиш мумкин.

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 40 - моддаси биринчи қисмининг 3, 4 ва 5 - бандларида кўрсатилган асослар бўйича ижро ҳужжатини қайтаришда суд ижрочиси бу ҳақда тегишли далолатнома тузади, далолатнома катта суд ижрочиси томонидан тасдиқланади.

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 40 – моддаси биринчи қисмининг 2 ва 3-бандларида кўрсатилган асослар бўйича ундирувчи амалга ошириш мумкин бўлмаган тақдирда, бюджетга ҳамда давлат мақсадли фондларига солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича боқиманда қарздорликни ундиришни назарда тутувчи ижро ҳужжати давлат солиқ хизмати органига, давлат даромадига ўзга ундирувчи назарда тутувчи ижро ҳужжати эса тегишинча ушбу ҳужжатни берган судга ёки бошқа органга қайтарилади.

Ижро ҳужжатининг ундирувчига қайтарилиши мазкур ҳужжатни Қонуннинг 27 - моддасига мувофиқ ҳисоблаб чиқариладиган муддат доирасида янгидан ижрога топшириш учун тўсиқ бўлмайди.

Ижро ҳужжати Қонуннинг 40 - моддаси биринчи қисмининг 1 бандида кўрсатилган асослар бўйича қайтарилганда, ундирувчига Қонуннинг 76-моддасида назарда тутилган бўнак бадали тўлиқ қайтарилади.

Ижро ҳужжати Қонуннинг 40 - моддаси биринчи қисмининг 3, 4 ва 5-бандларида кўрсатилган асослар бўйича қайтарилган ҳолларда бўнак бадалининг қайтарилаётган ижро ҳужжатини ижро этиш юзасидан суд ижрочиси қилган ҳаражатлардан ортиқча қисмигина қайтарилади. Ундирувчига ижро ҳужжати ва бўнак бадалини қайтариш тўғрисида суд ижрочиси томонидан катта суд ижрочиси тасдиқлайдиган қарор чиқарилади.

Ундирувчига ижро ҳужжати ва бўнак бадалини қайтариш тўғрисида суд ижрочиси қарор чиқаради, қарорни катта суд ижрочиси тасдиқлайди. Ижро этилган ижро ҳужжати уни берган суд ёки бошқа органга қайтарилади.

7. Қарздорни, унинг мол-мулкни ёки болани қидириш

1963 йилда қабул қилинган Фуқаролик процессуал кодексидан фарқли равишда “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонун қарздорни, унинг мол-мулкни ёки болани қидириш билан боғлиқ муносабатларни анча тўлиқ тартибга солади. Барча ижро ҳужжатлари қарздорнинг яшаш жойи ёки унинг мол-мулки турган жой ҳақида маълумотлар бўлмаган тақдирда қидирув ҳаракатларини амалга ошириш заруриятига қараб, икки гуруҳга бўлинади:

1. Суд ижрочиси, шу жумладан ўз ташаббуси билан қидирув эълон қилиниши шарт бўлган ижро ҳужжатлари.

2. Суд ижрочиси қарздорни ёки унинг мол-мулкани топиш бўйича қидирув эълон қилишга ҳақли бўлган (аммо мажбур бўлмаган) ижро ҳужжатлари.

Алиментлар ундириш тўғрисидаги, майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етказганлик оқибатидаги зарарни қоплаш тўғрисидаги ёхуд боқувчисининг вафоти натижасида зиён кўрган шахсларга зарарни тўлаш тўғрисидаги, шунингдек, болани олиб қўйиш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари бўйича қарздорнинг турган жойи ҳақида маълумотлар бўлмаганда, суд ижрочиси ўз ташаббуси билан ёки ундирувчининг аризасига кўра қарздорни қидириш тўғрисида қарор чиқаради, қарорни катта суд ижрочиси тасдиқлайди. Бу ҳолда суд ижрочиси қарздорнинг мол-мулкани ёки болани қидириш тўғрисида қарор чиқаради.

Қонуннинг 42 - моддаси 2 қисмида иккинчи гуруҳ ижро ҳужжатлари ҳақида сўз юритилади, бу ижро ҳужжатлари бўйича суд ижрочиси қарздорга ёки унинг мол-мулкига қидирув эълон қилишга ҳақли. Бу гуруҳга Қонуннинг 42 - моддаси 1 қисмида назарда тутилган ижро ҳужжатларидан ташқари барча ижро ҳужжатлари киради. Улар бўйича қидирув эълон қилишга қуйидаги иккита шарт бўлгандагина йўл қўйилади:

1) қидиришга кетадиган ҳаражатларни тўлашга ундирувчининг розилиги;

2) бу ҳаражатларни Қонуннинг 76 - моддасига мувофиқ ундирувчининг бўнак билан тامينлашга розилиги. Бу ҳолда ундирувчи қидирув ҳаражатларини тўлашни қарздордан суд тартибида талаб қилишга ҳақлидир.

Қидирув ижро ҳужжати ижро этиш жойида, қарздорнинг маълум бўлган охириги яшаш жойида (турган жойида) ёки унинг мол-мулки турган жойида ёхуд ундирувчининг яшаш жойида (турган жойида) эълон қилинади.

Қарздор жисмоний шахсни ва олиб қўйилиши лозим бўлган болани қидириш ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади. Қарздор юридик шахсни ва шунингдек қарздорнинг (жисмоний ёки юридик шахснинг) мол-мулкани қидириш суд ижрочиси томонидан амалга оширилади. Автомототранспорт воситасини қидириш суд ижрочисининг қарорига кўра ички ишлар органлари зиммасига юклатилиши мумкин.

Қарздорни, унинг мол-мулкани ва олиб қўйилиши лозим бўлган болани қидириш ҳаражатлари қарздордан ундирилади, суд ижрочиси бу ҳақда қарор чиқаради, қарорни катта суд ижрочиси тасдиқлайди. Қарздор жисмоний шахсни, автоматотранспорт воситасини ёхуд олиб қўйилиши лозим бўлган болани қидириш бўйича ҳаражатлар ички ишлар органининг аризасига кўра, қарздор юридик шахсни ва қарздорнинг (жисмоний ёки юридик шахснинг) мол-мулкани қидириш ҳаражатлари бўйича эса, тегишли суд ижрочиси томонидан қилинган ҳаражатлар ҳисоб-китоби асосида аниқланади.

Қонун тарафларга суд ижрочисининг қарздорни ёки унинг мол-мулкани қидиришни рад этиш тўғрисидаги ва қидириш ҳаражатларини ундириш тўғрисидаги қарори устидан шикоят қилиш ҳуқуқини беради. Суд ижрочисининг кўрсатилган қарорлари устидан прокурор томонидан протест билдирилиши мумкин. Тарафлар шикоят бериш ҳуқуқидан қайси ижро ҳужжати бўйича қидирув эълон қилиниши рад этилганлигидан қатъи назар фойдаланишга ҳақлидирлар.

8. Қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон

Республикасида чиқишини вақтинча чеклаш

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28 – моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқароси республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга. Қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин ҳаракат қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш тўғрисидаги конституциявий норма фуқароларнинг номулкий ҳуқуқидир. Фуқароларнинг эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи, шу жумладан Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетиш ҳуқуқи фақат қонунда назарда тутилган ҳоллардагина чекланиши мумкин. Хусусан бундай чеклов “Суд ҳужжатларини ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 42-1 – моддасида назарда тутилган ҳолларда қўлланилиши мумкин.

Қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этилишини таъминлаш чораларидан биридир. Бу чорани қўллашга қарздорнинг ижро ҳужжати талабларини белгиланган муддатда узрsiz сабабларга кўра ижро этмаганлиги асос бўлиши мумкин.

Қонун қарздор жисмоний шахсни Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклашнинг иккита тартибини назарда тутлади: суддан ташқари тартиб ва суд тартиби.

Ушбу чора суддан ташқари тартибда ундирувчининг аризасига кўра ёки суд ижрочисининг ташаббуси билан куйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин:

1) суд ҳужжатлари (масалан, суд қарорлари ва ҳукмлари) асосида берилган ижро ҳужжатларини ижро этишда;

2) ижро ҳужжати бўлган суд ҳужжатларини (масалан, суд буйруғи) ижро этишда.

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 42-1 – моддасида, суд ҳужжати асосида берилган ижро ҳужжатидаги ёки ижро ҳужжати бўлган суд ҳужжатидаги талаблар белгиланган муддатда қарздор жисмоний шахс томонидан узрсиз сабабларга кўра ижро этилмаганда, суд ижрочиси ундирувчининг аризаси бўйича ёки ўз ташаббуси билан қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилган.

Суд ижрочисининг қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисидаги қарори катта суд ижрочиси томонидан тасдиқланади. Мазкур қарорнинг кўчирма нусхалари қарздор жисмоний шахсга (агар унинг турган жойи маълум бўлса), ички ишлар органларининг кириш, чиқиш ва фуқаролик бўлимига (бошқармасига) ҳамда Давлат чегарасини кўриқлаш органларига юборилади.

Агар ижро ҳужжати суд ҳужжати бўлмаса ва суд ҳужжати асосида берилмаган бўлса, ундирувчи қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклашни белгилаш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини суд тартибда вақтинча чеклаш суд ҳужжати бўлмаган ва суд ҳужжати асосида берилмаган ижро ҳужжатларининг ижросини таъминловчи чора сифатида қўлланилади. Қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклашни белгилаш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексида назарда тутилмаган. Бизнинг фикримизча бу масалани ҳал этишда суд Фуқаролик процессуал кодексининг ажримлар чиқариш тўғрисидаги умумий қоидаларини (ФПКнинг 20 – боби), хусусан ФПКнинг 238 – моддасини ҳуқуқ нормалари ўхшашлиги асосида қўллаши мумкин.

Қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклашга асос бўлган ижро ҳужжатининг талаблари амалда ижро этилганда ёхуд у бўйича ижро иши юритиш қонунда белгиланган асосларга кўра тугатилганда ёки тамомланганда, суд ижрочиси кейинги кундан кечиктирмасдан қарздор жисмоний шахсни, ички ишлар органларини ва Давлат чегарасини кўриқлаш органларини қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини чеклаш олиб ташланганлиги тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилади.

Қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклашни таъминлаш юзасидан суд ижрочиларининг, ички ишлар органлари ва Давлат чегарасини кўриқлаш органларининг ҳамкорлиги тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати томонидан белгиланади.

9. Йўқолган ижро иши юритилишини тиклаш

Йўқолган ижро иши юритилиши суд томонидан ишда иштирок этган шахсларнинг, ижро иши юритилиши тарафларининг, суд ижрочисининг, прокурорнинг, шунингдек, ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа органнинг ташаббусига биноан тикланиши мумкин.

Йўқолган ижро иши юритилиши тўлиқ ёки у суд фикрига кўра тикланиши зарур деб ҳисоблаган қисмида тикланади.

Йўқолган ижро иши юритилишини тиклаш тўғрисидаги ариза ижро этиладиган жойдаги судга берилади.

Аризада ижро ишини юритилишига доир маълумотлар тўлиқ баён этилиши лозим. Аризачида сақланиб қолган ва ижро ишини юритилишига дахлдор бўлган ҳужжатлар ёки уларнинг нусхалари аризага илова қилинади.

Суд ишни кўраётганда ижро иши юритишнинг сақланиб қолган қисмидан, иш йўқолгунига қадар ундан жисмоний ва юридик шахсларга олиб берилган ҳужжатлардан, бу ҳужжатларнинг нусхаларидан, шунингдек, ижро иши юритилишига дахлдор бўлган бошқа маълумотнома ва ҳужжатлардан фойдаланади.

Суд ижро ҳаракатларини бажариш вақтида иштирок этган ёки ҳозир бўлган шахсларни гувоҳ сифатида сўроқ қилиши мумкин.

Тўпланган материаллар йўқолган ижро иши юритилишини аниқ тиклаш учун етарли бўлмаса, суд ажрим чиқариб, ижро иши юритилишини тиклаш тўғрисидаги аризани кўриб чиқишни тугатади. Бу ҳолда аризачи умумий тартибда даъво тақдим этишга ҳақли.

Аризачи йўқолган ижро иши юритилишини тиклаш тўғрисидаги иш кўриб чиқилиши вақтида суд томонидан қилинган суд харажатларини тўлашдан озод қилинади. Била туриб, ёлғон ариза берилган бўлса, суд харажатлари аризачидан ундириб олинади.

10. Ижро иши юритишда мажбурий ижро этиш чоралари

Ижро иши юритишда мажбурий ижро этиш чоралари қарздор ижро ҳужжати бўйича белгиланган муддатларда ўз мажбуриятини бажармаган тақдирдагина қўлланилади.

Ижро иши юритишда мажбурий ижро этиш чоралари ижро ҳужжатлари талабларини амалга ошириш мақсадида ва Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг 45 - моддасида назарда тутилган асосларга кўра қўлланилади.

Қонунинг 45 - моддасига мувофиқ ихтиёрий равишда ижро этиш учун суд ижрочиси томонидан белгиланган муддатнинг ўтганлиги мажбурий ижро этиш чораларини қўллаш учун асос бўлади.

Қарздорга нисбатан Қонунинг 46 - моддасида назарда тутилган мажбурий ижро этиш чораларининг бири ёки бир вақтнинг ўзида бир нечтаси қўлланилиши мумкин. Қарздорнинг (жисмоний ёки юридик шахснинг) мол-мулкига нисбатан мажбурий ижро этиш чоралари қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда қўлланилади.

Мажбурий ижро этиш чораларининг асосий турлари “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг 46 - моддасида кўрсатиб ўтилган. Бу чоралар қуйидагилардан иборат:

- 1) ундирувни қарздорнинг пул маблағларига ва бошқа мол-мулкига қаратиш;
- 2) ундирувни қарздорнинг бошқа шахсларда турган пул маблағларига ва бошқа мол-мулкига қаратиш;
- 3) ундирувни қарздорнинг дебиторлик қарзига, шу жумладан қарздор ундирувчи сифатида иштирок этаётган ижро ҳужжати бўйича унга тегишли бўлган маблағларга қаратиш;
- 4) ундирувни қарздорга тегишли бўлган алоҳида мулкый ҳуқуқларга қаратиш;
- 5) ундирувни қарздорнинг иш ҳақи, стипендияси, пенсияси ва бошқа турдаги даромадларига қаратиш;
- 6) ижро ҳужжатида кўрсатилган муайян ашёларни қарздордан олиб қўйиш ва ундирувчига топшириш;
- 7) ижро ҳужжатининг ижро этилишини таъминловчи қонунларга мувофиқ кўриладиган бошқа чоралар.

Мажбурий ижро этиш чораларининг қайси бирини қўллашни танлаш ижро ҳужжатидаги талаблар ва муайян ҳолатда вужудга келган шарт-шароитга боғлиқ. Энг асосийси суд ижрочисининг ҳаракатлари қонун талабларига мутлоқ мувофиқ бўлиши лозим.

V МАВЗУ. УНДИРУВНИ ҚАРЗДОРНИНГ МОЛ-МУЛКИГА ҚАРАТИШ

1. Ундирувни қарздорнинг сўмдаги ва чет эл валютасидаги маблағларига қаратиш тартиби
2. Ундирувни айрим юридик шахсларнинг, улар мулкдорларининг, муассисларининг ва аъзоларининг (иштирокчиларининг) мол-мулкига қаратиш хусусиятлари
3. Ундирувни қарздорнинг бошқа шахсларда турган мол-мулкига, гаровга қўйилган мол-мулқка, мулкый ҳуқуқларига ва дебиторлик қарзига қаратиш
4. Ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган мол-мулк
5. Қарздорнинг мол-мулкни хатлаш. Қимматли қоғозларни хатлаш.
6. Қарздорнинг мол-мулкни баҳолаш ва сақлаш.
7. Хатланган мол-мулкни реализация қилиш.

8. Ижро ҳужжатида кўрсатилган ашёларни ундирувчига топшириш.

1. Ундирувни қарздорнинг сўмдаги ва чет эл валютасидаги маблағларига қаратиш тартиби

Ижро ҳужжатларини мажбурий ижро этиш усулининг асосийси ва энг кўп қўлланиладигани ижрони қарздорнинг мулкига қаратишдир. Ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш қарздорнинг мол-мулкани хатлаш (рўйхатга олиш), олиб қўйиш ва мажбурий реализация қилишдан иборатдир. Бу чора барча қарздорларга нисбатан ҳам, жисмоний шахслар ва юридик шахсларга ҳам нисбатан қўлланилади. Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг 64 -моддасига мувофиқ ундириладиган сумма энг кам иш ҳақининг икки баробаридан ошган барча ҳолларда ундирув қарздор – жисмоний шахснинг мол-мулкига қаратилади. Ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулк дейилганда ашёлар, бошқа моддий қимматликлар, шу жумладан пул маблағлари, қимматли қоғозлар, мулкка бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан ашёларга бўлган ҳуқуқлар ва мажбуриятлар бўйича олинадиган мол-мулк тушунилади.

Ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш тартиб-тамойиллари ижро ҳаракатларини маълум кетма-кетликда амалга оширишни назарда тутади.

Ижро ҳужжатлари бўйича жисмоний ва юридик шахслардан ундирув биринчи навбатда қарздорнинг сўмдаги ва чет эл валютасидаги пул маблағларига ҳамда бошқа қимматликларига, шу жумладан банклардаги ва бошқа кредит ташкилотларидаги пул маблағларига ҳамда ўзга қимматликларга қаратилади.

Қарздор жисмоний шахсдан топилган сўмдаги ва чет эл валютасидаги нақд пул маблағлари дарҳол олиб қуйилиши лозим.

Олиб қўйилган сўмдаги нақд пул маблағлари кейинги иш кунидан кечиктирмай Суд департаменти органининг депозит ҳисобварағига ўтказиш учун банкка топширилади, кейин уч кунлик муддатда белгиланган тартибда тақсимланади.

Қарздорнинг маълум бўлиб қолган тегишлича сўмдаги нақд пули ёки банклардаги ёхуд бошқа кредит ташкилотларидаги сўмдаги маблағлари етарли бўлмаса, ундирув қарздордаги мавжуд нақд чет эл валютасига ёхуд унинг банклардаги ёки бошқа кредит муассасаларидаги ҳисобварақларида, омонатларида турган ёки сақланаётган чет эл валютасига қаратилади.

Қарздорнинг чет эл валютасидаги пул маблағларига ундирув фақатгина сўмдаги пул маблағлари етарли бўлмаганда қаратилади.

Ижрони қарздорнинг сўмдаги ва чет эл валютасидаги пул маблағларига қаратиш, уларни аниқлаш, олиб қўйиш ва ундирилиши лозим бўлган қарз миқдоридан ундирувчининг ҳисобига ўтказиш ёки суд ижрочиларининг депозит ҳисоб варақасига ўтказишдан иборатдир.

Суд ижрочиси ижро ҳаракатлари амалга ошириладиган жойга чиққач қарздорга унда мавжуд бўлган сўмдаги ва чет эл валютасидаги нақд пул маблағларини кўрсатишни талаб этади. Қарздор бу талабни рад этган тақдирда суд ижрочиси Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 84 - моддасида назарда тутилган ваколатларини амалга оширади.

Қонунга кўра суд ижрочи қарздорлар эгаллаб турган ёки уларга қарашли бўлган, қарздорга қарашли бўлган мол-мулк борлигини тасдиқловчи ҳужжатли маълумотлар мавжуд бўлганда эса бошқа шахслар эгаллаб турган ёки уларга қарашли бўлган жойларга ва шу жумладан турар жойларга ва омборларга кириш, зарур бўлган ҳолларда жойлар ҳамда омборларни мажбуран очиш ва ҳолислар иштирокида кўздан кечириш, ўзга шахсларда қарздорга тегишли бўлган мол-мулк борлигини тасдиқловчи ҳужжатли маълумотлар мавжуд бўлмаганда эса бундай ҳаракатларни бошқа шахслар эгаллаб турган ёки уларга қарашли бўлган жойлар ва омборларда суд ажрими асосида амалга ошириш ҳуқуқига эга. Бу ҳаракатларни амалга ошириш учун асос бўлиб ижро ҳужжати ва суд ижрочисининг тегишли қарори ҳисобланади. Бу ижро ҳужжатини мажбурий ижро этиш чораларини қўллаш мумкинлиги кўрсатилган ижро иши юритишни кўзгатиш ҳақидаги қарор бўлиши, шунингдек, суд ижрочиси томонидан биноларни ва омборларни кўздан кечириш ҳақида алоҳида қарор ҳам чиқарилиши мумкин. Амалга оширилган ҳаракатлар ҳақида суд ижрочиси тегишли далолатнома тузади.

Ундирувни сўм ва чет эл валютасидаги пул маблағларига қаратиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) қарздор - жисмоний шахснинг рўйхатга олинган мол-мулкни хатлашда аниқланган сўмдаги ва чет эл валютасидаги нақд пул маблағлари, бошқа қимматликлар қарзни ва ижро йиғимини, суд ижрочиси томонидан қарздорга солинган жарималарни, агарда у илгари ундирилмаган бўлса, ҳамда ижро харажатларини қоплаш учун зарур миқдорда мажбурий олиб қўйилиши шарт.

Қарздорнинг банклардаги ёки бошқа кредит ташкилотларидаги барча ҳисобварақларида ҳамда омонатларида турган ёки сақлашга қўйилган пул маблағлари ва ўзга қимматликлари тўғрисида ахборот бўлганда, улар хатланади. Қарздорнинг аниқланган тегишлича сўмдаги нақд пули ёхуд банклардаги ёки бошқа кредит ташкилотларидаги сўмдаги маблағлари етарли бўлмаса, ундирув қарздордаги аниқланган нақд чет эл валютасига ёхуд унинг банклардаги ёки ўзга кредит ташкилотларидаги ҳисобварақларида, омонатларида турган ёки сақланаётган валютасига қаратилади.

б) қарздордан олинган сўмдаги пул маблағлари ундан ундирилиши лозим бўлган миқдордан кам бўлса ёки унда сўмдаги пул маблағлари бўлмаса, маълум бўлиб қолган чет эл валютасидаги нақд пул маблағлари олиб қўйилади. Суд ижрочиси қарздорнинг маълум бўлиб қолган ва олиб қўйилган чет эл валютасидаги нақд пул маблағларини олиб қўйилган куннинг эртасидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикасининг ички валюта бозорида чет эл валютасини сотиш ҳуқуқидан фойдаланувчи банкка сотиш учун топширади;

в) қарздорнинг банклардаги ёки бошқа кредит ташкилотларидаги ҳисоб рақамларида ва омонатларида сақланиб турган ёки сақлашга қўйилган сўмдаги ва чет эл валютасидаги пул маблағлари ва бошқа қимматликлари мавжудлиги ҳақида маълумот бўлса, улар хатланади;

Қарздорнинг чет эл валютасидаги хатланган пул маблағлари Ўзбекистон Республикаси ички валюта бозорида чет эл валютасини сотиш ҳуқуқидан фойдаланувчи банкдаги банк ҳисобварағида, омонатида турган ёки сақланаётган бўлса, суд ижрочиси ўз қарори билан банк зиммасига ижро йиғимини, суд ижрочиси томонидан қарздорга солинган жарималарни, ижро харажатларини инobatга олган ҳолда ижро ҳужжатини ижро этиш учун зарур ҳажмда чет эл валютасини сотиш мажбуриятини юклайди.

Агар банк Ўзбекистон Республикасининг ички валюта бозорида чет эл валютасини сотиш ҳуқуқидан фойдаланмаса, суд ижрочиси унинг зиммасига чет эл валютасини шундай ҳуқуқдан фойдаланувчи банкка ўтказиш мажбуриятини юклайди;

г) Суд ижрочисида қарздорнинг хатлаш мумкин бўлган ҳисобварағи мавжудлиги тўғрисида ахборот бўлмаганда, суд ижрочиси бундай ҳисобварақни аниқлаш тўғрисида банк ёки бошқа кредит ташкилотига ёзма сўров юборади.

Суд ижрочисининг ёзма сўрови келиб тушганда банк ёки бошқа кредит ташкилоти қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли ҳисобварақни аниқлайди ва бу ҳақда кейинги иш кунидан кечиктирмай суд ижрочисига маълум қилади.

д) Қарздорнинг ундирувчи талабларини қаноатлантириш учун етарли пул маблағлари бўлмаса, суд ижрочиси ўз қарори билан қарздор ҳисобварақларининг харажатлар қисмини қарз тўлиқ узилгунига қадар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хатлайди. Банк ёки бошқа кредит ташкилоти қарздорнинг пул маблағларини хатлаш ҳақидаги қарорни дарҳол ижро этади ва суд ижрочисига қарздорнинг ҳисобварақлари реквизитлари ҳамда ҳар бир ҳисобварақ бўйича хатланган пул маблағлари миқдорини маълум қилади.

Қарздор - жисмоний шахснинг ундирувчи талабларини қаноатлантириш учун етарли пул маблағлари бўлмаса, ундирув қарздорга тегишли бўлган бошқа мол-мулкка қаратилади, қонунга мувофиқ ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган мол-мулк бундан мустасно. Қонун ижро ҳужжатларини ижро этишда қарздор ва унинг оила аъзолари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чораларини назарда тутати. Чунonчи, Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 52 - моддасига кўра, ижро ҳужжатлари ижро этилаётганда жисмоний шахсларга нисбатан ундирув қарздорнинг оиласи нормал турмуш кечириши учун зарур бўлган уй - жой, квартира, уй анжомлари ҳамда жиҳозлари, кийимлар ва бошқа буюмларга қаратилиши мумкин эмас, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ундирувни қарздорнинг мол-мулкка қаратиш жараёнида қарздор ундирув биринчи навбатда қаратилиши лозим бўлган мол-мулк турлари ёки ашёларни ўзи кўрсатишга ҳақли. У кўрсатган мол-мулк турлари ёки ашёларга ижронини қаратиш ижро ҳужжатини ижро этишни қийинлаштирадиган бўлса, қарздорнинг бундай илтимоси рад этилиши мумкин.

Қарздорнинг ундирув биринчи навбатда қаратилиши лозим бўлган мол-мулк турлари ёки ашёларни кўрсатиш ҳуқуқи унчалик муҳим аҳамиятга эга эмас, чунки қонунга кўра қарздор мол-мулкининг у ёки бу турига ундирувни қаратиш навбати суд ижрочиси томонидан мазкур мол-мулкнинг ликвидлигини инобатга олган ҳолда белгиланади. Демак, ундирувни қарздор мол-мулкининг у ёки бу турига қаратиш навбатини белгилаш масаласини ҳал этиш барча ҳолатларда ҳам суд ижрочисининг ҳуқуқидир.

Агарда қарздор унга умумий мол-мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкка эга бўлса, ундирув қарздорнинг умумий мол-мулкдаги улушига қаратилади. Қарздорнинг умумий мулкдаги улуши суд ижрочисининг аризасига кўра суд томонидан аниқланади. Суд ижрочиси қарздорнинг умумий мулкдаги улушини аниқлаш (ажратиш) ҳақидаги аризасига қарздорга, бошқа шахсларга (иштирокчиларга) умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли мол-мулкнинг хатланганлиги тўғрисидаги ҳужжатни тақдим этади.

Ундирувни қарздорнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарисида турган мол-мулкига, шу жумладан унинг чет эл банкларидаги пул маблағларига қаратиш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ҳамда халқаро шартномаларига мувофиқ ҳолда амалга оширилади.

Қарзни чет эл валютасида ҳисоблаб чиқаришда ундирувни қарздорнинг пул маблағларига қаратиш тартиби. Умумий қоидага кўра пул мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг миллий пул бирлиги сўмда ифодаланган бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 245 - моддасига кўра пул мажбуриятида у сўмлар билан чет эл валютасидаги муайян суммага эквивалент бўлган суммада ёки шартли пул birlikлари билан (эю, "махсус қарз олиш ҳуқуқлари" ва бошқалар) тўланиши лозимлиги назарда тутилиши мумкин. Бундай ҳолларда сўмлар билан тўланиши лозим бўлган сумма тегишли валютанинг ёки шартли пул birlikларининг тўлов қунидаги расмий курси бўйича белгиланади, башарти уни белгилашнинг бошқача курси ёки бошқа санаси қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувида белгилаб қўйилган бўлмаса.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мажбуриятлар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш чоғида чет эл валютасидан, шунингдек чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатларидан фойдаланишга қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар, тартиб ва шартлар асосида йўл қўйилади.

Пул мажбуриятларида иккита элемент мавжуд бўлади: қарз валютаси – мажбурият суммаси ҳисобланадиган пул бирлиги, ва тўлов валютаси – қарз бевосита тўланадиган пул бирлиги.

Қарзни чет эл валютасида ҳисоблаб чиқаришда ижро ҳужжатлари бўйича ундирувни қарздорнинг пул маблағларига қаратишнинг учта варианты бўлиши мумкин:

- қарз ижро ҳужжатида кўрсатилган чет эл валютасида ҳисобланиши;
- қарз ижро ҳужжатида кўрсатилмаган бошқа чет эл валютасида ҳисобланиши;
- қарз сўмда ҳисобланиши.

Бундай ундирув суд ижрочисининг қарорига асосан амалга оширилади. Суд ижрочиси ўз қарориди қайси вариант кулланилаётганлига қараб ваколатли банкка қандай ҳаракатларни амалга ошириши лозимлигини курсатади.

Банк ёки бошқа кредит ташкилоти суд ижрочисининг қарорига асосан қарздорнинг чет эл валютасидаги пул маблағларини Суд департаментининг тегишли ҳудудий бошқармаси депозит валюта ҳисобварағига ўтказиши.

Агарда қарздор банк ёки бошқа кредит ташкилотларида сўмдаги пул маблағларига эга бўлса, ваколатли банк ижро ҳужжатидаги талабларни бажариш учун зарур миқдордаги чет эл валютасини сотиб олиши керак. Чет эл валютасини сотиб олиш суд ижрочисининг қарорига асосан амалга оширилади ва сотиб олинган чет эл валютаси Суд департаментининг тегишли ҳудудий бошқармаси депозит валюта ҳисобварағига ўтказилади.

Агарда қарздорнинг банк ёки бошқа кредит ташкилотдаги ҳисобварағида, омонатда турган ёки банкда сақланаётган ижро ҳужжатида кўрсатилганидан бошқа чет эл валютасидаги ёки сўмдаги пул маблағлари бўлган тақдирда, бу валюта ёки сўмдаги маблағлар ижро ҳужжатини ижро этиш учун зарур миқдорда ижро ҳужжатида кўрсатилган тегишли чет эл валютаси сотиб олишга юқорида кўрсатилган тартибда йўналтирилади. Бундай ҳолатда учта операция ўтказилади:

- чет эл валютасини қарз миқдорида сотиш;
- ижро ҳужжатида кўрсатилган чет эл валютасини сотиб олиш;
- пул маблағларини Суд департаментининг тегишли ҳудудий бошқармаси депозит валюта ҳисобварағига ўтказиш.

Қарз чет эл валютасида ҳисоблаб чиқарилаётганда суд ижрочиси ижро йиғими, шунингдек у томонидан қарздорга солинган жарималарни ва ижро харажатларини тегишли қарор чиқарилган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган чет эл валютаси курсидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилган миқдорда сўмда ҳисоблаб чиқаради.

Қарздордан топилган ва олиб қўйилган, ижро ҳужжатида кўрсатилган нақд чет эл валютасини суд ижрочиси олиб қўйилган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай Суд департаменти органининг депозит ҳисобварағига топширади, ижро ҳужжатида кўрсатилганидан бошқа чет эл валютасини ёки сўмдаги нақд пул маблағларини сотиш (ижро ҳужжатида кўрсатилган тегишли чет эл валютасини сотиб олиш) учун чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш ҳуқуқидан фойдаланувчи банкка топширади.

Қарздорнинг банк ҳисобварағида, омонатида турган ёки банкда сақланаётган, ижро ҳужжатида кўрсатилганидан бошқа чет эл валютасидаги ёки сўмдаги пул маблағлари хатланганида, суд ижрочиси ўз қарори билан ваколатли банк зиммасига ижро ҳужжатини ижро этиш учун зарур бўлган миқдорда ижро ҳужжатида кўрсатилган тегишли чет эл валютасини сотиб олиш мажбуриятини юклайди.

Агар банк Ўзбекистон Республикасининг ички валюта бозорида чет эл валютаси сотиш ёки сотиб олиш ҳуқуқидан фойдаланмаётган бўлса, суд ижрочиси унинг зиммасига чет эл валютаси ёки сўмни шундай ҳуқуқдан фойдаланувчи банкка ўтказиш мажбуриятини юклайди.

Ундирувни қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг ва унинг миждозларининг пул маблағларига ҳамда қимматли қоғозларига қаратиш хусусиятлари. “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг 48-2 – моддаси 1 қисмига кўра қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг қарзлари бўйича ундирув унинг миждозларининг қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси томонидан кредит ташкилотида очилган алоҳида ҳисобварағидаги мавжуд пул маблағларига қаратилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонунининг⁴¹ 21-моддаси 4 қисмига мувофиқ брокерга пул маблағларидан ўз манфаатларини кўзлаб фойдаланиш ҳуқуқини берган миждозларнинг пул маблағлари брокерга бундай ҳуқуқни бермаган миждозларнинг пул маблағлари турган ҳисобварақдан (ҳисобварақлардан) алоҳида бўлган ҳисобварақда (ҳисобварақларда) туриши керак. Брокер ўз пул маблағларини бу ҳисобвараққа (ҳисобварақларга) ўтказишга ҳақли эмас, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пул маблағларини миждозларга қайтариш ва (ёки) миждозларга қарз бериш ҳоллари бундан мустасно.

Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси қарзлари бўйича ундирув унинг миждозларининг тегишли реестр юритиш тизимидаги шахсий ҳисобварақларида ва қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси томонидан депозитарийларда очилган депо ҳисобварақларида сақланаётган қимматли қоғозларига қаратилиши мумкин эмас.

Депозитариянинг мажбуриятлари бўйича ундирув депонентларнинг қиммат-баҳо қоғозларига қаратилиши мумкин эмас.

Қимматли қоғозларни сақлаш, уларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш ва тасдиқлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахс депозитарийдир.

2. Ундирувни айрим юридик шахсларнинг, улар мулкдорларининг, муассисларининг ва аъзоларининг (иштирокчиларининг) мол-мулкига қаратиш хусусиятлари

Ундирувни айрим юридик шахсларнинг, улар мулкдорларининг, муассисларининг ва аъзоларининг (иштирокчиларининг) мол-мулкига қаратиш хусусиятлари. Қонун ташкилотлар ва уларнинг аъзоларининг (иштирокчиларининг) ихтиёридаги пул маблағлари ижро ҳужжатидаги талабларни бажариш учун етарли бўлмаган тақдирда, уларнинг ташкилий ҳуқуқий шаклини ҳисобга олган ҳолда ундирувни уларнинг мол-мулкига қаратишнинг ўзига хос хусусиятларини белгилайди.

Ундирувнинг шундай ўзига хос хусусиятлари хўжалик ширкатлари ва жамиятлари (Фуқаролик кодексининг 58, 60-64 - моддалари), ишлаб чиқариш кооперативлари (Фуқаролик кодексининг 69 – моддаси), матлубот кооперативлари (Фуқаролик кодексининг 73 -моддаси), муассасалар (Фуқаролик кодексининг 76 – моддаси) учун белгиланган.

⁴¹ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2008 йил, 29-30-сон, 278-модда.

Тўлиқ ширкат, коммандит ширкат, ишлаб чиқариш кооперативлари иштирокчиларининг мол-мулкига ундирувни қаратишга ширкат ёки кооперативларнинг ўзларининг мол-мулки етарли бўлмагандагина суд ҳужжатига асосан йўл қўйилади.

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг 48-3 – моддасига кўра юридик шахснинг қарзлари бўйича, шу жумладан унинг мол-мулки ижро ҳужжатидаги талабларни ижро этиш учун етарли бўлмаганда, ундирув суд ҳужжати асосида, қонунда белгиланган шартларда ва тартибда ушбу юридик шахс мулкдорларининг, муассисларининг ва аъзоларининг (иштирокчиларининг) пул маблағларига ҳамда бошқа мол-мулкига қаратилиши мумкин.

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонундаги бу қоида Фуқаролик кодексининг 48-моддаси билан белгиланган фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг умумий принциплари билан тўлиқ мувофиқ келади. Бу принципнинг моҳияти шундаки юридик шахс муассиси (иштирокчиси) ёки унинг мол-мулкунинг эгаси юридик шахснинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, юридик шахс эса муассис (иштирокчи) ёки мулкдорнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, Фуқаролик қодексида ёки юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Фуқаролик кодексининг 60 – моддасига кўра тўлиқ ширкат иштирокчилари, унинг мажбуриятлари бўйича ўзларига қаршли бутун мол-мулк билан жавоб беради. Ширкат иштирокчиларининг бундай жавобгарликни чеклаш ёки бундай жавобгарликни йўққа чиқариш ҳақидаги битимлари ўз ўзидан ҳақиқий эмас.

Фуқаролик кодексининг 61 – моддасига мувофиқ ширкат номидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган ҳамда ширкатнинг мажбуриятлари бўйича ўзларининг бутун мол-мулклари билан жавоб берадиган иштирокчилар (тўлиқ шериклар) билан бир қаторда ширкат фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзлари қўшган ҳиссалар доирасида жавобгар бўладиган ҳамда ширкат томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда қатнашмайдиган бир ёки бир неча иштирокчи (ҳисса қўшувчи, коммандитчи) мавжуд бўлса, бундай ширкат коммандит ширкат ҳисобланади.

Фуқаролик кодексининг 63 – моддасида белгилаб қўйилганидек бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди таъсис ҳужжатларида белгиланган миқдорлардаги улушларга бўлинган жамият қўшимча масъулиятли жамият ҳисобланади. Бундай жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича ўз мол-мулклари билан қўшган ҳиссалари қийматига нисбатан ҳамма учун бир хил бўлган, жамиятнинг таъсис ҳужжатларида белгиланадиган қаррали миқдорда солидар тарзда субсидиар жавобгар бўладилар. Иштирокчилардан бири ночор (банкрот) бўлиб қолганида унинг жамият мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги, агар жамиятнинг таъсис ҳужжатларида жавобгарликни тақсимлашнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлмаса, бошқа иштирокчилар ўртасида уларнинг қўшган ҳиссаларига мутаносиб равишда тақсимланади.

Ишлаб чиқариш кооперативининг аъзолари кооперативнинг мажбуриятлари бўйича қонунда ва кооператив уставида назарда тутилган миқдорларда ва тартибда субсидиар жавобгар бўладилар (Фуқаролик кодексининг 69 – моддасининг 2 қисми).

Тегишли қарздор юридик шахсларга нисбатан ижро ҳаракатларини амалга оширишда ундирувни хусусий корхона мулкдори, муассаса мулкдори, фермер хўжалигининг раҳбари, деҳқон хўжалигининг аъзолари, ишлаб чиқариш кооперативининг аъзолари, қўшимча масъулиятли жамият иштирокчилари, тўлиқ ширкат иштирокчилари, шунингдек коммандит ширкатдаги тўлиқ шериклар пул маблағларига ва бошқа мол-мулкига қаратиш ижро ҳужжатини ижро этиш тартиби ҳамда усулини ўзгартириш орқали амалга оширилади.

Қарздорнинг ижро ҳужжатидаги талабларни ижро этиш учун етарли мол-мулки бўлмаганда, ундирув суд қарори асосида қарздорнинг масъулияти чекланган жамият, қўшимча масъулиятли жамият, тўлиқ ширкат, коммандит ширкат устав фондидаги (устав капиталидаги) улушига, қарздорнинг ишлаб чиқариш кооперативидаги пайига қаратилади.

Ундирувни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва бюджет ташкилотларининг пул маблағларига қаратиш хусусиятлари. Ундирувни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва бюджет ташкилотларининг пул маблағларига қаратиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Ижро ҳужжатлари бўйича ундирувни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг, бюджет ташкилотларининг маблағларига қаратиш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган хусусиятлар ҳисобга олинган

ҳолда “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

3. Ундирувни қарздорнинг бошқа шахсларда турган мол-мулкига, гаровга қўйилган мол-мулкка, мулкӣ ҳуқуқларига ва дебиторлик қарзига қаратиш

Ундирувни қарздорнинг бошқа шахсларда турган мол-мулкига қаратиш. Қонун ундирувни қарздорнинг бошқа шахсларда – жисмоний ёки юридик шахсларда турган мол-мулкига, шу жумладан пул маблағларига қаратиш мумкинлигини назарда тутди. Шунинг назарда тутиш керакки, ундирув ижро ҳужжатини ижро этиш пайтида мавжуд бўлган мол-мулк ва пул маблағларигагина эмас, балки қарздор ижро ҳужжатлари бўйича ундирувчи сифатида келажакда олиши мумкин бўлган мол-мулк ва пул маблағларига ҳам қаратилиши мумкин. Ундирувни қарздорнинг бошқа шахсларда турган мол-мулкига қаратиш, ушбу мол-мулкнинг қарздорга тегишлилигини тасдиқловчи ҳужжатли маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда суд ижрочисининг қарорига асосан амалга оширилади. Қарздорнинг бошқа шахслардаги мол-мулки ва пул маблағларини аниқлаш мақсадида суд ижрочиси қарздорнинг мулкӣ аҳволини текшириш вақтида, унга тегишли бўлган мол-мулкни фойдаланишга бериш тўғрисида бошқа шахслар билан тузилган шартномалар мавжудлигини, шунингдек, қарздорга мулкӣ хусусиятдаги ундирувлар тегишли бўлган ижро ҳужжатлари мавжудлигини аниқлашга қаратилган чоралар кўриши лозим. Мол-мулк қарздорга тегишли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда, суд ижрочиси бу мол-мулкни хатлайди. Қарздорнинг ўзга шахсларда турган мол-мулкнинг унга тегишлилигини тасдиқловчи ҳужжатли маълумотлар бўлмаганда, ундирувни мазкур мол-мулкка қаратиш суднинг қарорига кўра амалга оширилади.

Фуқаролик процессуал кодексининг 216 - моддаси ва Хўжалик процессуал кодексининг 217 - моддасига мувофиқ суд ижрочисининг кўрсатилган аризасини кўриб чиққан ваколатли умумий юрисдикция суди ёки хўжалик суди ажрим чиқаради. Суднинг ажрими қонуний кучга киргач суд ижрочиси ҳолислар иштирокида, Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунда белгиланган ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратишнинг умумий қоидаларига риоя этган ҳолда қарздорнинг бошқа шахсларда турган мол-мулкига ундирувни қаратиш бўйича мажбурий ижро этиш чораларини амалга оширади.

Ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш. Қарздорнинг гаров билан таъминланмаган мол-мулки унга нисбатан қўйилган барча талабларни тўла қаноатлантириш учун етарли бўлмаса, ундирув унинг гаровга қўйилган мол-мулкига қаратилади, бунда гаровга олувчининг белгиланган ҳуқуқларига, шунингдек, Қонунда назарда тутилган қоидаларга риоя этилади.

Ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш зарурияти вужудга келганда суд ижрочиси гаров шартномаси мавжудлигини аниқлаши лозим. У гаров шартномасининг нусхасини қарздордан, гаровга олувчидан ёки гаров шартномасини давлат рўйхатидан ўтказувчи органлардан талаб қилиб олиши мумкин. Агарда кўчмас мулк ёхуд транспорт воситаси гаровга қўйилган бўлса, суд ижрочиси мазкур шартнома қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганлигини аниқлаши лозим.

Шунинг эътиборга олиш керакки, гаровга қўйувчи гаров билан таъминланган мажбуриятини бажармаган тақдирда гаровга олувчи гаровга қўйилган мол-мулк қийматидан ўз талабларининг қондирилишида қарздорнинг бошқа кредиторларга нисбатан имтиёзга эга, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Гаровга қўйувчи ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда гаровга олувчи ўз-ўзидан гаровга қўйилган мол-мулкка эгалик ҳуқуқини қўлга киритмайди. Гаровга қўйилган мол-мулкка ундирувни қаратиш уни ким ошди савдосида сотиш орқали амалга оширилади. Ким ошди савдоси амалга ошмай қолса ва гаровга олувчи қарздорнинг гаровга қўйилган мол-мулкни ўзида қолдирса, у Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг 51 - моддаси 2 қисмига кўра ўзининг талабига нисбатан устунликка эга бўлган кредиторларнинг талабларини гаровга қўйилган мол-мулкнинг қийматидан ошмаган миқдорда қаноатлантириши шарт.

Агар ундирув гаровга қўйилган мол-мулкка гаровга олувчининг талабларини қаноатлантириш учун қаратилган бўлса, ундирув қарздорнинг бошқа мол-мулки бўлишидан қатъи назар, биринчи навбатда гаровга қўйилган мол-мулкка қаратилади.

Ундирувни қарздорга тегишли бўлган мулкрий ҳуқуқларга қаратиш. Ижро ҳужжатлари бўйича ундирув қарздорга тегишли бўлган фуқаролик ҳуқуқи объекти бўлиб ҳисобланган мулкрий ҳуқуқларга қаратилиши мумкин. “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 48-4 – моддасида ижро иши юритиш жараёнида ундирув қаратилиши мумкин бўлган мулкрий ҳуқуқлар рўйхати берилган. Булар куйидагилардан иборат:

- кўчмас мулкни узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқи;
- ер участкасига доимий ёки умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи, ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи ёки ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқи;
- интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқ;
- қарздорга лицензия сифатида оддий номутлақ лицензия асосида тегишли бўлган интеллектуал фаолият натижаларидан ва шахсийлаштириш воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқи.

Қарздорга тегишли бўлган бошқа шахсларга нисбатан мулкрий ҳуқуқларга ундирув Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига белгиланган қоидаларга риоя этган ҳолда қаратилади.

Ундирувни дебиторлик қарзига қаратиш. Ижро ҳужжатлари бўйича ундирув биринчи навбатда қарздорнинг сўмдаги ва чет эл валютасидаги пул маблағларига ҳамда бошқа қимматликларига қаратилади. Дебиторлик қарзини ундирувнинг биринчи навбатига кирадиган мол-мулк сифатида баҳолаш мумкин ва шунинг учун ҳам унга ундирув қаратилиши мумкин.

Ундирувни қарздорнинг дебиторлик қарзига қаратиш амалда етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар бўйича, шу жумладан мулк ижараси шартномаси ва бошқа шартномалар бўйича, шунингдек қарздор ундирувчи сифатида иштирок этаётган ижро ҳужжати бўйича қарздорга тўланиши лозим бўлган пул маблағларини дебитор қарздорнинг ҳисобварақларидан низосиз тартибда ҳисобдан чиқариш орқали амалга оширилади.

Суд ижрочиси томонидан қарздор ундирувчи сифатида иштирок этаётган пул маблағларини ундириш тўғрисидаги бошқа ижро ҳужжати мавжудлиги аниқланса, суд ижрочиси ундирувни дебиторнинг ижро ҳужжати бўйича қарздорга тўланиши лозим бўлган пул маблағларига қаратиш тўғрисида қарор чиқаради. Ушбу қарор асосида суд ижрочиси дебиторнинг ҳисобварақларига қарздорнинг қарзи суммаларини ундириш тўғрисида дебиторнинг қарздор олдидаги қарзидан ошиб кетмайдиган миқдорда инкассо топшириқномасини тақдим этади.

Ундирувни қарздорга амалда етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар бўйича дебитор тўлаши лозим бўлган пул маблағларига қаратиш қарздор ўз дебитори билан ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномасини тақдим этган тақдирда амалга оширилади.

Шуни ҳисобга олиш керакки, ундирувчини биринчи навбатда ликвидлилик даражаси юқори бўлган дебиторлик қарзи қизиқтиради. Қарздорнинг ундирув қаратиш мумкин бўлган дебиторлик қарзини аниқлаш анча мураккаб кечадиган жараёнدير. Баъзи ҳолатларда солиқ органининг қарздор ташкилотнинг дебиторлик қарзи мавжуд эканлиги ҳақидаги маълумоти ҳақиқатга тўғри келмаслиги мумкин, чунки дебиторлик қарзи борлиги ҳақидаги маълумотлар қарздор ташкилот томонидан солиқ инспекциясига ҳисобот даврининг охирида тақдим этилади. Бу шуни англатадики, агарда ижро иши юритиш ҳисобот даврининг бошида ёки ўртасида кўзғатилса, суд ижрочисига ўтган ҳисобот даврининг охирида мавжуд бўлган дебиторлик қарзи маълум бўлади, ижро иши юритиш кўзғатилган вақтга келиб, бу дебиторлик қарзи тўлиқ узилган бўлиши мумкин.

Қарздор ташкилотда дебиторлик қарзи мавжудлигини тасдиқловчи ишончли ҳужжат ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаси бўлиши мумкин. Кўрсатилган ҳужжатларни олишда айрим муаммолар вужудга келиши мумкин. Чунончи, ноинсоф қарздор ташкилот суд ижрочисига зарур маълумотларни бермаслик мақсадида узоқ муддат давомида турли ҳолатларни баҳона қилиб, зарур ҳужжатларни тақдим этишдан қочишга ҳаракат қилиши мумкин. Бу ўз навбатида ижро иши юритиш муддатларини чўзиб юборади.

Дебитор ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномасини имзолашдан асоссиз бош тортган тақдирда, қарздор бир томонлама имзоланган солиштирма далолатномаларини дебиторлик қарзи мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда суд ижрочисига тақдим этишга ҳақли. Қарздор томонидан бир томонлама тартибда имзоланган ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаси тақдим этилганда, суд ижрочиси қарздорнинг дебиторига унинг кредиторлик қарзи мавжудлиги ҳақида имзолаш учун солиштирма далолатномани ва қарздор томонидан тақдим этилган, ушбу қарздорнинг мавжудлигини

тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини илова қилган ҳолда билдиришнома юборади.

Қарздорнинг дебитори билдиришномани олган кундан эътиборан уч кунлик муддатда ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномасини имзолаши ёхуд солиштирма далолатномада кўрсатилган қарзнинг мавжуд эмаслигини асослаган ҳолда рад жавоби тақдим этиши шарт. Агар дебитор томонидан тан олинган қарз суммаси солиштирма далолатномада кўрсатилганидан фарқ қилса, дебитор ўша муддатда суд ижрочисига ўзи тан олган суммани кўрсатган ҳолда солиштирма далолатномани тақдим этиши шарт.

Қарздор билан унинг дебитори ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномасида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- қарздорнинг ва унинг дебиторининг номи, уларнинг банкдаги ҳисобварақлари реквизитлари;

- дебиторнинг қарздор олдидаги қарзи суммаси;

- қарздор ва унинг дебиторининг улар муҳри билан тасдиқланган имзолари, “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг 48-5 - модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган ҳолда эса, дебиторнинг ўз муҳри билан тасдиқланган имзоси;

- солиштирма далолатнома тузилган сана.

Қарздор ва унинг дебитори ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаси у суд ижрочисига тақдим этилгунига қадар уч ойдан ўтиб кетмаган санага тузилган бўлиши керак.

Суд ижрочиси ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаси асосида дебиторнинг ҳисобварақларига қарздорнинг қарзи суммасини дебиторнинг қарздор олдидаги қарздан ошмайдиган миқдорда ундириш тўғрисида инкассо топшириқномасини тақдим этади.

Қонунда дебиторлик қарзига ундирувни қаратиш мумкин бўлмаган ҳолатлар ҳам назарда тутилган.

Ундирув қуйидаги ҳолларда дебиторлик қарзига қаратилмайди:

- уни ундириш учун даъво муддати ўтган бўлса;

- қарздор ундирувчи сифатида иштирок этаётган ижро ҳужжати Суд департаменти органининг иш юритишида бўлса ёки уни ижрога тақдим этиш муддати ўтган бўлса ёхуд ушбу ижро ҳужжати бўйича ижро ҳаракатлари белгиланган тартибда тўхтатиб турилган, тугатилган ёки кечиктирилган (бўлиб-бўлиб ижро этилган) бўлса;

- дебитор ҳуқуқий ёрдам тўғрисида Ўзбекистон Республикаси билан шартнома тузилмаган чет давлатда турган бўлса;

- дебитор тугатилиш жараёнида бўлса ёки унга нисбатан банкротлик таомили жорий этилган бўлса;

- дебитор ўз фаолиятини тугатган ва юридик шахсларнинг давлат реестридан чиқарилган бўлса.

Ундирувни суриштирув, тергов органларининг ёки суднинг депозит ҳисобварақларида вақтинча сақланаётган пул маблағларига қаратиш хусусиятлари. Суриштирув, тергов органларининг ёки суднинг депозит ҳисобварақларида сақланаётган суриштирув, дастлабки тергов ёки суд давомида хатланган ва олиб қўйилган, шу жумладан фуқаровий жавобгар томонидан киритилган ёхуд жиноий йўл билан орттирилган маблағлар сифатида олиб қўйилган, шунингдек айбланувчи ёки судланувчи томонидан гаров сифатида киритилган пул маблағлари суд томонидан ижро ҳужжати берилган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай суднинг тегишли қарори талабларини ижро этишга қаратилиши керак.

Суд ижрочисининг иш юритишида бўлган ижро ҳужжатлари бўйича суд ижрочиси суриштирув, тергов органларига ёки судга мазкур органларнинг депозит ҳисобварағида вақтинча сақланаётган пул маблағларини уч кунлик муддат ичида Суд департаменти органининг депозит ҳисобварағига ўтказиш тўғрисида талабнома юборади.

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 48-6 - модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган талабнома белгиланган муддатда бажарилмаган тақдирда, суд ижрочиси суриштирув, тергов органларининг ёки суднинг депозит ҳисобварағида вақтинча турган пул маблағларини ижро ҳужжати талабларига мувофиқ кейинчалик тақсимлаш учун Суд департаменти органининг депозит ҳисобварағига инкассо топшириқномаси орқали низосиз тартибда ҳисобдан чиқариши шарт.

4. Ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган мол-мулк

Қонун ижро ҳаракатларини амалга ошириш жараёнида қарздор-жисмоний шахс ва унинг оила аъзолари манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини назарда тутлади.

Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг 52 моддасига мувофиқ ижро ҳужжатлари ижро этилаётганда жисмоний шахсларга нисбатан ундирув қарздорнинг оиласи нормал турмуш кечириши учун зарур бўлган уй-жой, квартира, уй анжомлари ҳамда жиҳозлари, кийимлар ва бошқа буюмларга қаратилиши мумкин эмас, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ижро ҳужжатлари бўйича ундирув қарздор жисмоний шахсга мулк ҳукуқи асосида тегишли бўлган ёки унинг умумий мулкдаги улуши бўлган ягона уйга (квартирага), агар қарздор ва (ёки) унинг оила аъзолари унда доимий равишда яшаётган бўлса қаратилмайди, ижро ҳужжатида ундирувни мазкур уйга (квартирага) қаратиш назарда тутилган ёхуд ушбу мол-мулк мажбурият бўйича гаров нарсаси бўлган ҳоллар бундан мустасно. Ундирув бошқа уйларга (квартираларга), уларда қарздор ва (ёки) унинг оила аъзолари ёхуд ўзга шахслар доимий равишда яшаб турган-турмаганлигидан қатъи назар қаратилиши мумкин.

Ундирувчи ёки суд ижрочисининг аризасига кўра, ундирув суд томонидан қарздорнинг ягона уйига (квартирасига) ёхуд уй ҳудудидаги алоҳида турган бинога ёки уйнинг муайян қисмига, агар суд уйни (квартирани), шу жумладан унга туташ ҳудудни қисмларга бўлиш мумкин, қарздор тасарруфида қолган қисми эса қарздор ва унинг оила аъзолари нормал турмуш кечириши учун етарли деб топган тақдирда, қаратилиши мумкин.

Адлия Вазирлиги томонидан 2007 йил 5 февралда № 1091-1 сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг буйруғи билан “Ижро ҳужжатлари бўйича ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган мол-мулк турларининг рўйхати”⁴² тасдиқланган. Бу рўйхатга кўра, ижро ҳужжатлари бўйича ундирув қарздорга тегишли бўлган, қарздор ва унинг қарамоғида бўлган шахслар учун зарур бўлган қуйидаги мол-мулкка ва нарсаларга қаратилиши мумкин эмас:

1. Қарздор ва унинг қарамоғидаги шахслар учун зарур бўлган уй жиҳозлари, кийим-кечак:

а) кийим-кечак ҳар бир шахс учун битта кузги ёки баҳорги пальто, битта қишки пальто, битта қишки костюм (аёллар учун иккита), битта ёзги костюм (аёллар учун иккита ёзги кўйлак), ҳар бир фасл учун биттадан бош кийим (аёллар учун бундан ташқари иккита ёзги, битта қишки рўмол), шунингдек, узоқ вақтдан бери ишлатиб келинган ва баҳолана олмайдиган бошқа кийимлар;

б) фойдаланишдаги оёқ кийимлари, ички кийимлар, ётоқхона матолари, ошхона жиҳозлари (бадий баҳоси бўлган, шунингдек қимматбаҳо тошлардан ясалган нарсалардан ташқари), фойдаланишдаги ягона музлатгич;

в) мебель – ҳар бир шахсга биттадан кроват ва стул, оилага битта стол, битта шкаф ва битта сандик;

г) ёш болаларнинг барча нарсалари.

2. Агар қарздорнинг асосий машғулоти тури қишлоқ хўжалиги бўлса, қарздор ва унинг оиласи учун янги ҳосил олингунга қадар етадиган миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари, бошқа ҳолатларда эса, ҳар бир оила аъзоси учун энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдорида озиқ-овқат маҳсулотлари ва пул маблағлари.

3. Қарздорнинг профессионал машғулотларини давом эттириши учун зарур бўлган инвентар (шу жумладан китоб ва қўлланмалар). Қарздор тегишли фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан суд ҳукмига асосан маҳрум этилган ҳолат ёки инвентар қарздор томонидан мазкур фаолият билан ноқонуний шуғулланиш учун фойдаланилаётганлиги ҳолати бундан мустасно.

4. Овқат пишириш учун ёки қишки мавсумда қарздор оиласини иситиш учун зарур бўлган ёқилғи маҳсулотлари.

5. Асосий фаолият соҳаси қишлоқ хўжалиги бўлган шахсларда – ягона сигир, сигир бўлмаганда – ягона бузоқ, сиғири ҳам, бузоғи ҳам бўлмаган хўжаликларда ягона эчки, қўй, шунингдек, уй парандалари.

⁴² “Ижро ишини юритиш ва суд ижрочилари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги буйруқка ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” (ЎЗР АВ 05.02.2007 й. 1091-1-сон билан рўйхатга олинган ЎЗР АВ 05.02.2007 й. 22-мх-сон Буйруғи).

6. Яйловга олиб чиқилишига қадар ёки янги ем–хашаклар теримига қадар етарли бўлган моллар учун ем хашак.

7. Асосий фаолият соҳаси қишлоқ хўжалиги бўлган шахсларда – экиш учун зарур бўлган уруғлар.

Қонунда белгиланганидек, инвестор билан давлат мулкни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган инвестиция шартномасига мувофиқ инвестиция мажбуриятлари сифатида киритилаётган маблағлар ва бошқа мол-мулк инвестиция даври мобайнида қарздорнинг илгари юзага келган қарзини узиш ҳисобига мажбурий тартибда ундириб олинмайди.

5. Қарздорнинг мол-мулкни хатлаш.

Қимматли қоғозларни хатлаш.

Қарздорнинг мол-мулки ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисидаги қарор қарздорга топширилган кундан эътиборан бир ой муддатдан кечиктирмай хатланади. Ундирувчининг аризасига ёки ўз ташаббусига кўра суд ижрочиси ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисидаги қарорни чиқариш (топшириш) билан бир вақтда, қарздорнинг мол-мулкни рўйхатга олиб, уларни хатлашга ҳақли бўлиб, бу ҳақда мазкур қарорда кўрсатиб ўтади.

Қарор чиқариш (топшириш) билан бир вақтда хатлаш, қоидага кўра, суд ижрочиси томонидан қарздор ёки бошқа шахслар мол-мулкни яшириши, йўқотиши, бошқа шахсга бериши ёхуд мол-мулкнинг истеъмол хусусиятлари тубдан ўзгартирилиши ёки йўқотилиши мумкин, деб тахмин қилинган ҳолларда амалга оширилади.

Хатлаш куйидаги ҳолларда қўлланади:

- ундирувчига олиб бериладиган ёки реализация қилинадиган қарздорнинг мол-мулки сақланишини таъминлаш мақсадида;

- жавобгарга тегишли бўлиб, унинг ўзида ёки бошқа шахсларда турган мол-мулкни хатлаш тўғрисидаги суд ажрими ижро этилаётганда.

Қарздорнинг мол-мулкни хатлаш суд ижрочиси амалга ошириши лозим бўлган куйидаги ҳаракатларни қамраб олади: мол-мулкни рўйхатга олиш, мол-мулкни тасарруф қилиш маън этилганлигини эълон қилишни, зарур ҳолларда эса мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш, уни олиб қўйиш ёки сақлашга топшириш.

Суд ижрочиси қарздорнинг мол-мулкни хатлашни ижро йиғими суммаси ва ижро ҳаракатларини ҳисобга олган ҳолда ижро ҳужжатини ижро этиш учун зарур бўлган миқдорда ва ҳажмда амалга оширади. Суд ижрочиси мол-мулкни рўйхатга олишда хатланган мол-мулкни ёки унинг алоҳида предметларини муҳраб қўйиши мумкин. Бу чора рўйхатга олинган предметларни нархи пастроқ бошқа предметлар билан алмаштириб қўйилишининг олдини олиш мақсадида, шунингдек, сақловчига мол-мулкдан фойдаланиш тақиқланган ҳолларда қўлланилиши мумкин. Рўйхатга олинган мол-мулк суд ижрочиси томонидан рўйхатга олинishi лозим бўлган мол-мулк турларига бўлган талаб ва таклифнинг бозор конъюктураси ҳолати тўғрисидаги мавжуд маълумотлар асосида, ижро этиш кунда амалда бўлган нархларда баҳоланади.

Мол-мулк қарздор — жисмоний шахс ва ҳолислар иштирокида, қарздор — жисмоний шахс бўлмаганда, вояга етган оила аъзоларидан бирининг иштирокида, агар улар ҳам бўлмаса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакиллари иштирокида рўйхатга олинади. Қарздор – жисмоний шахснинг мол-мулкни хатлаш унинг ваколати тегишли тарзда расмийлаштирилган вакили (қонуний вакили ёки ишончнома билан қатнашаётган вакили) иштирокида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Қарздорнинг мол-мулкни рўйхатга олиш вақтида бошқа шахслар бу мол-мулкка ўз ҳуқуқларини билдирган ҳолларда ҳам мол-мулк хатланади, лекин бошқа шахснинг эътирози тўғрисида рўйхатда белги қўйилади. Шу билан бир вақтда суд ижрочиси манфаатдор шахсга мол-мулкни рўйхатдан чиқариш тўғрисида судга даъво билан мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтиради.

Қарздорнинг мол-мулкни хатлаш бўйича ҳаракатлар мол-мулкни рўйхатга олиш ва хатлаш тўғрисидаги белгиланган шаклда тузиладиган далолатнома билан амалга оширилади.

Мол-мулкни рўйхатга олиш ва хатлаш далолатномасида куйидагилар кўрсатилиши лозим:

- 1) далолатномани тузиш вақти ва жойи;
- 2) далолатномани тузаётган суд ижрочисининг ҳамда далолатнома тузиш чоғида иштирок этган шахсларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми;
- 3) ижро ҳужжатининг реквизитлари ва мазмуни;
- 4) қарздор ва ундирувчининг номлари;

5) далолатномага киритилган ҳар бир ашёнинг номи, ўзига хос хусусиятлари (оғирлиги, ўлчови, эскирганлик даражаси ва х. к.), ҳар бир ашёнинг алоҳида баҳоси ва барча мол-мулкнинг киймати;

б) ашёларнинг муҳрлангани, агар у амалга оширилган бўлса;

7) агар мол-мулкни сақлаш қарздорнинг ўзига юклатилган бўлмаса, мол-мулк сақлаш учун берилган шахснинг номи ва манзили;

8) қарздор ва бошқа шахсларга суд ижрочисининг ҳаракатлари юзасидан шикоят қилиш тартиби ва муддати, шунингдек қарздор ёки мол-мулкни сақловчига сақлаш бўйича мажбуриятлари ва сақлашга берилган мол-мулкни талон-торож қилиш, бошқа шахсга бериш ёки яширганлик учун жавобгарлик ҳақида тушунтирилгани тўғрисида белги;

9) ундирувчи, қарздор ва хатлашда иштирок этган шахсларнинг эътироз ва баёнотлари ҳамда улар бўйича суд ижрочисининг кўрсатмалари.

Шунингдек, мол-мулкни рўйхатга олиш ва хатлаш далолатномасида агар суд ижрочиси томонидан мол-мулкни тасарруф этиш, олиб қўйиш ёки ундан фойдаланишни чеклаш кабилар қўлланилган бўлса, бу ҳақида белги қўйилади.

Рўйхатга олиш вақтида суд ижрочиси хатланган ашёларни муҳрлаш ҳуқуқига эга. Қоида тариқасида бу ҳаракат хатланган ашёлар қиммати пастроқ ашёларга алмаштирилиши хавфи бўлганда, шунингдек, сақловчиларга мол-мулкдан фойдаланиш тақиқланганда амалга оширилади.

Хатлаш далолатномасида, шунингдек рўйхатга олинган мол-мулкнинг материали, ўлчамлари, вазни, савдо белгиси, ишлаб чиқарилган санаси ва рақами, сотиб олинган санаси ва уни тавсифловчи бошқа белгилар кўрсатиб ўтилиши лозим.

Агар мол-мулк эгасида ашёларни сотиб олганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар сақланиб қолган бўлса, далолатномада уларга асосланиш лозим.

Қарздорнинг мол-мулкни рўйхатга олиш далолатномасида хатланган мол-мулкдан ташқари Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг 52 моддасига мувофиқ қарздорга қолдирилган, шунингдек, хатланмаган бошқа мол-мулклар, шу жумладан қарздорга бошқа шахслар билан умумий мол-мулк ҳуқуқи асосида тегишли мол-мулклар ҳам кўрсатилиши мақсадга мувофиқ. Уларни кўрсатиб ўтиш зарурияти шундан иборатки далолатномадан қарздорнинг мол-мулки қонунга риоя қилинган ҳолда хатланганлиги ва қарздорга унинг оиласининг нормал турмуш кечириши учун зарур бўлган мол-мулк қолдирилганлиги кўриниб туриш керак. Бундан ташқари қарздорнинг мол-мулкни хатлаш кунида қарздор – жисмоний шахснинг бошқа шахслар билан умумий мол-мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган қанақанги мол-мулклари бўлганлиги далолатномада кўрсатилиши келгусида у ёки бу предмет юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган низоларни тўғри ҳал қилишга ёрдам беради.

Мол-мулкни рўйхатга олиш ва хатлаш далолатномаси икки нусхада тузилади, улардан биринчиси ижро ишига тикиб қўйилади, иккинчиси эса биринчи нусхасига имзо қўйдириб қарздорга топширилади.

Хатланган мол-мулк сақлаш учун қарздорга эмас, бошқа шахсга топширилса мол-мулкни рўйхатга олиш ва хатлаш далолатномаси уч нусхада тузилиб, улардан бири сақловчига, иккинчиси қарздорга берилиб, учинчиси ижро ишига тикиб қўйилади.

Мол-мулкни мусодара қилишда ёхуд мол-мулкни давлат даромадига ўтказиш ҳақидаги қарорни ижро этишда далолатнома тўрт нусхада тузилади. Улардан бири қарздорга берилади, иккинчиси - молия органига юборилади, учинчиси – суд ижрочиси юритаётган ижро ишига тикиб қўйилади, тўртинчиси эса – ҳукм ёки қарор чиқарган судга юборилади. Мол-мулкни рўйхатга олиш ва хатлаш далолатномаси суд ижрочиси, ундирувчи, агар у мол-мулкни хатлашда ҳозир бўлган бўлса, қарздор, ҳолислар ва мол-мулкни сақловчи томонидан имзоланади.

Суд ижрочиси мол-мулкни рўйхатга олгач, қарздорга бу мол-мулкни тасарруф этиш тақиқланганлигини эълон қилиши, яъни бу мол-мулкни сотиш, алмаштириш, совға қилиш, ижарага бериш, гаровга қўйиш ёхуд бошқа йўллар билан бегоналаштириш мумкин эмаслигини тушунтириши ҳамда бу ҳақида мол-мулкни хатлаш ва рўйхатга олиш далолатномасида қайд этиши зарур. Бу чеклашлар тушунтирилганлиги далолатномада қарздорнинг имзоси билан тасдиқланади. Худди шундай чеклашлар мол-мулкни сақловчига ҳам тушунтирилади ва бу далолатномага киритилиб, мол-мулкни сақловчининг имзоси билан тасдиқланади.

Мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш бу мол-мулк реализация қилиш учун олингунига қадар фойдаланилиши унинг хусусиятларининг ўзгариши ёки йўқолишига олиб келиши мумкинлиги ҳақида суд ижрочида асослар бўлган тақдирда қўлланилади. Чеклашнинг

турлари, ҳажми ва муддатларини ҳар бир муайян ҳолда мол-мулкнинг хусусияти, унинг мулкдори ёки эгаси учун аҳамияти ҳисобга олиниб, суд ижрочиси томонидан белгиланади. Масалан, енгил автотранспорт хатланганда ва у сақлаш учун қарздорнинг ўзига топширилганда бу транспорт воситаси суд ижрочиси томонидан олиб қўйилгунига қадар ундан фойдаланиш тақиқлангани маъқул. Чунки автотранспортдан фойдаланиш унинг эскиришига ёки йўл транспорт ходисасида шикастланишига олиб келиши мумкин.

Хатланган мол-мулкни сақловчиси этиб қарздор эмас, балки бошқа шахс тайинланганда ҳам бу мулкнинг бут сақланишини таъминлаш мақсадида ундан фойдаланиш ҳуқуқини чегаралаш мақсадга мувофиқдир.

Бундай чеклашлар белгиланган ва кейинчалик улар қарздор ёки сақловчи томонидан бузилган ҳолларда суд ижрочиси кўрсатилган шахсларнинг жавобгарлиги масаласини қўйиши мумкин.

Зарур ҳолларда суд ижрочиси хатланган ва олиб қўйилган мол-мулкни сақлаш масаласини ҳал қилиши лозим.

Мол-мулкни сақлаш “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 55 - моддаси қоидалари бўйича амалга оширилади. Хатланган ва олиб қўйилган мол-мулкни сақлаш тартиби ҳамда шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 53 - моддаси 4 қисмида қарздорнинг мол-мулкни хатлашнинг асослари кўрсатилган. Бу асослар рўйхати тугалланган бўлиб, бошқа ҳолатларда бу мажбурий ижро чораси қўлланилмайди.

Кўрсатилган Қонуннинг 53 - моддаси 5 қисмида хатланган мол-мулкни реализация қилиш учун олиб қўйиш тартиби белгиланган. Хатланган мол-мулкни олиб қўйиб, реализация қилиш учун топшириш суд ижрочиси томонидан белгиланган муддатда, бироқ хатлангандан кейин камида уч иш кундан сўнг амалга оширилади.

Қонунда хатланган мол-мулкни олиб қўйилишини қандай расмийлаштириш лозим эканлиги ҳақида тўғридан-тўғри кўрсатма мавжуд эмас. Аммо амалиёт шуни кўрсатадики, бундай ҳаракатларни олиб қўйиш далолатномаси билан расмийлаштириш мақсадга мувофиқ. Бу далолатнома ҳолислар иштирокида тузилиши ва қуйидагиларни ўзида акс эттириши лозим:

- 1) олиб қўйиш далолатномаси тузилган вақт ва жой;
- 2) туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлимининг номи, суд ижрочисининг фамилияси, исми-шарифи;
- 3) холисларнинг фамилияси, исми-шарифи ва яшаш жойи;
- 4) ижро ҳужжатининг номи, ундирувчи ва қарздорнинг номи ва ижро ҳужжатининг мазмуни;
- 5) агарда олиб қўйишда бошқа шахслар ҳам иштирок этган бўлса улар ҳақида маълумотлар;
- 6) олиб қўйилган нарсаларнинг рўйхати ва уларнинг қисқа таснифи.

Олиб қўйиш далолатномаси суд ижрочиси, холислар, агар қатнашган бўлса тарафлар томонидан имзоланади. Далолатнома камида икки нусхада тузилиб улардан бири қарздорга топширилади, иккинчиси эса ижро иши юритиш материалларига қўшиб қўйилади.

Суд ижрочисига мўйаян ижро иши юритиш ҳолатларидан келиб чиқиб, мол-мулкни хатлаш билан бир вақтда ушбу мол-мулкни ёки унинг айрим ашёларини олиб қўйиш ҳуқуқи берилган. Суд ижрочиси бу ҳуқуқдан одатда хатланган мол-мулкнинг йўқ бўлиб кетиши ёки яроқсиз бўлиб қолиши эҳтимоли бор ҳолларда фойдаланади. Қонунга кўра тез бузиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа ашёлар олиб қўйилади ва дарҳол реализация қилиш учун топширилади.

Қарздорнинг мол-мулкни рўйхатга олиш пайтида аниқланиб, хатланган сўмлар ва чет эл валютасидаги пул маблағлари, қимматли қоғозлар, қимматбаҳо тошлар, олтин, кумуш, платина ва платина гуруҳидаги металллардан, қимматбаҳо тошлардан, марвариддан ясалган заргарлик буюмлари ва бошқа буюмлар, шунингдек ана шундай буюмларнинг резгилари ва алоҳида қисмлари (бўлаклари) олиб қўйилиши шарт. Кўрсатилган қимматликлар олиб қўйиш далолатномаси тузилган ҳолда олиб қўйилади ва сақлаш учун Марказий банкнинг тегишли муассасасига далолатнома тузилган ҳолда топширилади.

Қимматли қоғозларни хатлаш. Қимматли қоғозларни хатлаш, қимматли қоғозларнинг хатлов далолатномасини тузиш ва уларни тассаруф этишни таъқиқлашдан иборатдир. Хатланган қимматли қоғозларни сотиш, ўз мажбуриятлари ёки учинчи шахсларнинг мажбуриятлари бўйича

таъминлов воситаси сифатида фойдаланиш, шунингдек қимматли қоғозларни ҳуқуқни ҳисобга олиш учун бошқа депозитарийга ёки қимматли қоғозлар эгалари реестрини юритувчи ташкилотга бериш ҳамда қимматли қоғозларни бошқа йўл билан бегоналаштириш мумкин эмас. Зарурият туғилганда эса, бошқа хил чекловлар ҳам қўлланилиши мумкин.

Қимматли қоғозларни хатлаш тартиб-тамойили уларнинг турига қараб, бир биридан фарк қилади.

Ҳужжатли қимматли қоғозлар уларнинг турган жойи бўйича хатланади. Ҳужжатсиз қимматли қоғозлар ушбу қоғозлар эгасининг ҳуқуқлари рўйхатга олинган жой бўйича хатланади.

Қимматли қоғозлар хатланганда суд ижрочиси қарор чиқаради. Ҳужжатли қимматли қоғозлар хатланганлиги тўғрисида суд ижрочиси хатланган қимматли қоғозларнинг хатлов далолатномасини ҳам тузади.

Суд ижрочисининг қимматли қоғозлар хатланганлиги тўғрисидаги қарорида ёки далолатномасида хатланган қимматли қоғозларнинг умумий сони, уларнинг тури ва қимматли қоғозлар эмитентлари тўғрисидаги маълумотлар, қимматли қоғозлар чиқарилган сана, уларни идентификация қилиш, шунингдек қимматли қоғозларнинг қарздорга тегишлилигини аниқлаш имконини берувчи бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Ҳужжатли қимматли қоғозларни хатлашда тегишли сертификатлар хатлов далолатномасига киритилади, агарда улар депо ҳисобварағига қўйилган бўлса, хатлаш депо ҳисобварағидаги ёзувлар асосида амалга оширилади. Ҳужжатсиз қимматли қоғозлар хатланганда, ушбу қоғозлар эгаси қимматли қоғозлар эгалари реестрини юритиш тизимидаги ёзувлар орқали ёки қимматли қоғозлар депо ҳисоб варағига қўйилган тақдирда, депо ҳисоб варағидаги ёзувлар асосида аниқланади. Қарздорнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозларига эгаллик ҳуқуқи реестр юритиш тизимидан (депо ҳисобварағидан) берилган тегишли кўчирма билан тасдиқланади. Бундай ҳужжат ваколатли шахснинг талабига кўра реестр юритувчи ёки депозитарий томонидан берилади. Бу ҳужжат қимматли қоғоз ҳисобланмайди, демак, қимматли қоғоз сифатида хатлашнинг бевосита объекти бўлиши мумкин эмас.

Қарздорга тегишли бўлган қимматли қоғозларнинг хатланиши қарздорга уларни тасарруф этиш, шунингдек бундай қимматли қоғозларни ҳуқуқларни ҳисобга олиш учун бошқа депозитарийга топшириш тақиқланганлигини англатади. Ўзга турдаги чекловларни белгилашда, шу жумладан қарздорнинг қимматли қоғозларда мустаҳкамлаб қўйилган даромад олиш ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқларини чеклашда суд ижрочиси белгиланган чекловларни қимматли қоғозларни хатлаш тўғрисидаги қарорда санаб ўтиши шарт.

6. Қарздорнинг мол-мулкни баҳолаш ва сақлаш

Қарздорнинг хатланган мол-мулкни баҳолаш суд ижрочиси томонидан таъминланади.

Суд ижрочиси мол-мулкни сотиш учун унинг дастлабки нархини белгилаш мақсадида қарздорнинг рўйхатга олинган мол-мулкни баҳолаш тўғрисида қарор чиқаради ва бу қарорга асосан ижро ҳужжатларига асосан реализация қилинадиган мол-мулкни баҳолаш ҳуқуқига эга бўлган мутахассис – баҳоловчини жалб этади. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2006 йил 28 ноябрда N 1643 сон билан рўйхатга олинган “Баҳоловчиларни танлаш бўйича танлов ўтказиш ва ижро ҳаракатларини амалга оширишда суд ижрочилари томонидан хатланган мол-мулкни баҳолаш тартиби тўғрисида”ги Низомга⁴³ кўра баҳоловчи сифатида баҳолаш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган ва баҳоловчиларни танлаш бўйича танловдан ўтиб суд ижрочилари томонидан ижро ҳаракатларини амалга ошириш жараёнида хатланган мол-мулкни баҳоловчилар реестрига киритилган юридик ёки жисмоний шахслар жалб этилади.

Ижро ҳужжатларига асосан реализация қилинадиган мол-мулкни баҳолаш учун танловдан ўтган ва реестрга киритилган баҳоловчи ва Суд департаменти ёки унинг ҳудудий бошқармаси ўртасида шартнома тузилади.

Баҳолашни ўтказиш муддати ва баҳоловчининг хизмат ҳақи суд ижрочиси ва баҳоловчи ўртасида тузиладиган битим билан белгиланади ва бу ҳақида тегишли далолатнома тузилади. Шунинг назарда тутиш керакки баҳолашни амалга ошириш муддати ижро ҳаракатларини амалга оширишнинг қонун ҳужжатларида ўрнатилган муддатларидан келиб чиқиб белгиланади.

⁴³ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2006 йил, 48-50-сон, 492-модда.

Баҳоловчининг хизмат ҳақи Давлат мулк қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги билан биргаликда тасдиқлайдиган Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда реализация қилинадиган мол-мулкни баҳолашда баҳоловчиларнинг хизматларига ҳақ тўлаш Тарифларига асосан ҳисоблаб чиқилиб тузилган калькуляция билан аниқланади.

Баҳолаш объектининг баҳоси баҳоловчи томонидан бу мол-мулкка бўлган талаб ва таклифнинг бозор конъюктурасидан келиб чиқиб белгиланади.

Баҳоловчи томонидан белгиланган баҳо суд ижрочиси томонидан реализация этилаётган мол-мулкнинг дастлабки сотиш нарҳини белгилашга асос бўлади.

Мол-мулкнинг бозор нарҳи деганда уни, очик бозорда ҳалол рақобат шароитида, бегоналаштирилиши (сотилиши) мумкин бўлган нарх тушунилади. Очик бозорда ҳалол рақобат шароитида битим тарафлари ўз манфаатларидан келиб чиқиб ва ҳеч ким томонидан мажбур қилинмаган ҳолда, сотилаётган мол-мулк ҳақида барча зарур ахборотларга эга бўлган ҳолда ҳаракат қиладилар. Битим нарҳига ҳеч қанақанги фавқулудда ҳолатлар таъсир қилмаслиги керак.

Баҳолаш натижаларига кўра баҳоловчи суд ижрочисига баҳолаш ҳақида ҳисобот тақдим этади. Суд ижрочиси, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, сотувга қўйилаётган мол-мулкка баҳолаш ҳақидаги ҳисоботдан келиб чиқиб бошланғич нарх белгилайди.

Суд ижрочиси алоҳида кўчар мол-мулкнинг шартномавий нарҳини фақат алоҳида олинган мол-мулкнинг қиймати энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан, мол-мулкнинг жами қиймати эса энг кам иш ҳақининг юз бараваридан ошмаган тақдирдагина, мутахассисни жалб этмаган ҳолда мустақил белгилаши мумкин, автоматотранспорт воситалари бундан мустасно.

Бундай ҳолларда алоҳида олинган мол-мулкнинг шартномавий нарҳи бу мулкни рўйхатга олиш пайтидаги бозор нарҳининг 70% дан кам бўлмаслиги керак. Бозор нарҳи рўйхатга олинган мол-мулкка бўлган талаб ва таклифнинг бозор конъюктураси ҳолати тўғрисидаги мавжуд маълумотлар асосида белгиланади.

Суд ижрочиси ва баҳоловчи баҳоланаётган мол-мулкнинг нарҳини қасдан пасайтирганликлари учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Гаровга қўйилган мол-мулк билан таъминланган мажбуриятларни ижро этишда ундирув ушбу мол-мулкка қаратилган тақдирда, гаровга қўйилган мол-мулкнинг ким ошди савдоси бошланадиган бошланғич реализация қилиш нарҳи суд қарори билан белгиланади. Кўрсатилган нарх суд томонидан белгиланган бўлмаса, мазкур мол-мулк гаров (ипотека) тўғрисидаги шартномада кўрсатилган нарҳда ким ошди савдосига қўйилади.

Қимматли қоғозлар, валюта қимматликлари, қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик буюмлари ва бошқа рўзғор буюмлари, нодир буюмлар, асл таъсвирий саънат ва ҳайкалтарошлик асарлари, албатта мутахассислар иштирокида баҳоланади, сўнгра (уч сутка ичида) маъсулиятли сақлаш учун банкка ёки депозитарийга топширилади, муайян турдаги бойликлар музейга ёки уларнинг сақланиш шароитларини таъминловчи бошқа махсус муассасага топширилиши лозимлиги тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Фонд биржасининг расмий листингига киритилган қимматли қоғозларнинг қиймати тегишли қимматли қоғозлар ўзида расмий листингга киритилган ва қонун ҳужжатларига мувофиқ марказлаштирилган тартибда котировка қилинадиган фонд биржасига суд ижрочиси томонидан ёзма сўров бериш орқали аниқланади.

Агар суд ижрочиси томонидан рўйхатга олинган қимматли қоғозлар фонд биржасининг расмий листингига киритилмаган ва марказлаштирилган тартибда котировка қилинмаётган бўлса, суд ижрочиси қимматли қоғозларни баҳолаш учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда мутахассисни жалб этади.

Суд ижрочиси томонидан мол-мулкни ёки мулккий ҳуқуқни баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот олинган (чиқарилган) пайтдан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ижро иши юритишдаги тарафларга баҳолаш натижалари ҳақида билдиришнома юборилади.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда кўрсатилган баҳолаш объектининг қиймати хусусида ижро иши юритишдаги тарафлар ўтказилган баҳолаш тўғрисида ўзлари хабардор қилинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай судда низолашиши мумкин.

Ижро ҳаракатларини амалга оширишда суд ижрочиси томонидан хатланган мол-мулкни баҳолашни амалга оширувчи мутахассисларни танлаб олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси

Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат кўмитаси билан биргаликда белгиланади.

Суд ижрочиси қарздорнинг мол-мулкни рўйхатга олиб, хатлаш ҳаракатларини амалга оширишда шартли мажбурий тартибда, ушбу рўйхатга олинган ва хатланган мол-мулкка сақловчи тайинлаш масаласини ҳал этади. Суд ижрочиси хатланган мол-мулкни сақлаш учун қайси сақловчига топширган бўлса, ўша сақловчи суд ижрочисининг ёзма равишдаги розилигисиз бу мол-мулкдан фойдаланиши мумкин эмас. Депозитарийга сақлаш учун топширилган қимматли қоғозлар бўйича, шунингдек мол-мулкнинг хоссаларига кўра, ундан фойдаланиш унинг йўқ бўлиб кетишига ёки қиммати пасайишига олиб келган тақдирда, суд ижрочиси бундай розиликни беришга ҳақли эмас. Агар мазкур мол-мулкдан фойдаланиш унинг сақланишини таъминлаш учун зарур бўлса, суд ижрочисининг розилиги талаб этилмайди.

Мол-мулк сақлаш учун қарздорга ёки суд ижрочиси тайинлаган бошқа шахсларга берилиши мумкин.

Бунда суд ижрочиси сақловчи мол-мулк сақлашни таъминлаш ва мол-мулк йўқотилганда ёки шикастланганда келтирилган зарарни тўлаш имконига эга эканлигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Қарздор жисмоний шахснинг мол-мулкни сақловчи сифатида қарздорнинг ўзи, унинг оила аъзолари, ундирувчи ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакиллари ёки бошқа шахслар тайинланишлари мумкин.

Қарздор юридик шахс мол-мулкни сақловчи сифатида қарздор юридик шахснинг вакиллари, ундирувчи ёки бошқа шахслар тайинланиши мумкин.

Мол-мулкни рўйхатга олиш ва хатлаш далолатномасида суд ижрочиси томонидан қарздорнинг мол-мулкни сақлашга берилаётгани кўрсатиб ўтилиб, далолатномага сақловчининг имзоси қўйдирилади.

Агар мол-мулкнинг хоссаларига кўра ундан фойдаланиш унинг йўқ бўлиб кетишига ёки қиммати пасайишига олиб келмаса, сақловчи ундан фойдаланиши мумкин, суд ижрочиси томонидан мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи чекланган ҳолатлар бундан мустасно.

Сақловчи, агар қарздор унинг ўзи ёки оила аъзолари (қарздор юридик шахс бўлса, унинг ходими) бўлмаса, сақланганлиги учун тегишли ҳақ олади. Сақловчининг мол-мулкни сақлаш учун қилган зарур харажатлари ҳам мазкур мол-мулкдан фойдаланиш орқали амалда олган фойдаси чегириб ташланган ҳолда қопланади. Хатланган автотранспорт воситаси аукцион ўтказилгунига қадар суд ижрочиси томонидан белгиланадиган, унинг асралиши учун тегишли шароитлар таъминланадиган махсус ажратилган жойларда (сақлаш жойларида, омборларда, ваколатли органлар ва бошқа ташкилотларнинг жарима майдонларида) сақланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.03.2004 й. N 140 сонли "Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги Қарорига⁴⁴ кўра суд ижрочиси ижро ҳужжатини ижро этиш амалга оширилгунга қадар мол-мулкни сақлайдиган жойни ўзгартиришга ҳақли. Бунда қабул қилиш-топшириш далолатномаси тузилади. Далолатнома суд ижрочиси, мол-мулкни олиб қўйган органнинг мансабдор шахси, мол-мулк сақланиши учун жавобгар бўлган шахс, мол-мулк сақланиши учун жавобгар этиб тайинланган шахс томонидан имзоланади.

Мол-мулкни сақлаш жойи ўзгарган тақдирда рўйхат тузиш билан бир вақтда қабул қилиш-топшириш далолатномаси расмийлаштирилади, унда мол-мулкнинг рўйхати акс эттирилади.

Мол-мулкни сақлаш тузилган шартнома асосида кейинчалик сотиш учун савдо ташкилотига юкланиши ҳам мумкин.

7. Хатланган мол-мулкни реализация қилиш

Хатланган мол-мулкни реализация қилиш (муомаладан чиқарилган ёки муомаласи чекланган мол-мулк бундан мустасно) агар Қонун ҳужжатларида бошқача ҳолат назарда тутилган бўлмаса, хатланган кундан бошлаб икки ой ичида уни сотиш йўли билан амалга оширилади.

⁴⁴ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2004 йил, 12-сон, 144-модда. "Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами", 2004 й., N 3, 35-модда.

Қарздорнинг мол-мулкни реализация қилиш шартнома-воситачилик асосларида ёхуд ким ошди савдосида амалга оширилади, “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни 56 модданинг учинчи қисмида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Автомототранспорт воситалари, кўчмас мулк, шу жумладан ер участкаси, қурилиши тугалланмаган объектлар, кўчмас мулкни узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқлари, ер участкасига бўлган мулкӣ ҳуқуқлар, интеллектуал фаолият натижалари ва шахсийлаштириш воситаларига акс эттирувчи воситаларга бўлган мулкӣ ҳуқуқларни реализация қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда махсус ажратилган майдончаларда биржалар томонидан ўтказиладиган очик аукцион шаклидаги ким ошди савдосида амалга оширилади.

Қарздорнинг мол-мулк шартнома-воситачилик асосларида ёки аукцион савдоси шартларига мувофиқ реализация қилинади, кўчмас мулк бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 29 декабрда №1649-сон билан рўйхатга олинган “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаш ва мол-мулкни сотиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ ижро ҳужжатларига асосан мол-мулкни сотиш бўйича савдо ташкилотларини танлаб олиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг ҳудудий бошқармалари томонидан танлов асосида амалга оширилади.

Хатланган мол-мулк уни баҳолаш тўғрисидаги хулоса баҳоловчидан олинган кундан бошлаб, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда суд ижрочиси томонидан баҳоланганда эса, мол-мулк баҳоланган кундан бошлаб уч кун ичида далолатнома асосида суд ижрочиси томонидан савдо ташкилотига топширилади.

Бунда суд ижрочиси белгиланган тартибда хатланган мол-мулкни сотишга топшириш ҳақида далолатнома тузади.

Хатланган мол-мулкни сотишга топшириш ҳақидаги далолатномага қуйидагилар илова қилинади:

- ижро ҳужжатининг нусхаси;
- мол-мулкни хатлаш (рўйхатга олиш) далолатномасининг нусхаси;
- мол-мулкни тавсифловчи ҳужжатлар ва (ёки) баҳолаш тўғрисидаги хулоса нусхалари;
- сертификатланиши шарт бўлган товарлар бўйича мувофиқлик сертификатлари.

Ижро ҳужжатлари ижросини ўз вақтида таъминлаш учун миқдори, ҳажми ва тез сотилиши имкониятларидан келиб чиқиб, мол-мулк бир вақтнинг ўзида сотиш учун шартнома тузилган бир нечта савдо ташкилотларига берилиши мумкин.

Сотиш учун савдо ташкилотлари томонидан қабул қилинган мол-мулклар хатлаш (рўйхатга олиш) далолатномасида назарда тутилган тартиб рақамлари, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа маълумотлар кўрсатилган ҳолда мувофиқлик сертификатлари (сертификатланиши шарт бўлган товарлар бўйича) ва савдо ташкилотининг товар ёрлиқлари билан таъминланиши керак.

Мол-мулкларни жузъий таъмирлаш, тозалаш ва текислаш уларни сотиш учун қабул қилиб олган савдо ташкилотлари ҳисобидан амалга оширилади.

Савдо ташкилотлари томонидан мол-мулкни сотиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси чакана савдо қондалари" асосида амалга оширилади⁴⁵.

Агар реализация қилиш учун аукцион шаклидаги ким ошди савдосига қўйилган мол-мулк аукцион шаклидаги ким ошди савдоси амалга ошмаган деб топилиши муносабати билан реализация қилинмаса, “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни 63-моддаси саккizinчи қисмининг учинчи хатбошисида кўрсатилган асосга кўра ким ошди савдосининг амалга ошмаган деб топилиши бундан мустасно, мазкур мол-мулк суд ижрочиси томонидан қуйидаги тартибда арзонлаштирилиши керак:

- давлат солиқ хизмати органи ва молия органи вакиллари иштирокида мол-мулк нархининг 10 фоизидан ошмаган миқдорда – давлат даромадига ундиришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича;

- мол-мулк қийматининг 10 фоизи миқдорида – бошқа ижро ҳужжатлари бўйича.

45 "Собрание законодательства Республики Узбекистан", 2003 г., N 3, ст. 27; "Собрание постановлений Правительства Республики Узбекистан", 2003 г., N 2, ст. 15.

Савдо ташкилотларига реализация қилиш учун топширилган мол-мулк ҳам, агар у савдо ташкилотларига реализация қилиш учун топширилган кундан эътиборан ўттиз кун ичида реализация қилинмаган бўлса, арзонлаштирилиши лозим. Бунда арзонлаштириш “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни 56 модданинг бешинчи қисмида белгиланган тартибда ва миқдорда амалга оширилади.

Мол-мулк арзонлаштирилганда суд ижрочиси белгиланган тартибда далолатнома тузади, шундан сўнг арзонлаштирилган мол-мулк такрорий аукцион шаклидаги ким ошди савдоларига ёки савдо ташкилотларига такроран реализация қилиш учун қўйилади. Бунда арзонлаштирилган мол-мулк бўйича такрорий аукцион шаклидаги ким ошди савдолари ўтказилиши тўғрисидаги хабар у ўтказилишидан камида ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситаларида берилади. Гаровга қўйилган мол-мулк билан таъминланган қарзни ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари бўйича мазкур мол-мулкни реализация қилишда, шунингдек “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни 63-моддасининг саккизинчи қисми учинчи хатбошисида кўрсатилган асосга кўра дастлабки ким ошди савдолари амалга ошмаган деб эълон қилинганда мол-мулк арзонлаштирилмайди ва биринчи баҳоланган нарх бўйича такрорий аукцион шаклидаги ким ошди савдоларига ёки савдо ташкилоти томонидан такроран реализация қилишга қўйилади.

Мол-мулк такрорий аукцион шаклидаги ким ошди савдоларида реализация қилинмаган ёки такроран реализация қилиш учун савдо ташкилотларига топширилган бошқа мол-мулк ўттиз кун мобайнида реализация қилинмаган тақдирда, у ушбу модданинг бешинчи қисмига мувофиқ арзонлаштирилган нархда ундирувчига таклиф қилинади, давлат даромадига ижро ҳужжатлари бўйича ундириш қаратилган мол-мулк эса ушбу моддада белгиланган тартибда яна арзонлаштирилиши ва реализация қилишга қўйилиши лозим. Гаровга қўйилган мол-мулк билан таъминланган қарзни ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари бўйича ушбу мол-мулк реализация қилинмаса, суд ижрочиси гаровга олувчига мол-мулкни такрорий аукцион шаклидаги ким ошди савдоларидаги ёки савдо ташкилотларининг такрорий реализация қилишидаги бошланғич сотиш нархидан 10 фоизга камайтирилган суммада ўзида қолдиришни таклиф қилади.

Қимматли қоғозлар қимматли қоғозларнинг биржа бозорларида ва уюшган биржадан ташқари бозорларида реализация қилиниши керак. Улар суд ижрочиси билан тузилган шартнома асосида фаолият юритувчи инвестиция воситачиси — брокер томонидан ким ошди савдосига қўйилади. Қимматли қоғозлар арзонлаштирилмайди ва икки ой мобайнида бир неча марта ким ошди савдосига қўйилади. Қимматли қоғозлар мазкур муддатда реализация қилинмаган тақдирда, суд ижрочиси ундирувчига ушбу қимматли қоғозларни уларни брокер томонидан ким ошди савдосига қўйилган охириги ким ошди савдоси кунининг охириги ким ошди савдоси соатидаги ўртача нархида ўзида қолдиришни таклиф этади.

Суд ижрочисининг реализация қилинмаган мол-мулкни ўзида қолдириш ҳақидаги ушбу модданинг саккизинчи ва тўққизинчи қисмларида назарда тутилган таклифи суд ижрочиси томонидан тегишли мол-мулк реализация қилинмаганлиги тўғрисидаги хабарнома олинган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ундирувчига юборилиши лозим. Бир навбатдаги талаблар бўйича бир нечта ундирувчи бўлган тақдирда, таклифлар суд ижрочиси томонидан Суд департаменти органларига ижро ҳужжатларининг келиб тушиши навбатига кўра ундирувчиларга юборилади. Агар мол-мулкнинг суд ижрочиси томонидан таклиф қилинган баҳоси ижро ҳужжати бўйича ундирувчига тўланиши лозим бўлган суммадан ортиқ бўлса, ундирувчи реализация қилинмаган мол-мулкни ўзида қолдиришга тегишли фарқни бир вақтнинг ўзида Суд департаменти органининг депозит ҳисобварағига тўлаган (ўтказган) тақдирда ҳақли, бу ҳақда таклифда кўрсатиб ўтилади. Ундирувчи реализация қилинмаган мол-мулкни ўзида қолдириш тўғрисидаги қарори ҳақида суд ижрочисини таклифни олган кундан эътиборан беш кун ичида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Ундирувчи мол-мулкни ўзида қолдиришдан воз кечган тақдирда ёхуд бу ҳақдаги ўз қарорини белгиланган муддатда ёзма шаклда тақдим этмаса, мол-мулк ижро харажатлари, шу жумладан мол-мулкни олиб қўйиш, баҳолаш ва реализация қилиш бўйича қилинган харажатлар ундирилган ҳолда қарздорга қайтарилади. Ундирувчи – гаровга олувчи реализация қилинмаган гаровга қўйилган мол-мулкни ўзида қолдиришдан воз кечганда ёхуд белгиланган муддатда ўз қарорини ёзма шаклда тақдим этмаганда, ижро иши юритиш ижро ҳужжатини ундирувчига қайтариш билан тамомланади, реализация қилинмаган бошқа мол-мулк бўйича ижро иши юритиш эса қарздорда ундирувга қаратилиши мумкин бўлган ўзга мол-мулк бўлмаса, ижро ҳужжатини ундирувчига қайтариш билан тамомланади.

Олиб қўйилган ва реализация қилинмаган мол-мулк қарздор қарзини ва суд ижрочиси мол-мулкни олиб қўйиш, баҳолаш ва реализация қилиш билан боғлиқ ҳолда қилган харажатларнинг ўрни тўлиқ қопланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни ундирувни амалга ошираётган суд ижрочисига такдим этган тақдирда ҳам қарздорга қайтарилади.

Реализация қилинган мол-мулкни мол-мулкнинг баҳоси тўлиқ тўлангунига қадар харидорларга бериб юбориш, шунингдек тўловни кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) шarti билан реализация қилиш савдо ташкилотларига ва суд ижрочиларига тақиқланади.

Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни реализация қилиш хусусиятлари, шунингдек кўчмас мулкни узоқ муддатга ижарага олиш ҳуқуқларини, қарздорнинг ер участкаларига, интеллектуал фаолият натижаларига ва шахсийлаштириш воситаларига бўлган мулкий ҳуқуқларини реализация қилиш тартиби ушбу Қонун талаблари ҳисобга олинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Сотувга чиқарилган мол-мулк икки ой мобайнида белгиланган нарҳда сотилмаса, савдо ташкилоти мол-мулк нарҳини камайтириш ёхуд уни қайтариб олиш масаласини кўриб чиқиш учун суд ижрочисига ёзма равишда хабарнома юборади.

Савдо ташкилотлари томонидан шартнома шартларига, шунингдек, мол-мулкни сотиш тартибига риоя этилиши устидан назорат тегишли суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлимлари томонидан амалга оширилади.

Шартнома шартлари ва мол-мулкни сотиш тартиби бузилган тақдирда суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлимлари шартномани бир томонлама бекор қилиш тўғрисида ҳудудий бошқармага билдирги юбориши ҳамда мол-мулкни “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаш ва мол-мулкни сотиш тартиби тўғрисида”ги Низом асосида танлаб олинган бошқа савдо ташкилотига олиб беришга ҳақлидир.

Мол-мулкни реализация қилишдан тушган пул маблағлари, савдо чегирмасини ушлаб қолган ҳолда, реализация қилинишига қараб савдо ташкилоти томонидан суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлимларининг депозит ҳисоб рақамига икки банк иш кунидан кечикмай, ижро ҳужжатининг тартиб рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда ўтказилади.

Мол-мулкни реализация қилишдан тушган суммани ўтказиш муддати кечикқан тақдирда савдо ташкилотдан кечикқан ҳар бир кун учун тўланадиган сумманинг 0,5 фоизи миқдорида пеня ундирилади.

Қонун ҳужжатларига кўра, ижро ҳужжатлари бўйича айрим мулк турлари учун реализация қилишнинг алоҳида тартиби ўрнатилган. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги ПҚ-458 сонли “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида суд қарорлари ва бошқа органлар ҳужжатлари асосида автотранспорт воситалари ва кўчмас мулкни сотиш фақатгина биржалар томонидан махсус савдо майдонларида ўтказиладиган очиқ аукционлар орқали амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2006 йил 30 сентябрдаги 1625-сон билан рўйхатга олинган “Аукцион савдолари ўтказиш учун биржаларни танлаш тўғрисида”ги Низомга мувофиқ ижро ҳужжатлари бўйича автотранспорт воситалари ва кўчмас мулкни сотувчи биржалар Адлия вазирининг буйруғи билан тасдиқланадиган комиссия томонидан танлов асосида белгиланади.

Комиссия аъзолари Адлия вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни қўллаб қувватлаш Давлат қўмитаси вакиллари билан иборат таркибда тузилади.

Автотранспорт воситаларини ва кўчмас мулкни реализация қилиш “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида автотототранспорт воситаларини ва кўчмас мулкни сотиш тартиби тўғрисида”ги Низомга⁴⁶ мувофиқ биржалар томонидан суд ижрочиси берган буюртма асосида амалга оширилади.

Суд ижрочиси автотототранспорт воситаси ва кўчмас мулкни сотиш учун қуйидаги муддатларда биржага белгиланган шаклдаги буюртмани юборади:

- давлат даромадига ўтказилган автотототранспорт воситаси ва кўчмас мулкни белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳужжатлар билан биргаликда ваколатли органдан олинган куннинг эртасидан кечиктирмай;

⁴⁶ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2006 йил, 48-50-сон, 492-модда.

- бошқа ижро ҳужжатлари бўйича ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратишда - баҳоловчидан автомобилотранспорт воситаси ва кўчмас мулкни баҳолаш тўғрисидаги ҳулоса олинган куннинг эртасидан кечиктирмай.

Автомобилотранспорт воситаси ва кўчмас мулкни сотиш тўғрисидаги буюртмага қуйидагилар илова қилинади:

- ижро ҳужжатининг нусхаси;
- мол-мулкни хатлаш далолатномасининг нусхаси;
- автомобилотранспорт воситаси ёки кўчмас мулкни тавсифловчи ҳужжатлар, шу жумладан уларни кўздан кечириш далолатномаси ҳамда баҳолаш тўғрисидаги ҳулоса нусхалари;
- автомобилотранспорт воситаси ёки кўчмас мулкдан фойдаланиш ёки уларга эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари.

Биржа буюртмани қабул қилган кундан бошлаб 3 кундан кечиктирмай оммавий ахборот воситаларида аукцион ўтказилиши тўғрисида хабарнома беради.

Хабарнома камида иккита (республика ва вилоят миқёсидаги) оммавий ахборот воситасида берилди. Такроран хабарнома бериш фақатгина илгари эълон қилинган оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилиши мумкин.

Аукцион ўтказилиши тўғрисида хабарнома эълон қилинадиган оммавий ахборот воситалари рўйхати Суд департаменти томонидан белгиланади.

Хабарномада қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим:

- аукцион ўтказиш санаси, вақти ва жойи;
- аукцион ўтказиш шакли;
- аукцион объекти, шу жумладан кўчмас мулк жойлашган ва автомобилотранспорт воситаси сақланаётган жой тўғрисидаги маълумот;
- аукцион объектининг дастлабки (бошланғич) нархи;
- аукцион иштирокчиларига аукцион объектларини олдиндан бевосита кўрсатиш тартиби;
- аукционда иштирок этиш учун аризалар ва бошқа ҳужжатларни қабул қилишнинг охириги муддати;

- ижро ҳужжатининг санаси ва рақамини кўрсатган ҳолда ҳар бир аукцион объекти бўйича бошланғич нархга нисбатан фоизларда (камида 10 фоиз) ифодаланган зақалат пули миқдори ҳамда уни ўтказиш лозим бўлган биржанинг банкдаги ҳисоб рақами реквизитлари;

- биржанинг реквизитлари, шу жумладан алоқа (иш) телефони рақами.

Аукцион ўтказиш тўғрисидаги хабарнома оммавий ахборот воситаларида уни ўтказишдан камида ўттиз кун олдин берилди.

Автомобилотранспорт воситаси ёки кўчмас мулк аукцион ўтказиш шартлари ўзгартирилмаган ҳолда такроран кимошди савдосига қўйилганда, аукцион ўтказиш тўғрисидаги хабарнома уни ўтказишдан камида 15 кун олдин берилиши лозим.

Кимошди савдоларида сотиб олувчи сифатида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган, аукционда иштирок этиш учун ўз вақтида ариза берган, зарур ҳужжатларни тақдим қилган ва белгиланган тартибда зақалат пулини тўлаган юридик ва жисмоний шахслар аукционда қатнашиши мумкин.

Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукционда иштирок этиш учун биржага қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:

- аукционда иштирок этиш тўғрисидаги ариза;
- биржанинг банкдаги ҳисоб рақамига зақалат пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳамда аукцион ўтказиш тўғрисидаги хабарномада назарда тутилган ижро ҳужжатининг тартиб рақами ва санаси кўрсатилган тўлов ҳужжатининг (квитанциянинг) нусхаси. Бунда, бир нечта аукцион объектлари бўйича зақалат пули уларнинг ҳар бири учун алоҳида тўлов топшириқномалари (квитанциялар) билан тўланиши керак;

- белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома (вакиллар учун).

8. Ижро ҳужжатида кўрсатилган ашёларни ундирувчига топшириш

Суд ижрочиси ашёларни ундирувчига топшириш тўғрисидаги ижро ҳужжатларини лозим даражада ижро этиш учун ижро ҳужжатида кўрсатилган ашёларини қидириб топиш ва уларни олиб қўйиш учун қонунда назарда тутилган барча чораларини кўриши керак.

Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 84 - моддаси 5 бандига мувофиқ суд ижрочиси ижро ҳужжатида

кўрсатилган ашёларни аниқлаш ва олиб қўйиш мақсадида қарздор эгаллаб турган ёки унга қарашли бўлган бинолар ва омборларга кириш, мазкур бинолар ва омборларни кўздан кечириш, зарурат бўлганда уларни очиш ҳуқуқига эга. Агарда ундирувчига топширилиши лозим бўлган ашёларни, катта ҳажмда бўлганлиги, оғир ва бошқа хусусиятларига кўра дарҳол олиб қўйилиши имкони бўлмаса суд ижрочиси уни Қонуннинг 53 - моддасида белгиланган тартибда хатлайди ва шундан кейин уни бевосита олиб қўйишни амалга оширади.

Ундирувчига топширилиши лозим бўлган ашёларни олиб қўйиш суд ижрочиси томонидан холислар иштирокида амалга оширилади. Қарздордан ашёларни олиб қўйиш ва уни ундирувчига топшириш далолатнома асосида амалга оширилиб, уч нусхада тузилади, унинг бир нусхаси қарздорга, иккинчи нусхаси ундирувчига берилади, учинчиси эса ижро иши юритуви ҳужжатларида қолади. Ашёларни қабул қилиш ва ундирувчига топшириш далолатномасининг барча нусхалари суд ижрочиси ва ундирувчининг имзоси билан тасдиқланади.

Ашёларни ундирувчига топшириш далолатномаси қуйидаги шартли реквизитларни ўз ичига олади:

- 1) далолатномани тузиш санаси ва жойи;
- 2) суд ижрочисининг фамилияси, исми ва отасининг исми;
- 3) холисларнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва манзиллари;
- 4) ижро ҳужжатининг тўлиқ номи, реквизитлари ва мазмуни;
- 5) олиб қўйилган ашёларнинг рўйхати ва уларнинг қисқача тавсифи;
- 6) кўрсатиб ўтилган ашёларни ундирувчининг имзоси орқали топширилганлиги тўғрисидаги маълумотлар;
- 7) суд ижрочисининг имзоси.

Агарда суд ижрочисида ундирувчига олиб берилиши лозим бўлган ашёлар бошқа шахсларда турганлиги ҳақида маълумотлар бўлса, бу ашёларни олиб қўйиш бўйича ижро ҳаракатлари Қонуннинг 49 - моддасида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Агар қарздор ундирувчига топширилиши лозим бўлган ашёларни йўқотилганлигини билдирса, суд ижрочиси ашёларнинг ҳақиқатда йўқотилганига Қонуннинг 84-моддасига мувофиқ бино ва омборларни очиб, кўздан кечириш йўли билан ишонч ҳосил қилгач, ашёларни йўқотилганлиги ҳолати қайд этилган далолатнома тузади. Мазкур далолатнома холислар иштирокида тўрт нусхада тузилиб, унинг бир нусхаси қарздорга, иккинчиси ундирувчига берилади, учинчиси судга ёки ижро ҳужжати билан берган бошқа органга юборилади, тўртинчиси эса ижро иши юритувида қолади.

Ашёларнинг йўқотилганлиги ҳолати қайд этилган далолатнома Қонуннинг 32-моддасига мувофиқ суд ижрочисининг ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги аризаси билан бирга ижро ҳужжати билан берган суд ёки бошқа органга юборилади.

Ундирувчи ижро ҳужжатида кўрсатилган ашёларни қабул қилиб олишдан воз кечган тақдирда улар топшириш далолатномасига асосан қарздорга қайтарилади. Бу ҳақда холислар иштирокида тўрт нусхада далолатнома тузилади. Далолатномаларнинг нусхалари тарафларга, ижро ҳужжати билан берган судга ёки бошқа органга юборилади, тўртинчи нусхаси эса ижро иши юритиш материалларига қўшиб қўйилади.

Олиб берилиши лозим бўлган ашёлар йўқотилганлиги ёки ундирувчи уларни олишдан бош тортганлиги ёхуд ҳозир бўлиш ҳақида бир неча бор таклиф қилинишига қарамадан унинг ашёларни олиш учун келмаганлиги сабабли ижро этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, ашёлар қарздорга қайтарилади, ижро иши юритиш эса ундирувчига ижро ҳужжати билан тамомланади.

“Ижро ишини юритиш ва суд ижрочилари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низомда ундирувчининг ижро ҳужжатида кўрсатилган ашёни қабул қилишдан воз кечганлиги унинг аризасида ўз аксини топиши лозимлиги кўрсатилган. Аммо ундирувчининг эрки фақатгина аризада эмас, балки бошқа ҳужжатларида ҳам (телеграмма, телефакс ва бошқалар) ўз аксини топиши мумкин. Ундирувчи ижро ҳужжатида кўрсатилган ашёлардан воз кечган тақдирда улар қарздорга қайтарилади, ижро иши юритиш эса тугатилади.

Ижро ҳужжатида кўрсатилган ҳужжатсиз қимматли қоғозлар ундирувчига топширилган тақдирда суд ижрочиси мазкур қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олувчи шахс томонидан қарздорнинг ҳисобидан чиқарилиши ва уларни ундирувчининг ҳисобига ўтказилиши тўғрисида қарор чиқаради.

VI МАВЗУ. УНДИРУВНИ ҚАРЗДОР ЮРИДИК ШАХСНИНГ МОЛ-МУЛКИГА ҚАРАТИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ. ҚАРЗДОР ЮРИДИК ШАХСНИНГ МОЛ-МУЛКИНИ ХАТЛАШ ВА РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ

1. Ундирувни қарздор юридик шахснинг пул маблағларига қаратиш
2. Ундирувни қарздор юридик шахснинг бошқа мол-мулкига қаратиш
3. Қарздор юридик шахснинг мол-мулкини хатлаш ва реализация қилиш навбати
4. Ундирув қарздор юридик шахснинг мол-мулкига қаратилганда ижрони таъминлаш чоралари
5. Қарздор юридик шахс қайта ташкил этилганда ва тугатилганда ундирувни қаратиш тартиби
6. Ким ошди савдосини ўтказишга тайёргарлик кўриш

1. Ундирувни қарздор юридик шахснинг пул маблағларига қаратиш

Ундирувни қарздор юридик шахснинг нақд пул маблағларига қаратиш уларни аниқлаш ва олиб қўйишдан иборатдир.

Қарздор юридик шахс кассасининг сейфларида сақланаётган ва бу кассанинг алоҳида ажратилган хонасида ёки қарздор юридик шахснинг бошқа биноларида бўлган сўмдаги ва чет эл валютасидаги нақд пул маблағлари улар аниқланиши биланок, қарзни узиш, ижро йиғими ва ижро бўйича ҳаражатларни қоплаш учун зарур бўлган миқдорда дарҳол олиб қўйилиши лозим. Бунда суд ижрочиси касса китобини талаб қилиб олиши лозим. Касса китобининг «кун охирига қолдиқ» устунидан мавжуд нақд пул миқдори аниқланиб, кассир (бош ҳисобчи)га нақд пул маблағларини тақдим қилиш таклиф этилади. Пул маблағларини тақдим этиш ёки касса сейфини очиш учун рухсат бериш рад этилган тақдирда, раҳбардан сейф калитлари (ёки уларнинг дубликатлари)ни талаб қилиб олиш зарур.

Агар раҳбар касса хонасига киритишдан ва калитларни беришдан бош тортса, суд ижрочиси қарздорнинг нақд пул маблағларини аниқлаш мақсадида ҳолислар иштирокида мазкур хоналарни очиб кўздан кечиради ва бу ҳақда ҳолислар иштирокида далолатнома тузади.

Нақд пул маблағларидан қарзни узишга етарли сумма илгари ундирилмаган бўлса ижро йиғими суммаси олиб қўйилади. Нақд пул маблағларини олиб қўйиш ҳақидаги далолатнома ҳолислар иштирокида икки нусхада тузилади. Далолатноманинг бир нусхаси қарздорга берилади, иккинчи нусхаси эса ижро иши юритиш материалларига қўшиб қўйилади.

Олиб қўйилган сўмдаги пул маблағлари эртаси кундан кечиктирмай қарзга тенг миқдорда ундирувчининг ҳисоб варағига ўтказиш учун банкка топширилади. Ижро йиғими суммалари, шунингдек ҳаражатларнинг ўрнини қоплаш учун мўлжалланган суммалар суд ижрочиларининг депозит ҳисоб варағига ўтказилиб, сўнгра ана шу сумма ҳисобидан ижро ҳаражатлари қопланади.

Қарздорнинг чет эл валютасидаги нақд пул маблағлари ҳам кўрсатилган тартибда олиб қўйилади.

Чет эл валютасидаги нақд пул маблағларини суд ижрочиларининг депозит ҳисоб варақасига ўтказиш учун суд ижрочиси қарор чиқариб бу қарор билан банк ёки бошқа кредит ташкилотига чет эл валютасини сотиш мажбуриятини юклайди.

Чет эл валютасидаги нақд пул маблағлари суд ижрочиси томонидан банк ёки бошқа кредит ташкилотига топширилади.

Суд ижрочиси қарздор юридик шахснинг банклардаги ва бошқа кредит ташкилотларидаги ҳисоб варақларида ва омонатларида турган ёки сақланаётган пул маблағларини хатлаш чораларини кўради.

Ундирув савдо ташкилотларининг нақд пул маблағларига қаратилганда аниқланган барча пул маблағлари, шу жумладан савдо залидаги касса аппаратлари ячейкаларидаги пул маблағлари ҳам олиб қўйилади.

Қарздор юридик шахснинг касса китоблари маълумотларига кўра нақд пул маблағлари бўлиши керак бўлиб, аслида эса бу пул маблағлари топилмаса ва қарздор юридик шахснинг мансабдор шахслари нақд пул маблағларини яширганлиги ёхуд суд ижрочисининг қонуний

талабларини бажаришга бошқа йўллар билан тўсқинлик қилаётганлиги ҳақида маълумотлар бўлса суд ижрочиси айбдор мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги масаласини қонун ҳужжатларига мувофиқ кўриб чиқишга ҳақли.

2. Ундирувни қарздор юридик шахснинг бошқа мол-мулкига қаратиш

Ундирув қарздор юридик шахснинг бошқа мол-мулкига унинг ҳамма турдаги пул маблағларига (нақд пул маблағлари, чет эл валютасидаги нақд пул маблағлари, банклар ва бошқа кредит ташкилотларда сақланаётган ёки ҳисоб варақаси ва депозитларда турган пул маблағлари) ундирувни қаратиш бўйича барча чоралар кўрилганидан сўнг қаратилади.

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 59 - моддасига кўра, қарздор юридик шахснинг қарзларни узиш учун етарли пул маблағлари бўлмаса, ундирув унга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган, қаерда ва қимнинг фойдаланишида бўлишидан қатъи назар, бошқа мол-мулкка (муомаладан чиқарилган ёхуд муомалада бўлиши чекланган мол-мулк бундан мустасно) қаратилади. Бу мол-мулк қонунда назарда тутилган тартибда хатланади ёки унга нисбатан бошқа ижро ҳаракатлари амалга оширилади.

Фуқаролик кодексининг 48 - моддасига мувофиқ юридик шахс ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бўлган бутун мол-мулк билан жавоб беради. Бунда шуни назарда тутиш керакки, давлат корхонасининг мажбуриятлари бўйича унинг мол-мулки етарли бўлмаган ҳолларда давлат субсидар жавобгар бўлади. Шу билан бирга давлат томонидан ташкил этилган юридик шахс унинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, юридик шахс давлат мажбуриятлари бўйича кафил бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Қарздор юридик шахснинг ижро қаратилиши мумкин бўлган мол-мулкни аниқлаш айрим хусусиятларига эга.

Чунончи, қарздор - юридик шахснинг мол-мулкни аниқлаш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда:

- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати ҳавфсизлиги хизмати тегишли органларидан – автотранспорт воситаларининг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақида;

- “Ергеодезкадастр” давлат қўмитасининг тегишли органларидан – кўчмас мулкнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақида;

- банк ва бошқа кредит ташкилотларидан, шунингдек депозитарийлардан – қарздорнинг омонатлари, ҳисоб рақамлари, пул маблағлари, қимматли қоғозлари мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақидаги маълумотларни талаб қилиб олади.

Мажбурий ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулкни аниқлаш учун, қарздордан - баланс ахборотномаси (китоби), асосий воситалар китоби талаб қилиб олинади.

Бунда мавжуд мол-мулк баланс китобидаги мавжуд маълумотлар билан солиштирилиши зарур. Қарздор мансабдор шахслари баланс китобини беришни рад этганда, уни давлат солиқ хизмати идораларидан талаб қилиб олиш тавсия этилади.

Ундирувни қарздор юридик шахснинг мол-мулкига қаратиш масаласини ҳал қилишда зарурат бўлган ҳолларда уларнинг таъсис ҳужжатлари (устав, низом) талаб қилиб олинishi мумкин. Қарздор юридик шахснинг мансабдор шахслари уларни тақдим этишдан бош тортган ҳолларда уларни юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар ёки солиқ органларидан талаб қилиб олиш мумкин.

Қарздор юридик шахснинг мол-мулки унинг вакиллари ва ҳолислар иштирокида рўйхатга олинади. Юридик шахснинг вакиллари уларнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатларига эга бўлиши керак. Суд ижрочиси юридик шахснинг мол-мулкни рўйхатга олишда Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 47 - моддаси 4 қисми қарздорга ундирув биринчи навбатда қаратилиши лозим бўлган мол-мулк турлари ёки ашёларни ўзи кўрсатиш ҳуқуқи берилганлигини эътиборга олиши лозим. Аммо, қарздор мол-мулкнинг у ёки бу турига ундирув қаратиш навбатини суд ижрочиси мазкур мол-мулкнинг ликвидлигини инобатга олган ҳолда белгилайди.

Қарздор юридик шахснинг бошқа шахсларда турган мол-мулкига ундирув суднинг ажримига асосан, ҳолисларнинг иштирокида “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 49 - моддасида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3. Қарздор юридик шахснинг мол-мулкни

хатлаш ва реализация қилиш навбати

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 60 - моддасига мувофиқ қарздор юридик шахснинг мол-мулкани хатлаш ва реализация қилиш куйидаги навбатда амалга оширилади:

биринчи навбатда - ишлаб чиқаришда бевосита қатнашмайдиган кўчар мол-мулкка (қимматли қоғозларга, қарздорнинг депозит ва бошқа ҳисобварақларидаги пул маблағларига, валюта қимматликлари, енгил автотранспорт, офислар дизайни ашёлари, тайёр маҳсулот (товарлар), қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларга, улардан тайёрланган буюмларга, шунингдек бундай буюмлар парчаларига ва бошқаларга) нисбатан;

иккинчи навбатда - товарларни ишлаб чиқаришда, ишларни бажаришда ва хизматлар кўрсатишда бевосита фойдаланилмайдиган мулккий ҳуқуқларга, шунингдек ишлаб чиқаришда бевосита қатнашмайдиган ва бевосита қатнашишга мўлжалланмаган бошқа моддий қимматликларга нисбатан;

учинчи навбатда - товарлар ишлаб чиқаришда, ишларни бажаришда ёки хизматлар кўрсатишда бевосита қатнашадиган мулккий ҳуқуқларга, кўчмас мулк объектларига, шунингдек хом ашё ва материаллар, дастгоҳлар, асбоб-ускуналар, ишлаб чиқаришда бевосита қатнашишга мўлжалланган бошқа асосий воситаларга нисбатан.

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 60 - моддасини биринчи қисмининг қоидалари қарздор жисмоний шахснинг тадбиркорлик фаолияти муносабати билан суд ёки бошқа орган томонидан берилган ижро ҳужжатидаги талаблар ижро этилган тақдирда, ундирувни белгиланган тартибда яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилган қарздор жисмоний шахснинг мол-мулкига қаратишда ҳам қўлланилади.

Қонунда қарздор юридик шахснинг мол-мулкани хатлаш ва реализация қилишнинг аниқ навбати белгилаб қўйилган бўлсада, “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 47 - моддаси 4 қисмига кўра қарздор ундирув биринчи навбатда қаратилиши лозим бўлган мол-мулк турлари ёки ашёларини ўзи кўрсатишга ҳақли. Қарздорнинг бу масаладаги фикри ҳисобга олиниши билан бирга “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 47 - моддаси 6 қисмига мувофиқ қарздор мол-мулкани у ёки бу турига ундирув қаратиш навбатини суд ижрочиси мазкур мол-мулкнинг ликвидлигини инобатга олган ҳолда узил-кесил белгилайди.

Биринчи навбатдаги мол-мулкка ундирув қаратилганда шуни эътиборга олиш керакки Фуқаролик кодексининг 96 - моддасига мувофиқ қимматли қоғозлар жумласига куйидагилар қиради: облигация, вексель, чек, депозит ва жамғарма сертификатлари, банкнинг тақдим қилувчига пул бериладиган жамғарма дафтарчаси, коносамент, акция ҳамда қонун ҳужжатлари билан қимматли қоғозлар жумласига киритилган бошқа ҳужжатлар қиради. Қонунда назарда тутилган ҳар бир навбатдаги мулкларни аниқлаш учун қарздор юридик шахснинг баланс ахборотномасини талаб қилиб олиш лозим. Бунда мавжуд мол-мулкни баланс ахборотномасини маълумотлари билан солиштириб чиқиш лозим.

Қарздор юридик шахснинг мол-мулкани хатлаш ва рўйхатга олиш тегишли далолатнома билан расмийлаштиради. Далолатноманинг бир нусхаси қарздорга топширилади, қолган нусхалари эса ижро иши юритиш материалларига қўшиб қўйилади. Қарздор юридик шахснинг мол-мулкани хатлаш, баҳолаш, сақлаш ва реализация қилиш “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 47-56 моддаларида белгиланган умумий қоидалар асосида амалга оширилади⁴⁷.

4. Ундирув қарздор юридик шахснинг мол-мулкига қаратилганда ижрони таъминлаш чоралари

Қонунда қарздор юридик шахсга тегишли учинчи навбатда реализация қилинадиган мол-мулкка ижрони қаратишнинг алоҳида тартиби назарда тутилган. Бу шу билан боғлиқдирки ундирув кўчмас мулк объектлари, шунингдек хом ашё ва материаллар, дастгоҳлар, асбоб – ускуналар, ишлаб чиқаришда бевосита қатнашишга мўлжалланган бошқа асосий воситаларга нисбатан қаратилиши қарздор юридик шахснинг банкрот бўлишига олиб келиши мумкин. Бу

47 Бу масалалар олдинги бобда ёритилган.

айниқса давлатга қарашли бўлган ижтимоий аҳамиятга молик ишлаб чиқариш билан шуғуланувчи корхоналар фаолиятининг тўхтаб қолишига сабабчи бўладиган бўлса, жамиятда турли норозичиликлар келтириб чиқариши мумкин.

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 61 - моддаси 1 қисмида белгилаб қўйилганидек, учинчи навбатда реализация қилинадиган давлатга қарашли мол-мулк хатлаб қўйилганда суд ижрочиси хатлаш амалга оширилгандан кейин уч кунлик муддат ичида хатланган мол-мулкнинг таркиби ва қиймати тўғрисидаги, шунингдек ундирувчининг талаблари суммаси тўғрисидаги маълумотларни илова қилган ҳолда қарздорнинг мол-мулки хатланганлиги ҳақидаги хабарномани давлат мулкни тасарруф этиш ваколатига эга органнинг тегишли ҳудудий бўлинмасига юборади. Мазкур хабарноманинг нусхаси қарздор юридик шахс томонидан бюджетга тўловлар ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар амалга оширилишини назорат қилувчи солиқ органига юборилади.

Қарздорнинг мол-мулки хатланганлиги ҳақидаги хабарномага ўзида хатланган мол-мулкнинг таркиби, баҳоси ҳақида батафсил маълумотларни ва ундирувчининг талаблари суммасини акс эттирувчи мол-мулкни хатлаш ва рўйхатга олиш далолатномасининг нусхаси илова қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Суд ижрочиси ижро этишни кечиктириш ҳақидаги масала ҳал бўлганидан кейин қарздор юридик шахснинг ночорлиги (банкротлиги) тўғрисида иш қўзғатишга ваколатли бўлган хўжалик судига бундай иш қўзғатилган ёки йўқлиги ҳақида хабар беришликни сўраб сўровнома юборади.

Қарздор юридик шахснинг ночорлиги (банкротлиги) тўғрисидаги иш бўйича хўжалик судида иш юритиш қўзғатилган бўлса, ижро иши юритиш ва ундирув қаратилган мол-мулкни реализация қилиш масаласи иш мазмунан хўжалик суди томонидан кўриб чиқилгунга қадар тўхтатиб турилади.

5. Қарздор юридик шахс қайта ташкил этилганда ва тугатилганда ундирувни қаратиш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 49 - моддаси 5 қисмига кўра, қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш ҳолларини истесно қилганда, янгидан вужудга келган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, юридик шахс қайта ташкил этилган ҳисобланади.

Юридик шахс унга бошқа юридик шахснинг қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этилганида қўшиб олинган юридик шахснинг фаолияти тўхтатилгани ҳақидаги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилган пайтдан бошлаб юридик шахс қайта ташкил этилган ҳисобланади. Қарздор юридик шахс қайта ташкил этилгани ёки қайта ташкил этилаётганлиги ҳақида маълумотлар бўлган тақдирда суд ижрочиси қарздор юридик шахснинг қайта ташкил этилиши шаклини аниқлаш учун юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга сўровнома юборади ва олинган жавобга қараб зарурият бўлганда “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 12 - моддасида белгиланган тартибда қарздорни унинг ҳуқуқий вориси билан алмаштиради. Ижро иши юритиш тарафлари алмаштирилгандан сўнг ижро умумий қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

Қонунда қарздор юридик шахс қайта ташкил этилган (қўшиб юборилган, қўшиб олинган, бўлинган, ажратиб чиқарилган, ўзгартирилган) тақдирда, ижро ҳужжатлари бўйича ундирув қарздор юридик шахснинг мажбуриятлари юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ зиммасига жавобгарлик юклатилган юридик шахснинг пул маблағлари ва бошқа мол-мулкига қаратилиши белгилаб қўйилган.

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 62 - моддаси 2 қисмига кўра хўжалик судининг қарздорни банкрот деб топиш ва тугатиш ишини юритишни очиш тўғрисидаги қарорининг кўчирма нусхаси олинганда, шунингдек рўйхатдан ўтказувчи органдан қарздорнинг ихтиёрий тугатиш жараёнида эканлиги тўғрисида хабарнома олинганда суд ижрочиси ижро иши юритишни тамомлайди, бундан мулк ҳуқуқини эътироф этиш тўғрисидаги, маънавий зиённи компенсация қилиш ҳақидаги, мол-мулкни ўзга шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш тўғрисидаги, асоссиз орттирилган бойликни қайтариш тўғрисидаги, битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ва уларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш ҳақидаги ижро иши юритишлар мустасно. Ижро иши юритишни тугатиш билан бир вақтда суд ижрочиси ижро иши юритиш давомида қарздорнинг мол-мулкига ўзи қўйган хатловларни ва ушбу мол-мулкни тасарруф қилишга доир бошқа чекловларни олиб ташлайди.

Ижро иши юритиш тамомланган ижро ҳужжатлари суд ижрочисининг ижро иши юритишни тамомлаш тўғрисидаги қарорининг кўчирма нусхаси билан биргаликда ижро иши юритиш тамомланган кундан эътиборан уч иш куни ичида тугатувчига юборилади. Суд ижрочиси ижро ҳужжати тугатувчига юборилганлиги ҳақида ундирувчига маълум қилади.

Юридик шахснинг тугатилиши Фуқаролик кодексининг 53 - моддаси 1 қисмига мувофиқ унинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсга ўтмасдан бекор қилинишига олиб келади. Юридик шахснинг тугатилганлиги фактини ва тугатувчининг жойлашган жойини аниқлаш мақсадида суд ижрочиси юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга сўровнома юборади. Сўровномада суд ижрочиси юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига юридик шахсни тугатилганлиги ёки тугатиш жараёнида турганлиги ҳақида маълумот беришликни сўрайди.

Сўровномага жавоб олгач суд ижрочиси ижро ҳужжатларини тугатувчига юборади ва бу ҳақида ундирувчига хабар беради.

6. Ким ошди савдосини ўтказишга тайёргарлик кўриш

Қарздорнинг кўчмас мулкни ким ошди савдосида сотиш ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан ташкил этилади ва ўтказилади.

Тегишли биржа билан тузилган шартнома ва (ёки) ким ошди савдосига қўйиладиган мол-мулкнинг ёки мулкрий ҳуқуқларнинг дастлабки (бошланғич) баҳоси кўрсатилган буюртма аукцион шаклидаги ким ошди савдосини ўтказиш учун асос бўлади.

Буюртмага қуйидагилар илова қилинади:

- ижро ҳужжатининг кўчирма нусхаси;
- суд ижрочиси тузган мол-мулкни ёки мулкрий ҳуқуқни хатлаш далолатномасининг кўчирма нусхаси ёхуд суд ижрочисининг уларни хатлаш тўғрисидаги қарорининг кўчирма нусхаси;

- мол-мулкни тавсифловчи ҳужжатлар, шу жумладан баҳолаш тўғрисидаги хулосанинг, автотранспорт воситасини ёки кўчмас мулкни кўздан кечириш далолатномасининг кўчирма нусхалари;

- мол-мулкка эгалик ҳуқуқини ва мол-мулкка бўлган бошқа ашёвий ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари.

Кўчмас мулкни узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқини сотишда суд ижрочиси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 63 - модданинг учинчи қисмида кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда қуйидагиларни илова қилади:

- ижара шартномасининг кўчирма нусхаси;
- ижара шартномасини рўйхатдан ўтказганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг кўчирма нусхаси;

- ижарага берувчининг ундирувни узоқ муддатли ижара ҳуқуқига қаратишга розилигини тасдиқловчи ҳужжат ёки агар ижара ҳуқуқи ижарага олувчи томонидан аукцион шаклидаги ким ошди савдоси натижасида олинган бўлса, узоқ муддатли ижара ҳуқуқини ижарага берувчининг розилигисиз ўтказиш имконини берувчи ҳужжат.

Қурилиши тугалланмаган объектни сотишда суд ижрочиси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 63 - модданинг учинчи қисмида кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда қуйидагиларни илова қилади:

- ер участкаси ажратиб бериш тўғрисидаги қарорнинг кўчирма нусхаси;
- тегишли давлат органининг қурилиш учун рухсатномасининг кўчирма нусхаси.

Ер участкасини ва ер участкасига бўлган мулкрий ҳуқуқларни сотишда суд ижрочиси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 63 - модданинг учинчи қисмида кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларнинг ва ер участкаси чизмасининг кўчирма нусхаларини илова қилади.

Аукцион шаклидаги ким ошди савдолари нархнинг ошиб бориши тамойили асосида ўтказилади.

Қуйидаги ҳолларда аукцион шаклидаги ким ошди савдоси амалга ошмаган деб топилади, агар:

- аукционга иккитадан кам харидор келса;
- аукционнинг иштирокчиларидан биронтаси мол-мулкни ёхуд мулккий ҳуқуқни эълон қилинган дастлабки нархда сотиб олиш истагини билдирмаса;
- аукцион ғолиби аукцион натижалари тўғрисидаги баённомани имзолашдан бош тортса ёки реализация қилинган мол-мулкнинг ёхуд мулккий ҳуқуқнинг қийматини белгиланган муддатда тўлиқ тўламаса.

VII МАВЗУ. ҚАРЗДОРНИНГ ИШ ҲАҚИ ВА УНГА ТЕНГЛАШТИРИЛГАН ТЎЛОВЛАРГА НИСБАТАН УНДИРУВ

1. Ундирувни қарздорнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларга қаратиш. Ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган суммалар
2. Ундирувни жазони ўтаётган қарздорнинг иш ҳақига қаратиш
3. Алиментлар ва алимент мажбуриятлари бўйича қарзларни ундириш тартиби

1. Ундирувни қарздорнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларга қаратиш. Ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган суммалар

Қарздор жисмоний шахсларга нисбатан мулккий ундиришга оид ижро ҳужжатларини мажбурий ижро этишнинг асосий тури ундирувни унинг мол-мулкига қаратишдир. “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 64 - моддасига мувофиқ ундирув қарздор жисмоний шахснинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларга фақат уч ҳолатдагина қаратилиши мумкин:

- 1) даврий тўловларни ундириш тўғрисидаги қарорларни ижро этишда;
- 2) энг кам иш ҳақининг икки бараваридан кўп бўлмаган миқдордаги, шу жумладан йиғма ижро иши юритишга бирлаштирилган ижро ҳужжатлари бўйича ушбу миқдордаги пул суммасини ундиришда;
- 3) ундирилаётган суммаларни тўлиқ узиш учун қарздорнинг мол-мулки бўлмаганда ёки унинг мол-мулки етарли бўлмаганда.

Суд ижрочиси қарздорнинг барча даромадларини, улар қайси манбадан келиб тушуши ва қандай ҳуқуқий мақомга эга эканлигидан қатъи назар, аниқлаши ва уларга ундирувни қаратиши лозим. Бунда суд ижрочиси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 7 - бобида кўрсатилган истеъснолар ва ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олиши керак.

Қарздор турли жойлардан олинadиган турли даромадларга эга бўлса, зарурият бўлган ҳолларда қарор қабул қилинган орган бир неча ижро ҳужжати бериши мумкин. Чунончи, Фуқаролик процессуал кодексининг 372 - моддасида, агар ижро турли жойларда ёки бир неча ундирувчининг фойдасига ёки бир неча қарздорга қарши амалга ошириладиган бўлса, суд ундирувчиларнинг илтимосига биноан ижро жоини ёки ҳал қилув қарори ижросининг ҳар бир ижро варақасига тегишли қисмини аниқ кўрсатган ҳолда бир неча ижро варақаси бериши назарда тутилган.

Суд ижрочиси қарздорнинг ижро қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки йўқлигини аниқланган ҳолларда “Ижро ишини юритиш ва суд ижрочилари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низомда назарда тутилган тартибда далолатнома тузади.

Суд ижрочисининг талаби ва у белгиланган муддатларда барча ташкилотлар, тадбиркорлик субъектлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар уларда қарздор ишлаётганлиги ва унинг иш ҳақи, шу жумладан бир пайтнинг ўзида тўланадиган тўловлар ҳақида суд ижрочисига хабар қилишга мажбурдирлар. Қарздор олаётган нафақа, стипендия, авторлик ҳуқуқи, ихтиро, рационализаторлик таклифи ва саонат наъмунаси ҳуқуқидан фойдаланганлиги учун олинган ҳақлар ҳақида ҳам худди шундай тартибда суд ижрочисига хабар қилинади.

Қарздор жисмоний шахсга иш ҳақи ёки бошқа унга тенглаштирилган тўловларни тўлаётган ташкилотлар ёки ўзга шахслар ундирувчидан ёхуд суд ижрочисидан ижро ҳужжатини

олган кундан эътиборан қарздор жисмоний шахснинг иш ҳақи ва бошқа даромадларидан пул маблағларини ижро ҳужжатидаги талабларга мувофиқ ушлаб қолиши шарт.

Қарздорга иш ҳақи ёки бошқа унга тенглаштирилган тўловларни тўлаётган ташкилот ёки ўзга шахс ушлаб қолинган пул маблағларини ундирувчига тўлов амалга оширилган кундан эътиборан уч кун ичида тўлаши ёки ўтказиши шарт. Пул маблағларини тўлаш ва ўтказиш қарздор ҳисобидан амалга оширилади.

Қарздор билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганда, у ўқишни битирганда (бошқа жойга ўтказилганда), пенсия ва бошқа даромадлар олиш жойидан кетганда, қарздор жисмоний шахсга иш ҳақи ёки бошқа унга тенглаштирилган тўловларни тўлаётган ташкилот ёки ўзга шахс бу ҳақда дарҳол суд ижрочисига хабар бериши ва амалга оширилган ундирувлар тўғрисида белги қўйилган ижро ҳужжатини унга қайтариши шарт.

Қарздор жисмоний шахс янги иш, ўқиш жойи, пенсия ва бошқа даромадлар олиш жойи тўғрисида дарҳол суд ижрочисига ва ундирувчига хабар бериши шарт.

Қарздорга иш ҳақи ёки бошқа унга тенглаштирилган тўловларни тўлаётган ташкилот ёки ўзга шахс ижро ҳужжатларининг ўз вақтида ва тўғри ижро этилишини, уларнинг ҳисобини ва сақланишини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган қарздор жисмоний шахсга иш ҳақи ёки бошқа унга тенглаштирилган тўловларни тўлаётган ташкилотлар ёки ўзга шахслар томонидан ижро ҳужжатларининг ижро этилиши қоидаларига мувофиқ ҳолда таъминлайди.

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 65 - моддасига мувофиқ қарздорнинг иш ҳақи ва тенглаштирилган тўловлардан ушлаб қолинадиган суммалар миқдори солиқлар ушлаб қолингандан кейин қолган суммадан ҳисоблаб чиқарилади. Бу шуни, англатадики қарздорнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлардан ушлаб қолинадиган суммалар миқдори қарздорнинг қўлига берилиши керак бўлган суммадан ҳисоблаб чиқарилади. Қарздорнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлардан амалга оширилган бошқа ушлаб қолишлар мазкур ижро ҳужжати бўйича амалга ошириладиган ушлаб қолинадиган сумма миқдорини белгилашда ҳисобга олинмайди, аммо уларнинг умумий миқдори қарздор иш ҳақининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Қарздонинг иш ҳақи унга тенглаштирилган тўловлардан ушлаб қолинадиган суммалар миқдори “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 66 - моддасида белгиланган. Унга кўра, ижро ҳужжатлари бўйича қарз тўлиқ узилгунга қадар, қарздорга тўланадиган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг кўпи билан эллик фоизи ушлаб қолиниши мумкин.

Алиментлар ундириш тўғрисидаги, майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлик, шунингдек боқувчисининг вафот этганлиги билан боғлиқ ҳолда кўрилган зарарни қоплаш тўғрисидаги ишлар бўйича ундирув фақат суднинг қарорига биноан вақтинча меҳнат қобилятини йўқотганда тўланадиган ижтимоий суғурта нафақаларига ва ишсизлик нафақаларига қаратилиши мумкин.

Бир неча ижро ҳужжати бўйича ундирув иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларга қаратилганда ҳамда ходимда иш ҳақининг эллик фоизи сақланиши лозим.

Суд ижрочиси қарздор жисмоний шахсга иш ҳақи ёки бошқа унга тенглаштирилган тўловларни тўлаётган ташкилот ёки ўзга шахс томонидан ижро ҳужжати талаблари бажарилиши устидан назоратни амалга оширади, шу жумладан ижро ҳужжати бўйича пул маблағларининг тўғри ушлаб қолиниши ва ўз вақтида ўтказилиши, уларнинг сақланишига ва ҳисобга олинишига доир белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ундирувчининг аризасига кўра ёки ўз ташаббуси билан текшириш ўтказади. Бундай текширишни ўтказишда қарздор жисмоний шахсга иш ҳақи ёки бошқа унга тенглаштирилган тўловларни тўлаётган ташкилот ёки ўзга шахс тегишли бухгалтерия ҳужжатларини ва бошқа ҳужжатларни суд ижрочисига тақдим этиши шарт.

Ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган суммалар. “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 69 - моддасига мувофиқ ундирув куйидаги пул суммаларига қаратилиши мумкин эмас:

- майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлик, шунингдек боқувчисининг вафот этганлиги сабабли кўрилган зарарни тўлаш суммаларига;

- хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида майиб бўлган (яраланган, шикастланган, контузияга учраган) шахсларга ва мазкур шахслар ҳалок бўлган (вафот этган) тақдирда уларнинг оила аъзоларига тўланадиган суммаларга;

- бола туғилганлиги муносабати билан тўланадиган суммаларга;

- алимент мажбуриятлари бўйича тўланадиган суммаларга;
- меҳнат шароити ноқулай ва ўзига хос бўлган ишлар учун тўланадиган суммаларга, шунингдек радиация таъсирига учраган шахсларга ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда тўланадиган суммаларга;
- ҳомиладорлик ва туғиш бўйича тўланадиган нафақа суммаларига;
- дафн этиш маросими учун бериладиган нафақа суммаларига;
- қисман ҳақ тўланадиган таътил даврида болани парваришлаш учун тўланадиган суммаларга;
- бола туғилиши, қариндошлар вафот этиши, никоҳ тузиш муносабати билан корхона, муассаса ёки ташкилот томонидан тўланадиган суммаларга;
- хизмат сафари, бошқа жойга ишга ўтказилганлиги, қабул қилинганлиги ёки юборилганлиги муносабати билан тўланадиган суммаларга;
- меҳнатга оид муносабатлар бекор қилинганда ишдан бўшатиш нафақаси тариқасида тўланадиган суммаларга.

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 68 - моддасига мувофиқ алиментлар ундириш тўғрисидаги, майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлик, шунингдек, боқувчисининг вафот этганлиги билан боғлиқ ҳолда кўрилган зарарни қоплаш тўғрисидаги ишлар бўйича ундирув фақат суднинг қарорига биноан вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганда тўланадиган ижтимоий сугурта нафақаларига ва ишсизлик нафақаларига қаратилиши мумкин.

2. Ундирувни жазони ўтаётган қарздорнинг иш ҳақиға қаратиш

Ундирувни жазони ўтаётган қарздорнинг иш ҳақиға қаратиш ўзига хос хусусиятларига эга бўлиб, бу хусусиятлар “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 67 - моддасида ўз аксини топган. Қонунга кўра, ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсдан ижро ҳужжатлари бўйича ундирув суд ҳукми ёки қарорига кўра амалга оширилган ушлаб қолиш суммасини ҳисобга олмаган ҳолда иш ҳақининг тўлиқ суммаси ҳисобидан амалга оширилиши лозим.

Жазони ижро этиш колонияларида, тарбия колониялари ва қамоқхоналарда жазо ўтаётган шахслардан, шунингдек тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ижро этувчи муассасаларда сақланаётган шахслардан ундирув бутун иш ҳақидан, иш ҳақининг уларнинг мазкур муассасалардаги таъминоти бўйича ҳаражатларни қисман қоплаш учун ажратиладиган қисмини ҳам қўшган ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 46 - моддасига мувофиқ ахлоқ тузатиш ишлари шахс иш ҳақининг 10 фоизидан 30 фоизигача миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда уни меҳнатга мажбуран жалб қилишдан иборатдир. Шундай қилиб, суд ҳукми ёки қарорига кўра ахлоқ тузатиш ишларига маҳкум қилинган шахсдан, бир неча ижро варақалари мавжуд бўлган тақдирда унинг иш ҳақидан ушлаб қолиш умумий суммаси иш ҳақининг 80 фоизигача бўлиши мумкин. Жазони ижро этиш калонияларида, тарбия калониялари ва қамоқ хоналарида жазо ўтаётган, худди шунингдек тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ижро этувчи муассаларида сақланаётган шахслардан ундирув бутун иш ҳақидан юқорида кўрсатилган шартларда амалга оширилади. Бунда ижро ҳужжатлари бўйича ундирув миқдорини ҳисоблаб чиқишда кўрсатилган шахсларнинг иш ҳақининг ундирув қаратиладиган қисмига уларнинг мазкур муассасаларидаги таъминоти бўйича ҳаражатларни қисман қоплаш учун ажратиладиган қисмини ҳам қўшиб ҳисоблаган ҳолда амалга оширилади.

Ижро ҳужжатларини ижроға қаратишда шуни ҳам эътиборга олиш керакки Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроға кодексининг 92 - моддаси 3 қисмига кўра барча чегирмалардан қаъти назар, маҳкумлар шахсий ҳисоб варағига уларга ёзилган иш ҳақининг камида 25 фоизи, 60 ёшдан ошган эркекларнинг, 55 ёшдан ошган аёлларнинг, I ва II гуруҳ ногиронларининг, ҳомиладор аёлларнинг ҳамда жазони ижро этиш муассасалари қошидаги болалар уйида боласи бор аёлларнинг, шунингдек, манзил калониялар ва тарбия калонияларидаги маҳкумларнинг ҳисоб варағига эса, камида 50 фоизи ўтказиб қўйилади.

Фикримизча, “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 67 -моддаси нормаларини қўллашда қарздорнинг иш ҳақидан ундирув Жиноят-ижроға кодексининг юқорида келтирилган талаблари эътиборга олинган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Ахлоқ тузатиш ишлари ва бошқа турдаги жазоларни ўтаётган шахслардан фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлиги тартибида ижро ҳужжатлари бўйича иш ҳақидан ундирув амалга оширилиши, агарда кўрсатилган шахсларнинг бошқа даромадлари бўлмаса қарздорни ва унинг оила аъзоларини оғир моддий аҳволга солиб қўйиши мумкин. Бундай ҳолларда қарздор ижро ҳужжатлари ижросини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб ижро этиш масаласида ижро ҳужжати берган суд ёки бошқа органга мурожаат қилиши мумкин.

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 67 - моддаси нормалари шу қонуннинг 7 - бобидаги бошқа нормалар талабини ҳисобга олган ҳолда шарҳланиши керак. Кўрсатилган модда нормаларини айнан шарҳлаш ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган ёки жазони ижро этиш калонияларида, тарбия калониялари ва қамоқ хоналарида жазо ўтаётган шахслардан, шунингдек тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ижро этувчи муассасаларда сақланаётган шахслардан ижро ҳужжатлари бўйича ундирув фақат уларнинг иш ҳақиға қаратилиши мумкин деган хулосага олиб келиши мумкин. Аммо бундай хулоса хато бўлади, чунки Қонуннинг 7 - боби (67 - модда ҳам шу бобга жойлаштирилган) ундирувни қарздорнинг фақат иш ҳақиға эмас, балки унга тенглаштирилган тўловларга ҳам қаратишни назарда тутди. Бундан ташқари, умумий қоидага кўра ундирув қарздорнинг барча даромадларига қаратилади. Жазони ўтаётган ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ижро этувчи муассасаларида сақланаётган шахслар иш ҳақидан ташқари бошқа даромадларига ҳам эга бўлиши мумкин. Масалан, улар даромад келтирувчи турли корхоналарига эга бўлиши, дивидентлар олиши ва бошқалар. Табиийки ундирув бундай даромадларига ҳам қаратилади.

3. Алиментлар ва алимент мажбуриятлари бўйича қарзларни ундириш тартиби

Алиментларни ва алимент мажбуриятлари бўйича қарзларни ундириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси қоидалари билан тартибга солинади. Бу масалага Оила кодексининг 18 боби бағишланган.

Алиментни ихтиёрий тўлаш. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 135 - моддасига мувофиқ алимент тўлаши шарт бўлган шахс алиментни ихтиёрий равишда шахсан ёки ўз аризасига мувофиқ ишлаб турган жойида ёхуд пенсия, нафақа, стипендия ва бошқа турдаги маблағ олаётган жойида тўлайди.

Алиментнинг ихтиёрий равишда тўлаб турилиши алимент ундирувчини алимент ундириш ҳақидаги даъво ёки ариза билан хоҳлаган вақтда судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

Алиментни суд тартибида ундириш. Алимент олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс, алимент талаб қилиш ҳуқуқи вужудга келганидан сўнг қанча муддат ўтганидан қатъи назар, хоҳлаган вақтда алимент ундириш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Мазкур шахс, низо бўлмаган тақдирда, вояга етмаган болалар учун алимент ундириш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақли бўлиб, бу ариза буйруқ тартибида иш юритиш тарзида кўриб чиқилади.

Алимент судга мурожаат этилган пайтдан бошлаб ундирилади.

Агар таъминот учун маблағ олиш чоралари судга мурожаат қилингунга қадар кўрилганлиги, аммо алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг уни тўлашдан бош тортганлиги оқибатида алимент олинмаганлиги суд томонидан аниқланса, ўтган давр учун алимент судга мурожаат этилган пайтдан бошлаб уч йиллик муддат доирасида ундириб олиниши мумкин.

Алимент ундириш ҳақидаги ижро ҳужжатлари ва уларни ижрога топшириш муддатлари. Қонунга кўра, алимент ундириш ҳақидаги ижро ҳужжатларига қуйидагилар киради:

- фуқаролик ишлари бўйича судларнинг қарорлари асосида бериладиган ижро варақалари;
- суд буйруқлари;
- алиментлар тўлаш тўғрисидаги нотариал тарзда тасдиқланган келишувлар.

Вояга етмаган болалар учун алиментлар ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари бола 18 ёшга тўлгунга қадар ижрога топширилиши мумкин. Бола вояга етганидан сўнг алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари алимент мажбуриятлари бўйича қарзларни ундириш учунгина ижрога топширилиши мумкин. Бунда, ижро варақасини ижрога топширишнинг уч йиллик муддатига риоя қилинади.

Алиментлар ундириш ҳақидаги ижро ҳужжатлари бўйича ижро иши юритишни кўзғатиш. Алиментлар ундириш ҳақидаги ижро ҳужжатлари ундирувчи томонидан Суд

департаментининг худудий бошқармасига ёки қарздорнинг яшаш жойи ёки иш жойи ёхуд унинг мол-мулки жойлашган жойдаги туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлимига ижро этиш учун топширилади. Агарда ижрога топширилган ижро ҳужжати “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 8 - моддаси талабларига жавоб берса, суд ижрочиси унга алиментлар ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати келиб тушганидан сўнг уч кундан кечиктирмасдан ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисида қарор чиқаради.

Қонунда алиментлар ундириш ҳақидаги ижро ҳужжатлари дарҳол ижро этилиши белгиланганлиги туфайли бу ҳужжатлар бўйича ижро иши юритиш қўзғатилганда қарздорга ихтиёрий ижро этиш учун муддат белгиланмайди.

Суд ижрочисининг ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисидаги қарори, у чиқарилган куннинг эртасидан кечкитирилмасдан ундирувчига, қарздорга, шунингдек, ижро ҳужжатини берган судга юборилади. Агарда алимент тўлаш мажбурияти юкланган шахс доимий иш жойига эга бўлса, суд ижрочиси ижро варақасини ундирувни унинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларга қаратиш учун унинг иш жойига юборади.

Иш берувчининг (ташкilot маъмуриятининг) алимент ушлаб қолиш мажбурияти. Алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг иш жойидаги иш берувчи ёки пенсия, нафақа, стипендия олаётган жойидаги ташкilot маъмурияти алимент тўлаш тўғрисидаги нотариал тартибда тасдиқланган келишувга ёки ижро варақасига асосан алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг иш ҳақидан ва (ёки) бошқа даромадидан ҳар ойда алимент ушлаб қолиб, алимент тўлаши шарт бўлган шахсга иш ҳақи тўланган ва (ёки) бошқа даромадлар олинган кундан бошлаб, уч кундан кечиктирмай алимент олувчи шахсга алимент тўлаши ёки алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг ҳисобидан унга ўтказиши шарт.

Алимент тўловчининг иш, ўқиш жойи ва турар жойи ўзгарганлиги ҳақида хабар қилиш мажбурияти. Суднинг ҳал қилув қарори ёки алимент тўлаш тўғрисидаги нотариал тартибда тасдиқланган келишув бўйича алимент ушлаб қолиши лозим бўлган иш берувчи (ташкilot маъмурияти) алимент тўловчи шахс билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақида, шунингдек, унинг янги иш, ўқиш жойи ёки турар жойи унга маълум бўлса, бу ҳақда суднинг ҳал қилув қарори ижро этиладиган жойдаги суд ижрочисига ёки алимент олувчи шахсга уч кун муддат ичида хабар бериши шарт.

Алимент тўлаши шарт бўлган шахс ўз иш, ўқиш жойи ёки турар жойини ўзгартирганлиги ҳақида, шунингдек қўшимча иш ҳақи ёки бошқа даромади тўғрисида суд ижрочисини ҳамда алимент олувчи шахсни уч кун муддат ичида хабардор қилиши шарт.

Юқорида кўрсатилган маълумотларни белгиланган муддатда узрсиз сабабларга кўра хабар қилмаган тақдирда, айбдор мансабдор шахс ва алимент тўловчи шахс қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Алимент қарзини ундириш. Алимент қарзи алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадидан ундирилади. Иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромад етарли бўлмаганда, алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг банклар ва бошқа кредит ташкilotларидаги ҳисобварақларида турган пул маблағидан, тижорат ва тижоратчи бўлмаган ташкilotларга шартнома асосида ўтказилган пул маблағидан ундирилади, мулк ҳуқуқининг ўтишига олиб келувчи шартномалар бундан мустасно. Бу маблағ етарли бўлмаганда ундириш алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг қонун бўйича ундириш қаратилиши мумкин бўлган ҳар қандай мол-мулкига қаратилади.

Ундириш алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг ҳисоб варақларидаги пул маблағига ва унинг бошқа мол-мулкига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қаратилади.

Алимент тўлаш тўғрисидаги нотариал тартибда тасдиқланган келишув ёки ижро варақаси асосида ўтган даврдаги алимент қарзи ижро варақаси ёки алимент тўлаш тўғрисидаги келишув алимент ундириш учун тақдим қилингунга қадар ўтган уч йилдан ортиқ бўлмаган муддат учун ундирилади.

Алиментлар ижро варақаси ёки алимент тўлаш тўғрисидаги нотариал тартибда тасдиқланган келишув бўйича алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг айби билан ундирилмаган бўлса, алиментлар кўрсатилган уч йиллик муддатдан қатъи назар, ўтган барча вақт учун ундирилади.

Алимент қарзининг миқдорини белгилаш. Алимент қарзининг миқдори суд ижрочиси томонидан суднинг ҳал қилув қарори ёки алимент тўлаш тўғрисидаги нотариал тартибда тасдиқланган келишувда белгиланган алимент миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 99-моддасига асосан вояга етмаган болаларга тўланадиган алимент қарзининг миқдори алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромади миқдоридан келиб чиққан ҳолда алимент ундирилмаган вақт учун ҳисоблаб чиқилади. Агар алимент тўлаши шарт бўлган шахс шу даврда ишламаган бўлса ёки унинг иш ҳақи ва (ёки) даромадини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилинмаган бўлса, алимент қарзи ундирилаётган вақтда алимент Ўзбекистон Республикасидаги ўртача ойлик иш ҳақи миқдори бўйича ҳисоблаб чиқилади. Агар қарзни бундай белгилаш тарафлардан бирининг манфаатларига жиддий путур етказса, манфаатларига путур етказилган тараф судга мурожаат қилишга ҳақлидир. Суд тарафларнинг моддий ва оилавий аҳволини ва бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларни инобатга олиб, қарзнинг пул билан тўланадиган қатъий суммасини белгилаши мумкин.

Алиментни ўз вақтида тўламаганлик учун жавобгарлик. Алимент тўлаш тўғрисидаги келишувга мувофиқ алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг айби билан қарз вужудга келган бўлса, айбдор шахс ушбу келишувда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Суднинг ҳал қилув қарорига ёки буйруғига кўра, алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг айби билан қарз вужудга келган бўлса, айбдор шахс кечиктирилган ҳар бир кун учун тўланмай қолган алимент суммасининг ўндан бир фоизи миқдоридан алимент олувчига неустойка тўлайди.

Алимент олувчи алимент ўз вақтида тўланмаганлигида айбдор алимент тўлаши шарт бўлган шахсдан алимент тўлаш мажбуриятларини ўз вақтида бажармаганлик оқибатида етказилган барча зарарларнинг неустойка билан қопланмаган қисмини ундиришга ҳам ҳақлидир.

Қарздор алимент тўлашдан бош тортиш мақсадида ўз иш, ўқиш жойи ёки турар жойи ўзгарганлиги ҳақида, шунингдек, қўшимча иш ҳақи ёки бошқа даромади тўғрисида хабар бермаган ёки ёлғон маълумотлар тақдим этган тақдирда суд ижрочиси Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 198-2 - моддасига мувофиқ ўз қарори билан қарздорга энг кам иш ҳақининг ўн бараваригача миқдоридан жарима солади. Агарда қарздор алимент тўлашдан уч ойдан ортиқ муддат давомида бош тортса, суд ижрочиси жавобгарга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 122 - моддаси билан жиноят иши қўзғаш масаласида Суд департаментининг ҳудудий бошқармасига тақдимнома киритиши шарт. Тақдимномага қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши керак:

- ундирувчининг аризаси ёки суд ижрочисининг билдиргиси;
- ижро варақаси ва суд қарори ёки суд буйруғининг нусхаси;
- ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисидаги қарорнинг нусхаси;
- алиментлар бўйича қарздорлик миқдорини аниқлаш ҳақидаги суд ижрочисининг қарори;
- қарздор Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 122 - моддаси билан жавобгарлик ҳақида огоҳлантирилганлиги тўғрисидаги ҳужжатнинг нусхаси;
- қарздорнинг алиментларни тўламаганлиги сабаблари ҳақидаги тушунтириш хати (агар бундай тушунтиришни олиш имкони бўлган бўлса).

Қарздорга нисбатан жиноят иши қўзғатилиши ижро ҳужжатларини ижро этиш бўйича мажбурий ижро этиш чораларининг тўхтатилиши ёки тугатилишига олиб келмайди.

Қарздорнинг яшаш жойи номалум бўлганда суд ижрочиси ўз ташаббуси билан ёки ундирувчининг аризасига кўра қарздорга қидирув эълон қилади. Суд ижрочисининг қарздорнинг қидириш тўғрисидаги қарори катта суд ижрочиси томонидан тасдиқланади. Қарздорни қидириш тўғрисидаги қарор чиқарилган кундан уч кундан кечиктирилмасдан қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган ҳолда тегишли туман (шаҳар) ички ишлар бўлимига юборилади:

- қарздорни қидириш ҳақида ундирувчининг аризаси (агар бундай ариза бўлса);
- ижро ҳужжатининг нусхаси;
- алиментлар бўйича қарздорлик миқдорини аниқлаш ҳақидаги суд ижрочисининг қарори;
- қарздорнинг ҳисобга турган жойида йўқлигини тасдиқловчи далолатноманиннг нусхаси;
- қарздорни суд ижрочиси томонидан кўрилган чоралар билан топиш имкони бўлмаганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар.

Алиментни ҳисобга ўтказишга ва қайтариб олишга йўл қўйилмаслиги. Алимент қарши қўйилган бошқа талаблар билан ҳисобга ўтказилиши мумкин эмас.

Алиментни қайтариб олишга йўл қўйилмайди, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- алимент олувчи томонидан ёлғон маълумотлар бериш ёки қалбаки ҳужжатлар тақдим этиш оқибатида алимент ундириш тўғрисида чиқарилган суднинг ҳал қилув қарори бекор қилинганда;

- алимент олувчи томонидан алдаш, қўрқитиш ёки зўрлик таъсири остида тузилган алимент тўлаш тўғрисидаги келишув ҳақиқий эмас деб топилганда;

- алимент тўланишига асос бўлган суднинг ҳал қилув қарори, алимент тўлаш тўғрисидаги келишув ёки ижро варақаси қалбакилиги факти суд ҳукми билан аниқланганда.

Агар юқорида кўрсатилган ҳаракатлар, вояга етмаган боланинг ёки вояга етган муомалага лаёқатсиз алимент олувчининг вакили томонидан содир этилган бўлса, алимент қайтариб олинмайди, тўланган алимент суммалари эса, алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг даъвосига кўра айбдор вакилдан ундирилади.

Алиментни индексация қилиш. Суднинг ҳал қилув қарорига асосан пул билан тўланадиган қатъий суммада ундирилаётган алиментларни индексация қилиш алиментлар ушлаб қолинаётган жойда қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам ойлик иш ҳақиға мутаносиб равишда амалға оширилади.

Индексация қилиш мақсадида алиментнинг миқдори суд томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг муайян қисмиға мос равишда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланади.

Алимент тўлаши шарт бўлган шахс чет давлатға кетаётганида алимент тўланиши. Алимент тўлаши шарт бўлган шахс доимий яшаш учун ёки уч ойдан ортиқ муддатға чет давлатға кетаётганида қонунға мувофиқ ўзи таъминот бериши лозим бўлган алимент олувчилар билан Оила кодексининг 130-134-моддаларига асосан алимент тўлаш тўғрисида келишув тузиши шарт.

Алимент тўлаш тўғрисида келишувға эришилмаган тақдирда шахс алимент миқдорининг пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланиши ва алиментни бир йўла тўлаш тўғрисида ёки алимент эвазига муайян мол-мулкни бериш ёхуд алиментни бошқа усулда тўлаш тўғрисидаги талаб билан судға мурожаат қилишға ҳақли.

VIII МАВЗУ. МУЛКИЙ ХУСУСИЯТГА ЭГА БЎЛМАГАН НИЗОЛАР БЎЙИЧА ИЖРО ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ

1. Қарздорға муайян ҳаракатларни амалға ошириш ёки уларни амалға оширишдан ўзини тийиш мажбуриятини юқловчи ижро ҳужжатларини ижро этишнинг умумий шартлари
2. Ишға тиклаш тўғрисидаги ижро ҳужжатини ижро этиш
3. Қарздорни кўчириш тўғрисидаги ижро ҳужжатини ижро этиш
4. Иморатни бузиб ташлаш тўғрисидаги ижро ҳужжатини ижро этиш
5. Ер участкасини олиб қўйиш ва ўтказиш тўғрисидаги ижро ҳужжатини ижро этиш
6. Ундирувчини кўчириб киритиш тўғрисидаги ижро ҳужжатини ижро этиш

1. Қарздорға муайян ҳаракатларни амалға ошириш ёки уларни амалға оширишдан ўзини тийиш мажбуриятини юқловчи ижро ҳужжатларини ижро этишнинг умумий шартлари

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 71 - моддаси 1 қисмиға мувофиқ суд ижрочиси қарздорға муайян ҳаракатларни амалға ошириш ёки уларни амалға оширишдан ўзини тийиш мажбуриятини юқловчи ижро ҳужжати бўйича ижро иши юритишни кўзғатаётганда уларни ихтиёрий равишда ижро этиш учун унга беш кунлик муддат белгилайди.

Бунда икки ҳолатни назарда тутиш керак:

биринчидан, суд ижрочиси мулкый хусусиятларға эга бўлмаган ижро ҳужжатлари бўйича ижро иши юритишни кўзғатиш тўғрисида қарор чиқаришда ижро ҳужжатининг ўзида уни ижро этиш муддатлари кўрсатилмаган ҳоллардагина уни ихтиёрий равишда ижро этиш учун беш кунлик муддат белгилайди;

иккинчидан, мулкый хусусиятларға эга бўлмаган ижро ҳужжатлари бўйича ижро иши юритишни кўзғатиш тўғрисидаги қарорда қарздорға ижро ҳужжати талаблари ихтиёрий ижро

этиш учун белгиланган муддатда ижро этилмаган тақдирда қарздордан ижро йиғими (жисмоний шахслардан – энг кам иш ҳақининг беш баробари, юридик шахслардан эса – энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдоридан) ундирилиши тушунтирилиши керак.

Суд жавобгар зиммасига мол-мулк ёки пул бериш билан боғлиқ бўлмаган муайян ҳаракатларни бажариш мажбуриятини юклайдиган ҳал қилув қароридан, агар жавобгар ҳал қилув қарорини белгиланган муддатда бажармаса, даъвогар бу ҳаракатларни жавобгарнинг ҳисобидан бажариб, қилган ҳаражатларини кейинчалик жавобгардан ундириб олишга ҳақлидир, деб кўрсатиши мумкин. Агар мазкур ҳаракатлар фақат жавобгар томонидан бажарилиши мумкин бўлса, суд ҳал қилув қароридан уни бажариш лозим бўлган муддатни белгилаб қўяди (ФПКнинг 211 моддаси).

Ижро ҳужжатида уни ижро этмаслик оқибатлари кўрсатилиши мумкин. Бундай ҳолларда суд ижрочиси ихтиёрий ижро учун белгиланган муддат ичида ижро ҳужжатининг талаблари бажарилмаганлигига ишонч ҳосил қилгач, бу ҳақида далолатнома тузади. Суд ижрочиси бу далолатномани, ижро ҳужжатида кўрсатилган оқибатларини қўллаш учун, ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа органга юборади. Бунда суд ижрочиси ижро ҳужжатини суд ёки уни берган бошқа органга қайтариш тўғрисида қарор чиқаради.

Суд ижрочиси ижро ҳужжатининг ўзи белгилаган муддатда ихтиёрий равишда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади.

Қарздор ижро ҳужжатининг талабларини суд ижрочиси томонидан белгиланган муддатда узрсиз сабабларга кўра ижро этмаган тақдирда, суд ижрочиси қарздорга нисбатан маъмурий жазо қўллайди, суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлаган тақдирда эса уни жиноий жавобгарлик тўғрисида ёзма шаклда огоҳлантиради. Қарздор шундан сўнг ҳам ижро ҳужжатини ижро этишдан бўйин товлаган тақдирда, суд ижрочиси қонунда белгиланган тартибда уни жиноий жавобгарликка тортиш чораларини кўради.

Агарда ижро ҳужжатини қарздорнинг иштирокисиз ижро этиш имкони бўлса, суд ижрочиси ижрони ундирувчи томонидан бўнак тарзида ўтказилган маблағлар ҳисобига амалга оширади, ижро ҳаражатлари қарздордан ундириб олинади.

Қарздорнинг ижро ҳужжатини унинг ихтиёрий равишда ижро этилиши учун белгиланган муддатда узрсиз сабабларга кўра ижро этмаслиги ёки унинг зиммасига муайян ҳаракатларни содир этиш ёхуд уларни содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини юкловчи ижро ҳужжатини узрсиз сабабларга кўра суд ижрочиси белгилаган муддатда ижро этилмаслиги, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига, муайян ҳаракатларни содир этиш ёхуд уларни содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини юкловчи суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлани маъмурий жазо қўлланилганидан кейин давом эттириш, шунингдек суд ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилганлик учун айбдор шахслар, энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ билан жазоланиши назарда тутилган.

Ўша қилмишлар мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч ойдан олти ойгача қамоқ ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

2. Ишга тиклаш тўғрисидаги ижро ҳужжатини ижро этиш

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари фуқаролар меҳнат ҳуқуқларининг ишончли қафолатларини назарда тутаяди. Жумладан, Меҳнат кодексининг 111 - моддасига мувофиқ меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинган ёки ходим ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ҳолларда, у иш берувчининг ўзи, суд ёки бошқа ваколатли орган томонидан аввалги ишига тикланиши лозим.

Ишга тикланганда иш берувчига ходимга етказилган зарарни қоплаш мажбурияти юклатилади.

Зарарни қоплаш:

- мажбурий прогул вақти учун ҳақ тўлаш шартлигидан (Меҳнат кодексининг 275-моддаси);

- меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ёки ходим бошқа ишга ўтказилганлиги устидан шикоят қилиш билан боғлиқ қўшимча харажатлар (мутахассислардан маслаҳат олиш, иш юритиш учун кетган харажатлар ва бошқалар) учун компенсация тўлашдан;

- маънавий зарар учун компенсация тўлашдан иборатдир. Маънавий зарар учун тўланадиган компенсациянинг миқдори иш берувчининг хатти-ҳаракатига берилган баҳони ҳисобга олиб, суд томонидан белгиланади, лекин бу миқдор ходимнинг ойлик иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас.

Меҳнат кодексининг 273 - моддасига кўра ходим билан тузилган меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинганда уни ишга тиклаш, шунингдек, меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари таърифини ўзгартириш тўғрисида суд чиқарган ҳал қилув қарори ёки ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ходимни аввалги ишига тиклаш ҳақида меҳнат низоларини кўрувчи орган чиқарган қарор дарҳол ижро этилиши лозим.

Суд ходим билан тузилган меҳнат шартномасини ғайриқонуний равишда бекор қилишда ёки ходимни ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказишда айбдор бўлган мансабдор шахс зиммасига ана шу ходимга иш ҳақи тўланиши муносабати билан иш берувчига етказилган зарар ўрнини қоплаш мажбуриятини юклайди. Бундай мажбурият, башарти меҳнат шартномасини бекор қилиш ёки бошқа ишга ўтказиш қонунни очик-ойдин бузган ҳолда амалга оширилган ёки мансабдор шахс суднинг ходимни ишга тиклаш тўғрисидаги қарори ижросини кечиктирган бўлса, юклатилади (Меҳнат кодексининг 274 - моддаси).

Фуқаролик процессуал кодекси (219 - модда) ва “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни (72 - модда) ҳам ходимни ишга тиклаш тўғрисидаги ижро ҳужжати, башарти у билан тузилган меҳнат шартномаси қонунга ҳилоф равишда бекор қилинган ёки у қонунга ҳилоф равишда бошқа ишга ўтказилган бўлса, дарҳол ижро этилишини назарда тутаяди.

Шу муносабат билан суд ижрочиси ишга тиклаш тўғрисидаги ижро ҳужжати бўйича ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисида қарор чиқарганда, бу қарорда иш берувчига ижро ҳужжати талабларини дарҳол ижро этишликни таклиф қилиши лозим.

Ишга тиклаш тўғрисидаги ижро ҳужжатини ижро этиш иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилиш ёки бошқа ишга ўтказиш ҳақидаги ўзининг ноқонуний фармойишини бекор қилиш тўғрисида буйруқ чиқариб, ходим илгариги меҳнат мажбуриятларини бажаришга амалда қўйилган вақтдан бошлаб тамомланган ҳисобланади.

Иш берувчининг ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ёки уни бошқа ишга ўтказиш тўғрисидаги ноқонуний фармойишини бекор қилиш тўғрисидаги буйруғи ижро иши юритиш материалларига тикиб қўйилади. Ишга тиклаш тўғрисидаги ижро ҳужжати иш берувчининг ишга тиклаш тўғрисидаги ижро ҳужжатини ижро этишга маъсул бўлган мансабдор шахс томонидан ижро этилмаган тақдирда суд ижрочиси унга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 198-1 – моддасида назарда тутилган жаримани солиш чораларини кўради. Жарима тўлаш қарздорни ишга тиклаш тўғрисидаги ижро ҳужжатини ижро этиш мажбуриятдан озод қилмайди.

3. Қарздорни кўчириш тўғрисидаги ижро ҳужжатини ижро этиш

Қарздорни кўчириш тўғрисидаги ижро ҳужжатини ижро этиш бир қатор хусусиятларга эга. “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунда белгиланган умумий қоидаларга кўра суд ижрочиси қарздорни кўчириш тўғрисидаги ижро ҳужжати юзасидан ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисида қарор чиқаради ва қарорда ижро ҳужжати талабларини ихтиёрий равишда бажариш учун ижро иш юритиш қўзғатилган кундан бошлаб кўпи билан 5 кун муддат белгилайди ҳамда қарздорни ижро ҳужжати талабларини ихтиёрий бажармаганлик учун жавобгарлик ҳақида огоҳлантиради.

Кўчириш тўғрисидаги ижро ҳужжати талаблари қарздор томонидан суд ижрочиси белгиланган муддатда, яъни 5 кун ичида узрсиз сабаблар билан бажарилмаган тақдирда суд ижрочиси қарздорга “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 82 - моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 198-1 – моддасига асосан жарима солади. Шундан сўнг суд ижрочиси қарздорни кўчириш тўғрисидаги ижро ҳужжатини мажбурий ижро этиш куни ва вақтини белгилайди ҳамда бу ҳақида қарздорга хабар беради. Кўчириш тўғрисидаги ижро ҳужжатини ижро

этишда қарздорнинг иштироки мажбурий бўлмаганлиги туфайли, кўчириш вақти ҳақида хабардор қилинган қарздорнинг келмаслиги ижро ҳужжатини ижро этишлик учун тўсиқ бўла олмайди.

Бундай ҳолларда қарздорни кўчириш тўғрисидаги ижро ҳужжатини ижро этиш ундирувчи томонидан ижронини таъминлаш учун киритилган бўнак маблағлари ҳисобига амалга оширилади ва ижро ҳаражатлари қарздордан ундириб олинади.

Кўчириш ижро ҳужжатида кўрсатилган хонани кўчирилувчидан, унинг мол-мулкидан, уй ҳайвонларидан бўшатишдан ва кўчирилувчининг бўшатишдан хонадан фойдаланишини ман қилишдан иборат бўлади.

Агарда суд томонидан берилган ижро ҳужжатида кўчириладиган қарздорни уй жой билан таъминлаш мажбурияти юкланган шахс кўрсатилган бўлса, ижро ҳужжати бўйича қарздорни кўчириш у уй жой билан таъминланганидан сўнг амалга оширилади.

Қарздорнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мажбурий кўчириш пайтида ҳолисларнинг иштирок этиши билан ҳам таъминланади. Кўчириш билан боғлиқ ижро ҳаракатлари амалга оширишда жамоат тартиби сақланишини таъминлаш мақсадида бу ижро ҳаракатларини ички ишлар органлари ходимлари билан ҳамкорликда амалга оширилади. Мажбурий кўчириш қарздорнинг иштирокида ёки унинг иштирокисиз амалга ошириладиганлигидан қатъи назар, худди шунингдек, қарздор бўшатиладиган жойдаги (хонадаги) мол-мулкни олиб кетиш истагини билдирган ёки уларни олиб кетишдан бош тортганлигидан қатъи назар суд ижрочиси бўшатиладиган жойда (хонада) мавжуд бўлган мол-мулк рўйхатага олиши лозим. Агарда қарздор ўз мол-мулкни олиб кетишдан бош тортса, суд ижрочиси бу мол-мулкни сақланишини таъминлаши лозим. Бундай ҳолларда мол-мулкни сақлаш учун қилинадиган ҳаражатлар қарздорнинг зиммасига юкланади.

Агар қарздор уйдан кўчирилган кундан эътиборан олти ой ичида мазкур мол-мулкни олиб кетмаса, суд ижрочиси қарздорни ёзма шаклда огоҳлантирганидан сўнг мазкур мол-мулкни “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунда белгиланган тартибда реализация қилишга топширади.

Қарздорнинг мол-мулкни реализация қилишдан тушган ва ижро йиғими, суд ижрочиси томонидан қарздорга солинган жарималар ва ижро ҳаражатларининг ўрни қопланганидан кейин ортиб қолган пул маблағлари қарздорга қайтарилади. Қарздор томонидан талаб қилиб олинмаган пул маблағлари Суд департаменти органининг депозит ҳисобварағида уч йил мобайнида сақланади. Мазкур пул маблағлари ушбу муддат ўтганидан сўнг Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ўтказилади.

Суд ижрочиси қарздорни кўчириш тўғрисидаги ижро ҳужжатининг ижроси таъминланганлиги тўғрисидаги далолатномани расмийлаштириб, қарздорга бўшатишдан жойдан (хонадан) фойдаланишни маън қилади. Кўчириш тўғрисидаги далолатнома уч нусхада тузилиб, улардан бири қарздорга берилади, иккинчиси ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа органга юборилиб, учинчиси ижро иши юритиш материалларида қолдирилади. Шундан сўнг суд ижрочиси ижро иши юритиш тамомланганлиги ҳақида қарор чиқаради.

Қарздорнинг мажбурий кўчириш тугалланганидан сўнг бўшатишдан жойга (хонага) кўчиб кириши ўзбошимчалик деб ҳисобланади ва маъмурий (Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 200 - моддаси) ёки жиноий (Жиноят кодексининг 229 - моддаси) жавобгарликка сабаб бўлади. Шунинг назарда тутиш керакки, агарда ўзбошимчалик билан кўчиб кириш суд ижрочиси томонидан ижро иши юритишни тамомлаш ҳақида қарор чиқарилганига қадар юз берган бўлса суд ижрочиси бу ҳақида тегишли далолатнома тузади ва айбдор шахсларнинг жавобгарлигини ҳал қилиш учун прокурорга юборади. Ижро иши юритиш тамомлангандан сўнг юз берган кўчиб кириш суд ижрочиси учун мажбуриятлар вужудга келтирмайди. Бундай ҳолда манфаатдор тараф мустақил равишда прокурорга ёки бошқа органга муурожаат қилиши мумкин.

4. Иморатни бузиб ташлаш тўғрисидаги ижро ҳужжатини ижро этиш

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 73-1 - моддасида белгиланганидек, қарздорнинг иморатини мажбурий бузиб ташлаш ҳолислар иштирокида ва ички ишлар органларининг ходимлари қўмағида суд ижрочиси томонидан амалга оширилади.

Шуни ҳисобга олиш керакки, қарздорнинг иморатини мажбурий бузиб ташлаш фақат суд қарори асосида берилган ижро ҳужжатига мувофиқ амалга оширилиши мумкин. Бу, ҳар бир фуқарони мулк ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунлари билан қафолатланганлиги билан боғлиқдир.

Фуқароларга ва юридик шахсларга тегишли иморатни бузиб ташлаш зарурияти кўпчилик ҳолларда иморат ўзбошимчалик билан қурилганда вужудга келади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 212 – моддасига кўра, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида, шунингдек иморат қуриш учун зарур рұхсатнома олмасдан ёки архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини жиддий бузган ҳолда қурилган уй-жой, бошқа бино, иншоот ёки ўзга кўчмас мулк ўзбошимчалик билан қурилган иморат ҳисобланади.

Ўзбошимчалик билан иморат қурган шахс унга мулк ҳуқуқини ололмайди. Бу шахс қурган иморатини тасарруф этишга - сотишга, ҳадя этишга, ижарага беришга, иморатга нисбатан бошқа битимлар тузишга ҳақли эмас.

Шахс ўзига қарашли бўлмаган ер участкасида ўзбошимчалик билан иморат қурган бўлса, унинг бу иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи суд томонидан башарти мазкур участка шу шахсга қурилган иморат учун белгиланган тартибда бериладиган бўлса эътироф этилиши мумкин.

Башарти, ўзбошимчалик билан қурилган иморатнинг сақлаб қолиниши бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилишига сабаб бўлса, ёхуд фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирса, юқорида кўрсатилган шахсларнинг ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи эътироф этилиши мумкин эмас.

Ўзбошимчалик билан иморат қуриш натижасида ҳуқуқлари бузилган шахснинг ёки тегишли давлат органининг даъвоси билан бундай иморат суднинг қарорига биноан иморатни қурган шахс томонидан ёки унинг ҳисобидан бузиб ташланиши лозим, Фуқаролик кодексининг 212 - модданинг тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Иморатни бузиб ташлаш тўғрисидаги ижро варақасини олгач, суд ижрочиси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонун қоидалари бўйича ижро иши юритишни кўзғатади ва қарздорга ижро ҳужжатлари талабини ихтиёрий бажаришлик учун муддат белгилайди. Суд ижрочиси қарздорни ижро ҳужжатини ихтиёрий ижро этишлик учун белгиланган муддат утгач, ижро ҳужжатидаги талаблар, ундан ижро йиғими, суд ижрочиси томонидан қарздорга солинган жарималар, шунингдек ижро ҳаражатлари ундирилган ҳолда мажбурий ижро этилиш тўғрисида хабардор қилади. Ихтиёрий ижро учун белгиланган муддат тугаганидан сўнг суд ижрочиси, агарда ижро ҳаракатларини кейинга қолдириш, ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ёки тугатиш учун асослар бўлмаса, қарздорнинг иморатини мажбурий бузиб ташлашга киришади.

Суд ижрочиси иморатни мажбурий бузиб ташлаш куни ва вақти ҳақида қарздорни хабардор қилади. Иморатни мажбурий бузиб ташлаш куни ва вақти ҳақида хабардор қилинган қарздорнинг келмаганлиги ижро ҳужжатини ижро этишга тўсқинлик қилмайди.

5. Ер участкасини олиб қўйиш ва ўтказиш тўғрисидаги ижро ҳужжатини ижро этиш

Ўзбекистонда қонунга кўра ер давлат мулки - умуммиллий бойликдир, ундан оқилона фойдаланиш зарур, у давлат томонидан муҳофаза этилади ҳамда олди-сотди қилинмайди, айирбошланмайди, ҳадя этилмайди, гаровга қўйилмайди, Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексида белгиланганидек, юридик шахслар Ер кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ доимий эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлишлари мумкин.

Жисмоний шахслар Ер кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлишлари мумкин.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари улар жойлашган ер участкалари билан бирга хусусийлаштирилганда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда вужудга келади.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 37-моддасига кўра ер участкаси ёки унинг бир қисми давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер эгасининг розилиги билан ёки ердан фойдаланувчи ва ижарачи билан келишилган ҳолда тегишинча туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан олиб қўйилади.

Ер эгаси, ердан фойдаланувчи ва ижарачи ер участкасини олиб қўйиш ҳақидаги тегишинча туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига рози бўлмаган тақдирда, бу қарорлар устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Бутун ер участкасига ёки унинг бир қисмига эгалик қилиш ҳуқуқи ёхуд ундан доимий ёки муддатли фойдаланиш ҳуқуқи, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36 - моддаси 1 қисмида кўрсатилган ҳолларда бекор қилинади:

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36 - моддаси биринчи қисмининг 1-11-бандларида кўрсатилган ҳолларда ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ер участкасидан доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини тугатиш ердан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи органларнинг тақдимномасига мувофиқ ҳуқуқлар тугатилишининг асосли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатларга асосан тегишинча туманлар, шаҳарлар, вилоятлар ҳокимларининг қарорлари ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга оширилади. Ер участкаларига эгалик қилиш ҳуқуқини, ер участкаларидан доимий ёки вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини тугатиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳамда мазкур мансабдор шахсларнинг қарорларидан норози бўлган юридик ва жисмоний шахслар ушбу қарорлар устидан судга шикоят қилишлари мумкин. Ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ер участкасидан доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддаси биринчи қисмининг 6 - 11-бандларида назарда тутилган ҳолларда, шунингдек ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган бошқа ҳолларда ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи орган ер эгасини ёки ердан фойдаланувчини олдиндан огоҳлантирганидан кейин ер участкасини берган органга ер участкасини олиб қўйиш ҳақида тақдимнома киритади. Ер участкасини берган орган тақдимнома асосида бир ойлик муддатда ер участкасини олиб қўйиш ҳақида қарор чиқаради. Ер участкасини олиб қўйиш масаласини ҳал қилиш ваколат доирасига кирувчи орган, зарур ҳолларда, ер участкасининг ҳолатини ҳамда ер эгаси ёки ердан фойдаланувчи томонидан ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг сифатини қўшимча равишда текширишни тайинлашга ҳақли.

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари уларга ғайриқонуний равишда эгалик қилинган ва фойдаланилган вақтда қилинган сарф-харажатлар қопланмаган тарзда тегишлилигига кўра қайтарилади.

Ер участкаларини фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш, шу жумладан ундаги иморатларни бузиш ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган шахслар ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасини ер эгасига, ердан фойдаланувчига, ер участкаси ижарачисига ёки мулкдорига қайтариш тегишли туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига биноан ёки суднинг ҳал қилув қарорига кўра амалга оширилади.

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 73-2 – моддасига мувофиқ қарздордан ер участкасини мажбурий олиб қўйиш ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри органи мутахассиси албатта иштирок этган ҳолда амалга оширилади.

Суд ижрочиси ер участкасини мажбурий олиб қўйиш куни ва вақти ҳақида қарздорни хабардор қилади. Ер участкасини мажбурий олиб қўйиш куни ва вақти ҳақида хабардор қилинган қарздорнинг келмаганлиги ижро ҳужжатини ижро этишга тўсқинлик қилмайди.

Ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги ижро ҳужжатининг ижроси ер участкаси суд ижрочисининг далолатномаси асосида ундирувчига ўтказилган пайтдан эътиборан тамомланган ҳисобланади.

Агар ундирувчининг ер участкасига бўлган тегишли ҳуқуқи рўйхатга олинмаган бўлса, суд ижрочиси ўз қарори билан ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри органига ундирувчининг ижро ҳужжатида кўрсатилган ер участкасига бўлган ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбуриятини юклайди. Бунда ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги ижро

ҳужжатининг ижроси ундирувчининг ер участкасига бўлган ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан тамомланган ҳисобланади.

6. Ундирувчини кўчириб киритиш тўғрисидаги ижро ҳужжати ижро этиш

Кўчириб киритиш суд ижрочиси томонидан ундирувчининг ижро ҳужжатида кўрсатилган хонага монеликсиз киришини ва унда яшашини таъминлашдан иборат бўлади. Бунда қарздорга мажбурий кўчириб киритиш амалга оширилади ва у ундирувчининг яшашига монелик қилмаслиги шарт эканлиги тушунтирилади.

Ундирувчини кўчириб киритиш тўғрисидаги ижро ҳужжати ижро этишда суд ижрочиси ижро иши юритишни кўзга тутиш тўғрисида қарор чиқаради. Бу қарорда суд ижрочиси қарздорни ижро ҳужжати беш кунлик муддат ичида ихтиёрий ижро этиш лозимлиги, яъни ижро ҳужжатида кўрсатилган шахсларни ёки ташкилотларни кўчириб киритиш кераклиги ва бу талабни бажармаганлик оқибатлари ҳақида огоҳлантиради.

Кўчириб киритиш тўғрисидаги ижро ҳужжати талабларини суд ижрочиси белгиланган муддатда узрсиз сабаблар билан ижро этмаган қарздорга нисбатан суд ижрочиси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 82 - моддасида назарда тутилган чораларни кўради ва қарздорни мажбурий кўчириб киритиш амалга ошириладиган кун ва вақт ҳақида расмий хабардор қилади. Қарздорнинг кўчириб киритишда ҳозир бўлишдан бош тортиши мажбурий кўчириб киритишни амалга ошириш учун монелик қилмайди. Мажбурий кўчириб киритиш амалга оширгач, суд ижрочиси бу ҳақида далолатнома тузади ва қарздорга ундирувчининг яшашига монелик қилмаслик шарт эканлигини тушунтиради.

Кўчириб киритиш ҳақидаги далолатнома қарздорга топширилиши керак.

Мажбурий кўчириш ҳамма ҳолларда ҳам ҳолисларнинг иштирокида амалга ошириладиган бўлса, ундирувчини кўчириб киритиш тўғрисидаги ижро ҳужжати ижро этилишига қарздор монелик қилган тақдирдагина мажбурий ижро ҳаракатлари ҳолисларнинг иштирокида амалга оширилади. Агарда бундай монелик бўлмаса, ижро ҳаракатлари суд ижрочиси томонидан ҳолисларнинг иштирокисиз ҳам амалга оширилиши мумкин. Агар қарздор бирон бир тарзда ундирувчини кўчириб киритишга монелик қилса, суд ижрочиси кўчириб киритишни ҳолислар иштирокида амалга оширади. Зарур ҳолларда ижро ҳаракатларини амалга оширишда ички ишлар органлар ходимлари ёрдамидан фойдаланилади.

Ундирувчини кўчириб киритиш тўғрисидаги ижро ҳужжати ижро этиш суд ижрочиси томонидан кўчириб киритиш тўғрисида далолатнома тузиш орқали расмийлаштирилади.

Қонун чиқарувчи “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 74 - моддаси 5 қисмида агар ундирувчининг тегишли хонадан ҳар куни монеликсиз фойдаланиш имконияти таъминланган бўлса, ижро ҳужжати ижро этилган ҳисобланади деб кўрсатиш билан бир ижро ҳужжати бўйича такрорий мажбурий кўчириб киритишни амалга ошириш мумкинлиги белгиланган. Қарздор кўчириб киритилган ундирувчининг тегишли хонадан ижро иши юритиш тамомлангандан кейин фойдаланишига монелик қилган тақдирда, суд ижрочиси ижро иши юритишни қайта тиклайди, қарздорга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 168-1 – моддасига асосан жарима солади ҳамда уни жиноий жавобгарлик ҳақида огоҳлантиради ва “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 74 - моддаси қоидаларига риоя қилган ҳолда мажбурий кўчириб киритиш янгидан амалга оширилади.

Ижро ҳужжати бўйича қарздор бўлмаган шахс ундирувчининг яшашига монелик қилса, ижро иши юритиш қайта тикланмайди. Бундай ҳолда кўчириб киритиш тўғрисидаги масала суд тартибида ҳал қилинади.

IX МАВЗУ. ИЖРО ИШИ ЮРИТИШДАГИ ХАРАЖАТЛАР

1. Ижро йиғими тушунчаси ва уни ундириш тартиби
2. Ижро ҳаракатларини амалга ошириш харажатлари
3. Харажатларнинг ундирувчи томонидан бўнак билан таъминланиши
4. Ижро ҳаракатларини амалга ошириш

ҳаражатларини қоплаш тартиби

1. Ижро йиғими тушунчаси ва уни ундириш тартиби

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 23 - моддасига мувофиқ суд ижрочиси ижро ҳужжатини олган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисида қарор чиқаради ва ижро ҳужжатидаги талабларни ихтиёрий ижро этиш учун муддат белгилайди.

Қарздор ижро ҳужжати талабларини унга суд ижрочиси томонидан қонун ҳужжатлари асосида белгиллаган муддат ичида бажариши шарт.

Қарздор ижро ҳужжати талабларини узрсиз сабаблар билан ихтиёрий равишда бажармаган тақдирда, у ижро ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ижро йиғимини тўлаши керак. Ижро йиғимининг миқдори қуйидагиларга боғлиқ:

- мол-мулкнинг суммаси ёки баҳосига;
- ёхуд мулкӣ хусусиятга эга бўлмаган ижро ҳужжатларига.

Ижро йиғими — бу бизнинг қонунчилигимиз ва ижро ҳужжатларини мажбурий ижро этиш амалиёти учун янгилик бўлиб, ижро ҳужжатининг талабларини суд ижрочиси томонидан белгиланган муддатларда узрсиз сабабларга кўра ихтиёрий равишда бажармаган қарздорнинг мулкӣ жавобгарлигининг янги туридир.

Ижро йиғимининг мақсади ижро ҳужжатларини ихтиёрий равишда ижро этилишини таъминлашга йўналтирилган. Ижро йиғимини ижро ҳужжатини ихтиёрий ижро этмаганлик учун жарима чораси сифатида ҳам тушуниш мумкин. Ижро йиғими ижро ҳужжати суд ижрочисига биринчи бор келиб тушганда, уни ихтиёрий ижро этиш муддати ўтганидан сўнг фақат бир марта ундирилади.

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 58 - моддасида ижро йиғими атамаси ишлатилган бўлсада, қонунда ижро йиғимини ундириш билан боғлиқ масалалар тартибга солинган эмас. Қонундаги бу бўшлиқ Ўзбекистон Республикасининг “Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2009 йил 14 январдаги Қонуни билан тулдирилди. “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 77-1 - моддасида суд ижрочиси томонидан ижро ҳужжатларини мажбурий ижро этиш бўйича ҳаракатлар амалга оширилганлиги учун қарздордан ижро йиғими ундирилиши белгилаб қўйилди. Суд ижрочисининг ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарори мазкур қарор қайси ижро иши юритиш юзасидан чиқарилган бўлса, ўша ижро ишига қўшиб қўйилади ва алоҳида ижро иши юритишни қўзғатмасдан ижро этилади. Ижро йиғимининг миқдори ва ундирилиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 1 ноябрдаги № ПҚ – 722 сонли “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш тизимини яънада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори билан 2007 йил 1 декабрдан суд ижрочилари томонидан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг мажбурий ижроси бўйича ҳаракатларнинг бажарилиши учун ижро йиғими жорий этилди. Президентнинг шу Қарори билан Ижро йиғимини ундириш ва фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида кўрсатиб ўтилган Қарори билан тасдиқланган Ижро йиғимини ундириш ва фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 7 - банди ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирининг 2007 йил 24 ноябрдаги буйруғи билан “Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги суд ижрочилари қарорларини ҳисобини юритиш ва уларнинг ундирилишини назорат қилиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома⁴⁸ тасдиқланди. Шундай қилиб, ҳозирда ижро йиғимини ундириш масалалари юқорида номи келтирилган Низом ва Йўриқнома билан тартибга солинади.

Ижро йиғими суд ижрочиси томонидан суд ҳужжатлари ёки бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этишда амалга ошириладиган ундирувни назарда тутди.

Ижро йиғими қарздордан ижро ҳужжатини ихтиёрий равишда ижро этиш муддати ўтгандан сўнг, қуйидаги миқдорларда ундирилади:

- мулкӣ характерга эга бўлган ижро ҳужжатлари бўйича - жисмоний шахсдан

⁴⁸ “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2007 йил, 48-49-сон, 488-модда.

ундирилаётган сумманинг 1 фоизи, юридик шахсдан 2 фоизи миқдорида;

- мулкый характерга эга бўлмаган ижро ҳужжатлари бўйича - жисмоний шахсдан энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдорида, юридик шахсдан энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдорида.

Суд ижрочиси ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисида қарор чиқаришда қарздорга ижро ҳужжатидаги талабларни ихтиёрий равишда бажариш учун 5 кундан ортиқ бўлмаган муддат белгилаб, агар ихтиёрий равишда ижро этиш учун белгиланган муддатда ижро ҳужжатидаги талаблар бажарилмаган тақдирда, қарздордан ундирилаётган сумманинг ёки мол-мулк қийматининг 1 фоизи (жисмоний шахсдан) ёхуд 2 фоизи (юридик шахсдан) миқдорида, агар мулкый характерга эга бўлмаган ижро ҳужжатлари ижро этилмаган тақдирда эса, жисмоний шахсдан энг кам иш ҳақининг 5 баравари, юридик шахсдан энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдорида ижро йиғими ундирилиши тўғрисида қарздорга тушунтириши шарт.

Ихтиёрий равишда ижро этиш учун муддат белгиланганда, ушбу муддатнинг ўтиши ижро иши юритиш қўзғатилганидан кейинги кундан бошланишини назарда тутиш лозим.

Ижро йиғимини ундириш учун суд ижрочиси томонидан чиқарилган қарор асос бўлади ва у Ўзбекистон Республикаси "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ ижро ҳужжати ҳисобланади.

Ижро йиғимини ундириш Қонуннинг 82-моддасига мувофиқ қарздорга солинадиган жаримани тўлашдан озод этмайди.

Суд ижрочиси томонидан ихтиёрий равишда ижро этиш учун белгиланган муддатда ижро ҳужжатида белгиланган талаблар қарздор томонидан бажарилмаслиги, қарздорга нисбатан мажбурий ижро этиш чораларини қўллаш учун асос бўлади.

Айни пайтда суд ижрочиси қарздордан ижро йиғимини ундириш тўғрисида қарор чиқаради.

Ижро йиғимини ундириш тўғрисида қарор ихтиёрий равишда ижро этиш муддати тугагандан кейинги кундан кечиктирмасдан суд ижрочиси томонидан чиқарилади.

Суд ижрочисининг ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарори катта суд ижрочиси томонидан тасдиқланиши лозим. Суд департаменти ёки унинг ҳудудий бошқармасининг суд ижрочиси мақомига эга инспекторлари томонидан чиқарилган қарорлар, тегишлича Суд департаментининг Суд қарорларини ижро этиш бошқармаси бошлиғи ёки ҳудудий бошқармаларнинг Суд қарорларини ижро этиш бўлими бошлиғи томонидан тасдиқланади.

Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарорнинг нусхаси у чиқарилган куннинг эртасидан кечиктирмасдан қарздорга шахсан тақдим этилади ёки топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат билан почта алоқаси орқали юборилади.

Ижро йиғимини ундириш бўйича иш юритиш алоҳида ижро иш юритиш қўзғатилмасдан амалга оширилади.

Ижро йиғимини ундириш бўйича иш юритиш ижро йиғими қўллашга асос бўлган ижро ҳужжати (кейинги ўринларда матнда асосий ижро ҳужжати деб юритилади) билан биргаликда юритилади. Бунда ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарорга асосий ижро ҳужжатининг рўйхат рақами берилади.

Ижро ҳужжатлари бўйича мажбурий ижро этиш чораларини амалга оширишда ундирув мол-мулк ва пул маблағларига асосий ижро ҳужжати бўйича қарзни, ижро йиғими ва ижро харажатларини қоплаш учун етарли бўлган миқдор ва ҳажмда қаратилади.

Ижро йиғими Қонуннинг 52 ва 69-моддаларига мувофиқ ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган пул суммалари ва мол-мулкдан ундирилмайди.

Ижро йиғими:

- мулкый характерга эга бўлган ижро ҳужжатлари бўйича - қарздордан ундирилган пул суммасига мутаносиб равишда;

- мулкый характерга эга бўлмаган ижро ҳужжатлари бўйича - мажбурий ижро этиш бўйича чоралар қўллашга киришилиши билан ундирилади.

Ижро йиғими куйидаги ундирувларни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича ундирилмайди:

бюджет ташкилотларидан, шу жумладан давлатдан пул маблағлари ва бошқа мол-мулкни ундириш. Бунда, ташкилотнинг бюджет ташкилоти деб топилишини тасдиқловчи ҳужжат қарздор томонидан суд ижрочисига тақдим қилинадиган мазкур ташкилотнинг харажатлар сметасини рўйхатга олган тегишли молия органининг хати ҳисобланади.

Даврий тўловларни (алимент ундириш ҳақидаги, майиб бўлиш ёки соғлиққа бошқача

шикаст етганлиги, боқувчининг ўлими натижасида кўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги ва бошқа ишлар бўйича) ундириш.

Солидар тартибда бир неча қарздордан ундирувни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарор ҳар бир қарздорга нисбатан чиқарилади. Ушбу ҳолатларда қарорларни расмийлаштириш, ижро йиғимини ундириш ва ундирилган суммалар ҳисобини юритиш солидар қарздорлар бўйича ижро ҳужжатларини ижро этиш тартибида амалга оширилади. Бунда, барча қарздорлардан ундирилган ижро йиғимининг умумий суммаси асосий ижро ҳужжати бўйича жами ундирув суммасидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланадиган йиғим суммасидан ошиб кетмаслиги лозим.

Бир қарздорга нисбатан бир неча ижро ҳужжатини ижро этишда, ижро йиғими ҳар бир ижро ҳужжати бўйича алоҳида ундирилади.

Бир нечта талаблар (ижро ҳужжатлари) бўйича қарздордан ундириладиган ижро йиғимлари Қонуннинг 80-моддасида белгиланган тартибда тегишли талабнинг қаноатлантириш навбатига кўра ундирилади. Бунда, мулкӣй характерга эга бўлмаган ижро ҳужжатлари бўйича қарздордан ундириладиган ижро йиғимлари, шунингдек, мулкӣй характерга эга бўлган ижро ҳужжатлари бўйича қонунда белгиланган муддатда реализация қилинмаган мол-мулкни ундирувчига топшириш ҳолатлари биринчи навбатда қаноатлантириладиган талабларга тенглаштирилади. Бу қоидалар қарздорнинг банк ҳисобварақларидаги пул маблағларини ҳисобдан чиқариш навбатларини белгилаш вақтида ҳам татбиқ этилади.

Ижро иши юритиш қарздорнинг сотилмаган мол-мулкни ундирувчига берилиши муносабати билан тамомланган тақдирда, ижро йиғими берилган мол-мулк қийматидан келиб чиққан ҳолда тегишли миқдорларда ундирилади. Бунда, ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарорнинг ижроси умумий белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ижро иши юритиш қарздорнинг сотилмаган мол-мулкни қабул қилишни ундирувчи рад этиши муносабати билан тамомланган тақдирда, ижро йиғими суд ижрочиси томонидан мазкур ижро ҳужжати бўйича ундирилган суммага мутаносиб равишда ундирилади, ижро йиғимининг сотилмаган мол-мулкка тўғри келадиган қолган қисми бўйича иш юритиш суд ижрочисининг тегишли қарори билан тугатилади.

Асосий ижро ҳужжати Қонуннинг 62-моддасига мувофиқ, тугатиш комиссияси (тугатувчи)га юборилган тақдирда, ижро йиғими суд ижрочиси томонидан мазкур ижро ҳужжати бўйича ундирилган суммага (мол-мулк қийматига) мутаносиб равишда ундирилади. Ижро йиғимининг қолган қисми бўйича иш юритиш суд ижрочисининг тегишли қарори билан тамомланади.

Қарздор ижро иши юритишдан тараф сифатида чиқиб кетган тақдирда (қарздор шахснинг вафот этиши, юридик шахснинг қайта ташкил этилиши, бошқа шахс фойдасига талаблардан воз кечилиши, қарзни бошқа шахсга ўтказилиши ва шу кабилар) суд ижрочиси Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ, ўзининг қарори билан қарздорни унинг ҳуқуқӣй вориси билан қонунда белгиланган тартибда алмаштириши шарт. Мазкур қарорда йиғимни тўлаш мажбурияти ушбу ҳуқуқӣй ворисга ўтиши ҳақида ҳам кўрсатилади.

Асосий ижро ҳужжати Суд департаментининг бошқа бўлинмасига юборилган тақдирда, ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарор ҳам Қонуннинг 25-моддасида белгиланган тартибда юборилиши лозим.

Асосий ижро ҳужжати бўйича ижро иши юритиш Қонуннинг 37-моддасига асосан тугатилган тақдирда, ижро йиғими суд ижрочиси томонидан мазкур ижро ҳужжати бўйича ундирилган суммага (мол-мулк қийматига) мутаносиб равишда ундирилади, ижро йиғимининг қолган қисми бўйича иш юритиш суд ижрочисининг тегишли қарори билан тамомланади.

Асосий ижро ҳужжати Қонуннинг 40-моддаси 1-бандига асосан ундирувчига қайтарилган тақдирда, ижро йиғими суд ижрочиси томонидан мазкур ижро ҳужжати бўйича ундирилган суммага (мол-мулк қийматига) мутаносиб равишда ундирилади, ижро йиғимининг қолган қисми бўйича иш юритиш суд ижрочисининг тегишли қарори билан тамомланади.

Ундирув қарздорнинг иш ҳақи ёки унга тенглаштирилган тўловларига қаратилган тақдирда, суд ижрочиси Қонуннинг 64-моддасида белгиланган тартибда асосий ижро ҳужжати билан бирга ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарорни ҳам тегишли ташкилотга юборади.

Асосий ижро ҳужжати бўйича иш юритиш ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа орган томонидан тўхтатиб турилган тақдирда, ижро йиғимини ундириш бўйича иш юритиш ҳам асосий ижро ҳужжати бўйича иш юритиш тиклангунга қадар тўхтатиб турилади. Ушбу ҳолатда ижро йиғимини ундириш бўйича иш юритишни тўхтатиш ҳақида алоҳида қарор қабул қилиш талаб

қилинмайди.

Суд ижрочиси томонидан асосий ижро ҳужжати бўйича ижро ҳаракатларини кейинга қолдириш тўғрисида қарор қабул қилинганда, мазкур қарорда ижро йиғимини ундириш бўйича ижро ҳаракатларини ҳам кейинга қолдириш ҳақида кўрсатиб ўтилади.

Ижро йиғимини қайтариш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- қарздорнинг аризасига асосан, асос сифатида ижро ҳужжати берилган суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжатининг ёхуд қонун бўйича ижро ҳужжати ҳисобланадиган бошқа ҳужжатнинг бекор қилиниши;

- қарздор ёки ундирувчининг аризасига асосан, асос сифатида ижро ҳужжати берилган суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжатларининг ўзгартирилиши, агар ўзгартириш натижасида тўланган ижро йиғими миқдорини қайтадан кўриб чиқиш лозим бўлса;

- қарздор ёки ижро йиғими ундирилган бошқа шахснинг аризасига ёхуд суд ижрочисининг ташаббусига асосан, ижро йиғими миқдорини нотўғри ёки ортиқча ўтказилганлиги;

- суд қарорига асосан қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Ижро йиғимини қайтариш ҳақидаги ариза кўрсатилган ҳолатлар юзага келган кундан бошлаб уч йилдан кечиктирмасдан берилади.

Ундирилган ижро йиғими миқдорини қайтариш учун ижро йиғимини тўлаган шахс мажбурий ижро ҳаракати ким томонидан амалга оширилганидан келиб чиқиб, Суд департаментининг марказий аппаратиغا ёки тегишли ҳудудий бошқармага ариза билан мурожаат қилади. Бунда, ижро йиғимини ундириш бўйича ижро ҳаракатлари турли ҳудудларда амалга оширилган бўлса, ариза аризачининг хоҳишига кўра ижро йиғимини ундирган Суд департаментининг исталган бўлимига тақдим этилиши мумкин.

Ижро йиғимини қайтариш тўғрисидаги ариза Суд департаментининг тегишли ҳудудий бошқармаси ёки марказий аппарати томонидан кўриб чиқилади ва ариза берилган кундан эътиборан беш кунлик муддат ичида ижро йиғимини қайтариш ёки қайтаришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади, қабул қилинган қарор ҳақида ариза берувчини ёзма равишда хабардор қилади.

Ижро йиғимини қайтариш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан бошлаб узоғи билан икки кун ичида қайтариш учун Суд ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасининг Ижро этувчи дирекциясига юборилади. Ижро йиғимини қайтариш Ижро этувчи дирекция томонидан қарор олинган кундан бошлаб беш банк куни давомида амалга оширилади.

Ижро йиғимини қайтариш ёки қайтаришни рад этиш тўғрисида қарор устидан белгиланган тартибда судга мурожаат қилиш мумкин.

Суд департаментида, ҳудудий бошқармаларда ва суд ижрочиларининг туман (шаҳар) бўлимларида ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарорларни ҳисобга олиш китоби юритилади.

Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарорларни ҳисобга олиш китоби рақамланиб, тикилади ва тегишлича Суд департаменти ёки унинг ҳудудий бошқармасининг асосий муҳри билан тасдиқланади.

Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарор чиқарилган кунда рўйхатга олинади ва тегишли асосий ижро ҳужжатининг мажбурий ижросини амалга ошираётган суд ижрочисига имзо қўйдирган ҳолда берилади.

Ижро йиғими суммалари тегишли банк муассасасида очилган махсус транзит ҳисоб рақамига ўтказилади.

Суд департаменти, ҳудудий бошқармалар ва суд ижрочиларининг туман (шаҳар) бўлимлари ҳар ойда тегишли банк муассасалари билан ижро йиғими суммаларининг тушумини белгиланган шаклда солиштириб борадилар.

Суд департаментининг ҳудудий бошқармалари ҳар чоракда камида бир марта суд ижрочиларининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан ижро йиғимлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини, шу жумладан, ижро йиғими суммаларининг тўғри ва ўз вақтида ундирилиши ва ўтказилишини текшириб борадилар.

2. Ижро ҳаракатларини амалга ошириш харажатлари

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 75 - моддасида белгилаб қўйилганидек, суд ижрочиларининг депозит ҳисобварағида бўлиб, ижро ҳаракатларини ташкил этиш ва амалга оширишга сарфланган маблағлар, шунингдек, ижро ишини

юритишда иштирок этувчи тарафлар ва бошқа шахсларнинг маблағлари ижро ҳаракатларини амалга ошириш харажатлари ҳисобланади. Ижро ҳаракатларини амалга ошириш харажатларига қуйидагилар қиради:

- қарздорнинг мол-мулкни ташиш, сақлаш ва реализация қилишга сарфланган маблағлар;
- ижро ҳаракатларини амалга оширишга белгиланган тартибда жалб этилган таржимонлар, мутахассислар ва бошқа шахсларга ҳақ тўлашга сарфланган маблағлар;
- ундирилган суммаларни ундирувчига почта орқали ўтказишга (жўнатишга) сарфланган маблағлар;
- қарздорни, унинг мол-мулкни ёки қарздордан суднинг қарори бўйича олиб қўйилган болани қидиришга сарфланган маблағлар;
- ижро ҳужжатини ижро этиш жараёнида амалга ошириладиган бошқа зарур ижро ҳаракатларига сарфланган маблағлар.

Ижро ҳаракатларини амалга ошириш харажатлари ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Ижро ҳаракатларини амалга ошириш бўйича харажатларини тарафлар кўтаради. Аммо Қонунда белгиланишича, ижро ҳаракатларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни ижро иши юритишда иштирок этувчи бошқа шахслар ҳам кўтариши мумкин. “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 9, 10 ва 13 - моддаларига мувофиқ ижро ҳаракатларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларга маблағлари сарфланиши мумкин бўлган, ижро иши юритишда иштирок этувчи “бошқа шахслар” деганда тарафларнинг вакилларгина тушунилади.

Қонуннинг 54 - моддасига мувофиқ хатланган ва рўйхатга олинган мол-мулкни баҳолаш суд ижрочиси томонидан амалга оширилади. Тарафлар амалга оширилган баҳолашга рози бўлмаганларида, мол-мулкни баҳолаш учун суд ижрочиси томонидан мутахассс жалб этилади. Бундай ҳолларда ижро ҳаракатларини амалга ошириш харажатларини суд ижрочиси томонидан амалга оширилган баҳолаш юзасидан низолашаётган тараф кўтаради.

Қонуннинг 76 - моддаси 3 қисмида кўрсатилган ҳолларда ижро ҳаракатларини амалга ошириш харажатларини ундирувчи кўтаради.

3. Харажатларнинг ундирувчи томонидан бўнак билан таъминланиши

Қонун ижро ҳаракатлари амалга оширилишини таъминлаш мақсадида ундирувчига суд ижрочиларининг депозит ҳисобварағига тегишли харажатларни ёхуд уларнинг бир қисмини амалга ошириш учун етарли миқдорда бўнак бадалини ўтказиш ҳуқуқини берган.

Ундирувчи томонидан ижро ҳаракатларини амалга ошириш учун келгусида қилинадиган харажатларни қоплаш учун бўнак бадали ўтказилиши ижро ҳужжатининг ижро этилишини тезлаштиради. Аммо шуни эътиборга олиш керакки, қонуннинг мазмунига кўра ижро ҳаракатларини бўнак бадали ўтказиш билан таъминлаш ундирувчининг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқидир.

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 42 - моддаси 2 қисмига мувофиқ қарздор ёки унинг мол-мулкни қидириш суд ижрочиси учун мажбурий эмас, бу ҳаракатни амалга ошириш ундирувчининг эркига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам Қонуннинг 42 - моддасини 2 қисмида кўрсатилган ҳолларда ундирувчи қарздорни ёки унинг мол-мулкни қидириш бўйича тегишли харажатларни тўлиқ бўнак билан таъминлашга ҳақли. Кўрсатилган ижро ҳаракатлари ундирувчи томонидан бўнак билан таъминлангач, суд ижрочиси қарздорни ёки унинг мол-мулкни қидириш тўғрисида тегишли қарор чиқаради.

Ижро ҳаракатлари тамомлангач бўнак бадали қарздорнинг ҳисобидан ундирувчига тўлиқ қайтарилади. Фақат қуйидаги ҳолатда бўнак бадали ундирувчига қайтарилмайди:

1) агар қарздорнинг ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки ёки даромадлари бўлмаса ва унинг мол-мулки ёки даромадларини қидириш юзасидан суд ижрочиси томонидан қонунда йўл қўйиладиган доирада кўрилган барча чоралар натижасиз бўлса;

2) агар ундирувчи ижро ҳужжати ижро этилаётганда қарздорнинг сотилмаган мол-мулкни ўзига олишдан воз кечса ёхуд қарздорлик ҳисобидан ушбу мол-мулкни ўзига олиш тўғрисидаги суд ижрочисининг таклифи бўйича ўз қарорини белгиланган муддатда такдим этмаган бўлса;

3) агар ундирувчи ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан ижро ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилаётган бўлса, шу жумладан ижро ҳужжатида кўрсатилган, қарздордан олиб қўйилган муайян ашёларни олишдан воз кечса.

Бу ҳолларда бўнак бадалининг ижро ҳаракатларини амалга ошириш ҳаражатларидан ортикча қисми ундирувчига қайтарилади.

4. Ижро ҳаракатларини амалга ошириш ҳаражатларини қоплаш тартиби

Мажбурий ижро амалга оширилганда сарфланган ҳаражатлар қарздордан ундирилади.

Ижро ҳаракатларини амалга оширишга сарфланган ҳаражатлар қарздордан ундирилиши суд ижрочиси томонидан чиқарилган ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисидаги қарорда кўрсатилиши керак. Бу қарорнинг нусхаси қарздорга топширилади

Қарздордан ундирилган ижро ҳаракатларини амалга ошириш ҳаражатлари суд ижрочиларининг депозит ҳисобварағига ўтказилади. Депозит ҳисобварағи катта суд ижрочиси томонидан бошқарилади. Ижро ҳаракатларини амалга ошириш ҳаражатлари қарздордан ундирилган пул суммасидан (шу жумладан унинг мол-мулкни реализация қилиш йўли билан олинган пул суммасидан), ижро ҳужжати бўйича ижро йиғими тўланган ва ижро жараёнида қарздорга солинган жарималар ундирилгач, қопланади. Шунинг учун ҳам амалиётда суд ижрочиси мулкий хусусиятга эга бўлган ижро ҳужжатларини ижро этишда ижро ҳужжатида кўрсатилган ундирилиши лозим бўлган суммадан ташқари, ижро йиғими суммаси, жарима (агар у қўлланилган бўлса) ва ижро билан боғлиқ бошқа ҳаражатларни ҳисобга олган ҳолда, ундирувчи амалга ошириши лозим. Мулкий хусусиятга эга бўлмаган ижро ҳужжатини ижро этишда суд ижрочиси қарздордан ижро йиғими ва жарималардан ташқари ижро ҳаракатларини амалга ошириш ҳаражатларининг ундирилишини таъминлаши керак.

Қарздордан ундирилиб депозит ҳисобварағига ўтказилган пул суммаларидан ижро ҳаракатларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳаражатларни кўтарган шахсларга улар қилган ҳаражатлар суммаси уларнинг ҳисобварағига ўтказиб берилади ёки нақд берилади. Бу ҳолда ундирувчи ижро ҳаракатларини бўнак билан таъминлаган ёхуд ижрони амалга оширишда айрим органлар ёки шахслар томонидан қонунда назарда тутилган хизматлар кўрсатилганлиги назарда тутилади. Кўрсатилган хизматлар мулкни сақлаш, уни сотиш, суд ижрочисининг топшириғига кўра мулкий хусусиятга эга бўлмаган ижро ҳужжатларини ижро қилишда қарздорнинг ўрнига маълум ҳаракатларни амалга ошириш кабилардан иборат бўлиши мумкин.

Ижро иши юритиш қўйидаги асосларга кўра, тугатилган тақдирда, ижро ҳужжатини ижро этиш учун кетган ҳаражатлар ундирувчидан ундирилади:

- агар қарздорнинг ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки ёки даромадлари бўлмаса ва унинг мол-мулки ёки даромадларини қидириш юзасидан суд ижрочиси томонидан қонунда йўл қўйиладиган доирада қўрилган барча чоралар натижасиз бўлса;

- агар ундирувчи ижро ҳужжати ижро этилаётганда қарздорнинг сотилмаган мол-мулкни ўзига олишдан воз кечса ёхуд қарздорлик ҳисобидан ушбу мол-мулкни ўзига олиш тўғрисидаги суд ижрочисининг таклифи бўйича ўз қарорини белгиланган муддатда тақдим этмаган бўлса;

- агар ундирувчи ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан ижро ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилаётган бўлса, шу жумладан ижро ҳужжатида кўрсатилган, қарздордан олиб қўйилган муайян ашёларни олишдан воз кечса.

Қонунга кўра суд ижрочиси томонидан ижро ҳаракатларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳаражатларини ундириш ва қоплаш билан боғлиқ барча ҳаракатлар у томонидан чиқариладиган қарорлар орқали амалга оширилади. Бу қарорлар устидан судга шикоят ёки протест келтириш мумкин бўлганлиги сабабли, уларнинг нусхалари уч кунлик муддат ичида тарафларга жўнатилиши керак.

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунда назарда тутилган ҳолларда қарздорни ёки унинг мол-мулкни қидиришга кетган ҳаражатларни қоплашни қарздор рад этган ёки ундан бўйин товлаган тақдирда, уларни қоплаш тўғрисидаги масала ундирувчининг аризасига биноан ёки суд ижрочисининг ташаббуси билан суд тартибида ҳал қилинади. Бунда ундирувчи ёки суд ижрочиси давлат божи тўлашдан озод этилади.

Х МАВЗУ. УНДИРИЛГАН ПУЛ СУММАЛАРИНИ ТАҚСИМЛАШ ВА УНДИРУВЧИ ТАЛАБЛАРИНИ ҚАНОАТЛАНТИРИШНИНГ НАВБАТИ

1. Ундирилган пул суммасини тақсимлаш

2. Ундирувчиларнинг талабларини қаноатлантириш ва ундирувлар навбати

1. Ундирилган пул суммасини тақсимлаш

Ижро ҳужжатлари бўйича ундирилган барча пул суммалари Суд департаменти органларининг депозит ҳисобварақига келиб тушади. Банк ёки бошқа кредит ташкилоти ижро ҳужжатини тўғридан тўғри ундирувчидан олган ҳолатларда эса ижро ҳужжатидаги талабларни ижро этиш, ундирилган пул маблағларини ундирувчи кўрсатган ҳисобварақига ўтказиш орқали амалга оширилади.

Суд департаменти органлари куйидагиларни ҳисоб китобини олиб боради:

- суд ижрочиси томонидан қарздордан олинган пул маблағларининг;
- қарздорнинг ҳисобварағидан ўтказилган пул маблағларининг;
- қарздорнинг мол-мулкни реализация қилишдан келиб тушган пул маблағларининг;
- қарздорнинг чет эл валютасидаги маблағларини сотишдан олинган пул маблағларининг;
- ижро ҳаракатларини амалга оширишини таъминлаш учун ундирувчи томонидан киритилган бўнақларнинг.

Келиб тушган пул маблағларини ўтказиш (бериш) қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда амалга оширилади. Суд ижрочисидан ундирувчининг банкдаги ҳисобварақлари ҳақида маълумотлар бўлмаган тақдирда, у қарздорга пул маблағларининг Суд департаменти органи депозит ҳисобварақига келиб тушганлиги ҳақида хабар қилади.

Кўрсатилган пул маблағларини ўтказиш Суд департаменти органлари томонидан қўйидаги тартибда амалга оширилади:

а) юридик шахсларга – ундирувчининг ҳисобварақига нақд пулсиз ўтказиш йўли билан;

б) жисмоний шахсларга – унга хизмат кўрсатувчи банк ёки бошқа кредит ташкилотидан очилган ҳисобварақига пул маблағларини ўтказиш орқали ёки пул суммаларини почта орқали жўнатиш орқали.

Пул суммаларини ундирувчига почта орқали жўнатишда суд ижрочиси томонидан тўлов топшириғи ёзилади ва унга ижро ҳужжатидаги рақами, ижро ҳужжатидаги берган ташкилотни номи, ҳужжат берилган вақти ва жўнатилган пул суммаси кўрсатилган ҳолда, олувчиларнинг рўйхати илова қилинади.

Тўлов топшириқномалари ёки пул жўнатилганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар (квитанциялар) ижро иши юритиш ҳужжатларига қўшиб қўйилади.

Агарда нақд пулсиз пул ўтказиш имкони бўлмаса, катта суд ижрочиси (бошқа ваколатли шахс) ундирувчи номига чек ёзиб беради. Чеклар фақат паспорт ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат тақдим этилгандагина берилади.

Чек ва тўлов топшириқномаси катта суд ижрочиси (биринчи имзо) ва суд ижрочилари бўлинмасининг ҳисобварағи бўйича маблағларнинг ҳисобини олиб борувчи ваколатли шахс (иккинчи имзо) томонидан имзоланади.

Қарздор пул маблағларини уч йил давомида талаб килиб олмаган тақдирда, бу маблағлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ўтказилади.

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 78-моддасида қарздордан ундирилган пул суммаларини тақсимлашнинг асосий принциплари кўрсатилган.

Ундирилган пул суммаларини тақсимлашнинг асоси бўлиб етарлилик ёки етмаслик принциплари ҳисобланади. Суд ижрочиси қарздордан ундирган шу жумладан унинг мол-мулкнинг реализация қилиш йўли билан олган пул суммасидан:

1) ижро йиғими ундирилади;

2) ижро ҳужжатидаги ижро этиш жараёнида қарздорга солинган жарималар ундирилади;

3) қолган пул суммасидан ундирувчининг талабларини қаноатлантириш ва қарздордан ундирилган пул суммасига мутаносиб равишда ижро йиғимини қоплаш учун фойдаланилади;

4) ундирувчининг барча талаблари қаноатлантирилгандан кейин қолган пул суммаси қарздорга қайтарилади.

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 79-моддасида ҳар бир кейинги навбатдаги талаблар ўзидан олдинги навбатдаги талаблар тўлиқ қаноатланилгандан кейин қаноатлантирилиши тўғрисидаги принцип мустаҳкамлаб қўйилган. Шундай қилиб, суд ижрочиси биринчи ёки иккинчи навбатдаги талаблар тўлиқ

қаноандирилмагунча ўз навбатида иккинчи ёки учинчи навбатга киритилган талабларни қаноатлантиришга киришиши мумкин эмас.

2. Ундирувчиларнинг талабларини қаноатлантириш ва ундирувлар навбати

Ундирувчиларнинг талабларини қаноатлантириш навбати. “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 79 - моддаси 1 қисмининг мазмунига кўра, ундирувчилар талабларини қондириш навбатини белгилаш зарурияти қарздордан ундирилган пул суммаси ижро ҳужжатлари бўйича барча талабларни қаноатлантириш учун етарли бўлмаган ҳолларда вужудга келади. Шунинг учун суд ижрочиси Қонуннинг 80 - моддасида баён этилган қоидаларни қўллашдан олдин қарздордан ундирилган пул суммасининг барча ижро ҳужжатлари бўйича талабларни қаноатлантириш учун етарли эмаслигига ишонч ҳосил қилиши керак.

Ҳар бир кейинги навбатдаги талаблар ўзидан олдинги навбатдаги талаблар тўлиқ қондирилгандан кейин қаноатлантирилади.

Ундирилган сумма бир навбатдаги барча талабларни тўла қаноатлантириш учун етарли бўлмаса, улар ҳар бир ундирувчига тегишли суммага мутаносиб равишда қаноатлантирилади.

Ундирувлар навбати. “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 80-моддасида ундирувчиларнинг талабларини қондириш навбати батафсил тартибга солинган.

Биринчи навбатда:

- бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича талаблар;
- меҳнатга оид муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар;
- алиментлар ундириш бўйича талаблар;
- муаллифлик шартномалари бўйича ҳақларни тўлаш бўйича талаблар;
- ҳаётга ёки соғлиққа етказилган зарарни қоплаш бўйича талаблар;
- адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик ёрдам ҳақини тўлаш бўйича талаблар

қаноатлантирилади.

Иккинчи навбатда:

- ижтимоий суғурта бўйича талаблар;
- жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкига етказилган зарарни қоплаш бўйича талаблар қаноатлантирилади.

Учинчи навбатда мажбурий суғурта органларининг талаблари қаноатлантирилади.

Тўртинчи навбатда гаровга қўйилган мол-мулк қийматидан ундирув тўғрисидаги гаров билан таъминланган талаблар қаноатлантирилади.

Бешинчи навбатда жисмоний ва юридик шахсларнинг гаров билан таъминланмаган талаблари қаноатлантирилади.

Олтинчи навбатда қолган барча талаблар қаноатлантирилади.

Қарздорга бир неча талаблар (ижро ҳужжатлари) бўйича солинган ижро йиғимлари “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни 80 - модданинг биринчи — олтинчи қисмларида белгиланган тегишли талабни қаноатлантириш учун мўлжалланган кетма-кетликка мувофиқ ундирилади. Бунда қарздорга номулкий хусусиятдаги ижро ҳужжатлари бўйича солинган ижро йиғимлари, шунингдек қонунда белгиланган муддатда реализация қилинмаган мол-мулк мулккий хусусиятдаги ижро ҳужжатлари бўйича ундирувчига ўтказилган ҳолларда биринчи навбатдаги талабларга тенглаштирилади.

Талабаларни қондиришнинг қонунда белгиланган навбатига суд ижрочиси сўзсиз риоя қилиши керак. Ҳар бир кейинги навбатдаги талаблар ўзидан олдинги навбатдаги талаблар тўлиқ қондирилгандан кейин қаноатлантирилади. Қонунда белгиланган ундирувлар навбатига риоя қилмаслик олдинги навбатдаги талаблар бўйича ундирувчиларнинг ҳуқуқлари бузилишига олиб келади ва улар томонидан суд ижрочисининг қонунсиз ҳаракатлари устидан шикоят берилишига асос бўлади.

Ундирилган пул суммаси бир навбатнинг барча талабларни тўлиқ қаноатлантириш учун етарли бўлмаган ҳолларда улар ҳар бир ундирувчига тегишли суммага мутаносиб равишда қаноатлантирилади.

Бу ҳолатда суд ижрочиси ҳар бир ундирувчига тўланиши лозим бўлган суммалар бўйича ҳисоб-китоб қилиши лозим.

Масалан, суд ижрочиси иш юритувига бир навбатдаги учта ижро ҳужжати келиб тушди. Улардан бири 10000 сўми, иккинчиси — 20000 сўми ва учинчиси — 30000 сўми ундиришга қаратилган. Қарздорнинг мол-мулкани реализация қилишдан эса суд ижрочилари бўлимнинг депозит ҳисобварағига фақат 30000 сўм келиб тушган. Мазкур ҳолатда ундирувнинг ҳар бир сўмига $30000 : (10000 + 20000 + 30000) = 0,5$ сўм тўғри келади. Демак, биринчи ижро ҳужжати бўйича $10000 \times 0,5 = 5000$ сўм, иккинчиси бўйича $20000 \times 0,5 = 10000$ сўм, учинчиси бўйича $30000 \times 0,5 = 15000$ сўм берилади.

XI МАВЗУ. ИЖРО ҲУЖЖАТИНИ ИЖРО ЭТМАГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

1. Ижро ҳужжатини банк ёки бошқа кредит ташкилоти томонидан ижро этмаганлик учун жавобгарлик
2. Жисмоний шахсларнинг ижро ҳужжатини ижро этмаганлик учун жавобгарлиги

1. Ижро ҳужжатини банк ёки бошқа кредит ташкилоти томонидан ижро этмаганлик учун жавобгарлик

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 11 - боби нормалари ижро ҳужжатини уни ихтиёрий равишда ижро этиш учун белгиланган муддатда узрсиз сабабларга кўра ижро этмаган ёки қарздор зиммасига муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёхуд бундай ҳаракатларни амалга оширишдан ўзини тийиш мажбуриятини юкловчи ижро ҳужжатларини узрсиз сабабсиз ижро этмаган қарздорларга нисбатан жарима чораларини қўллаш орқали ижро ҳужжатини қисқа муддатда ижро этилишини таъминлашга йўналтирилган.

Ижро ҳужжати топширилган банк ёки бошқа кредит ташкилоти пул маблағларини ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатини ижро этмаганлиги учун уларга хўжалик суди томонидан ундирилиши лозим бўлган сумманинг эллик фоизигача миқдорда жарима солинади.

Суд ижрочиси томонидан ижро ҳужжатларини ижро этиш жараёнида қарздор ва бошқа шахсларга солинадиган жарималардан фарқли равишда, ижро ҳужжатларини ижро этилмаганлиги учун масъул бўлган банк ёки бошқа кредит ташкилотига жарима солиш ҳуқуқи “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 81 - моддасига кўра фақат хўжалик судига берилган.

Ижро ҳужжатини банк ёки бошқа кредит ташкилоти томонидан ижро этилмаганлиги учун жавобгарлик масаласи суд ижрочисининг тақдимномасига асосан суд томонидан кўриб чиқилади. Суд ижрочиси, ижро ҳужжатини ижро этмаганлик учун банк ёки бошқа кредит ташкилотига жарима солиш масаласида судга мурожаат этишда кўрсатилган ташкилотларнинг жавобгарлиги куйидаги ҳолларда вужудга келишини эътиборга олиши лозим:

1. Ижро ҳужжатининг қарздордан пул маблағлари ундириш тўғрисидаги талабини уч кунлик муддат ичида ижро этмаслик (“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 4 - моддаси 2 қисми).

2. Банкда ёки бошқа кредит ташкилотида қарздорнинг ҳисоб варақлари мавжудлиги.

3. Қарздорнинг ҳисоб варақларида пул маблағлари мавжудлиги.

Агарда кўрсатилган шартларнинг лаққол биттаси мавжуд бўлмаса банк ёки кредит ташкилотининг жавобгарлиги вужудга келмайди.

Ижро ҳужжатидаги талабни банк ёки бошқа кредит ташкилоти томонидан бажармаслик, ҳаракатсизлик ёхуд ҳаракатда (масалан, ёзма рад этиш) намоён бўлиши мумкин.

Суд ижрочисининг банк ёки бошқа кредит ташкилотини “Суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатларни ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 81 – моддаси билан жавобгарликка тортиш тўғрисидаги аризаси ва банк ёки бошқа кредит ташкилотининг ижро ҳужжатидаги қарздордан пул маблағларини ундириш тўғрисидаги талаби бажарилмаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар хўжалик судига юборилади. Бу ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар нусҳаси эса жавобгарлиги масаласи кўйилаётган банк ёки бошқа кредит ташкилотига юборилади.

Умумий қоидадан келиб чиққан ҳолда ижро амалга оширилмаганлиги тасдиқловчи ҳужжатлар нусҳаси аризани тузган тегишли шахс (суд ижрочиси) имзоси ва суд ижрочилари тегишли бўлимасининг муҳри билан тасдиқланиш керак.

Суд ижрочисининг банк ёки бошқа кредит ташкилотини жавобгарликка тортиш тўғрисидаги аризаси хўжалик суди томонидан Хўжалик процессуал кодекси қоидаларига асосланган ҳолда куриб чиқилади.

2. Жисмоний шахсларнинг ижро ҳужжатини ижро этмаганлик учун жавобгарлиги

Қонунда жисмоний шахсларнинг ижро ҳужжатларини ижро этмаганлик учун жавобгарлиги назарда тутилган.

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 82 - моддаси ижро ҳужжатини ижро этмаганлик, шунингдек унинг ижросига тўсқинлик қилганлик қонунда назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 198-1 – моддасида қарздорнинг ижро ҳужжатини ижро этмаганлиги учун маъмурий жавобгарлиги назарда тутилган. Қарздорнинг ижро ҳужжатини уни ихтиёрий равишда ижро этилиши учун белгиланган муддатда узрсиз сабабларга кўра ижро этмаслиги ёки унинг зиммасига муайян ҳаракатларни содир этиш ёхуд уларни содир этишдан узини тийиш мажбуриятини юкловчи ижро ҳужжатини узрсиз сабабларга кўра суд ижрочиси белгилаган муддатда ижро этмаслиги, қарздор фуқарога энг кам иш ҳақининг 5 бароваридан 10 бароваригача, мансабдор шахсларга эса – 10 бароваридан 15 бароваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Суд ижрочиси қарздорга жарима солишда қуйидаги шартлар мавжудлигига ишонч ҳосил қилиш керак:

1) ижро ҳужжати қарздор томонидан суд ижрочиси белгиланган муддатда ижро қилинмаган. Бу муддат ижро иши юритиш кўзғатилган кундан беш кундан ошмаслиги керак;

2) ихтиёрий ижро этиш ҳақидаги таклиф расмий равишда чиқарилган қарорда баён этилган ва бу қарор чиқарилган кунининг эртасидан кечиктирилмасдан қарздорга топширилган. Кўрсатилган қарор нусхаси шу муддат ичида ундирувчига, судга ёки ҳужжат ижро қилиниши лозим бўлган бошқа органга ҳам юборилиши керак;

3) ихтиёрий ижро этиш тўғрисидаги таклиф қарздорнинг эътиборига албатта етказилган бўлиши керак;

4) ижро ҳужжатини ижро қилинмаганлигига узрли сабаблар бўлмаслиги керак. Узрли сабаб деб ижро ҳужжатини суд ижрочиси белгиланган муддатда ижро этиш имконини бермайдиган сабаблар тушинилади. Бундай сабаблар қаторига ижро ҳаракатларини кейинга қолдиришга ёки ижро иши юритишни тўхтатишга сабаб бўладиган ҳолатлар киради (“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 33-35 моддалари).

Суд ижрочисининг маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарори маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида баённома тузилмаган ҳолда чиқарилади ва алоҳида ижро иши юритиш кўзғатилмасдан ижро этилади. Қарздорга жарима тарзидаги маъмурий жазо суд ижрочисининг қарори билан қўлланилади ва бу қарор катта суд ижрочиси томонидан тасдиқланади. Суд ижрочисининг жарима солиш тўғрисидаги қарори устидан шикоят бериш ёки протест билдирилиши мумкин.

Суд ижрочисининг маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорида ижро ҳужжатини ижро этишнинг янги муддати белгиланиши керак.

Қарздор ижро ҳужжатининг фақат ўзи бажариши мумкин бўлган талабларини такроран узрсиз сабабларга кўра бажармаса, суд ижрочиси унга такроран жарима солади ва ижронинг янги муддатини тайинлайди. Маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг суд ижрочиси мулкий хусусиятга эга бўлган ижро ҳужжати бўйича мажбурий ижрони амалга оширишга киришади. Агарда ижро ҳужжати мулкий хусусиятга эга бўлмаган низолар бўйича берилган бўлиб, уни фақат қарздорнинг ўзи бажариши мумкин бўлса, қарздор кейинчалик яна узрсиз сабабларга кўра ижро ҳужжатини янги белгиланган муддатда ижро этмаса, суд ижрочиси унга нисбатан такроран маъмурий жазо (жарима) қўллаши мумкин.

Агарда ижро ҳужжатини қарздорнинг иштирокисиз ижро этиш имкони бўлса, суд ижрочиси унга биринчи бор маъмурий жазони (жаримани) қўлаганидан сўнг ижрони, қарздордан ижро ҳаракатларини бажариш ҳаражатларини ундирилган ҳолда, амалга оширади.

Шуни назарда тутиш керакки, қарздор унинг зиммасига муайян ҳаракатларни содир этиш ёхуд уларни содир этишдан ўзини тийиш, мажбуриятини юкловчи ижро ҳужжатини суд ижрочиси белгилаган муддатда узрсиз сабабларга кўра ижро этмаган тақдирда, суд ижрочиси унга нисбатан маъмурий жазо чорасини қўллади ва шу билан бир пайтнинг ўзида уни суд ҳужжатини ижро этишдан бош тортганлик учун жиноий жавобгарлик ҳақида оғохлантиради. Қарздор маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин ҳам суд ҳужжатини ижро этишдан бош тортган тақдирда, суд ижрочиси уни жиноий жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилишлик ҳақида тегишли ҳудуд бош суд ижрочисига (Суд департаменти ҳудудий бошқармаси бошлиғига) тақдимнома киритади.

Муайян ҳаракатларни содир этиш ёхуд уларни содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини юкловчи суд ҳужжатини бажаришдан бўйин тавлошни маъмурий жазо қўлланилганидан кейин ҳам давом эттириш, шунингдек суд ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилиш Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 232 - моддаси билан жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Қонунда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабни бузганлик учун жавобгарлик назарда тутилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 198-2 – моддасига кўра суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик, яъни қарздорнинг даромадлари ва мулкӣ аҳволи ҳақида нотўғри маълумотлар берганлик, ижро ҳужжатини йўқотганлик, ундирувни қарздорнинг иш ҳақидан ҳамда унга тенглаштирилган тўловлардан ушлаб қолиш учун юборилган ижро ҳужжатларини ижро этиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш тартибини бузганлик, шунингдек қарздор ўзининг янги иш, ўқиш жойи, пенсия ва бошқа даромадлар олиш жойи ҳақида маълум қилмаганлиги, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик кўйидагиларда намоён бўлиши мумкин:

- 1) қарздорнинг даромадлари ва мулкӣ аҳволи ҳақида нотўғри маълумотлар беришда;
- 2) ижро ҳужжатини йўқотишда,
- 3) ундирувни қарздорнинг иш ҳақидан ҳамда унга тенглаштирилган тўловлардан ушлаб қолиш учун юборилган ижро ҳужжатларини ижро этиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш тартибини бузишда;
- 4) қарздор ўзининг янги иш, ўқиш жойи, пенсия ва бошқа даромадлар олиш жойи ҳақида маълум қилмаганлигида.

Санаб ўтилган ҳолатларнинг ҳар бири мустақил равишда айбдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортишга асос бўлади.

XII МАВЗУ. СУД ИЖРОЧИСИНИНГ МАҚОМИ

1. Суд ижрочиси ва унинг ижтимоӣ ҳимояси
2. Суд ижрочиларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари
3. Суд ижрочисининг талабларини бажаришнинг мажбурийлиги
4. Суд департаментининг фаолиятини ташкил этиш

1. Суд ижрочиси ва унинг ижтимоӣ ҳимояси

Суд ижрочисининг ҳуқуқӣ мақоми оммавий субъект, яъни ҳокимият ваколатларини амалга оширувчи субъект сифатида бир неча элементларини қамраб олади.

Биринчи элемент суд ижрочилари корпусини шакллантириш, яъни суд ижрочиларини лавозимга тайинлашнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартиби билан таснифланади.

Иккинчи элемент суд ижрочиси фаолиятини тугатишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартиби билан таснифланади.

Учинчи элемент суд ижрочисининг ваколоти ҳамда уни амалга ошириш тартиби ва услублари таснифини ўзида акс эттиради.

Охириги элементни суд ижрочисининг давлат ҳокимиятини амалга оширувчи бошқа оммавий субъектлардан фарқ қиладиган ҳуқуқӣ мақомини ўзида акс эттирувчи элемент сифатида таснифлаш мумкин.

Суд ижрочиси ижро этувчи ҳокимият вакили сифатида, ижро ҳужжатларини ижро этишда ҳокимият ваколатларини амалга оширади.

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 83 - моддасига мувофиқ Ўрта махсус (юрӣдик) ёки олий (юрӣдик) маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси суд ижрочиси бўлиши мумкин. Қоида тариқасида, олий юрӣдик маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси катта суд ижрочиси бўлиши мумкин.

Суд ижрочиси лавозимига тайинлаш учун кадрларни танлаб олиш танлов асосида амалга оширилади. Катта суд ижрочилари ва суд ижрочиларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш Суд департаменти директори билан келишилган ҳолда Суд департаментининг ҳудудӣ - бошқармаси бошлиғи томонидан амалга оширилади.

Суд ижрочилари корпусини шакллантириш жараёни икки асосий босқичдан иборатдир:

1 босқич – суд ижрочиси лавозимига номзодларни танлаш;

2 босқич – суд ижрочиси лавозимига тайинлаш.

Суд ижрочилари корпусини шакллантириш жараёни бир неча этапларда амалга оширилади ва бу жараён “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти тизимида кадрлар захирасини шакллантириш, шунингдек, ходимларни лавозимларга танлаш ва тайинлаш тартиби тўғрисида”ги Низом⁴⁹ ҳамда “Суд ижрочиси лавозимига тайинлаш учун кадрларни танлов асосида саралаб олиш тартиби тўғрисида”ги Низом⁵⁰ билан тартибга солинган.

Суд ижрочилари корпусини шакллантиришнинг танловга асосланган куйидаги этапларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) суд ижрочилари захирасига киритиш тўғрисида ариза бериш. Ариза суд ижрочиларига қўйиладиган талабларга жавоб берадиган шахслар томонидан Суд департаментининг ҳудудий бошқармаларига берилади. Шунингдек, олий юридик ёки ўрта махсус (юридик) маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари суд ижрочиси лавозимига тайинланиши мумкин. Муқаддам судланган, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёхуд бошқа органлардаги аввалги хизмати давомида ўзини салбий, касбий ва ахлоқий фазилатларини номаён этганлиги сабабли, лавозимидан бўшатишган шахслар суд ижрочилари захирасига олинмайдилар;

2) суд ижрочилари захирасига киритилишни сўраб ариза берган шахсларни суд ижрочисига қўйиладиган талабларга жавоб беришини текшириш. Суд департаментининг ҳудудий бошқармасининг бошлиғи суд ижрочилари захирасига номзод бўйича тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиш ва суҳбатлашиш йўли билан уларни касб маҳоратининг даражасини, маънавий фазилатларини, қобилиятини, шунингдек, ҳуқуқ соҳасидаги тегишли тайёргарлиги ва малакасини аниқлайди. Шундан сўнг номзоднинг ва унинг яқин қариндошларининг судланганлик ҳолатини ўрганиш мақсадида тўпланган ҳужжатлар ҳудудий бошқармадаги Ички хавфсизлик инспекцияси бош инспектори (шўъбаси)га берилади. Ўрганиш натижаларига кўра Ички хавфсизлик инспекцияси томонидан номзод тўғрисида ижобий хулоса берилган тақдирда, тегишли Суд департаменти ҳудудий бошқармаси бошлиғи буйруғи билан номзод дастлабки захирага киритилади;

3) суд ижрочиси лавозими бўшаб қолган тақдирда бўш ўринларни эгаллаш учун танлов эълон қилинади ва бу ҳақида суд ижрочилари захирасида турган шахслар ёзма равишда хабардор қилинади. Танлов “Суд ижрочиси лавозимига тайинлаш учун кадрларни танлов асосида саралаб олиш тартиби тўғрисида”ги Низом талабларига риоя қилинган ҳолда ўтказилади;

4) танловда ғолиб чиққан шахс Суд департаменти директори розилиги билан Суд департаменти тегишли ҳудудий бошқармаси бошлиғининг буйруғига асосан суд ижрочиси лавозимига тайинланади.

Суд ижрочиси ҳокимият вакили ҳисобланади ва у хизмат вазифаларини бажараётганда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган намунадаги махсус кийимда бўлади.

Суд ижрочиларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда адлия органлари ходимлари даража унвонлари берилади.

Суд ижрочиларининг ижтимоий ҳимояси. Суд ижрочилари республика бюджети маблағлари ҳисобидан давлат мажбурий суғуртасидан ўтказилиши керак.

Суд ижрочилари ўз хизмат вазифаларини бажаришлари билан боғлиқ ҳолда майиб бўлган ёки уларнинг соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказилган ёхуд улар ҳалок бўлган тақдирда суд ижрочисига ёки ҳалок бўлган шахснинг оиласига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорда бирйўла бериладиган нафақа тўланади.

⁴⁹ “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти тизимида кадрлар захирасини шакллантириш, шунингдек, ходимларни лавозимларга танлаш ва тайинлаш тартиби тўғрисида Низом”. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2006 йил 12 октябрдаги 189-ум-сон буйруғи билан тасдиқланган). //Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишга оид қонун ҳужжатлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2007. – Б. 138-144.

⁵⁰ “Суд ижрочиси лавозимига тайинлаш учун кадрларни танлов асосида саралаб олиш тартиби тўғрисида Низом” (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2006 йил 21 декабрдаги 250-ум-сон буйруғи билан тасдиқланган). //Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишга оид қонун ҳужжатлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2007. – Б. 173-182.

Суд ижрочилари ўз хизмат вазифаларини бажаришлари билан боғлиқ ҳолда уларнинг мол-мулкига етказилган зарар республика бюджети маблағлари ҳисобидан қопланиб, бу сумма кейинчалик айбдор шахслардан ундириб олинади.

2. Суд ижрочиларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш функцияси бевосита Суд департаменти органларининг суд ижрочилари зиммасига юклатилган. Суд ижрочисининг процессуал ҳолати махсус норматив ҳужжат – “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солинади.

Суд ижрочиси мансабдор шахс ҳисобланади. Суд ижрочисининг ўз ваколатлари доирасидаги талаблари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча органлар жисмоний ва юридик шахслар томонидан бажарилиши мажбурийдир. Суд ижрочисининг ўз ваколатлари доирасидаги талабларини бажармаслик, шунингдек суд ижрочисининг суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш бўйича функцияларини бажаришига тўсқинлик қилиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликни келтириб чиқаради.

Суд ижрочилари ўзларига юклатилган мажбуриятларни бажариш учун маълум ваколатларга эга. Суд ижрочилари бўлимларининг суд ижрочиларидан ташқари Суд департаменти ва унинг ҳудудий бошқармаларининг айрим мансабдор шахслари ҳам суд ижрочиси мақомига эга.

Суд департаментининг директори лавозимига кўра Ўзбекистон Республикасининг Бош суд ижрочиси, ҳудудий бошқармаларнинг бошлиқлари тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг бош суд ижрочисидир. Суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш бошқармаси бошлиғи ва ҳудудий бошқармаларнинг суд қарорларини ижро этиш бўлимлари бошлиқлари лавозимига кўра тегишинча бош суд ижрочиларининг ўринбосарларидир.

Суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш бошқармаси ва ҳудудий бошқармаларнинг суд қарорларини ижро этиш бўлимлари ходимлари суд ижрочилари мақомига эга бўлади.

Бош суд ижрочиларининг ва улар ўринбосарларининг ваколатлари. Ўзбекистон Республикасининг Бош суд ижрочиси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг бош суд ижрочилари, шунингдек уларнинг ўринбосарлари:

- куйи турувчи суд ижрочиларидан ижро иши юритиш материалларини, ҳужжатлар ва ижро ҳужжатининг ижро этилиши жараёни тўғрисидаги бошқа маълумотларни текшириш учун талаб қилиб олади;

- ижро иши юритиш, шу жумладан у ёки бу ижро ҳаракатларини амалга ошириш бўйича ёзма кўрсатмалар беради;

- суд ижрочиларининг ноқонуний ва асоссиз қарорларини бекор қилади;

- суд ижрочиси ижро иши юритиш жараёнида қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйган тақдирда, уни ижро ҳаракатларини бундан буён амалга оширишдан четлаштиради;

- суд ижрочиларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорларига доир шикоятларни кўриб чиқади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Бош суд ижрочиси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг бош суд ижрочилари, шунингдек уларнинг ўринбосарлари бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Суд ижрочиларининг ҳуқуқлари. Суд ижрочиси ижро ҳаракатларини амалга оширишда куйидаги ҳуқуқларга эга:

- давлат органларидан ва бошқа органлардан, ташкилотлардан ҳамда уларнинг мансабдор шахсларидан зарур ҳужжатлар ва маълумотлар олиш;

- давлат органларига ва бошқа органларга, ташкилотларга ва уларнинг мансабдор шахсларига, шунингдек фуқароларга бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

- ишлаётган қарздорларга нисбатан корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижро этилишини ҳамда молиявий ҳужжатларнинг юритилишини ижро иши юритишга мувофиқ текширувдан ўтказиш;

- ижро иши юритишда иштирок этаётган шахсларга муайян ижро ҳаракатларини амалга ошириш масалалари юзасидан топшириқлар бериш;

- қарздорлар эгаллаб турган ёки уларга қарашли бўлган, қарздорга қарашли бўлган мол-мулк борлигини тасдиқловчи ҳужжатли маълумотлар мавжуд бўлганда эса бошқа шахслар эгаллаб

турган ёки уларга қарашли бўлган жойларга ва шу жумладан турар жойларга ва омборларга кириш, зарур бўлган ҳолларда жойлар ҳамда омборларни мажбуран очиш ва ҳолислар иштирокида кўздан кечириш, ўзга шахсларда қарздорга тегишли бўлган мол-мулк борлигини тасдиқловчи ҳужжатли маълумотлар мавжуд бўлмаганда эса бундай ҳаракатларни бошқа шахслар эгаллаб турган ёки уларга қарашли бўлган жойлар ва омборларда суд ажрими асосида амалга ошириш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ мол-мулкни хатлаш, хатланган мол-мулкни олиб қўйиш, сақлашга топшириш ва реализация қилиш;

- қарздорнинг банклардаги ва бошқа кредит ташкилотларидаги ҳисобварақларида, омонатларида турган ёки сақлаш учун қўйилган пул маблағлари ҳамда ўзга қимматликларини хатлаш;

- қарздор ва унинг дебиторларининг ҳисобварақларига ижро ҳужжатлари бўйича қарз суммаларни ундириш ҳақида инкассо топшириқномаларини қўйиш;

- олиб қўйилган мол-мулкни вақтинча сақлаш учун давлат мулкидаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлардан, мулкдорнинг розилиги билан эса, хусусий мулкдаги жойлардан фойдаланиш, бундай мол-мулкни сақлаш мажбуриятини тегишли шахслар зиммасига юклаш, ундирувчининг ёки қарздорнинг транспорт воситасидан мол-мулкни ташиш учун харажатларни қарздорнинг ҳисобига киритган ҳолда фойдаланиш;

- ижро ҳаракатлари амалга оширилаётганда асос бўлган ижро ҳужжатидаги талабларда ноаниқлик бўлган тақдирда, ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа органга уни ижро этиш тартибини тушунтириб беришни сўраб мурожаат этиш;

- ижро иши юритишда иштирок этувчи шахсларни чақириш;

- ижро йўғимларини, суд ижрочиси томонидан солинган жарималарни ва ижро харажатларини ундириш;

- қарздор жисмоний шахсга, унинг мол-мулкига ёки олиб қўйилиши лозим бўлган болага нисбатан қидирув эълон қилиш;

- ижро ҳаракатларини амалга оширишда юзага келган масалалар бўйича, шу жумладан ижро усули ва тартибини ўзгартириш масаласида судга ёки бошқа органга ариза билан мурожаат қилиш;

- ижро ҳаракатларини амалга ошириш давомида, зарур ҳолларда, ички ишлар органларининг ходимларига ёрдам сўраб мурожаат қилиш;

- ижро ҳужжатлари талабларини узрсиз сабабларга кўра ихтиёрий равишда бажармаган, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган қарздорларга нисбатан маъмурий жазо қўллаш, шунингдек суд ҳужжатларини ижро этишдан бўйин товлаган ёки суд ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилган шахсларни қонунда белгиланган тартибда жиноий жавобгарликка тортиш чораларини кўриш;

- “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунида белгиланган тартибда мол-мулкни баҳолаш;

- мол-мулкни баҳолаш учун мутахассисларни жалб этиш;

- қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетишига вақтинча чеклаш белгилаш ҳуқуқига эга.

Суд ижрочиси ижро ҳаракатларини амалга оширишда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Суд ижрочиларининг мажбуриятлари. Суд ижрочиси ўзига берилган ҳуқуқлардан қонунга мувофиқ фойдаланиши ҳамда ўз фаолиятида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари камситилишига йўл қўймаслиги шарт.

Суд ижрочиси:

- ижро иши юритишда иштирок этаётган шахсларга уларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

- ижро ҳужжатларининг ўз вақтида, тўлиқ ва тўғри ижро этилиши чораларини кўриши;

- ижро иши юритиш тарафларига ёки уларнинг вакилларига ижро иши юритиш материаллари билан танишиш, улардан кўчирмалар, нусхалар олиш имкониятини бериши;

- тарафларнинг ижро иши юритиш борасидаги аризаларини ва илтимосномаларини кўриб чиқиши, шикоят қилиш муддатлари ва тартибини тушунтирган ҳолда тегишли қарорлар чиқариши;

- агар ўзи ижро иши юритиш жараёнидан манфаатдор бўлса ёки унинг беғаразлигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса, ўзини ўзи рад этиши шарт.

Суд ижрочисининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам

бўлиши мумкин.

3. Суд ижрочисининг талабларини бажаришнинг мажбурийлиги

Ижро иши юритиш принципларидан қонунийлик принципи исталган ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг бош шарти сифатида биринчи даражали аҳамиятга эга. Бу шуни англатадики, суд ижрочиси ўз ваколатларини амалга оширишда қонунга асосланиши шарт. Шу муносабати билан суд ижрочисининг ўз ваколатлари доирасидаги қонуний талаблари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча органлар, жисмоний ва юридик шахслар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

Суд ижрочисининг ўз ваколатлари доирасидаги талаблари бажарилмаган тақдирда, у “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ кўйидаги чораларни куришга ҳақли:

- 1) ундирувни қарздорнинг пул маблағларига ва бошқа мол-мулкига қаратиш;
- 2) ундирувни қарздорнинг бошқа шахсларда турган пул маблағларига ва бошқа мол-мулкига қаратиш;
- 3) ундирувни қарздорнинг дебиторлик қарзига, шу жумладан қарздор ундирувчи сифатида иштирок этаётган ижро ҳужжати бўйича унга тегишли бўлган маблағларга қаратиш;
- 4) ундирувни қарздорга тегишли бўлган алоҳида мулкӣ ҳуқуқларга қаратиш;
- 5) ундирувни қарздорнинг иш ҳақи, стипендияси, пенсияси ва бошқа турдаги даромадларига қаратиш;
- 6) ижро ҳужжатида кўрсатилган муайян ашёларни қарздордан олиб кўйиш ва ундирувчига топшириш;
- 7) мулкни хатлаш тўғрисидаги суд ҳужжатини бажариш мақсадида қарздорнинг мол-мулкига, шу жумладан унинг ўзидаги ёки учинчи шахслардаги мол-мулкни хатлаш;
- 8) қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда мулкӣ ҳуқуқларни қарздордан ундирувчига ўтказиш, шу жумладан қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқни ўтказишни рўйхатга олишлик учун рўйхатдан ўтказувчи органларига мурожаат этиш;
- 9) ижро ҳужжатида кўрсатилган ҳаракатлар қарздорнинг шахсий иштирокисиз амалга оширилиши мумкин бўлса, бу ҳаракатларни қарздорнинг номидан ва унинг ҳисобидан амалга ошириш;
- 10) ундирувчини турар жойга мажбурий кучириб киритиш;
- 11) қарздорни турар жойидан мажбурий кўчириш;
- 12) турар жой бўлмаган хоналарни, омборларни қарздор ва унинг мол-мулкидан бўшатиш;
- 13) қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишни вақтинча чеклаш;
- 14) қонунда ёки ижро ҳужжатида назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш.

Юқоридан ташқари, фуқаролар ва мансабдор шахслар суд ижрочисининг чақирувига кўра унинг ҳузурига ёки ижро ҳаракатлари амалга оширилаётган жойга келишдан узрсиз сабабларга кўра бош тортган тақдирда улар суд ижрочисининг қарорига асосан мажбурий келтирилишлари мумкин.

Суд ижрочилари ўз ваколатларини амалга ошириши учун зарур бўлган ахборот, ҳужжатлар ва ҳужжат нусхалари уларнинг талабига кўра бепул ва суд ижрочиси томонидан белгиланган муддатда тақдим этилади.

Суд ижрочисининг талабларини бажармаслик, унинг зиммасига юкланган вазифаларни бажаришига монелик қилувчи хатти-ҳаракатлар содир этиш қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

Суд ижрочисининг қарори. Агар суд ижрочисининг ижро ҳаракатларини амалга оширишда қабул қиладиган қарорлари (ижро иши юритишни кўзгаатиш, ижро йиғимини ундириш, жарима солиш ва бошқалар) ижро ишини юритишдаги тарафлар ва бошқа шахслар манфаатларига дахлдор бўлса, суд ижрочиси тегишли қарор чиқаради, у ижро ишига кўшиб кўйилади.

Суд ижрочисининг қарорида қуйидагилар кўрсатилиши шарт:

- қарор чиқарилган сана ва жой;
- қарорни чиқарган шахснинг лавозими, фамилияси, исми ва отасининг исми;
- қарор қайси ижро иши юритиш юзасидан чиқарилганлиги;
- қарор орқали ҳал қилинадиган масала;
- қабул қилинаётган қарорнинг суд ижрочиси амал қилган қонунлар ва бошқа қонун

ҳужжатларини кўрсатган ҳолдаги асослари;

- кўрилатган масала бўйича ҳулоса;

- қарор устидан шикоят бериш ёки протест билдириш тартиби ва муддати.

Суд ижрочисининг маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарори маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида баённома тузилмаган ҳолда чиқарилади ва алоҳида ижро иши юритиш қўзғатилмасдан ижро этилади.

Суд ижрочисининг қарори устидан шикоят бериш ёки протест билдириш мумкин.

Хўжалик суди томонидан берилган ижро ҳужжати бўйича суд ижрочисининг чиқарган қарори устидан ундирувчи ёки қарздор томонидан ижро ҳужжатини берган хўжалик судига ёки бўйсунув тартибида юқори турувчи органга, мансабдор шахсга, қарор чиқарилганлиги ҳақида хабар қилинган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда шикоят берилиши мумкин.

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни 86-1 - модданинг биринчи қисмида назарда тутилмаган ҳолларда суд ижрочисининг қарори устидан қарор чиқарилганлиги ҳақида хабар қилинган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда суд ижрочиси жойлашган ердаги умумий юрисдикция судига ёки бўйсунув тартибида юқори турувчи органга, мансабдор шахсга шикоят берилади.

Суд ижрочисининг қарорига қонунда белгиланган тартибда прокурор томонидан протест келтирилиши мумкин.

Суд ижрочиларининг жавобгарлиги. Суд ижрочисининг хатти-ҳаракатлари устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органга (мансабдор шахсга) ёки судга шикоят қилиш мумкин.

Суд ижрочилари содир этган ҳуқуқбузарликлари учун қонунга мувофиқ жавобгар бўладилар.

Суд ижрочиси томонидан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда қопланиши лозим.

4. Суд департаментининг фаолиятини ташкил этиш

Суд департаменти суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш бўйича махсус ваколатли орган ҳисобланади.

Суд департаменти тизимига жойлардаги (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар) ҳудудий бошқармалар ҳамда суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлимлари киради.

Суд департаменти ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига, бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти тўғрисидаги Низомга амал қилади.

Суд департаменти юридик шахс ҳисобланади, Давлат герби тасвирланган ва ўз номи ёзилган муҳрга ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ очиладиган банк ҳисоб рақамларига эга.

Суд департаменти ўз фаолиятини бевосита ва ҳудудий бўлинмалар орқали амалга оширади.

Суд департаменти ўз фаолиятини судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат идоралари ҳамда ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширади.

Суд департаменти одил судловни амалга ошириш жараёнига аралаштиришга ҳақли эмас.

Судларни молиялаштириш республика бюджети ҳамда Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Давлат бюджетидан судлар таъминотига ажратиладиган маблағлар алоҳида сатрда кўрсатилади.

Суд департаменти Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан ходимлар умумий сонининг 10 фоизигача бўлган доирада қўшимча штат birlikларини таъминлашга ҳақли.

Куйдагилар Суд департаментининг *асосий вазифалари* ҳисобланади:

- суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг сўзсиз ижро этилишини таъминлаш;

- судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш ҳамда уни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

- суд ижрочилари кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш ҳамда уларнинг малакасини ошириш;

- суд ижрочиларининг самарали фаолият кўрсатишини ташкил этиш;

- судлар биноларини қуриш ва таъмирлаш учун ажратилган капитал маблағларни самарали ўзлаштириш ҳамда судлар фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирларини кўриш;

- судьялар ва судлар аппарати ходимларининг меҳнат шарт-шароитлари, моддий ва ижтимоий таъминотини яхшилаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни тегишли органларга киритиш;

- судьялар ва суд процессларининг хавфсизлигини таъминлаш ишларини ташкил этиш.

Суд департаменти органларининг фаолиятини ташкил этиш, вазифалари ва функциялари
Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

Суд департаментига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган Адлия вазирининг ўринбосари - Департамент директори бошчилик қилади.

Суд департаментининг директори Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган ўринбосарларга эга бўлади.

Суд департаментининг ҳудудий бошқармалари суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижро этилиши ишларини ташкил этадилар, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш ишларини амалга оширадилар.

Суд департаментининг ҳудудий бошқармалари юридик шахс ҳисобланади, бевосита Суд департаменти томонидан шакллантирилади ва маблағ билан таъминланади ҳамда ўз фаолияти тўғрисида Суд департаменти директорига ҳисоб беради.

Суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлимларига катта суд ижрочиси раҳбарлик қилади. Ижро ишини юритиш ва суд ижрочилари фаолиятини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Суд департаментининг марказий аппарати бошқармалари ва бўлимлари бошлиқлари, ички хавфсизлик инспекцияси ходимлари, ҳудудий бошқармалар бошлиқлари ва бошлиқ ўринбосарлари Суд департаменти директорининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг томонидан белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади. Марказий аппаратнинг бошқа ходимлари Суд департаменти директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

Ҳудудий бошқармаларнинг ходимлари (техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) ҳудудий бошқарма бошлиғининг тақдимномасига кўра Суд департаментининг директори томонидан белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

Катта суд ижрочилари ва суд ижрочилари ҳудудий бошқарма бошлиғи томонидан Суд департаменти директори билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

Суд ижрочиси лавозимга тайинлаш учун кадрларни танлаш танлов асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Суд департаменти директори кўйидаги ваколатларга эга:

1) Суд департаменти, унинг ҳудудий бошқармалари, шунингдек суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлимлари фаолиятига раҳбарлик қилади;

2) Суд департаменти ходимларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

3) Суд департаменти ҳудудий бошқармалари бошлиқларининг ҳисоботларини тинглайди;

4) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг қўйидагиларни киритади (тақдим қилади):

- Суд департаменти ҳудудий бошқармалари ва суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлимлари тўғрисидаги низомлар лойиҳаларини;

- Суд департаменти ваколатига тааллуқли масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини;

Суд департаменти ва унинг ҳудудий бўлимлари тузилмасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги таклифларни;

- Суд департаменти марказий аппарати бошқарма ва бўлим бошлиқлари, ички хавфсизлик инспекцияси ходимлари ҳамда ҳудудий бошқармалар бошлиқлари ва бошлиқ ўринбосарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш тўғрисида тақдимномаларни;

- Суд департаменти ходимларига мартаба даражаси бериш тўғрисида таклифларни;

- Суд департаменти ходимларини Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотларига тавсия этиш тўғрисидаги таклифларни;

- Суд департаменти фаолияти натижалари тўғрисидаги маърузани (ҳисоботларни);
- 5) белгиланган тартибда қуйидагиларни тасдиқлайди:
 - Суд департаменти, унинг ҳудудий бошқармалари ва суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлимларининг штат жадвалини;
 - Суд департаменти марказий аппаратининг бошқарма ва бўлимлари тўғрисидаги низомларни, ички хавфсизлик инспекцияси бундан мустасно;
 - 6) ўз ваколати доирасида Суд департаменти фаолиятини ташкил этиш масалалари бўйича барча ходимлар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар, кўрсатмалар ва фармойишлар чиқаради;
 - 7) ажратилган маблағлар доирасида Суд департаменти ходимларига устама ҳақи, мукофотлар ва бошқа рағбатлантиришлар тўлаш тартиби ва шартларини қонун ҳужжатларига мувофиқ белгилайди;
 - 8) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.
- Суд департаментининг директори Суд департаментига юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради.
- Суд департаментининг директори жойида бўлмаган тақдирда унинг ваколатларини ўринбосарлардан бири амалга оширади.
- Суд департаменти директорининг ўринбосарлари, бошқарма бошлиқлари, бўлим бошлиқлари ва бошқа ходимлари ўз фаолиятини Суд департаменти директори томонидан тасдиқланадиган функционал вазифаларга мувофиқ амалга оширадилар.
- Суд департаменти органларида хизматни ўташ, Суд департаменти органлари ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.
- Суд департаменти ходимларига эгаллаб турган лавозимига ва иш стажига мувофиқ махсус даражали унвонлар ҳамда мартаба даражалари берилади ва белгиланган хизмат муддати учун устама ҳақи тўлаб борилади.
- Суд департаменти органлари ижро иши юритиш ҳужжатларини ҳисобга олиш ва сақлашни қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ таъминлайди. Ижро иши юритишлардаги ижро ҳужжатларининг ва бошқа ҳужжатларнинг олиб қўйилишига фақат суд қарори асосида ёки Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига белгиланган тартибда йўл қўйилади.
- Ижро иши юритишларни олиб бориш, шу жумладан уларни шакллантириш, ҳисобга олиш ва сақлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.
- Суд департаменти Суд департаменти органлари томонидан қўзғатилган ижро иши юритишлари тўғрисидаги маълумотларнинг электрон базасини юритади.
- Ички хавфсизлик инспекцияси.* Суд департаменти тизимида Ички хавфсизлик инспекцияси ташкил этилади ва у қуйидаги ваколатларга эга:
 - Суд департаменти ходимлари томонидан ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар содир этилишини олдини олиш бўйича иш олиб боради;
 - ходимлар томонидан қонун ҳужжатлари талаблари, ижро интизومي ва хизмат этикаси бузилганлиги бўйича ҳар бир ҳолатни ҳар томонлама ва ҳолисона ўрганиб чиқади, хизмат текширувларини ўтказиши, шу жумладан молиявий-хўжалик соҳасидаги қонунбузарликларни ўрганиш учун иқтисодиёт ва молия соҳасидаги мутахассисларни жалб этади;
 - ходимларни лавозимдан озод этишгача бўлган интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида Суд департаменти директорига таклифлар киритади;
 - Суд департаменти органларини пок, виждонли ва касбий тайёрланган кадрлар билан таъминлаш учун номзодларни ўрганади;
 - Суд департаменти ходимларини улар фаолиятига ноқонуний аралашувлардан, уларнинг ва оила аъзоларининг шахсий ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига тажовузлардан ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўради.
- Ички хавфсизлик инспекцияси ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади. Суд департаментининг Ички хавфсизлик инспекцияси ўз фаолиятини тезкорлик, ҳолислик ва мустақиллик тамойиллари асосида амалга оширади. Ички хавфсизлик инспекциясининг ходимлари, шу жумладан ҳудудий бошқармаларда фаолият юритувчи ходимлари бевосита Суд департаментининг директорига бўйсундилар.
- Ички хавфсизлик инспекцияси тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири томонидан тасдиқланади.